


# ЖАРЛЫК ДАГЫ ТҮЙ

АЗАМАТ  
КОРЖОВОВ

Азамат ҚОРЖОВОВ

# ЖАРЛИКДАГИ ТҮЙ

*Хикоялар*



Тошкент  
«IJOD-PRESS»  
2018

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Қ59

**Тақризчи:**

**Мұхаббат ЙҰЛДОШЕВА**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Қоржовов, Азамат.

Жарликдаги тўй: ҳикоялар / А.Қоржовов. – Т.: IJOD-PRESS, 2017. – 272 б.

ISBN 978-9943-994-81-2

*Бу китобга Азамат Қоржововнинг қизиқарли ва сирли, мудҳии ва жумлобоқли, шу билан бирга инсоннинг мушкул тұсқыларни енгіб, ғалабага эришиши, иродасизларнинг эса таназзулға юз тутыши ҳақидагы кечмешшлари қаламга олинган ҳикоялари киришилген. Күнларнинг бирида хиёнаткор кимсаның тузогига тушкан аёл қандай оқилюна йўл тутгани, ярим кечаси кинотеатрда ёлғиз уйғонған йигиттинг қисмати ёки эрй ҳам, қайнилари ҳам, ҳатто қайнонасига ҳам ўғри бўлиб чиққан хона-донга келин бўлиб тушкан қизнинг кўргуликлари – барчаси қўлингиздаги китобда.*

**Abdulla Qodiriy nomidagi  
viloyat AKM**

**INV № 168746 - 2019**

УЎК: 821.512. 133-31

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-994-81-2

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2017

## ХИЁНАТ ОСТОНАСИДА

### I

Тошкентга күчиб келиб, метрода ҳар куни эрталаб ишга, ўқишига қатнайдиганларнинг кўпчилигини таниб қолдим. Бундан асло ажабланмадим. Шаҳарда шундайси, қайси кўчадан ҳар куни ўтсангиз, бола-бақрасидан тортиб, ит-мушукларигача қўзга таниш бўлади, аммо исмини, таржимаи ҳолини билмайсиз. Метрода ҳам шу. Минглаб одамлар ичидаги кимларнидир ҳар куни учрагасиз, ҳатто қайси бирларига кўзингиз тушганда, ишга сечикаётган-кечикмаётганингизни чамалайсиз.

Метро қишида иссиқ, ёзда салқин. Бекатларнинг ҳар йири музей, кошиона, ҳузурбахш роҳатхона. «Үйингнинг ёнида автобус бекати бор-ку, метрогача етти-саккиз дақиқа пиёда юриб зарилми?» дейдиганларга, кулиб ўя қолардим. «Ҳабиб Абдуллаев»дан «Мингўрик»кача селарканман, ҳамиша бўш жой топилади. Поезд ҳам суттирмайди. Мониторга қарайман. Уч дақиқа қолиби. Демак, айтилган вақтда поезд келади. Қўлимда ҳамиша китоб. Метрода китоб ўқиши баракали. На вақт ўтганини сезасиз, на шовқин-сурон хаёлни чалғитади. Шусиз ҳам аксарият йўловчилар халақит беришмайди: метрода кўпинча жим ўтиришади, хаёл суришади ёки ўхлашади. Қолаверса, машиналар сигнал бераб қувиб ўтмайди, қуёш қамаштирумайди, чиптачилар ҳам йўқ, светофорлар ҳам.

Оддий кунларнинг бирида «Метрода ёзилган таъих» номли китобни қўлтиқлаб ишга шошилдим. Метро ҳар кунгидек бағрини очди. Мониторга қарасам, поезд келишига беш дақиқа бор. Ўриндиқ чегига чўқдим-да, (одатда, ўриндиқ чегига ўтираман,

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Йүловчилар «нарироқ сурилинг» дейишиларини ёқтири-майман), мутолаага тутиндим. Асар йүлдан адашган аёл ҳақида эди. Эри, бола-чақаси, уй-жойи бұлған, хуллас, оиласы түппа-тузук хотин. Эри ичади. Ич-ғанда ҳам фирт пиёниста эмас. Хотинига бефарқдек бўлиб қолган, рўзгордан орттирган пулларини қаҳ-вахоналарда, чойхоналарда жигилдонига уради, қа-чонлардир ҳақ берган улфатларидан қарзларини зиё-фат билан узади. Орзуси шу. Аёл уни оила бағрига шошиладиган, севадиган эркакка айлантиришга кўп уринади. Охири чарчайди. Аммо дарров ёмон хаёлга борманг. Аёлгина аввал-бошда оиласига ростдан ҳам садоқатли бўлиб, бир ошхонада ҳалол ишлаб юради. Кунларнинг бирида яқин-атрофдаги банк ходими – уччиға чиққан хотинбоз уни ёқтириб қолади. Бахтга қарши банк ошхонадан атиги уч юз қадам нарида эди. Ходимлар баайни ўша жувон ишлайдиган ошхонада ҳар куни тушлик қилишарди. Тағин ошхона муҳити ёмон экан, деманг. Муаллиф ошхонани ҳам батафсил тасвирлаган: кенг хона, эллик чоғли стол, тўрда пеш-тахта, унинг ортида бир ошпаз хотин таом тортиш билан банд. Хўрандалар пештахтанинг нариги чети-га патнисда секин-аста силжийдилар ва йўл-йўлакай ўзларига нон, компот, чой, овқат, салатлар олишади, қошиқ-санчқилар ҳам хил-хили билан муҳайё. Ош-паз хотин эса улар кўрсатган таомлардан тақсимча ёки косага солиб беради. Кейин кассирнинг олдида тўхташади. Нақд пул ёинки пластик картада овқат ҳақи тўланади. Икки хизматчи қиз бўшаган столларни тозалаб, идиш-товоқларни ичкарига ташишади.

Муаллиф «ичкари» деганда, пештахта ортидаги эшикдан кириладиган бўлмани назарда тутган. У ерда овқат пиширилади, идиш-товоқ ювилади. «Метрод

ёзилган тарих» қиссасининг қаҳрамони ҳам айнан ўша ичкарида иккинчи ошпаз бўлиб ишлайди, овқат сотиши бўлимига деярли чиқмайди. Шунда ҳам бечорага иблиснинг ўзи тузоқ қўяди. Бир куни банк ходими ичкарида ишлайдиган гўзал ошпазни кўриб қолади-ю, унинг оиласи жувон эканига қарамай, йўлдан уришни кўнглига тугади. Йўлдан урганда ҳам, шундай урмоқчи бўладики, мабодо жувоннинг оиласи бузилса, барибир унга уйланмайди. Бунинг ҳаммаси кўнгилхушлик, шунчаки ишқий саргузашт, нафснинг буйруғи, жирканч томоша...

Китобни шу нуқтагача ўқиганимда, бекатга поезд кириб келди. Ўрнимдан туриб, беихтиёр ёнимдаги жувонга кўзим тушди. У поезд келаётган томонда, яъни чап тарафимдалиги учун ўрнимда бошқа одам бўлганида ҳам кўради. Негадир метрода гўзал қиз-жувонлар кўп учрайди. Жувон ҳақиқатан ҳам дилбар эди. Оқ кофтаси-ю бурмали қора юбкаси, турмакланган тим қора сочи-ю қайирилма киприклари, ҳатто елкасидаги сутранг сумкаси ҳам — бари ярашган, бари оҳанрабо.

Ўриндиқдан сариқ чизиқ четига боргунча кириб келаётган поезддан эмас, жувондан кўз узмаганимни сездиму бирдан кўзимни олиб қочдим. Гўзал ҳам сариқ чизиқقا етди. Вагонлар тўхташга тараддулдланиб биздан бир энлик наридан ўтиб борарди. Йккимиз ёнма-ён турардик. «Ҳабиб Абдуллаев» бекатидаги одатлардан бири шу эдики, поезд бекатга кирса, йўловчилар то поезд тўхтагунча вагонлар кетаётган томонга секин юра бошлишади, гўёки вагонлар уларни етаклаётгандек. Ҳалиги жувонда ҳам шу одат бор экан: вагонга секин эргашди ва менга урилиб кетаёди. Атайин жойимдан жилмадим. Поезд тўхтагунча нега юришим керак? Вагонга эргашиб кулгили-ку.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Бир жойда кутсангиз ҳам вагонлардан бири рұпаратан-  
гизда тұхтайди.

Әшиклар очилди. Поезд ғингиллаган овоз чиқарған-  
ча юрар вақтіни кута бошлади. «Хабиб Абдуллаев»дан  
вагонға чиқсам, албатта, үнг томонға үтирадим. Поезд  
олға силжиганда, чапдаги сұянчиққа сұянағи киши. Бу  
— бир. Иккінчидан, кейингі бекатлар чапда. Поезд ҳар  
гал тұхтаганда, китобдан бир зум бош күтариб, чароғон  
бекатни, турфа йүловчиларни, тек қотған навбатчи хо-  
димларни кузатаман. Ҳар бир бекат — театр саҳнаси.  
Ҳар бир бекат — янғи олам.

Халиги жувон рұпарамдан жой олди. Одатим бүйи-  
ча, қаршимдаги йүловчига бир марта, шунчаки назар  
солардим. Бироқ сохибжамолға тақороран қарағашға маж-  
бур бўлдим. Назаримда, у менға таниш эди. Ким бўлди  
экан? Аввал қаерда учратганман?

У ҳам менға нигоҳ ташлади. Кўзлари сочи каби тим  
қора эди. Кишига худди зимдан қизиқаётгандек боқар-  
ди. Китобларда таърифланадиган жодуваш кўзлар шу  
бўлса керак. Ҳойнаҳой, чиройли хотинини раشك қи-  
лавериб, эри аллазамондан бери ҳаловатини йўқотган-  
дир. Дарвоқе, вагонға бир қур кўз югуртириб, айрим  
эркаклар ҳам унга қараётганини кўрдим. Жувон ўзини  
бепарво тутишга уринса-да, теграсидаги нигоҳларни  
ҳис этиб, аламзадалик-ла бир нуқтага тикилганди.

Китоб саҳифаларига шўнғидим. Асардаги ошпаз аёл  
йигирма олти-йигирма етти ёшларда бўлиб, қора соч,  
чарос кўз экани айтилганди. Юқори лаби устида, чап  
томонида нуқта холи бор.

Нуқта хол?

Шу пайт билинар-билинмас, кичик нуқта шаклида-  
ги холни рұпарамда үтирган жувонда ҳам кўрганимни  
эсладим. Шунинг учун таниш туюлаётган экан-да. Қар-

шимдаги йұловчига яна бир қарагим келди. Үқиётган китобимдаги қаҳрамон билан метрода учраган жувоннинг эгизаклардек үхашашигидан ажабланаётгандим.

Бироқ нигоҳимни ярим йұлда тұхтатдым. Яна юзига тикилишім керакми? Сурбетлик әмасми? Йұқ, яхшиси, «Бодомзор» бекатигача сабр қиласман. Ҳар бекатда, табиийки, очиқ әшик ортидаги манзарага боқаман. Аёлнинг сеҳрли чехрасига ҳам йұл-йұлакай бир қараб үтаман.

Таассуфки, ярим йұлда тұхтатған нигоҳимни у сезиб қолған әкан, юбкаси этакларини тортиб, оёғини бекитишга уринди. Дув қизарғанимни сездим. Алах, құлымда китоб, нималар қиляпман?

Кейин үзимни оқлашга уриндим: «Хотин-қизлар ҳам қызық. Метрода, әркак кишининг қаршиисида үтиришга үнғайроқ лиbos кийишга қачон үрганишади?! Нима, фақат биз айбормизми? Күз тасодифан бұлсада, кимларнингдир оёқларига, кимларнингдир құллагрига қараб қўйиши мумкин...»

Китобдан бош күттармасликка аҳд қилдим. Қиссадаги қаҳрамон эридан меҳр истаб түймасди. «Севаман» дейишини, «Сенсиз яшолмайман, үзимни башқа аёл билан бир оила сифатида тасаввур қилолмайман» деб ишонтиришини истарди. Эри эса...

— Ойлигинг икки юз минг сүмга камайдими? — деб сүрайди кунларнинг бирида.

— Йұқ, — дейди ошпаз жувон, — онамга бердим.

— Онангга? — Күzlари чақчайиб, юзида сон-саноқсиз буришлар пайдо бўлади эрининг.

— Аниқроғи, дори олиб бердим.

— Аканглар-чи?

— Дадаси, акамлар вафот этган! Ичавериб, эс-хүшингизни едингизми?

— Аканглар деб анави... амакингларни айтяпман. Ичишимни дарров юзимга солма! Ё бир умр юзимга солиб ўтасанми? Агар ортиқча пулим бўлганида, икки юз мингни сўрармидим сендан? Мен ҳам эркакман! Жа одам сонидан чиқариб қўйма, тушундингми? Пулим кўпайса, устингга хотин олиб, кўзингни мошдай очиб қўймасам, ҳаддингдан ошиб кетяпсан! Хотинларнинг ҳаммаси «Пул, пул!» дейди! Пул бўлса бас, хотин зотининг жафи юмилади!

Аёл хўрсинади. Бир куни эрига қўнғироқ қилганида, улфатларининг қаҳқаҳаси орасида мастилааст хотинларнинг ҳам овози эшитилади. Ўшанда пальто олиш учун тишининг ковагида йиғиб юрган пулини тутқазган эди. Наҳотки, ўзи пальто олиб бериши керак бўлган эр, аксинча, хотинининг бор-будини кўчадагиларга сарфляяпти, туғилган кунини уларга нишонлаб беряпти? Дунёга шундай эрнинг келиши чиндан-да кўчадагилар нишонласа арзидиган байрам экан-да? Чўчқа чўчқага, оққуш оққушга бежиз интилмайди...

Китобдаги қаҳрамон яна хўрсинган эди, ногаҳон метродаги аёл ҳам хўрсинди. Поезд «Юнус Ражабий» бекатида тўхтагач, у сумкасини елкасига қулайроқ қўндириб, бош эгганча вагонни тарк этди. Зинадан кўтарилаётганини кузатар эканман, китобдаги аёл ва ташқи дунёдаги хушсурат жувонни бир аёл деб тасаввур қилдим. Ҳойнаҳой, метродаги аёл ҳам ошпаз бўлса керак.

## II

Эртасига ҳар доимгидек яна «Ҳабиб Абдуллаев» бекатида поезд кутардим. Одамлар вагонларга секин эргашиб, ён-веримдан ўтиб кетишиди. Ҳеч ким менга тўқнашмади, кечаги холли жувон ҳам кўринмади. Ўйлаб қолдим: уни фақат кеча кўрдимми? Китобни ўқи-

масимдан илгари ростдан-да учратмаганмиканман? Назаримда, лаби устидаги холи, гүзаллиги, китоб қаҳрамони каби маҳзунлиги эътиборимни жалб этган эди. Китобдаги ҳаёт ва ҳақиқий ҳаётни аралаш-куралаш қилиб юбораётгандим.

«Мингўрик»ка етдик. Ер ости йўлидан «Ойбек» бекатига ўтиш учун зинага бурилдим. Эндинга тутқичдан ушламоқчи эдим, орқамдаги аёл:

— Тегманг! Бўялган! — деди.

Тутқичнинг бир неча жойига қофоз ёпиширилғанини, рус тилида, бунинг устига оддий ручкада билинар-билинмас «Окрашено» деб ёзиб қўйилганини энди пайқадим. Ортимга ўгирилиб, огоҳлантирган аёлга миннатдорчилик билдиридим ва...

...бир неча қадам ташлаб, яна ўгирилдим. Негаки, сал орқароқда, ёш йигит-қизлар ортида кечаги аёлга ўхшаш чеҳра рӯё сингари қўринган эди. Йўқ, рӯё эмас экан. У, айнан у. Кўзларимиз учрашди. Шубҳасиз, биз бир-биримизни танидик.

Ер ости йўлидан «Ойбек» бекати сари кетарканман, ортимдан нигоҳи қадалганини сезиб боравердим, қулоқларим ҳам ўнлаб қадам товушлари орасидан пошнасининг сасини илғайверди. Ҳусндор жувон ҳақида бошиданоқ ҳеч қандай ёмон хаёлга бормагандим. Ўқиётган китобимдан чиқсан тирик қаҳрамон сифатида ҳайратлантираётганди, холос. Агар касби ростдан ошпаз бўлсами?! Ҳайратдан ёқа ушласам керак. Балки эри ҳам нобопдир?! Оиласига баҳт улашишдан кўра, улфатлари билан майшатхўрлик қилишни авло кўрар?!

— Сенга нима?! — шивирлади лабларим. — Шаҳарда тақдирлар кўп учрайди. Бу ҳали бошланиши. Жиддий бўл. Ҳар бир учраган қисмат эгасига чалгийверма.

Ер ости йўлининг ўртасига етганимда, «Ойбек» бекатига ўтиш учун зинага бурилдим.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

катига яқинлашаётган поезд шовқини эшитилди. Бундай пайтда ўнг қулоғимга құлимни қўйиб, диққат-ла тинглардим. Олисдан фидиракларнинг кучли тарақатуруқи эшитилса, демак, у «Космонавтлар» бекатидан келаётган менинг поездим. Биринчи йўлда, «Ойбек» метросига етмасдан икки юз қадамлар нарида рельслар уламасидан шунаقا овоз чиқади. Поезд бекатда тўхтагунча улгuriш учун югуришим керак. Мабодо поезд бекатга кириб келса-ю, ер ости йўли устидан ўтган кўприкда тарақласа, бу иккинчи йўл, яъни «Тошкент» бекатидан келган поезд. Рельс уламаси кўприк устидаги. Мен ҳеч қаёққа шошилмайман.

Мана, фидиракларнинг шиддат-ла тарақлагани олисдан қулоққа чалинди, демак, «Космонавтлар» томондан поезд яқинлашяпти. Қадамимни тезлатиб, жувонни анча орқада қолдириб кетдим-да, зинадан кўтарилиб, «Ойбек» бекатига чиқдим. Поезд тўхтаб, эшикларини очган, ҳадемай юраман, дегандек гувилларди.

Биринчи вагонга ўтириб, китоб саҳифаларига кўз тикдим. Буни қарангки, қиссадаги ошпаз жувон ҳам ишга метрода қатнар экан. Шунинг учун асар номи «Метрода ёзилган тарих» экан-да. Эри кўп ичиб, бирор чойхонада ётиб қолганида, эртасига хотинини метро бекатларидан бирида кутаркан. Хотинидан тушлик учун пул олади, кечқурун уйга боришини айтади ва ишхонасига — метронинг охирги бекати яқинида жойлашган устахонасига жўнайди.

— Расво, — дедим ўзимга ўзим.

«Тошкент» бекатида вагондан тушдим. Ишга вақтида етиб келдим. Ҳамкасбим Сардор қаҳва дамлаб, ким биландир баланд овозда уришарди.

— Узр, — деди у телефонини ўчириб. — Кеча хоти-

ним билан жанжаллашиб қолдим. Бугун эрталаб жанг-ни телефонда давом эттирипти, товуқмия.

— Жанжал сабаби нима эканини билмайману, — дея стулимга ўтиридим, — лекин айб сиздан ўтган. Жиззакисиз, феълингиз тор. Бунинг устига димоғдорсиз. Хотинни менсимайсиз. У ўқимагани, қишлоғидан бошқа жойни кўрмагани учун айборми? Сиз ҳам ўта маданиятли эмассиз. Ўша қишлоқдан чиқиб, шаҳарда ўқиб, ишга қолган олифтасиз. Хафа бўлманг, эски қадрдон-лар аччиқ ҳақиқатни ичларида сақламайдилар.

Сардор менга анграйиб қараб қолди.

— Арвоҳ ургур, фолчи-полчи эмасмисиз? Кеча биттасининг «смс»ини кўриб қолиб, жанжал қиляпти. Айб мендан ўтганини тан оламан, лекин «смс» муаллифи маъшуқам эмасди, шунчаки кўчадаги беэтаклардан бири эди. — Сўнг китобимнинг номини ўқиди: — «Метода ёзилган тарих». Қизиқ китобми?

— Ўқиса бўлади.

— Мени китоб қизиқтиrmайди, пул топишим керак, пул. — Сардор қаҳва ҳўплади. — Кўряпсиз, хотин кетаман деб қўрқитяпти. Бирортаси билан гаплашиб юрсам, хотиннинг кетишидан қўрқмайман. Бунинг учун пул етарли бўлиши шарт. Нима дедингиз?

— Ёш боланинг гапи.

— Нима?

— Кечирасиз, «ёш боланинг гапи» деб тилимни гуноҳга ботирдим. Болалар бунақа bemânyi гапни гапирмайдилар.

— Ҳа, ёш бола деб сизни айтса ярашади, — деди Сардор. — Биз ишлаётган бу компания ҳисоб-китобларга асосланган савдо ташкилоти, ҳаммамиз ҳисобчи-лармиз, иқтисодчилармиз, аммо сиз бадиий китобга қизиқасиз. Майли, қизиқинг, муккасидан кетгансиз.

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

Сизнингча, шу китобларда ҳақиқат ёзилганми? Ҳаммаси тұқиб чиқарылади, ёлғон-яшиқ, олди-қочди, ҳақиқий ҳаётдан узоқ воқсалар. Ҳисоб-китоб эса ҳеч қачон алдамайди.

— Бундан чиқди, бизнинг ҳаётимиз бадий китоб әмас, бухгалтерия ҳисоб-китобими? Даҳшатли ҳақиқат, дүстим. Ҳар бир айтган гапингиз, ҳар бир хатти-харакатингиз учун ҳисоб-китоб бүйича жавоб беришни ўйлаганингиз яхши одам эканингиздан дарап беради.

— Кўйсангиз-чи, мулла! — кулиб юборди Сардор.

### III

Ишдан қайтаётиб яна китобга эгилдим. Метронинг гувиллаши, «Эҳтиёт бўлинг! Эшиклар ёпилади!» деган огоҳлантиришлар, бекатлар номининг эълон қилиниши, фала-ғовурлар — ҳеч нарса хаёлимни чалфитолмади. Китоб қаҳрамони — лаби устида нуқта холи бор гўзал ошпаз жувонга банкда ишлайдиган хотинбоз эркак ошиқу шайдо бўлгач, вазият борган сайин таранглаша бошлайди. Банк ходими ошхонада тасодифан эшитадики, ошпаз жувон ёмон йўлга кирмайди, аммо эри ичади, хотинига меҳрибон әмас, совға-саломлар бермайди, пулдан ҳам қисади. Шунда қанақа тузоқ иш беришини кеча-ю кундуз ўйладиди ва ниҳоятда айёрлик билан бир режа ишлаб чиқади. Дабдурустдан гап отса, телефон рақамини сўраса, совға берса, оҳу ҳуркиб кетиши мумкин эди.

— Овқатлар жуда мазали бўлибди, — дейди у кунларнинг бирида официант қизга. — Фазлихон опа пишридиларми?

— Йўқ, Сунбул опамлар тайёрлади.

— Ким у? — ўзини ҳайронликка солади банк ходими.

— Танимайсиз. Ичкарида ишлайдиган ошпаз опам.

Эртасига банк ходими тушликка кеч чиқади. Узоқ

овқатланиб, официант қыз яқынлашишини кутади. Қыз идиш-товоқларни йиғишириб, столларни арта бошлагач, банк ходими ўзини худди телефонида пул тугаб қолгандек тутади.

— Кечирасиз, телефонингизни бир дақиқага бериб туролмайсизми? — сұрайди қыздан.— Ишхонага құнғироқ қилиб олай.

Қыз таниш хұрандага телефонини бажонидил узатади. Банк ходими ишхонасига шунчаки құнғироқ қылган бұлади-да, телефондаги исмлар рүйхатини очади ва «Сунбул» деган исмни ахтаради. Хизматчи қыз ичкарида ишлайдиган ошпазнинг телефон рақамини «Сунбул опа» деб сақлаб қўйганди. Кеча исмини аниқлаганди, бугун телефон рақамини. Таассуфки, кўпинча ёмонларга омад кулиб боқади.

Ўша куни банк ходими ошпаз жувоннинг телефон рақамидан битта сон фарқ қиласидиган абонентларга құнғироқ қиласиди. Бири талаба қыз, иккинчиси шаҳар марказидаги мавzedан озиқ-овқат дўкони очган эллик беш-олтмиш ёшлардаги Гулсара исмли тадбиркор бўлиб чиқади. Банк ходими тадбиркорни нишонга олади. Бир кундан сўнг унинг дўконига бориб, харидлар қиласиди-да, кеча тасодифан телефонига тушиб қолган одам ўзи эканини айтади. Эртасига яна кириб ўтади, учинчи куни ҳам. Шу билан тадбиркор хотиннинг харидор-танишига айланади. Сухбат асносида ўзи ҳам озиқ-овқат дўкони очмоқчи эканини, аёли билан ажрашганини айтади. Уйланса, хотинини дўконига сотувчиликка қўйиб, ўзи мол келтириш билан шуғулланишини гапи орасида қистириб ўтади. Тадбиркор ўз билганича укахонидан маслаҳатларини аямайди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, банк ходими, Сунбулнинг рақамига құнғироқ қиласиди:

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Алло, яхшимисиз, Гулсара опа? Дүконда нима гаплар?

— Узр, мен Гулсара опа эмасман, — дейди Сунбул.

— Алло, алло, антенна йўқ жойдамисиз? Бу дунёда баҳт йўқ жойлар борлиги қаби антенна йўқ жойлар ҳам бор-а!..

Сунбул шу заҳотиёқ алоқани узади. У кўча-кўйда, ишхонасида, интернетда ва албатта телефонда ҳам бегона эркаклар билан валақлашмасди. Буни хотинбоз сайд ўхши билгани учун ҳам сиртмоқни анча узун ташлаб, Сунбулнинг рақамидан битта фарқ қиласидиган телефон соҳибаси — тадбиркор хотин билан олдинроқ танишиб кўйганди.

Қайтадан рақам теради.

— Гулсара опа, мен Дилбекман, нега ўчириб кўйдингиз? Бугун дўконингизга кириб, бизнесим бўйича маслаҳатлашмоқчи эдим...

— Менга қаранг, — аччиқланади Сунбул, — кап-катта, туппа-тузук эркакка ўхшайсиз, уялмайсизми шунаقا ўйин қилишга?

— Ие, — ўзини ҳайронликка солади банк ходими, — Гулсара опамнинг телефони сиздамиди? Кечирасиз, дўкон очаётгандим, баъзи бир маслаҳатлари...

— Гулсара опангизни танимайман. Рақам теришдан аввал эътиборлироқ бўлинг.

Банк ходими шоша-пиша Сунбулнинг рақамларини айтади.

— Ҳа, бу менинг рақамим. Ким берган бўлса ҳам, адашибди, — деб Сунбул телефонини ўчиради.

Иш вақти тутаб, ошпаз жувон бекат сари жўнаганида, банк ходими учинчи бор қўнфироқ қиласиди.

— Акамисиз, укамисиз, эшитиб кўйинг! — дейди Сунбул. — Бу менинг рақамим! Ҳеч қанақа Гулсара

опангизни танимайман! Рақамини ким берган бўлса, боринг-да, ўзидан сўранг!

— Мендан ёшга ўхшайсиз, — жўрттага жаҳлана-ди банк ходими ҳам, — гапга қулоқ солинг! Ёшим ўтиз учда, ўн беш ёшли ўспирин эмасман. Сиз билан ўйин қилиб нима зарил! Бунинг устига хотиним билан ажрашганман. Қариндош-уругим уйланасан деб қўй-маяпти. Ҳойнаҳой, турмуш қурган, бола-чақали, эрли аёлга ўхшайсиз. Уйланмаётганим учун яқинларимдан эшитганимни эшитиб юрганим етмагандек оиласи аёлга гап отаманми? «Ана, уйланмаганинг учун бироннинг оиласини бузишгача бординг» деган маломатга қолайми энди?! Садинжон кўчасидаги озиқ-овқат дўкони эгаси Гулсара опа билан қўнфироқлашиб тураман. Кеча телефоним ишдан чиқиб, рақамларни янги телефонимга кўчиргандим. Балки ўшандада бирорта рақами янглишиб хато ёзгандирман. Бўлиши мумкин-ку, ахир!

— Билмадим. Қисқаси, бу телефон меники. Ортиқ безовта қилманг. Эркак кишисиз. Ваъдангизда турасизми?

— Эркак ваъдасида туради. Ваъдасига вафо қилмаган эркак ҳам эркакми?

— Бўпти, унда ваъда беринг. Менга қайтиб қўнфироқ қилмайсиз.

— Аввал айтинг, неча ёшдасиз?

— Ҳаддингиздан ошяпсиз!

— Тўхтанг! Ўттиз уч ёшда эканимни билдингиз, мендан каттамисиз, кичикмисиз, шуни билмоқчи-ман, холос.

— Кичикман.

— Ҳа, овозингиздан ёш аёл эканингиз сезиляпти. Бизнес аҳли шунаقا, факт тасдиқланмагунча фол оча-

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

---

вермайди. Гапнинг қисқаси, менга сингил экансиз. Сиздан ака сифатида каттадан-катта узр сўрайман, — самимий кулишга уринади банк ходими. — Мени кечирасизми, синглим?

— Кечирим сўрашингиз шартмас. Бошқа безовта...

— Тўхтанг! — дейди яна банк ходими. — Мен телефонда кимларнингдир бошини қотириб юрадиганлардан эмасман. Ишонмасангиз, рақамингиздан битта пастдаги рақамга қўнфироқ қилиб кўринг. Сизни алдамаганман.

— Хўп, хайр, — Сунбул қуруққина хайрлашиб, алоқани узади.

Банк ходими озроқ умид борлигидан суюнди. Телефонда гаплашаётганида «синглим» дейиш ўрнига «Сунбул» деб юборишига сал қолгани учун бош чайқаб, тилини такиллатди...

Китобдаги воқеалар шу жойга етгач, поезд «Ҳабиб Абдуллаев» бекатида тўхтаб, вагоннинг ўнг томонидаги эшиклар очилди. Хаёлим китобдаги воқеаларга чулғанганди. Хотинбоз ўзи овқатланадиган ошхонадаги гўзал ошпазга иблисона тузоқ қўйиб, уни «синглим» деб атай бошлади. Ошпаз жувон макрни сездимикан? Ё билса-да, «Эримдан тўйдим, ҳаётим зерикарли, меҳрни кўм-саяпман» дедимикан ичиди? Бироннинг кўнглини билиш ҳамиша ҳам осон кечмаган.

Олдинда кетаётган йўловчи хотин-қизларнинг кўпчилиги тор ва калта кийинган эди. Уларнинг ортидан зинадан кўтарилишга уяларди киши. Мен ҳам китобдагидек бирига фаразли ниятда «синглим» деб мурожаат қилолармиканман, деб ўйлаб қолдим. Тилим «сингил» деган сўзга айланармикан? Бу сўз «она» каби муқаддас сўзлар қаторига кирмайдими?

• Йўловчилар орасидан лаби устида холи бор нотаниш

жувонни беихтиёр ахтараётганимни сездим. «Метрода ёзилган тарих» номли китобни ўқиётганимдан бери метрода ўша аёлга дуч келмоқда эдим. «Кимсиз?» деб сўрасаммикан? Йўқ, сўрамайман. «Фалон ошхонада ошпазман, исмим Сунбул» деса, жинни бўлиб қолишим ҳеч гап эмас.

#### IV

Уйдан ҳар кунгидан эрта чиқдим. Бугун «Ҳамид Олимжон» бекатига боришим, бошқармага бир хужжатни топширишим керак эди. «Юнус Ражабий»дан «Амир Темур хиёбони»га элтувчи ер ости йўлаги «Минг ўрик» ва «Ойбек» бекати ўртасидаги йўлакдан узун эди. Яқинлашаётган поезд овозини эшитдим, лекин югурмадим. Зиналар ҳам «Ойбек» бекатидагидан икки баравар кўп эди. Бироқ бу ерда ҳам менга ўхшаб поездга югуриб етuvчилар бор экан. Ёнгинамдан бир аёл шитоб-ла ўтиб кетганида, мийифимда кулиб қўйдим. Кейин эса «Бўлиши мумкинмас» деб юбордимда, қадамимни тезлатдим. Бу ўша эди! Мен ўқиётган китобдан чиққан қаҳрамон!

У чап зинадан «Амир Темур хиёбони» бекатига кўтарилиди. Изма-из келаётганим учун бирдан тўхтаган эди, урилиб кетаёздим.

— Намунча йўқолдинг? — сўради унга юқорида рўпара бўлган эркак.

— Телефон қилганингиздан кейин ҳеч қанча вақт ўтмади-ку, — деди жувон. — Поезддан қолиб кетмай деб югардим. Шу бекатда кутишингизни айтсангиз бўлмасмиди?

— Кўп гапирма! Опкелдингми?

— Мана.

Жувон узатган нарсага қаралиму сесканиб тушилим

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Лаби устида холи бор жувон эркакка мингталик сүмлардан ўттизтасасини узатаётган эди. Аниқ эслайман, саксон биринчи бетда, китобдаги ошпаз жувон ҳам пул тутқазади, худди шу кайфиятда, худди шу қиёфадаги заҳил юзли эрига.

Карнайдан иккинчи йўлдаги поезднинг яқинлашувидан огоҳлантирувчи сигнал янгради. Фурсат ўтмас юзимга шамол урилиб, бекатни шовқинга тўлдиргунча поезд кириб келди. Нариги бекатга – «Ҳамид Олимжон»га жўнадим. Одатда нариги бекатда тушувчилар ўтирумайдилар, эшик олдида тик туриб, ойнадаги ўз аксларига термуладилар, соchlарини текислаган бўладилар. Мен эса бундай қилмадим. Икки кўзим бекатдаги эр-хотинда эди. Унинг ҳам эри ичиб, гоҳида аллақаерларда тунаб, эрталаб метрода хотинидан йўлкирага ва тушликка пул оларкан-да.

Бошқармадаги ишимни тезда якунлаб, изимга қайтдим. «Тошкент» бекатигача бир неча саҳифа ўқидим. Китобдаги ошпаз жувонга пул зарур бўлиб қолади. Онасини кўргани бориш керак. Шунчаки кўргани эмас, дори-дармондан ёрдам бериши лозим. Эри ўзининг топган-тутганини сарфлаб тугатади, хотинини кўз олайтиради. Ошпаз ҳар куни тушликка келадиган хўрандалар орасидаги банк ходимларига гоҳо ҳавас-ла нигоҳ ташлаб қўяди. Қанийди эри ҳам шулардек оқ кўйлак, қора шимда юрса, ишибилармон ва ўқимишли бўлса. Пешонаси шўр эканки, ичувчи, чекувчи, масъулиятсиз, бемеҳр инсонга турмушга чиқди. Пулни кам топяпсан, демайди, аммо ичмасин, хиёнат қилмасин, хотинига меҳрли бўлсин. Айрим аёллардек ошпаз жувон ҳам қасдма-қасдига хиёнат йўлига кирсами...

– Йўқ! – қўлидан чўмич тушиб кетади ошпазнинг

Шу пайт телефонига «смс» келади: «Мени кечирдингизми, синглим?»

Сунбул ҳам ўша официант қыздан телефонини бир дақиқага сұраб олади-да, ўз рақамидан битта фарқ қилювчи абонентга құнғироқ қиласы.

— Алло, Сурайё опанинг телефоними бу? — деб сүрайди ёлғондан.

— Бошқа жойга тушдингиз, — дейди Гулсара опа.

— Кечирасиз, сиз Садинжон құчасидаги дорихонада ишлайсизми?

— Йүқ, — ҳайрон бұлади Гулсара опа ибисінде да-лоллик қилаётганини ўзи ҳам билмай, — озиқ-овқат дүкөнини юритаман. Кимсиз? Рақамимни ким берди?

— Узр, адашибман.

Сунбул құрадики, ҳалиги эркак алдамаган, ростдан ҳам янглишиб унга тушиб қолған.

— Бечора виждон азобида роса қийналяпти шекилли, — дейди ўзига ўзи ва «смс»га жавоб юборади: «Кечирдім».

Орадан бир неча сония ўтиб, жавоб қайтади: «Рахмат. Бизга нима хизматлар бор, сингилжон?» Негадир Сунбулнинг күнгли қувончга тұлади. Қизиқ одам экан. Айбини ювиш учун бирор хизмат буюради деб ўйлаяпти. Шартта жавоб ёздади: «Хеч қандай хизмат йүқ, ақа».

Жавоб келади: «Бирор ёрдам керак бўлса тортинмай айтаверинг. Сизни хафа қилиб қўйганимдан хижолатдаман».

Сунбул ишига уннайди. Бир соат ўтади, икки соат ўтади, ҳеч чидаёлмайди. Ёзсанми, ёзмасанми, деб иккапланади, иккапланади, ахийри...

Телефони жириңглайди. Эри сим қоқмоқда эди.

— Оғайниларим билан Чорвоққа, дачага кетяпман, — дағал оҳангда сўйлайди эри. — Бир қути пиво мен-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

дан, қолган ҳамма харажатлар улардан. Шкафни ярим соатдан бери титкилаб пулни тополмаяпман. Қани? Нима, энди бир қути пиво ҳам ололмайманми? Нега уйда пул турмайди? Қаёққа гум қиляпсан?

— Уйда пул тугаган, ҳеч қаёққа гум қилмаганман, — дейди Сунбул. — Душанба куни ойлик беради.

— Тентакмисан, бугун кечқурун тоғда бўлишим керак!

— Нима қил дейсиз? — Сунбулнинг бирдан ғазаби тошиб, телефонини учиради.

Кечқурун боғчадан болаларини олиб, то уйига келгунча телефонини ёқмайди. Эри «Эртага кечқурун келаман» деб қўшнига тайнинлаб кетган экан. Сунбул болаларини овқатлантиради, ювинади, сўнг телевизор қархисига ўтириб, бирдан «смс»ни эслаб қолади. Жавоб ёзишни шунчалар истайдики...

Эртасига банк ходими қўнфироқ қилганида, яшил тутмачани босищдан аввал кўзларида завқ ёнади. Экранчага қараб-қараб тўймайди. «Ҳеч бўлмаса, шу одам билан гаплашиб ташвишлардан бир оз овунай», — дейди ўзича.

— Кеча Гулсара опага қўнфироқ қилдингизми? — дейди банк ходими. — Кимдир Садинжон кўчасидаги дориҳонани сўраб, уяли телефонига «тушиб қолибди». Сиз эдингизми? Одатда Садинжон кўчасидаги симли телефонларга тушиб қолишарди-да.

- Ҳм, мен эдим.
- Энди ишондингизми, сингилжон?
- Ишондим.
- Узр, касбингизни сўрасам бўладими?
- Нима қиласиз?
- Милицияда ишлайдиган қизларга ўхшаркансида.

— Йүқ, милицияда ишламайман.

— Ҳа, майли, қаерда ишласангиз ҳам соғ-омон бўлинг. Кеча «смс»имга жавоб ёзмадингиз. Мендан нима ёрдам керак? Ҳарҳолда, хизмат буюрсангиз, қўлимиздан иш келади. Акалари бор сингиллар бирор нарсадан зориқмасин, деймиз-да. Ё бу гапимни ҳам самимий деб билмайсизми?

— Йүқ, нега энди... Шунчаки ҳеч нарса керакмас.

Шу тариқа банк ходими қўнгироқ қиласверади, ошпаз жувон яшил тугмани босаверади. Кейинги ҳафта охирида банк ходими ўз ёрдамини яна таклиф этгач, Сунбул бир миллион сўм қарз сўрайди.

— Атиги бир миллионми? — банк ходими ўзини худди энсаси қотгандек кўрсатади. — Кечқурун ишхонангиздан чиқиб қўнгироқ қилворинг. Айтган жойингизга элтиб бераман.

Улар илк бор бекатда учрашадилар. Банк ходими жинси шимда, олачишор кўйлакда эди, Сунбул кундузги хўрандалар орасидаги оқ кўйлак, бўйинбог, қора шимдаги эркакни танимайди.

— Онам касал, — деди Сунбул. — Хўжайнимдан яшириб дори-дармон олиб беряпман. Қарзингизни ойлигимдан секин-аста қайтарсам дегандим.

— Қайтармасангиз ҳам майли, — қўл силтайди банк ходими.— Айтдим-ку сиздек сингиллар учун биз хизматга тайёр деб...

Китобни ёпдим.Бекатдан чиқиб, ишхонамга келдим. Тушликка Сардор билан бордим. Овқат ҳар кунгидан мазали экан.

— Янги ошпаз келибди, — деди Сардор.

— Қани? — дея овқат сотаётган оқ халатли эркак томон аланглагандим, Сардор кулиб юборди.

— Ичкарида пиширяпти. Телефон рақамини ололсам, бир гаплашиб кўраман. Чироили экан.

Сардорга анграйиб қараган эканман, елкамга қоқди.  
— Кўнгил ёш, кунгил ёш...

Ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Банк ходими ҳам китобдан чиқиб, ҳамкасбим Сардорнинг қиёфасида қаршимда ғўдайиб ўтиради.

## V

Эргалаб «Ҳабиб Абдуллаев» бекатида холли жувонга рўпара бўлдим. У менга чиндан-да қизиқсиниб қараб қўйди. Бошимни эгиб, саҳифаларга кўз юргутирдим. Гўё афсунгарнинг китоби орқали қаршимдаги аёлнинг келажагини кўраётган эдим. Мана, китобдаги банк ходими ошпаз жувонга иккинчи бор қарз беради. Муаммолар гирдобига чўккан аёл қарзларини узолмай хижолатда яшай бошлайди. Эрига айтса, калтаклайди. Айтмаса, кимдан ёрдам сўрайди?

— Ишхонангиздан эртароқ чиқинг, — дейди банк ходими.— Қарзларимни узолмаяпман, деб хижолат чекаверманг. Сизни романтик овқатга таклиф этаман.

— Нега? — юраги музлайди ошпаз жувоннинг.

— Ўйлаб қарасам, ўзингизни мендан олиб қочиб, қарздорликдан эзиляпсиз. Яқин дўст бўлсак, қарзлар унутилади. Айтмоқчиманки, ўртада сеники-меникига чек қўйилади...

Китобни ёпдим. Сунбул эрига хиёнат қилди. Унга ачиндим. Ҳимоясиз гулни аёз осонгина сўлдириб ўтган эди.

«Минг ўрик» бекатида холли жувон билан олдинмакетин тушдим. У ҳам «Тошкент» бекатига борди, мен ҳам. Шу атрофда ишлар экан-да.

Ишхона ўлагида Сардор қўл чўзди.

— Ишонмайсиз, дўстим! — деди у ишшайиб.— Рақамини топдим!

— Кимнинг? — Кайфиятим баттар бузилди.

— Янги келган ошпазнинг! Ҳайрон қолганим — сизники билан битта рақамдан фарқ қиларкан. Сизни-кининг охири «ўн икки», уники «ўн уч». Оғайнимга қўнғироқ қиласман, деб сизга тушиб қолибман, ишон-масангиз, текшириб кўринг, дейман. Омадим чопдида! Сизга алоқага чиқса, мени мақтанг, яхши йигит, денг, хўпми?

— Ҳеч қачон, — дедим.

— Унга ростини айтсангиз ҳам майли. Севиб қолдим, севиб!

Тушликка бир гуруҳ бўлиб бордик. Сардор менга ичкари хонада куймаланаётган ошпазни қўрсатди. Кўхликкина жувон очиқ эшикнинг олдида биз томон ўгирилди. Мен жойимда таққа тўхтадим. У ўша эди — метрода учрайдиган китобдан чиққан ошпаз жувон. Не тонгки, у ҳам ошпаз эди.

— Сизга шу аёл қўнғироқ қилиб, рост гапирдимми, ёлғонми, текширади. Биласиз, хотиним билан уришиб қолганман, ажрашмоқчиман. Бу хонимни эса тақдир менга тухфа қилди.

— Тақдирга тухмат қилманг, — дедим.

Тилимга бошқа сўз илинмади. Шу тобда феъли бузук ҳамкасбимдан эмас, эридан куйган хотинлардан хафа бўлиб кетдим. Эр ёмон бўлса, хотин ҳам айниши керакми? У аёл-ку, ахир! Аёл зотининг куч-қудрати биргина сўзда. Бу — унсиз сўз! Ҳа, унсиз сўз жаранглаши керак. Умид қиласман. Янги ошпаз китобдаги Сунбулдан кучли. Шартдир кучли бўлиши!

Кечқурун метрога шўнғидим. Китоб саҳифалари ўз-ўзидан очилди. Сунбулнинг сири фош бўлди. У эридан-да тубанлашиб, ўзини поезд тагига ташлашга қарор қилди...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Китобни ёпдим. Орадан бир ҳафта ўтди. Сардорнинг кўзида ҳамон жонзотларда учрайдиган чўғ йилтиради. Лекин телефоним жирингламади. Тушликка чиққанимизда эса лаби устида холи бор гўзал ошпаз жувон кўл-оёғи чаққонгина бўлиб ишлаб юрганини кўрардим. Сардорнинг қовоғи осилгандан осилиб борарди. Тузоги иш бермабди-да.

Кейинчалик ошпаз жувон кўринмай қолди. Эши-тишимизча, эри иккови ошхона очганмиш. «Топган-тутганини ичиб юрадиган одам эди, олтин топган-микан?» деб ўйладим.

Ойлар ўтди. Кунларнинг бирида китобни қўлтиқлаб метрого тушсам, поезд жўнамоқчи бўлиб турган экан. Югурдим. «Эҳтиёт бўлинг! Эшиклар ёпи-лади!» деган овоз жаранглаган он вагонга киришга улгурдим. Бироқ елкам эшикка урилиб, китоб қўлимдан тушиб кетди. Тушганда ҳам вагон ва перрон оралиғидан ўтиб, рельслар устига шўнғиди. Кимдир елкамдан тортмаганида, эшиклар бошимдан қисарди. Ўлмасам ҳам, ҳарҳолда қулгига қолардим.

— Раҳмат, — дедим нотаниш кишига.

Нотаниш киши аёлининг ёнига ўтири. Мен уларнинг рўпарасига чўқдим. Кўзларимга ишонмасдим. Бу ўша аёл эди, лаби устида холи бор ошпаз жувон. Энди сездим: китобдаги ошпазнинг холи чап томонда эди, ҳаётдаги жувонники эса ўнгда экан.

Мени таниди. Маъноли жилмайиб қўйди. Этаклари ҳам узун эди, оёқларини яширишга ҳожат қолмади. Эри ичишни ташлабди-да. «Амир Темур хиёбони» бекатида қанчалар сўлғин, қанчалар абгор аҳволда эди. «Олтин топганмикан?» деган хаёл кўнглимдан ўтганини эсладим. Олтин ёнида. Унинг тирик олтини бор.

Эр-хотин «Юнус Ражабий»да тушишга тараддулла-нишди.

— Яна бир марта раҳмат, — дедим холли жувоннинг эрига.

У менга мамнун бош ирғаб қўйди. Иккинчи раҳматни нима учун айтганимни Қиёматда билади.

## БОЙ БЕРИЛМАГАН БАХТ

Куий қишлоқлик Чинбой аканинг қизи йўқолганинга уч ой тўлган кун хабар эшилди: ҳудуд нозири алмашиди. Аввалгиси гап уқмас, тепса тебранмас, бадқовоқ ходимдек туюларди унга. Папкасини қўлтиқлаб у ёқдан бу ёққа юришдан бошқасини билмасди. Бир гал Чинбой ака билан ади-бади айтишиб қолганида, «Участковоймисан, керак бўлса, қизимни топиб беришинг керак» деганида, кўз остидан ёвқарашиб қилиб: «Мен ўғирлабманми? Нега топаман?!» деб тўнфиллагани ҳалигача қулоғи остида жаранглайди.

Чинбой ака қўлинин орқага қилиб кўчага чиқди. Шамол қаёққа эсаётганини билиши керак эди. Агар янги нозир бўш-баёв кўринса, қандай талабларни кўндаланг қўйишни яхши билади. Икки ойча бурун қишлоқ дўконига бир гунг қиз келиб ишлай бошлади. У сотувчига ёрдамлашар, фаррошлиқ қилас, кечаси хўжайнининг ошхонасида тунарди. Бегона қиз оқсоқолга ёқмади. Дарров устидан ёзди, туман ИИБ «иш»ни ўша бадқовоқ участка нозирига ҳавола қилди. Ростдан ҳам қизнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан. Дўкондор узоқ қариндошининг қизи эканини рўкач қилди, аммо нозир қизни туман ИИБга олиб бориб, қамаб қўйди. Кўп ўтмай қиз яна дўконда пайдо бўлди. Собиқ нозир қўл силтади шекилли, қизни учратса, дўкон эгасига безрайиб: «Жиян денг... Эртага кўрмай» дерди-да, юз грамм ароқ ва шунча колбасанинг бошига етарди.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Чинбой ака эса оқсоқол каби бирорларнинг устидан ёзиши билмасди. Қишлоқдаги «ёзғувчилар»нинг обрүйини кўриб, қўли қофоз-қаламга югурадиу барибир бирор жумла ёзолмасди. «Нима учун келиб чиқиши номаълум қизни ҳеч ким тергамайди? Балки у одам ўлдириб, қочиб юргандир?» деган хаёллар тинчлик бермасди гоҳо.

Шу билан бирга Чинбой ака ўз қизини ўйларди. Нега у отасининг бошини ҳам қилиб, онасини куйдирив уйидан кетиб қолди? Шайтон йўлдан уриб, бирор шармандали иш қилиб қўйганми? Оддий севги деб уйидан кетиш даражасидаги юзсизликка қандай ҳадди сифди? Кимdir ўғирладими? Ўлдириб қўйиб, кўмиб ташладими бирор ўнгирга? Ёинки артистликка қизиқиши устун келиб, шаҳардаги театр-пейтларда юрибдими?

Чинбой ака қизининг ўлганига ишонмасди. Ойсулув уйидан қочди – бор гап шу. Анави гунг қиз қишлоққа келдию хаёли бежиз унга бойланмади. Ойсулув ҳам шу қиз каби қаерлардадир сифинди бўлиб юрибди. Гунг қиз гўёки йўқолган қизининг тимсоли. У қандай яшаса, Ойсулув ҳам аллақаерда шундай яшаяпти. Бу гунгга одамлар қандай муносабатда бўлса, Ойсулуви ҳам шундай муносабат кўряпти. Юриш-туришига қараб Ойсуловнинг нима ишлар қилиб юрганини, нима ебичаётганини билиш мумкиндек, ҳа, ҳаммаси шундайдек.

Йўлда кетаркан, қизининг дарди юрагини яна эзди. Яхши одамларнинг қўлида бўлса майли. Ёмонларнинг қўлига тушмасдан эсон-омон қайтиб келса эди. Севгию орзу-ҳаваслари ўлсин!

...Дўкон олдидаги майдончада қишлоқ одамлари тўпланиб туришарди. Улар Чинбой акага салом бери-

шиб, құл бериб күришдилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини биноси ёнида оқсоқол билан суҳбатлашаётган ички ишлар ходими у томон юрди. Чинбой ака янги нозирнинг ёш йигитча эканини кутмаган эди.

Салом-аликдан сұнг ҳудуд нозири деди:

— Чинбой ака, мени танидингизми?

Чинбой ака давлат хизматидаги одамнинг дийдорига тикилди. Қаердадир күрган эди уни.

— Уйингизга келиб кетгандим. Қизингиз масаласида юборишганди.

— Күп мелисалар келиб кетган, — деди Чинбой ака.

— Биронтаси үз вазифасини бажаролмади. Ҳаммаси латтачайнар.

— Кечирасиз, нега энди?

— Бу ёққа юр.

Чинбой ака янги нозирни четроққа бошлаб борди.

— Чунки, — деб күрсаткыч бармогини ҳавога нұқиди у, — ҳаммангнинг күзинг юмуқ, ҳисбадагиларни төпіб-уриб жиноятни фош этишларинг мумкин, холос. Калтакланадиган одам йүқми, жиноят ҳам очилмай қолаверади. Каллани ҳам сал ишлатинглар.

— Хизмат одамларини ерга уриб юбормаяпсизми, ака? — деди нозир қизариб.

— Отанг қатори одамман. Гапирсам ҳақ сұзни гапираман. Одамлар тинч яшасин, армонда юрмасин, дейман. Қизим Ойсулувнинг уйдан чиқиб кетганига уч ой бұляптиki, изини ҳам тополмадинглар. Сен энди үзимизнинг одамсан, шу қишлоқда ишлайсан. Бу ерда күзга қараб ишласаңг үсасан, унасан...

Нозир йигит эътиroz билдиришга оғиз жуфтлаган эди, Чинбой ака гапиргани қўймай давом этди:

— У ёқдаги мелисаларга үхшама! Зийрак бўл, ақлни ишлат! — Кейин секингина писанда қилди: — Бу қишлоқда кимлар «ёзғувчи» эканини биласанми үзи?

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

- Яқында келган бұлсам...
- Келадиган одам суриштирмайдими?
- Ҳа, энди ички ишлар органи сиз айтаётган «ёзғувчи»ларнинг қовоқ-тумшуғига қараб иш юритмайди-ку, Чинбой ака.

Яңги нозир зўрма-зўраки жилмайгани сезилди.

- Ишингда камчилик бўлмайдими? — Чинбой ака бир қўзини қисиброқ қаради. — Участкавойлиқдан эмас, бирйўла мелисалиқдан ҳам ҳайдалиб кетганлар йўқ дейсанми?

— Тушундим, «ёзғувчи»лардан бири сиз бўлсангиз керак. Сизлар билан ҳам келишиб ишлар эканмиз-да, энди.

— Менга ўхшаган битта-яримта ўзини билганларнинг ҳурматини жойига қўй, ўғлим. Бироқ ҳар кимга ҳам паст кетаверма, устингга миниб олади. Сенга борйўғи битта илтимосим бор.

- Қандай илтимос?
- Қизимни топиб бер.

Нозир негадир атрофга аланглади, папкасини бир қўлидан иккинчисига олди-да, Чинбой ака томон энгашди.

— Ростини айтинг, уни ўзингиз даф қилиб юбормаганмисиз?

— Ие, тентакмисан? — деб юборди Чинбой ака. — Қизимни ўзим ўлдириб, ўзим ахтараманми? Сен бола ўйламай гапирадиганлар хилидан экансан-ку!

— Қизингизни ўлдиргансиз, демадим. Аммо ўзингизни тутишингиз фалати-да. Ҳақиқатан ҳам туман ИИБда қизингизнинг «иш»и билан танишганимда, «отаси милицияни чалғитиши учун «қочиб кетди» деб гап тарқатмаяптимикан?» қабилидаги гап-сўзлар қулогимга чалинганди.

— Гап-сўзларингга тупурдим! — Чинбой ака қўлларини ғазабдан мушт қилиб тугди.— Қизимнинг дардида куйиб, адойи тамом бўляпману, бу бола туҳмат қилиб, ўз жигарбандимнинг қотилига чиқариб қўйяпти! Бу кетишингда қишлоғимизда бир кун ҳам ишлаёлмайсан! Ҳозирнинг ўзида бошлиғингта бориб, шикоят хатимни топшираман! Э, вазиргача бораман! Бутун бўлимнинг устидан ёзаман!

Нозир йигит бош чайқади, сўнг Чинбой аканинг тирсагидан тутди.

— Қизишманг, Чинбой ака, ўзингиз илтимос қилдингиз...

— Ўзимга туҳмат қил деб илтимос қилдимми?! Туҳматинг учун жавоб берасан!

— Бу тахминлардан бири, Чинбой ака. Битта мени шундай тахминда деб ўйлаяпсизми?

— Аҳмоқлар! Ҳамманг формаларингни ечиб, жўнанглар бошқа ишларга! Мен нима дарддаю сизлар нима дардда!

— Ҳақорат қилманг! Мен туҳмат қилмадим, қизингизни топиш учун биринчи саволимни бердим, холос.

— Савёлинг шу бўлса, икки дунёда ҳам тополмайсанлар! Нега деганда анави дўконда қай гўрлардандир келиб ишлаб юрган қизга ҳеч қайсинг чора кўрмаяпсан. Чора ҳам майли. Орқасидан бирорта қидирувчи суриштириб келмади. Демак, менинг қизим ҳам сенга ўҳшаганларнинг тумшуғи остида қаерлардадир бемалол юрибди. Ишларингга лоқайдлик туфайли Ойсуловнинг йўқолган қиз эканини ўша ёқдаги мелисалардан ҳеч бири билмаяпти. Бу қиз қандай бемалол яшаётган бўлса, Ойсулов ҳам шундай бемалол юрибди. Бу қизнинг катта белгиси бор: у гунг! Ойсуловнинг эса тили бор, оддий қиз! Шундай катта белгиси бор қизни ҳеч

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

ким ахтариб тополмаётганидан билаверингларки, сизлар умуман ишламайсизлар!

Аввал оқсоқол, кейин бошқалар ўртага тушишди. Чинбой aka аввалдан бадфөйл киши эди. Қизи йўқолгач, феъли баттар айниб, текканга ҳам, тегмаганга ҳам тиш қайрайдиган бўлиб қолганди. Вактида орага тушишмаса, Чинбой aka бир парча суюксиз тили сабаб қамалиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Биринчи кундан уриш-жанжал қилмайлик, — деб раис Чинбой акани кўчасига бошлади. — Бу йигит ёш, ҳали уйланмаган ҳам. Сиз эса бовай одамсиз, кўп нарсани тушунасиз. Биласизми, у сизни ҳурмат қилди, акс ҳолда гапларингизни эшитиб ҳам ўтирасиди, қамоққа тиқиб қўярди.

— Э, ўша... — сўкинди Чинбой aka яна.

Оқсоқол уйигача кузатиб келди. Чинбой aka аччиқ чой дамлатди. Оқсоқол кетгач, аламини хотиндан олиб, шалоқ сўзлар билан «сийлади». Шифтга тикилиб чуқур уҳ тортди.

Ўзи ҳақидаги гап-сўзларни аввал ҳам эшитганди. Узунқулоқ гапларга қараганда, Чинбой aka ниҳоятда шафқатсиз, қаттиққўл кимса эмиш. Қизи у айтган эркакка турмушга чиқмай, бир йигит билан севишгани учун уриб ўлдириб қўйганмиш-да, ўлигини аллақаерга кўмиб, энди эл кўзига жўрттага ахтараётганмиш.

— Ойсуловни ўлдирмаганман, лекин урганим рост, — деди Чинбой aka ўзига-ўзи титроқ овозда. — Уйдан ҳайдаб согланим ҳам ҳақиқат. Мен ёмон одамман, ёмон отаман. Улар-чи? Нега тополмаяпти? Топиб келса кечираман-ку, ахир! Эзилиб кетдим, эзилиб...

Чинбой аканинг табиати шундай эди. Хотини ҳам тушунолмасди уни. «Ўзим истаган йигитга турмушга чиқаман дейдиган қизим йўқ менинг», деганди ўшан-

да. Үйлаб-үйлаб ҳозир қизига раҳми келди. Танлаган күёви қизидан үн ёш катта, аввал уйланган, мол бозоридаги даллол эди. «Бу улкан фожиа эмас-ку! — яна үзини оқлашга уринди.— Данғиллама түй қилиб берса, биринчи хотинидан фарзанди бўлмаса!..»

Эртасига Чинбой ака кўчага мўралаб, хотини билан гаплашиб турган ҳудуд нозирига кўзи тушди. Дарҳол оёғига калиш илди. Нозир салом бериб, кўл узатди. Чинбой ака кўрйишмоқчи эмас эди, лекин хотини «Ойсулувнинг дарагини топганмиш» деб пицирлагани учун қўл учини тутди.

— Мендан хафасизми, Чинбой ака? — деди нозир йигит. — Илтимосингизга биноан ишга астойдил киришиб, калаванинг учини топдим.

Чинбой ака унинг гапларига ишонгиси келмади. Аслида йўқолган одамларни туман ички ишлар идорасидаги қидирув бўлими ахтаради. Ҳудуд нозирлари шунчаки пиёдалар, холос. Чинбой ака дардини айтадиган давлат одамлари узоқдалиги боис ҳудуд нозирига осилганди.

— Сен топдингми? — деди Чинбой ака қовоини солиб.— Эшитайлик-чи, қайси биримиз үлдирган эканмиз? Менми, онасими?

Ҳудуд нозири:

— У үлдирилмаган, тирик, — дейиши билан Чинбой аканинг хотини уввос солиб йиғлаб юборди.

Чинбой ака охирги пайтларда хотининг йигисидан юрак олдириб қўйганди. Хотини йиғласа, Чинбой аканинг ҳам кўнгли юмшайдиган бўлиб қолганди. Ойсулувнинг гўдаклигидан тортиб, кечаги кунигача кўз олдидан лип-лип ўтар, үзини ростдан қотил ота деб ҳис қиласарди. «Унинг бирдан-бир айби — ёқтиргмаган одамига турмушга чиқмагани, — деб юрак-бағрига изтироб

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

игналари санчиларди. — Ўн саккиз ёшли қизни хўрладим, урдим. Яхшиям, Ойсулув иродали қиз экан, агар ўрнида бошқа қиз бўлганида ўз жонига қасд қилиб қўярмиди...»

— Хўш, қаерда экан? — сўради Чинбой ака шалвираб.

— Ҳозирча анигини билмайман, уч ой аввал шу қишлоқдан чиқиб кетган қизнинг қаерда яшаётгани ҳақида биладиган одамни топдим.

— Қаерда ўша одам?

— Шу қишлоқда.

— Нега уч ойдан бери жим экан?

— Жим эмас, ундан ҳеч ким бир оғиз сўрамаган, холос.

Чинбой аканинг хотини ҳудуд нозирга гадолардек қўл чўзиб, илтижо қилиб, тушунарсиз минфирилади.

— Хола, ҳаммаси яхши бўлади, яхши бўлади, — тақрорлади нозир.

У Чинбой ака ва хотинини қишлоқ дўконига эргаштириб келди. Чинбой аканинг хаёлига қизини соғ-саломат кўришдан бошқа ҳеч вақо келмасди. Дўконда сотувчи ёлғиз ўтиради. Уларни кўриб хавотир-ла оёққа қалқди.

— Нафиса қани? — деди участка нозири.

— Ҳозир келади, ичкарига кирувди, — деди дўкондор. — Нафисада бирон гапингиз борми? Тинчликми, ишқилиб?

Ҳудуд нозири Чинбой акага қараб олди-ю:

— Тинчлик, — деди. — Бир нарсани сўрамоқчиман.

У Чинбой аканинг қизи уч ойдан бери қаерда яшаётганини биладиган ёлғиз гувоҳ. Агар одамлар у билан муомала қилганда эди, Ойсулув ҳақида ўzlари билб олишарди. Мана, лоқайдликнинг оқибати! Яго-

на гувоҳ қишлоғимизга үз оёғи билан келиб, яшаб юрибди-ю булар устидан ёзинидан бошқасини билмаган. Ҳамманинг назарида у уйидан қочган эссиż қиз, тарбиясиз дарбадар. Бу нима аҳвол? Яшаш, бу – фикрлаш дегани эмасми?

– Мен ҳам у ёқ-бу ёқдан гаплашмабман-а, – дея дўкондор ёқа ушлади. – Хотиним ҳам «ҳа», «йўқ»дан нарига ўтмаган. Ё тавба, Нафиса биларканми?.. Чинбой ака, қизингиз эсон-омон топилиб қолса эди! Қандай яхши бўларди-я!

Дўкондор Нафисани чақиришга шоша-пиша жўнаб кетмоқчи эди, ҳудуд нозир тўхтатди.

– Уни қўрқитиб юборасиз, яхписи, келишини кутайлик.

Стулларга ўтириб, гунг қизни кута бошлишди. Чинбой ака қизи каби уйсиз-жойсиз, бирорларницида сифинди бўлиб юрган гунг қизни заррача ёқтирмасди. Исми Нафиса эканини ҳам ҳозир билди. Имо-ишоралар қилиб, қизини учратган-учратмаганлигини сўраш, фотосуратини кўрсатиш тушига ҳам кирмаганди.

– Мен, – деди ҳудуд нозири, – қизингизни топиб берганимдан кейин ҳам вазифамни яқунламайман. Қизингизга бундан кейин зугум қилмаслигингизни текшираман. Уни ўзи истамаган бир одамга эрга тегишига мажбурламоқчи бўлгансиз. Одам тақдири, гарчи у ўз фарзандингиз бўлса ҳам, ўйинчоқ эмас...

– Бўлди, бас! – дея ўрнидан туриб кетди Чинбой ака. – Менга қизим керак, бир тола сочи ҳам тўкилмаган қизим! Ҳато қилдим, тушуняпман! Бағритош эканимни ҳадеб такрорлайверишидан нима наф? Мен тавбамга таяниб бўлдим! Яна нима керак? Агар севган йигити билан бирга яшаб юришган бўлса... Э, розиман! Бахти бўлишсин!

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Шу пайт дүкон ичкарисидан гунг қиз чиқиб келди. Чинбой аканинг хотини изиллаб йиғлаб, унга құчоғи-ни очди.

— Имо-ишораларни биларсиз, — кесатди ҳудуд нозири ва «тамом» дегандек әгнини бир қисди-ю әшик сари юрди.

— Ахир, бу билан қандай гаплашамиз? — деб Чинбой ака нозирни тұхтатмоқчи бұлди.— Тилини тушунмайман-ку!

— Эх, Чинбой ака, — деди нозир, — уни үз қизингиз, үз жигарингиз деб билинг. Шунда тилингиз эмас, дилингиз ҳам уни тушунади. Ҳозирча хайр, ака. Мен кетдим.

Чинбой аканинг хотини ҳамон бир оғиз гапирмасдан гунг қизни құчоқладаб йиғларди. Нима қилишни билмаган Чинбой ака уларга яқынлашиб, құлларини өздида:

— Қизим...— деди юрак-бағри эзилиб.— Ойсулуви-ни қаерда күрдинг, жон болам?..

— Отажон! — деди гунг қиз күтилмаганда тилга кириб.— Мени кечириң, отажон! Бу — мен, Ойсулувман!..

Учаласи құчоқлашдилар. Гунг қизнинг құзларидан оққан ёшлар юзини ювар, ювган сайин бүёқлар сидирилиб, құзининг қораси, жигарининг мойи бұлмиш Ойсулув намоён бұлиб борарди.

Дүкондор жилмаярди, ҳудуд нозири эса катта йүл томон кетиб борарди.

— Биз шунга мажбур бұлдик, — деди дүкондор Чинбой акага.— Анави «участковой» йигит икки ойдан бери оғзимдан гуллаб құймаслигимни илтимос қила-ди. Туман ички ишлар бұлымидағи бошлиқтарни ҳам зүрға қүндиреди. Янги «участковой»имиз менинг узоқ қариндошим, сизнинг эса бұлажак күёвингиз. Қа-

ранг, шу йигитга бермай ойдек қизингизни кимга право күряпсиз-а, Чинбой aka? Бу йигит ҳали ёш. Бир йилдан кейин уйланмоқчи. Сиз бирдан Ойсулувни эрга бераман, деб ғавғо күтариб, уйдан ҳайдаб солганингиздан севишган икки ёш нима қилишларини билмай қолибди. Энди, aka, барига шукр қилинг. Тағин менинг, нозирнинг, туман мелисасининг устидан вазирликка ёзиб юрманг! Бу ерда аслида ким жиноятчи? Үзингиз айтинг-чи, aka!

Чинбой aka қизи ва хотинини қучиб, күзларини чирт юмди. Илиқ томчи юзига юмалаб тушди ва юрагидаги барча губорлардан фориф бўлди-қўйди.

— Қизим хоҳлагани билан қўша қарисин! Омин, Аллоҳу акбар! — деди у.— Аммо яна бир марта шундай ўйин қилсаларинг, мендан яхшилик кутманглар!

## ЖАРЛИКДАГИ ТҮЙ

ёхуд чоҳда ўқилган никоҳ

Бу воқеани менга сўзлаб беришаётганидаёқ замонавий оғзаки ижодга мансуб мистик воқелик эканини пайқадим. Одатда оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган сирли ва қўрқинчли воқеалар мистикага йўйилади. Эҳтимол, шундайдир, аммо мен қишлоқ четидаги жарликда ўқилган никоҳ ҳақида эшишиб, унда бошқа бир нарсани кўрдим. Айтмоқчи бўлганим, рамзийлик ортидаги тарих эди.

\* \* \*

Воқеа оқ эшак минган оқ соқолли бир чолнинг аллақаёқдан келиб, сой яқинидаги сўқмоқдан ўз қишлоғига ўтиб кетаётганидан бошлангандек туюлади кишига. Ўша дамда қоп-қора булут шимолдан пайдо бўлди-да, қишлоқ устида тұхтаб қолди. Сой бўйида

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

мол боқиб юрган болалар ёмғир шаррос қуиіб беришпини аңглаб, қүй-молларини қишлоққа ҳайдаб қочдилар. Фақат уч қызы бир-бирларига сирларини айтты, булоқ бошида узоқ қолиб кетишиди. Улар ёмғир нафасидан әмас, томирларида жүш ураётган телбавор ишқдан маст әдилар. Ҳар бири нарғиз гули каби үзиге маҳлиә әди, ҳар бири фақат үзи баҳтли бұлишига, фақат үзи ҳақиқий муҳаббатига әришишига ишонарди.

— Қаёққа кетяпсизлар, она қызларим? — деб сұради оқ соқолли бобо улар ҳали булоққа тушмасларидан бурун.

— Булоқ бошига тушмоқчимиз, — деб жавоб беришди қызлар. — Ҳув анави ерда, пастликда, шундоққина сой бүйида булоқ бор.

— Қишлоқда бирорта әркак йүқми қудук-пудук қазиб, сув чиқарып берадиган?

— Артезиандан сув чиқиб турғанди. Лекин бугун светтүк, демак, сув ҳам йүқ-да, бобожон.

— Йүқ-йүқ дейсизлар, — эшагини тұхтатди чол. — Айб кимда?

— Айб? — кулиб юбориши қызлар. — Шу ҳам айбми? Умуман олғанда, айб бизда әмас. Биз беайб қызлармиз.

— Сувнинг йүқлиги маданиятнинг орқага кетиши, — деди чол. — Сизлар эса шу маданиятнинг орқага кетишини янада тезлатып пастликка қараб тушяпсизлар. Сувни қишлоқдан топа билиш керак. Ақлни ишлатинглар.

— Раҳмат, бобожон, сувни келгуси сафар қишлоқдан топамиз, — деб қызлар ғалати чолни оргда қолдириб, сой томон чопқылаб кетишиди. Чол ҳам үз йўлида давом этди.

Хурсандой рўмолини ечиб, қайтадан танғиди. Лойқаланиб оқаётган сойга, сўнг булутларга кўз юргуртир-

ди. Сойнинг нариги томонидаги тепаликда ташвишли манзарани күрди: ҳозиргина ўйнаб юрган бола ва у боқаётган қизил сигир ҳам тепалик ошиб, кўздан йўқолган эди.

— Ҳамма қочиб кетди, — деди Райҳон пешонаси ни тириштириб.— Ёмғир ёғмасдан биз ҳам чорамизни қўрайлик, дугонажонлар.

Дўнглик устида ўтирган Хурсандой ўрнидан туриб, чор тарафга кўз югуртириди.

— Ёмғирда қолсак борми, йўл шилтага айланиб, бу қияликтан чиқолмай қоламиз.

— Кетдик, — дея Райҳон чеълакларига қўл узатди.

Сой сувига термулиб ўтирган Осиё сойнинг нариги томонидаги, шимолроқдаги қамишлар билан тўсилган жарликка сеҳрланганча қараб қолди.

— Узоқ-узоқларга кетгим келяпти, — деди у.

— Кетмай ўл! — бирдан тутақди Хурсандой.— Ёмғир ёғса, тепага чиқолмай, сой бўйида қолиб кетасан деяпман! Бояги оқ эшак минган бобо бекорга бизнинг овлоқда юришимизни ёмон кўрмади.

Улар чеълакларини кўтариб, тепалик сари юришди. Шу пайт осмон қарсиллаб ёрилди-ю ёмғир шаррос қуийб берди. Булоқ бўйидан тепалик бошигача юз қадамча юқорилаш керак эди. Қизларнинг қаршисидан сариқ лой аралаш сув оқиб келди. Учаласи ҳам бирин-кетин тойғониб йиқилди.

— Энди нима қиласиз, қизлар?! — йифламсиради уст-боши лойга беланган Осиё.

Ёмғир кучайди. Сой қутуриб тошиб, булоқ жойлашган «ярим орол»ни ҳам сув босиб, учаласини оқизиб кетадигандек эди. Қизлар чеълакларини ташлаб, ўзларини қутқариш пайида юқорига қўшқўллаб тирмашдилар. Сўқмоқ четидаги янтоқ илдизлари жонга ора киради-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

гандек туюлар, аммо қорин билан ётиб ҳам юқорилаб бўлмасди. Ёмғир челаклаб қуя бошлади. Теварак қуюқ булутлар соясида янада ваҳимали манзара касб этди.

Шунча ваҳима етмагандек сой суви ҳақиқатан ҳам ўзанидан тошиб чиқди. Булоқнинг тип-тиник кўзи бир зумда лойқа бўтана остида қолиб, челакларни ямламай ютиб юборди. Сув уч қизнинг нақ оёқлари остида мавжланарди. Шўрликлар сўқмоқ пойида ерга қапишганча қичқиришар, ёрдам сўрашар, лекин қишлоқ тепада қолган, сой бўйида не воқеалар юз бераётганидан дунё аҳли бехабар эди.

Нимадир ялт-юлт этди-ю сойнинг нариги томонидаги тол ловиллаб ўт олди. Қизлар энди эсдан оғиб қолгандек чинқиришар, жон ҳолатда юқорига талпинишар, аммо лой оқимига кўшилиб, яна эски жойларига қайтиб тушишарди. Ундан ҳам пастроққа сирғаниб кетишса борми, бўтана остида қолган «ярим орол»да ҳукм сураётган тошқин ютиб юбориб, ҳалок этиши ҳеч гап эмасди. Пода боқадиган болалар бу ерни бекорга «Чиқолмас сой» деб аташмас экан.

Ҳар бир қизнинг кўзига фақат ўз жони кўринди. Ўлим шарпаси чарх урди. «Ўлдим» деб ўйлади ҳар бири. Оқ соқолли чол ҳам аллақачон бу ерлардан узоқлашиб кетганди.

Шу лаҳзада Осиёning қулогига сой томондан овоз эшитилгандек туюлди. Кўп ўтмай овоз такрорланди ва кимдир майин оҳангда чўзиб-чўзиб: «О-си-ё-ё! О-си-ё-ё!..» деб чақирди. У қалт-қалт титраган кўйи қутуриб оқаётган сойга тикилди: ҳеч кимни кўрмади.

— Мени бирор чақиряпти, — деди у жони бўғзига келиб.

Қизлар унинг гапини эшитмади.

— Чашаряпти! — ҳўнғраб йиғлади Осиё.

У даҳшат ичра яна ортига ўгирилганида, ёнаётган

дарахт ёнида құл силтаётган, аниқроғи, имлаб чақи-раётган йигитни күрди. Оқ қўйлак, қора шим кийган, бошида дўппи, худди қуёв йигитга ўхшарди. Қўлида қандайдир қизил мато бор эди.

Осиёнинг қўллари шалвираб, қўзининг оқи кўринди.

\* \* \*

Кўзини очганида табиат сокинлик қўйнида дам оларди. Осиё жарликдан ўпирилган тупроқ уюмини қучиб ётарди, ярим белигача лойга кўмилган. Қуёш ботиб, қоронғилик бостириб келмоқда эди. Хурсандой ҳам, Райҳон ҳам кўринмас, аллақаерда қурбақалар вақилларди.

— Осиё!.. — деган овоз эшитилди яна.

Киз овоз келган томонга қўркув тўла нигоҳини қаратди. Сойнинг нариги қирғофидан йигирма чоғли одам ўтиб борарди. Чопон, маҳси-калиш кийиб олган бу кишилар кўзларини ердан узмай, бир текис қадам ташлар, на сўзлашар, на тиқ этган садо чиқарар эди.

Йигит куйган дараҳт ёнидаги кичик дўнглик устида турарди. Киз хушига келганидан суюниб, дарҳол сойни кечиб ўтди.

— Сен уларнинг энг чиройлиси экансан, — деди йигит, — севиб қолдим.— Шундай дея у Осиёнинг билағига қизил латта боғлаб қўйди.— Бу келажакда керак бўлади.

— Нима? — Осиёнинг боши ғувиллади.— Кимсиз?

— Бизнигига юр, кейин гаплашамиз, — деб йигит Осиёнинг қўлидан етаклаб, жарликка элтувчи қамишзорга бошлади.

Бу ерда сўқмоқ борлигини қиз билмаган эди. Икки томонда жарлик деворлари энкайиб турар, сой қамишлар билан тўсилиб орқада қолган, олдинда қандай уй ёки

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

қишлоқ бўлиши мумкинлигига Осиёнинг ақли етмасди. Ахир, бу жарлик икки қишлоқнинг ўртасида жойлашган бўлиб, бир учи қабристонга туташиб кетганди.

Осиё қичқирай деса овози йўқлигини, юрмайин деса оёқ-қули ўзига бўйсунмаётганини англаб, «туш кўряпман шекилли» деб ўйлади.

Нихоят, бир кулбанинг рўпарасидан чиқишиди. Осиёнинг қулоғига ит акиллагани, қўй маърагани эшитилгандек бўлди, лекин кулбадаги чироқ ёруғидан лип этиб ўтган соядан бўлак тирик жон аломати кўринмади. Назарида, қўйлар кўп эди, лекин маърашга қўрқишаётганди.

Уйдан мой иси келарди. Осиё жажжи қизалоқлик вақтида момосиникига борганини, чол-кампирнинг эски уйи худди шунаقا эканлигини эслади. Ширин ўтмиш ортда қолиб кетган эди.

— Ўтиргилар, — деди кулбадаги қора соқолли мулла. — Ким бўлишларингдан қатъи назар, никоҳ ўқиш вожиб. Биз барибир мусулмонмиз. Партия, инқилоб, исён, ҳатто анави қизил мато ҳам никоҳ ўқимасликка сабаб бўлолмайди.

— Ҳа, бизга никоҳ ўқисангиз, — сўзлади йигит.— Бу ернинг одати шунаقا экан, нима ҳам дердим.

— Қўлдан келганича, — деди мулла ва сўради: — Шу ерда яшашга розими?

— Розимисан? — тикилди йигит Осиёга.

Осиё йигитнинг юз-кўзини аниқ-тиниқ қўрди: рангида қон йўқ, кўзлари шиша мисоли жонсиз, совуқ ва нурсиз. Лаблари ёрилган. У оғир гуноҳ ишга қўл уриб, қарғишига қолган эди, чамаси. Бироқ қандай гуноҳга ботганини билиш даргумон эди.

— Розимисан? — сўради мулла ҳам.

Осиё фикр-хаёlinи жамлашга уринар, айнан нимага розилик бериш кераклигини тушунмас, нуқул «келин-

куёв мулланинг қаршисида уялиб, гапирмасдан ўтириши лозим» деб ўйларди. Эркинлик қўлдан кетган эди. Ихтиёри қандай қайтиб келишига ҳам онг-тафаккури етмаётганди. Қўйларнинг туёқларидан чиққан дупурдупур эшитилгандек туюлди. Чўпондан умид йўқ, афтидан чўпон ҳам шу йигитнинг ўзи эди.

Кейин жарлик тагидаги кулбага оқшом пайти но-таниш йигит билан бирга келганлигини ўйлаб, вужудини яна қўркув эгаллади. Мулла эса пицирлаб алланималарни ўқий бошлади. «У никоҳимни ўқияпти, тамом, энди бир умр шу йигитнинг хотиниман, ҳаётим жарликда ўтади», деб ўйлади Осиё.

Косадаги сув жимиrlамоқда, ниманингdir акси пайдо бўлмоқда эди. Осиё косадан кўз узмади ва анча йиллар бурун вафот этган момосининг «қани айт» дея ундаётган сиймосини кўрди. Марҳума момоси қачон шу ҳолатни намоён қиласди, Осиёning ёдига келди: ҳа, кампир бечора калимани ўргатаётган чофида...

— Ла илаҳа илаллоҳ, — деди қиз.

Кимдир ингради, мулла қиёфали қария пицирлашдан тўхтади.

— Мен сизларни танимайман, — тилга кирди Осиё, — ихтиёrim ота-онамда. Уларнинг розилигини олмасдан, танимаган-билмаган йигитга, тўйсиз, гувоҳсиз никоҳла-ниш...

Осиёning гапи бўғзида қолди. Йигитнинг чап кўк-си қонга бўялиб кетган эди.

Осиё чинқириб юборди-да, кулбадан отилиб чиқди. Янтоқларга, жийда томирларига чалиниб, йиқи-ла-иқила сой бўйига югорди.

— Менинг исмим Асад! — ингроқ товуш таъқиб қилди қизни.— Қулоқ сол, бу ердан чиқиб кетолмайсан, чунки сен ўлгансан!

Қиз жавоб бермади. Юқорига қараб жар лабини,

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

порлаётган юлдузларни күрди; тракторнинг тариллашини, олисдан кимнингдир «Борми?!» деб бақирганини эшилди.

— Яқинлашманг менга, яқинлашманг! — йиғлади қиз, кейин дод солиб ёрдамга одам чақирди.

Күп үтмай оёғи ботқоққа ботиб, юзтубан йиқилди.

— Ёмон йигит эмасман, — деди Асад оғир касал каби.  
— Менга никоҳланган хотин керак... Кел, эй гўзал қиз, ёрим бўл. Никоҳни охиригача ўқитаман. Розилик бер. Сен ўзинг эгасиз қандай яшайсан?.. Меники бўл...

Осиё ички бир идрок билан англадики, бу йигит уларни булоқ бошида кузатган, пайт пойлаган, «совчи келса, турмушга чиқардик» деб алжирашларини тинглану дуч келган йигитга розилик бериб юборади, деган хаёлга борган.

— Дугонамга уйланинг, — деди Осиё.— Хурсандой-нинг севган йигит йўқ, у рози бўлади.

Асад жар деворига суюниб, чуқур-чуқур нафас олди.

— Кўнгил қўйган йигитинг борми? — деб сўради у.

— Ҳа, — бошини кўтарди Осиё.

— Хурсандой келадими?

— Келади... Ўзим танишираман, — деди Осиё таъқибчидан халос бўлиш имконини йўқотмаслик учун тиришиб.— Алдаб бўлсаям олиб келаман, менга ишонинг. Фақат мени тинч қўйсангиз бас, оғажон!

— Қасам ич!

Қиз онт ичди. Шундан сўнг йигит деди:

— Етти кундан кейин эрта тонгда булоқ бошида...

\* \* \*

Осиё кимдир кўтариб олганида хушига келди. Етти-саккиз кишини, қўл фонарларини, трактор ёнида йиғлаётган аёлларни кўрди.

— Болам... Болажоним!.. — онасининг овози унга яқинлашди.

Осиё ўзини күтариб кетаётган эркакнинг худога шукrona айтаётганини эшилди, нигоҳида юлдузли осмон жо бўлди, димоfiga сойнинг салқин эпкини урилди. Ҳаммаси яхшилик билан тугагандек, жарликдаги йигит чиндан-да оғалик қилгандек туюлди.

Уч кун даволанди. Уни булоқдан анча қўйидаги лой ботқофидан топиб олишибди. Сой қирғоғининг ўпирилиб тушишидан ҳосил бўлган митти оролчага қизнинг илакишиб, ботиб қолиши омади эмиш, акс ҳолда чўкиб ўларкан. Икки дугонасининг айтишича, «мени бирор чақиряпти» дейиши билан кимdir этағидан тортгандек сув ичига сирғалиб кириб кетибди, кейин сой ўртасида оқиб бораётганини қўрибдилар. Дугоналари бир амаллаб ажал комидан қутулиб, фалокат ҳақида қишлоққа хабар беришибди.

— Хурсандой, — деди Осиё, — булоққа бирон кун борамиз. Йиқилган жойимизни кўрмоқчиман.

— Қишлоқда ҳалигача сув йўқ, Чиқолмас сойга одамлар ноилож сувга боришяпти, — гапни илиб кетди Райҳон.— Биз лойда тойғонган эниш жойни кетмонча билан қазиб, зинапоя қилиб қўйишибди. Одамлар булоқ бошига осон тушиб чиқсан, дейишган-да.

— Сойнинг суви пасайибдими?

— Шундай пасайибдики, ўртасидаги тошлари ҳам кўриниб ётибди, — Райҳон бамайлихотир қўл силкиди. — Кеча аям яна сувга боришинга рухсат берди. Биз иштонларимизни тиззагача күтариб, сув кечдик, қўшиқ айтдик. Жала қуймаса, яхши жой, дугонажон.

— Қайси қўшиқни? — Осиё гавдасини туйкус кўтарди.— «Ёр-ёр», севги-муҳаббат эмасми?

— Бошқа қўшиқни нима қиласман? — қошларини қоқди Райҳон.— Қизиқсан-да!

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Бу эрсираб қолган, — дея Хурсандой унинг елкасига ҳазилона мушт урди.

— Мен-ку, ҳолимни биламан, — бўш келмади Райхон, — худога шукр, шоир йигитим коллежни тутгатса, совчи юборади. Сенга ҳозирча рухсат беришмайди-да, а, Осиё? Борганингда қамишзордан чиқсан овчи йигитни гапга солардинг. Хурсандой билан сенинг йигитинг йўқлиги аслида фожия. Чунки келајакни ўйладиган вақтимиз келган. Йигитинг бўлса яхши-да. Ҳимоя қилади.

Осиёнинг юраги гупиллаб уриб кетди. У қандай қилиб бошини кўрпага буркаб, йиғлаб юборганини билмай қолди.

— Сенга нима бўлди, Осиё? — сўрашди икки дугона бир-бирига қараб олиб.

— Қўрқяпман... Уни гапирма... Гапирма уни...

— Ҳазиллашдим, Осиё, ҳазиллашдим, — юпатган бўлди Райхон. — У овчи эмас, Мамат чўпоннинг ўғли эди. Иккита эчкиси қабристон этагидаги жарликка тушиб йўқолган экан. Чўпон йигит сой томондаги қамишзордан кириб ҳайдаб чиқибди. Ўл-э, йиғлама, ўрагимни ёрдинг! Нима бўлди сенга, Осиё?

Хурсандой ёлғоннинг чуви чиқдими дегандек Райхонга тилини кўрсатди.

— Бўлди, сой бўйига умрбод бормайсан, қутулдинг, — деди Райхон.

Бироқ Осиё берган вадасини эслаб, ўйга толди. Сўнг:

— Бораман, фақат Хурсандой билан, — деб пи chirлади.

Еттинчи куни эрталаб — пода қўшиладиган пайт Осиё ва Хурсандой бўш челакларини кўтариб тепалик ёнбағридаги сўқмоқдан сойга тушдилар. Ҳақиқа-

тан қияликни кетмөн билан үйиб, күлбола зинапоя ясагандилар. Булоққа яқин қолишганида уйқусираган Хурсандой норозилигини ифодалади:

— Бунчалар эрта келишнинг нима хосияти бор, тушунмадим? Уйдагилар яна шу ерга келганимизни билса, ўлдиради.

— Юравер, сени бир йигит билан танишираман, — деди Осиё.

— Нима дединг? — ҳайратланди Хурсандой. — Шу гап сендан чиқаяптими, Осиё? Эрта-саҳарда, сойда, йигит билан учрашув... Ё туш-пушингга кирдими?

— Юр, нега тўхтадинг?

— Осиё, у йигит ким? Қачон кўрдингу қачон танишдинг? Фақат тўғрисини айт.

— Сувга оққан куним, — йифламоқдан бери бўлди қиз. — Сен билан танишираман деб қасам ичдим, илтимос, юра қол. Балки у қўшни қишлоқлик Асаддир. Исмим Асад деди.

Хурсандойнинг кўзлари ярқ этиб очилдию ёқасига туфлади.

— Қўшни қишлоқда Асад деган йигит йўқ... Бор эди, лекин у ўлиб кетган.

— Танийсанми, Хурсандой? — ажабланди Осиё.

— Анча йиллар олдин ўлган. Сал камроқ, боши айланганроқ йигит экан. Унинг отаси рус бўлган. Бобомдан кеча эшитдим, шу вақтгacha ҳеч кимга айтмаган бир сирни айтдилар. Бир замонлар, яъни ўша Асаддан эллик-олтмиш йил аввал шу атрофда бошқа бир Асад деган йигит тўйидан бир кун аввал ўлдирилган экан. Бобом ёшлигига нариги қишлоқдан қайтаётганида унинг арвоҳини кўрибди. Бобомнинг орқасидан «Никоҳ ўқишини биласизми? Қиз топдим, беникоҳ қолсак улар ўлдиришади, ана, келяпти!» деб ялиниб-ёлворибди.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Аммо бобом Асадни элас-элас билгани учун «Наритет, сен арвоҳсан» дея қочиб қолибди. Биласанми, «кимдир чақирипти» деган гапингни бобом эшитиб, «бечоранинг арвоҳи ҳалигача безовта экан-да» деди. Биз «Кимнинг?» деб сўрадик. Кейин бизга ўша воқеани сўзлаб берди.

— Ёлғон! — Осиёнинг юзи докадек оқариб кетди.

— Ёлғон бўлса айт-чи, сувга тушиб, ҳушиңгни йўқотган ҳолингда тирик одам билан гаплаша оласанми? Тирик одам ёрдам берарди, қишлоққа келиб, қаерда ётганингни айтарди. Осиё, кетайлик! Сен арвоҳни кўрганга ўхшайсан. Бобомнинг гапини афсона деб ўйлаган мен аҳмоқ...

Шу пайт булоқ томондан «Ҳув, қизлар!» деган чақириқ эшитилиб, иккови ҳам сеҳрланиб қолишли. Бирбир қадам ташлаб, қияликка яқинлашиши ва сойдан кўтарилаётган саҳарги ҳовур ичидан оқ кўйлакли йигит чиқиб келди.

— Бу ёққа туш, гаплашамиз, — имлади Асад мулоиймлик билан.

«У арвоҳ эмас, оддий йигитга ўхшайди, — ўйлади Осиё.— Қайси биримизни чақирияпти экан?»

— Бу ёққа кел...— Йигитнинг овози сой бўйига аксадодай таралди: — Бу ёққа кел... Бу ёққа кел...

— Сени чақирипти, — Осиё дугонасининг билагидан тутиб, олға силтади.

Қўрқиб кетган Хурсандой қичқириб юбордию файритабиий равишда қияликдан сирпаниб, чelаклари билан бирга булоқ бошига думалади. Осиёнинг назарида, у сойга тушиб чўкиб ўладигандек эди.

Осиё қишлоққа қочди. Қўй боқиб юрган Мамат чўпон қичқириқни эшитиб, шошиб келаётган эди, қиз сойга ишора қилиб «дугонам, дугонам...» деб йиғла-

ди. Чүпон лапанглаб югурди, аммо булоқ атрофида ҳеч кимни күрмади, челяклар думалаб ётарди, холос.

Юз берган ҳодисадан бохабар бўлган одамлар яна сой бўйига жўнашди. Бу сафар ўкингандан сўкингган кўп эди. Улар қўлларидан бир иш келишидан кўра иш келмаслигини сезиб асабийлашардилар. Тинч кун яхши эди-да. Тинчликка нима етсин.

Осиё ҳам сирли йигит ҳақида энди гапириб ўтирибди. Бирор Асадни арвоҳ деса, бошқаси «туман марказидан келган ондатра овчиси» дерди. Айтишларича, телпакчи йигитларнинг айримлари гиёҳванд экан, овлоқда якка-ёлғиз юрган қизларни аврар эмиш.

Сой бўйининг тит-питини чиқаришди. Жарлик ҳам текшириб чиқилди. Баъзилар Хурсандойнинг чўкканига ишона бошлаган пайт қабристон тарафдан бир бола эшагини чоптириб келди.

— Мамат бова! — яқинроқдаги чўпонга мурожаат қилди у. — Хурсандой опам мозорнинг ёнидан ўтиб, қишлоққа кетибди, қоровул айтди.

Халқ тушундикси, Хурсандой жарлик тубидаги сўқмоқдан юриб, нариги бошидан, яъни қабристон томондан чиққан. У тирик. Бундан чиқди, бу бир ўйин.

\* \* \*

Райхон тонгги фожиани эшишиб, «дугонажоним» дея кўча эшикка юрдию Хурсандойга тўқнашиб кетди. Бир лаҳза гапиришни ҳам, гапирмасликни ҳам билмай тикилиб қолди. У Хурсандойни ўлди, деб ишониб бўлганди.

— Тинчликми, Хурсандой? — сўради Райхон тутилиб. — Ёмон гаплар эшийтдим...

Хурсандой дугонасини бағрига маҳкам босди, кўз ёшлари Райхоннинг бўйинини куйдирди.

— Осиёга ҳазил қиласман, деб балога қолдим, — деди

қыз қайфуриб.— Тунов куни оқиб кетганида арвоҳ билан гаплашган эмиш. Мени атайин эргаштириб борди. Үзинг үйла, дугон, шунақа нарсаларга ишонаманми? Бундай қарасам, «район»дан келиб-кетиб юрувчи ондатра овловчи йигит юрибди. Бир гал у билан гаплашгандим...

— Вой, телпакчиларни ёмон йигит дейишади-ку, — ортига тисланди Райхон.

— Билмасам, менга ёқувди.

— Писмиқ! — деди Райхон дугонасини ичкарига бошлаб.— Кўйлагинг лой бўлиб кетибди-ку. Кир ичкарига! Нима ишлар қилиб қўйдинг?

— Бу ёқقا келишимнинг сабабиям шу. Тоза қўйлагингни бериб тур. Ҳеч нима бўлмади, ииқилиб тушдим, холос. Ҳозир уйга борсам, акамлар уришади. Осиё юр деганига эрталабдан сувга боргандим. Уйдан сўроқсиз чиққанман.

— Қишлоқда шов-шув бўлиб кетди. Уриш эшитмасдан қолмайсан энди, Хурсандой.

— Ўша йигит билан гаплашиб турсам, Осиё одамларни чақириб кеп қолди. Мени «чўкди, ўлди, арвоҳ урди» — ҳар бало деган-да, яшшамагур. Шарманда бўлмаслик учун жарлик тубидан қочиб, қабристондан чиқдик, қара аҳволимга.

Райхон енгил тортди, ҳарҳолда, дугонаси тирик, мана қархисида турибди. Аммо Хурсандойнинг қовфи ҳамон очилмаганди. Кўйлагини алмаштираётib ҳам Райхонга маъноли-маъноли қараб қўйди.

— Дугонажон, — деди ниҳоят сирли тарзда, — «талоқ» дегани нима?

— Шуниям билмайсанми? Эр хотинидан ажралиш учун «талоқсан» дейди. Нега сўраяпсан?

— Ўзим. Бирдан эсимга тушиб кетди-да.

Улар күчага чиқишиганда, күёшнинг заррин нурлари кўзларини қамаштириди.

— Кечкурун мен билан бир жойга борасанми? — сўради Хурсандой кўзини офтобдан бекитиб.

— Вой, топишиб олдингларми? Ҳойнаҳой, учрашувгадир-да?

— Бунча топқирсан, — деди Хурсандой, — фақат ҳеч кимга айтма. Асад билан ҳаммасини пишидик, шу йил тўйимиз.

Райҳон кулиб юборди.

— Исми Асадми?

Хурсандой лабини тишлади, аммо Райҳон шубҳага ўрин қолдирмади:

— Чиройли исм экан, Хурсанд, баҳтли бўл.

Қанча койиш, гап-сўзлар бўлмасин, қоронги тушиши биланоқ Хурсандой ўша куни уйидан қочиб чиқди. У Осиёни ўзига душман деб ҳисобларди, шу билан бирга Райҳонни ҳам эндиликда дугона ўрнида кўрмасди. Қизифи, Осиё унга қанчалик ёмонлик қилган бўлса, ўзи ҳам Райҳонга шунча ёмонликни раво кўраётганди.

Қишлоқда кўпчилик Осиёнинг гапларини алаҳсирашга йўйди. Хурсандой «ҳеч қанақа йигитни кўрганим йўқ, мен ҳазиллашиб, ундан яшириндим» деб туриб олди. Душман уч қиздан бирими ё жарликдаги йигитми, халқ фафлатда қолаверди.

Миш-мишлар бошқа қишлоқларга ҳам тарқалган бўлиб, тоғда яшовчи тўқсон ёшли оқ соқолли чол «мен ахтараётган жой ўша ёқда экан» деб йўлга чиқишига қарор қилди.

— Воқеа қайси қишлоқда бўлганини аниқ билмаймиз, — дейишиди неваралари. — Уч қиз булоқقا сув олишга бориб, жалада қолиб кетганию қандайдир

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

арвоҳ таъқиб қилгани ҳақидағи миш-миш қаердан чиққанини ахтариб зарилми сизга? Бу осонмас.

— Яңглишмасам, мен уларни йұлда учратғанман, — деди бобо. — Ұшанды учаси ҳам өзакларини күтариб, сувга кетаётганди.

\* \* \*

Райхон ҳам уйидан яширинча чиқди. Улар қишлоқ четига яқынлашғақ, Райхонни шубҳа-гумонлар исқанжага олди.

— Хурсандой, тағин миш-мишлар рост бўлмасин, — деди чўчиб.

— Келиб-келиб менга эмас, бегоналарга ишонасанми? — деди Хурсандой дугонасининг қўлидан маҳкам тутиб. — Биз уч дугона — учта хонмиз, ҳеч ким бас келолмайди.

— Қанақа хон?

— Хониммиз демоқчи эдим.

Тез орада қишлоқ ортда қолиб, қабристон тепалиги қорайиб қўринди.

— Нега Асад сени овлоққа чақирди? — сўради Райхон.

Жарлик лабига яқин қолишган эди. Хурсандой Райхонни судрай бошлади.

— Беш дақиқа гаплашамиз, кетамиз, — деди у. — Шу ергача келдинг, яна озроқ юр... Ана! Ана! Дугонажон, бунча қўрқасан?! Қичқирма! Сени еб қўймайди!

Райхон касофат ёқасига келиб қолганини тушунди. Икковиям беихтиёр таққа тұхтади. Оқ шарпа яқынлашиб, одам қиёфаси намоён бўлди.

— Келдингми? — деди йигит мутлақо сўроқ оҳангисиз.

— Талоқ айтинг! — қичқирди Хурсандой. — Айтган қизингизни олиб келдим, энди жавобимни беринг. Истамайман... истамайман сизга хотин бўлишни! Мени тинч қўйинг!

Райхон:

— Менинг йигитим бор-ку, — дея олди зўрга.

Йигитнинг кўзларида яшил нур жилоланди, чап кўкси қорайди.

— Бери кел, — дея қўл чўзди у Райхонга қараб.

Хурсандой дугонасининг шарпа томон итариб юборди, кучи етмади шекилли, икки кўллаб ташланди, аммо Райхон янтоқни чанглаб қолдию Хурсандойнинг ўзи жарликка қулади...

Даҳшатли қичқириқни қишлоқдагилар ҳам эшилди.

\* \* \*

Тўқсонга кирган бобо оқ эшак устида зўрга ўтиради. Невараси эса ёнида атрофга қизиқсаниб қарангча катта қадамлар ташлаб лўқиллаб келарди. Улар сўраган қишлоқни кўрсатишган одамлар жанозадан қайтишмоқда эди, чол ва неварасини ҳам марҳуманинг қариндошлари деб ўйлаши.

— Қорнини ёрмабдими? — сўради чол жаноза бўлаётган хонадонга кираверишда.

Одамлар чолнинг ғалати гапини тушунишмади. Шундан сўнг бобо қайси қишлоқдан нима мақсадда келганини, ким эканлигини ёш-қарига маълум қилди.

— Йўқ, — бош чайқади кўзлари йигидан қизарган киши, — экспертиза қилдирмадик. Жарликка йиқилиб тушган. Лекин юзи кўкарган, бўйни шилинган.

Жанозага келаётган аёллар кўчадаёқ дод-фарёд кўтаришиди:

— Хурсандой жигарим-а!.. Кечагина ўйнаб-кулиб юрган эдинг-а!

Бошқаси илиб кетди:

— Қандай яхши сингилчамиз бор эди-я!..

— Тўй кўрмай кетди... Чимилдиқ кўрмай кетди-и-и...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Шовқин-суронда чолнинг гапи эшитилмай қолгач, невараси дўриллади:

— Акалар, бобом майитни бир кўрсам деяпти. Қиз ўлмаган бўлиши ҳам мумкин экан. Шокми, шунаقا бир ҳолатда ётгандир, чунки... — Йигитча жон-жаҳди билан тушунтира кетди: — ...чунки ўша жарликни бобом анча йилдан бери ахтаради, у ер шаҳид жой, Асад деган йигитни бобом билан отаси ўлдириб кетганлар, аникроғи, бобомнинг отаси отган, бобом ўшандаги ёш бола бўлганлар. Яқинда тушига ўлган йигитнинг арвоҳи кириб, «ёш қизларнинг умрига зомин бўламан, бутун авлодни йўлдан ураман» дебди. Бобом айтдиларки, қиз унинг домига тушиб қолган, сиртдан ўлиқдек қўринаркан...

Дунё қўзига қоронги бўлган одамлар чолнинг мақсадини тушунишди. Хурсандой жарликка йиқилиш асносида жиддий жароҳат олмаган эди: қўл-оёқлари, боши, бўйни бут эди.

— Балки ростдан ўлмаган бўлиши мумкин, — деди қўзойнакли киши. — Дўхтирларга кўрсатишмабди, экспертиза қилдиришмабди, бобо бекорга гапирмаяпти. Ҳаётда мўъжизадан ҳам кўра, умид ҳаммасидан катта куч.

Чол марҳуманинг юзига тикилди. Ҳонада одамлар тиқилинч эди, ҳаво димиқиб, бобонинг пешонаси терлади.

— Талоқ! — қўлларини силтади бобо. — Асад сенга талоқ айтияпти! Энди озодсан!

Айрим аёллар эркакларни секин туртиб, эси оғиб қолган чолни ҳайдаб юбориш кераклигини уқтиришди. Шу онда Хурсандойнинг пешонасида тер томчилари пайдо бўлди, лаблари қимирилади. Одамлар ҳайратдан уйни бошига кўтариб «ў-ў» дедилар.

Дарров шифокорга хабар беришди. «Үлмаганини мен ҳам сеziб турғандим, айтишга иккиланаётгандим», «Дұхтирга айтсам, үлкни ёради, шундан күрқиб индамагандим», «Танаси иссиқдай туулғанди, бир айтай дедим...» қабилидаги гаплар қулоққа чалинди.

— Киз йиқилган жарликка мени олиб боринглар, — деди чол.

Одамлар құли олти, оёғи етти бўлиб авлиё чолнинг буйруғини бажо келтиришди.

— Афсусдаман, — деди невараси ёрдамида эшагидан тушган чол, — отам үшанды навниҳол йигитни үлдирди. Мен бола эдим, отамнинг отига мингашиб олғандим. Энди ўйласам, шу атрофларда опам билан ошиқ йигитни қувиб етган эканмиз... «Сен қизимни қаергача олиб қочасан? Коғирлардан үрганганинг шуми?» — ўшқирди отам милтигини ўқлаб. Йигит бечоранинг ранги қув ўчган, опам эса отамнинг оёқлари остига ўзини ташлади. «Эртага түйимиз...ичимда болам бор», деди. Отам биргина гап айтди: «Никоҳ ўқитганми?» Опам ńима деб жавоб берганини эшитмадим. Сұнг... милтиқ гумбурлади... «Юртни олдинглар, аммо динни ололмайсанлар, имонни ололмайсанлар», деди отам. Менимча, Асад қизил аскарларга құшилиб кетгани учун отам аввалдан ёмон күрарди. Отам бой одам бўлган...ерли, сувли, минг қўйли...

Чол дуо ўқий бошлагач, бутун олам сукунатга чўмди.

— Хурсандой, — деди чол ахийри, — у сенга ортиқ чанг сололмайди, озодсан. Сенга никоҳ ўқитмоқчи эди, аммо ўзига никоҳ эмас, жаноза ўқилиши кераклигини тушунмади. Бечора бир ҳовуч тупроққа айланиб кетди. Қачонлардир сен ҳам бир ҳовуч хок бўлгунча ҳали анча вақт бор. Бир ажойиб қиз бўл. Ҳеч қачон дугоналарингни сотма, қишлоғингга хиёнат қилма. Номусу иймонингга маҳкам бўл. Ўша куни ҳам айтганман, сув-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

ни, аввало, қишлоқдан топа билиш керак... — Сүнгра атрофдагиларга қаради. — Бу гапни ҳалиги иккала қизга ҳам етказиб қўйинглар. Қолаверса, ҳаммага тааллуқли.

Шунча одамнинг ҳузурида яна бир маросим адо этилди. Асадга жаноза ўқилиб, қабрига тупроқ ташланган каби жарликка бир ҳовучдан хок сепилди.

Бобо яна дуога қўл очди:

— Юртда ҳалол тўйлар бўлсин, ҳаром тўй ҳеч биримизга керакмас. Топган-тутганимиз фақат ҳалол тўйларга буюрсин, ҳаром тўйларга эмас.

Хурсандойнинг уйида эса тирилган қизни қуршаб олган хотинлар «буғун тўй... тўй...» деб ҳайқира бошлидилар.

...Яшин тушган тол тагида ўша кеча қандайдир шарпалар безовта кезишарди. Агар кимгадир бу шарпаларни кўриш насиб этганида, айримларини танирдилар. Ҳеч бўлмаса, қизил латтаси уларнинг кимлигини ошкор этарди.

Ёмғир эса тарихдан йўқолиб кетмайди. У сойларни қутуртириб, сўқмоқларни лойга белаши табиат қонуни каби рўй берадиган ҳодиса. Шундай экан, ақлни ишлатинг. Хурсандой каби ҳаётга қайтмоқ яна бир марта, яна кимгадир насиб этишига ҳеч қачон ишонманг. Рамзийлик ортидаги тарихнинг хуносаси шудир.

## **ХОСИЯТСИЗ ҲАЗИНА**

Бу воқеа бир неча йиллар муқаддам, плёнкали фотоаппаратлар ўрнини энди-энди рақамлилари эгаллаётган даврда бўлган эди. Ўшанда кузда «Евро-Осие» таҳририяти ёнидаги эшикни бир йигит тақиллатди. Қораҷадан келган, узун бўйли, соддагина эди. Лифт ёнидаги йўлак эшигини ҳам тақиллатадими киши.

— Келаверинг, — дедим «Зенит» фотоаппаратидан нигоҳимни узарканман.— Кимнинг олдига?

— Ҳалиги...иш излаб келгандим.

Уни йўлак охиридаги ўз кабинетимга бошлаб кирдим. Қимтинибгина ўтирди.

— Қаерни тугатгансиз?

— Филологияни, — жавоб берди у.

— Қаерликсиз?

— Ургут, Самарқанд вилояти.

Унча-мунча нарса ёзиб тураркан. Орзулари чексиз, қоқилмаган бедов от. Кечагина бош муҳаррир хатлар бўлимига одам кераклигини гапираётганди.

— Кутиб туринг, — дея бош муҳаррирнинг ҳузурига жўнадим. Янги ходим ўз оёғи билан келганлигини айтиш билан бирга рақамли фотоаппарат масаласини кўндаланг қўйдим. Бахтимга бош муҳаррирнинг кайфи чоғ эди.

— Олинг, шак-шубҳасиз олинг, — бош муҳаррир креслога ўзини ташлади.— Аммо бир ой синов муддати дeng. Янги фотоаппаратга келсак, қиммат экан. Қанча дедингиз?

— Москвада етти юз, Тошкентда минг, бизнинг шаҳарда эса бир минг уч юз доллар.

Муҳаррир оғриниб бош чайқади.

— Нега бунча қиммат-а? — деди у.

— «Кэнон-450», рақамли фотоаппарат, ойнали. Биласизми, ҳозир чет элдаги кўпчилик мухбирлар шунақасидан ишлатяпти. Плёнкали манавинаقا аппарат билан Афғонистонга қандай бораман? Европалик, америкалик мухбирларга кулги бўламан-ку, ахир.

— Майли, майли, — бош муҳаррирнинг жаҳли чиқди.— «Евро-Осиё» ходимида, аввало, ақл ва дунёқараш замонавий бўлиши керак, «Евро-Осиё» журнали

деб қўйибди буни! Фотоаппаратни, ука, аниқ оламиз, Москвага буюртма беринглар. Аммо-лекин уч ой мобайнида ҳамманинг маошидан оз-оздан ушлаб қоламан.

Кабинетимга қайтганимда, йигит ўша алфозда ўти-рарди. Табрикладим. Шу аснода Афғонистонга бир ҳафталиқ сафарга юборилаётганим ва янги русумдаги фотоаппарат, унинг нархи уч миллион сўм атрофида экани ҳақида сўзладим.

— Қиммат экан, мен... — деди йигит гапининг давомини ютиб юбориб.

— Бир нима демоқчимисиз?

— Йўқ, — чайналди у ва дарров кўзларини олиб қочди.

Исми Салоҳиддин эди. Ургутнинг чекка, аммо катта бир қишлоғидан. Дастрлабки кунданоқ ғайрат билан ишга киришди. Кузатарканман, шу кетишда бир йилликки йилда яхшигина журналистга айланажагига кўзим етди.

Ҳужжат масаласи ўз ечимини топиб, Афғонистонга кетадиган куним яқин қолганида, Салоҳиддин ёнимга келиб, деди:

— Эшитдим, ўн минг долларлик фотааппаратлар ҳам бор экан-а, ака?

— Ундан қимматлари ҳам бор. Мана шу «Кэнон»ни зўрға олдик. Агар ҳомий бўлганида...

— Бир ҳомий ёрдам бермоқчи, — шивирлади у.

— Менгами, газетага?

— Сизга.

— Ким экан у?

— Ҳеч кимга айтмайсизми?

— Айтмайман.

— У мен.

— Сиз? — дея кулиб юбордим.

- 
- Кулманг, ака, жиддий гапиряпман.
  - Эшитайлик-чи, — деб күл қовуштиридим.
  - Афғонистонга борганингизда, битта манзилга ҳам кириб ўтасиз. Эвазига ўн минг доллар... балки ундан ҳам кўп оласиз.
  - Вазифам нима? Шунчаки кириб ўтиш эмасдир?
  - Аҳдингиздан қайтмайсизми?
  - Аҳд қилганим йўқ-ку ҳали. Аввал айтинг, қанақа иш?
  - Бунинг тарихи узун. Бобомнинг отаси Ургутнинг катта бойларидан бўлган. Йигирманчи йиллар охирида таъқиб авж олгаč, мол-мулкини сотиб, тиллаларга айлантиради-да, хотини, қизи, икки ўғли – бешови Афғонистон томонга қочади. Амударёдан ўтиш осон эмасди. Бир ёқда қизил аскарлар, бир ёқда нариги соҳилга сузиб ўтиш муаммоси. Амаллаб қайиқ топиб келган бобомнинг отаси лаш-лушкини ортиб қарасаки, кенжа ўғли кўринмайди. «Файзулла! Файзулла!» деб қичқиради катта бобом. Шунда тўқайдан кенжанинг овози эшитилади: «Аҳдимдан қайтдим, ота! Мен тогамларникида яшайман! Афғонда аскарлар ушласа, Кобулгача пиёда олиб борармиш, урармиш...» Бақир-чақир нохос қизил аскарлар қулоғига етади ва улар чопиб кела бошлияди. Бобомнинг отаси олтинлар солинган халтачани сувга ташлашга зўрға улгуради. Қочоқлар ушланади, кенжа ўғил эса тўқайзорда қолади. Аскарлар узоқлашга, саёз жойдан халтачани топади, қайиқни сувга тушириб, Афғонистонга ўтиб кетади. Қизиллар Сибирь қилишидан қўрқанми, отасининг бир умр йиққан бойлигини қутқармоқчи бўлганми, ишқилиб таваккал иш тутади. Балки у аҳдидан қайтмаганида оиласи қўлга тушмасмиди? Йиллар ўтади, бобомнинг отаси қамоқда ўлади. Бобомнинг укаси, яъни Файзулла бобо

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

эса ўша кетганича Афғонистондан дараги чиқмайды. Фақат етмишпенчى йилларга келиб, у Карруҳ деган шаҳарда яшаётгани маълум бўлади. Бир минг тўққиз юз етмиш олтинчи йили Файзулла бобонинг хонадонида тўй бўлганида, бобом Афғонистонга борган. Акакуя ярим асрлик айрилиқдан сўнг ўша ерда, Файзулла бобонинг икки қаватли уйида қўришадилар. Тўйлари ҳам ҳиндларникига ўхшаркан. Ҳайҳотдек хонада тик оёқда туришаркан, хизматкорлар патнисда ичимлик беришаркан, сўнг бошқа бир хонага овқатга таклиф этишаркан. Ҳар ким истаганча солиб ейди...

Салоҳиддин ўз сулоласининг ўтмишидаги воқеаларни ҳикоя қилиб бўлгач, деди:

— Ўшандан сўнг уруш бошланиб, Файзулла бобом Америкага кўчиб кеттанди. Ҳат келиб туради. Охирги хатида... ҳа, охирги хатида бобом отасининг олтинлари қаерга кўмилганини ёзибди. Етмиш олтинчи йили асранди болаларига тўй қилган экан, Америкага боргач, фарзандлари ташлаб кетишибди. Бобом ҳозир касал эмиш. Тиллалар бегонага қолмасин, деяпти. Қолаверса, ўз улушкини ишлатиб бўлган, қолгани ўзимнинг бобомники экан. Бобом «Э, олтинларига ўт тушсин, ҳеч қайсинг Афғонистонга бормайсан», деди. Дадам сизнинг кетаётганингизни мендан эшитиб ҳазина манзилини бериб юборди. Тиллаларни сотиб, банкдаги ҳисоб рақамимизга пулини ташласангиз, бас. Дадам айтдиларки...

Гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай ўтирадим. Карруҳга бориш, ер қазиши, олтинларни сотиш, Афғонистон банкига пул топшириш — айтишга осон.

Салоҳиддин умидвор тикилди. Кейин бирдан оғзи қийшайиб:

— Э-э, — деб қўл силкиди, — менга нима! Йигирма

йилдан бери уруш бұляпти, тилла қолғанми, йўқми? Манг, агар Афғон хукумати ёрдам берса, бориб олинг.

Хазина манзили туширилган кичкина харитани чўнтағимга солдим. Афғонистонга кетгунимча бу ҳақда қайтиб гаплашмадик. Фақат қучоқлашиб хайрлашаётганимизда, қулоғимга пичирлади:

— Бобомнинг харитаси эсдан чиқмасин, ака.

Бош иргадим. Бироқ Кобулга қўнганимиздан сўнг харитани эсламадим ҳам. Нотинч юртдан эсон-омон чиқиб кетишни ўйлардим. Москвалик мухбир айтди-ки, уч кун бурун америкалиқ икки кишини ўлдириб кетишибди. Бирида фотоаппарат бор экан. «Кофиirlар вайрон қылган юртимизни кофиirlарга намойиш этиб кулмоқчи бўлгани учун!» деган ёзув қолдиришибди.

Рухсат берилмаган жойга қадам босмасдик. Кимлар билан қаерда суҳбатлашишимиз ҳам белгилаб қўйилганди. Бир қанча мақолалар, интервьюлар тайёрладим, «Янги Афғонистон» мавзусида суратларга туширдим.

Тўртинги куни асосий вазифаларимни бажариб енгил нафас олдим. Ва туйқус харитани эсладим. Унга узоқ термулиб ўтириб, таваккал қилгим келди.

— Қишлоқларга чиқиш керак, — дедим москвалик мухбирга.— Бошқа шаҳарларни кўрмай кетиш худди аэропортдан қайтиш билан баробар.

— Мен ҳам шу фикрдаман, америкаликлар билан кеча гаплашдим, иложи бор, дейишиди.

— Карруҳ томонга борсак яхши бўларди, — дедим қувониб.— У ёқда қариндошларим бор.

— Қариндошларинг? Карруҳда-я?

— Биласан, мен асли Афғонистонга қўшни юртданман. Қатоғон йиллари кўчиб келган қариндошларимни топмоқчиман.

Шундай қилиб, уч журналист американкларнинг ҳарбий вертолётида Карруҳда пайдо бўлдик. Вашингтонлик ва москвалик ҳамкасларимнинг мияси нима билан банд, билмадиму, аммо мен хазина васвасасига тушиб бўлгандим. Москвалик мухбир Кобулдаги банклар орқали чет эл банкларига қандай қилиб пул қўйишни, пулдорлар Европа-ю Америкага қандай қилиб кўчиб кетаётганларини тушунирганди. Хазинани топсам бас, у ёғи чўт эмасди гўё.

Карруҳда келиб чиқиши ургутлик одамлар ҳақиқатан ҳам бор эди. Улардан Файзулла бобо уйини сўрадим. Вайронага айланган иморатни кўрсатишиди.

Вертолёт эртасига келиши керак эди. Америкалик ҳарбийлар қароргоҳида ётдик. Қанийди кўзимга уйқу илинса. «Балки у ерда ярим миллион долларлик тилла бордир? – ўйлардим мен.— Ярмини Салоҳиддинга бераман... Йўқ, юз минг доллар берсам ҳам етади. Ахир, жонимни хатарга қўйиб келдим бу жойларга...»

Харитани ҳеч кимга кўрсатмадим. Хазинани ёлғиз ўзим топиб, Кобулга эсон-омон етиб олишни ўйлардим. Тиллаfuруушларга пуллаб, банкка пул топшираман-да, мени ахтараётганларга «таслим бўламан».

Фотоаппаратимни осиб, соқчиларга яқинлашдим. Улар ётоқ жойимга қайтишимни талаб қилишди. Кечаси чиқиш мумкин эмас эди. Атрофни кўрсатиб, фотоаппаратни силкидим.

— Фото, фото! Хонадонларнинг кечки овқатланишини расмга туширишим керак! — деб кулдим. Сўнгра бор кучим билан чопа кетдим. Кундуз йўлни кўргандим: қияликдан сакраб, ариқ бўйлаб қочдим.

Файзулла бобонинг ҳовлиси кириб, «Г» шаклидаги бинонинг бурчига яқинлашдим. Кудуқдан икки қадам кун ботиш томонда эди.

Таққа тұхтадим. Не күз билан күрайки, бир киши қазилған ернинг тупроғини сидириб, алланимани тортиб олмоққа уринарди.

Бирдан автоматига ёпишди.

— Кимсан? — сұради форсий забонда.  
— Отманг! — дедим.— Мен мұхбирман! Мусулмонман! Имом ал-Бухорий, ат-Термизий юртидан!

У үринидан туриб, менга яқынлашди. Оппоқ соқолли, букчайған, муштдеккина чол турарди қаршимда.

— Ҳатимни олдингми?

— Ҳ... ҳа, лекин...

Чол бир қадам ортига чекинди.

— Жұна, — деди у. — Мен аҳдимдан қайтдим. Олтинлар үзимга керак, үзимга!

Назаримда, унинг эси жойида әмасди. Юборған харитасини оёғи тағига ташлаб, қоқина-сурина қочиб қолдим.

Юз қадамлар юрмасымдан америкаликлар ушлашди. Улар қароргоҳдан қочиб чиққанымни ҳарбийча дунёқарапаш ила тушунишган эди. Мен айғоқчи эдим. Казарма хусусида маълумотта әга бұлғач, толибонлар томон қочгандым гүё. Улар мени Кобулга, терговхонага юбо-ришга қарор қылдилар. Аммо бир сутқадан сүңг айбсиз эканим исботланиб озод этилдим.

Аэропортда москвалик журналист шундай деди:

— Ұша кечә америкаликлар бир чолни отиб ташлашибди, әшитдингми?

— Йўқ. Нега отибди?

— Автомати бор экан. Қизиги, у АҚШ фуқароси эмиш. Лекин ҳарбийлар буни яширишапти.

— Ёнидан нималар топилибди? — сұрадым шошиб.

— Айтдим-ку, автомат, Америка паспорти.

— Олтинлар-чи?

— Қанақа олтинлар?

Сездимки, мурда Америкага юборилмаган. Ахир, чолнинг АҚШ фуқароси эканлиги бекорга сир тутиляп-тими? Хазина эса аллақачон янги эгасини топиб бўлган.

— Жиноятни фош этсаммикан? — дедим ўзимга ўзим.

Йўқ, яхшиси, мен ҳам чол қаби аҳдимдан қайтдим. Қолаверса, хазинани ҳам кўрмаганман.

Дарвоҷе, бирорларга насиб этмайдиган хазина қўлимга тушмаганига ҳам шукр. Юрт тинч бўлса, тилла топилади. Тинч ва осойишта мамлакатда яшаётганимга шукр!

### «БИЗ БИР ДАРАХТ ЭДИК...»

Мактабни тамомлагач, ҳаёт бошқача бўлар экан. Бу даврнинг дебоча фаслини «мустақил ҳаётга қадам қўйди», дейишади. Унинг ўз ташвишлари, ўз қонунлари борки, секин-аста қўраверар, билаверар экансан киши. Ҳаммаси ҳам сен ўйлаганингдек бўлмайди. Ўқишидан йиқилдим, бунинг устига «Б» синфдаги Наргизага қўшни қишлоқдаги Назирдан совчи кела бошлади. Наргизани севардим. Унинг кўз очиб қўргани мен эдим. Куну тун хаёлимда бўлажак тўйимиз. Отам эса «Кетмонингни чоп, йигирма бешингда уйланасан» деган. Наргизага совчи келмаса, мен уйлангунча унга ҳеч ким оғиз солмаса экан. Йўқ, ҳаёт тинч турмайди, қонунлар ҳам бетиним ишлайди, ишлайверади.

Баҳорда туман марказидаги стадионда катта байрам бўлди. Бир қанча таниқли санъаткорлар келишди. Синфдошлар эскироқ бўлса-да, қишлоқдаги микроавтобусни буюртма қилиб, байрамга жўнадик. Наргиза билан ёнма-ён ўтириб, қўл ушлашиб, бутун дунёни унутиб, концертнинг унутилмас онларини сархуш ўтказдик. Ҳа, ўзимда йўқ шод эдим.

Бизни олиб борган микроавтобус қишлоққа қайтишда, ярим йўлда пақ этиб ўчди-ю мотори ўт олмади. Ҳали-вери юрадиганга ўхшамасди. Қош қорайиб бормоқда. Қишлоғимизгача ярим соатлик йўл.

Қолганига пиёда жўнадик. Яна ёнма-ёнман. Наргизага қараб тўймайман. Қалбимда қора хаёллар туғён кўтариб, шу қиз саккиз ёш катта Назирга эрга тегса, қандай чидайман, дея аламим қўзир эди. Наргиза ҳеч кимга қўнмайди, то мен армиядан қайтиб келгунча... (Ўша пайтларда мажбурий ҳарбий хизмат муддати бир ярим йил эди. Қизларнинг айни турмуш қурадиган вақти бўлгани учун йигитлар ҳарбийдан қайтгунча кўплаб синфдош қизлар турмуш қуриб кетишган бўларди.)

— Сизга бир гап айтмоқчиман, Наргиз, — дедим ахийри.

— Нима гап экан? — қайирилиб қаради қиз.  
— Биласизми... армияга кетяпман.  
— Эшилдим, — деди у.— Мен эса ўқишга бормоқчиман:

— Омад тилайман, — унинг илиққина кафтидан ушладим.

— Лайли ва Мажнун! — Дилрабонинг шўх овози эшитилди.— Ҳаммадан кейинда қолиб, якка чинордан ўтишга юракларинг қалай? Наргиз, ажинадан кўркмайсан-а?

— Йўлингдан қолма, — дедим уни ёқтирумай.— Салим кутиб қолди, чоп.

— Биз машинада кетамиз, ана!.. Қизлар, қизлар! — Дилрабо кўл кўтара бошлади.

Дарвоқе, орқада машина чироқлари кўринди. «Жигули» келиб тўхтади. Лабига папирос қистириб олган, ҳуснбузар юзини чўтирил қилиб юборган ҳайдовчи бош чиқарди. У «чирт» этиб тупуриб, «ўтиринглар, қизлар,

## *Азамат КОРЖОВОВ*

уйларингга ташлаб ўтаман» деб илжайди. Бу йигит Назир эди. Мен ва Наргиза машина ёнидан индамай ўтиб кетдик. Дилрабо чийиллади:

- Наргиз, жой бор! Кел! Ўғил болалар ўзлари кетади!
- Кетаверинглар! — дея Наргиза қадамини тезлатди.
- Пиёда ҳам етиб оламан.
- Вой, Наргиз... — ялинди бошқа қиз.
- Керакмас, пиёда кетаман деяпман-ку, қизлар!

Мен чироқлар ёруғида севгилимнинг қовоқлари осилиб тушганини кўрдим. Назир эса бир оғиз гапирмади, кутмади, ортиқ ҳеч кимни ялинтирмади. Машинасининг газини босди-ю ванғиллатганча олислади.

Якка чинордан сўнг қишлоқ бир қадам эди. Мен суюндим: Наргиза меники! Унинг отаси билан битта жойда ишлайдиган Назирнинг отаси қуда бўлиши орзу қилган, холос. Хавф шу. Агар қиз уйида ҳам шундай қовоқ-тумшуқ қилса, Назирни рад этса, мажбурлаб турмушга узатишмайди.

Йўлнинг бир томони жарлик, иккинчи томони қиялик бўлиб, чинор шу ерда эди. Ниҳоят, Наргиза-нинг қўлидан тутиб, чинор тагига тортдим.

- Қаёқقا? Жиннимисиз? — деди у.
- Наргиз, — дедим иккала қўлидан ҳам тутиб, — неғадир кўнглим фаш.
- Кутаман дедим-ку...
- Хат ёзишиб турамиз.
- Салим орқали ёзганингиз яхши. Дадам кўриб қолмайди. Агар билса...
- Билмайди.
- ...
- Сизсиз яшаш... Сизни севаман... — Ногаҳон ёноғидан ўтиб олдим.

У қучоғимдан чиқиб, чинорга сұянди-да, олис-олис юлдузларға тикилди. Наргиза қандайдыр бошқача бўлиб қолгандек эди.

— Бу дараҳат неча йил яшайди? — сұради у түсатдан.

— Минг йил, — дедим, — минг йил яшайди. Бизнинг авлодларимиз муҳаббатимиз ҳақида шу чинордан билиб олаверади. Мен шоир бўламан. Шу чинор остида сўнги марта аҳдлашганимиз ва йиллар ўтиб оила қурганимиз ҳақида достон ёзаман. Дараҳат ҳам тасдиқлайди.

— Дараҳтнинг тили йўқ-ку, қандай қилиб тасдиқлайди? — Наргиза пиқ этиб кулди.

— Бу чинор гапиради... Гапирасан-а, Чинор?

Наргиза бир зум қулоқ осиб турди. Шу пайт шабада эсиб қолдию барглар шитирлади.

— Кўрдингизми, тасдиқлаяпти.

Кутилмаганда Наргиза:

— Вой! — дея чинордан ўзини нари олди. — Бирор борга ўхшайди!

— Қани?

— Ана... Қоп-қора...

Юрагим орқага тортиб, этим жимирилаб кетди. Ҳақиқатан нимадир мени ҳам сескантариб юборган эди. Юракни бақувват қилиб, чинорни айланаб чиқдим. Атрофда ҳеч ким кўринмас эди. Биз йўлга чиқдик. Наргиза бошқа очилиб гапирмади.

Ҳарбий хизматга кетаётганимда чинор тепалик ортига ғойиб бўлгунча кўз узолмадим. Орадан бир ярим йил ўтди...

\* \* \*

Қоровул чолдан сўнгги автобус ҳам кетиб бўлганини эшишиб, газета парчалари учуб юрган бўм-бўш майдонни кесиб ўтдим-да, қишлоғимга элтадиган йўлга

## *Азамат КОРЖОВОВ*

---

чиқдим. Қүёш ҳам ботди. Аксига олиб машиналар қаршымдан келарди.

Ниҳоят, қишлоғимнинг ўнлаб чироқлари кўринди, тезроқ ета қолсам-чи! Оҳ, онажон, шунча вақт ўтиб кетди-я... Мана, аскар ўғлингиз ҳарбийдан қайтмоқда. Ҳозир кечки овқатни еб, чой ичиб ўтирган бўлсаларингиз керак. Эшикдан кириб бораману ҳамма ўрнидан туриб кетади. Аввало, онамнинг қучофига отиламан...

Якка чинорга яқинлашиб қолдим. Томоғимга аччиқ нарса тиқилиб, кўзларим намланди; хотиралар қуишлиб келарди. Аскарликда Наргизадан ўн ой хат олиб турдим. Бироқ жавоб узилиб қолди. Кун санаб кутардим. Бир куни Салимдан мактуб келди. (Салим армияга бормади. Ҳарбий хизматга бормайдиганлар сони йилдан-йилга ошиб бораётган давр эди.) У ёзарди: «Дилрабо билан тўйимиз ўтди. Мен баҳтлиман, лекин сени хафа қилишга мажбурман: Наргиза Назирга фотиҳа қилинди. У кўнмади, касал бўлиб қолди ҳам, аммо дадасини биласан-ку...»

Тамом, ҳаммаси тамом!

Хизмат тугашига саноқли кунлар қолганида Салим сўнгги хатини жўнатди. Илло, оча олмадим. Наргиза нинг тўйи ўтган бўлса, Назир унинг эри, у хотини. Севгилим ўша нусха билан бир ёстиққа бош қўйган, унинг тан маҳрами, унинг бир умрлик йўлдоши... Хат ўз-ўзидан очилиб кетгандек эди. Барча гумонларим тасдифини топди. Наргиза ва Назирнинг тўйи бўлган эди.

– Нима учун? Нега? Қайси гуноҳим учун?..

Орқада кучли ёруғлик тушди. Қўл кўтарган эдим, ёнимдан ўтиб, яп-янги «Нексия» тўхтади. «Нексия»лар ўша йили эндиған сотувга чиққан эди. Олд ўриндиғи бўш экан, эшикни очиб, ўтирдим. Не тонгки, рулда Назир эди. Беихтиёр орқага яна бир нигоҳ ташладим.

Машинага ўтираётиб, бир аёл ва келинчакка кўзим тушганди.

Назирнинг онаси ва кўхликкина келинчак – менинг Наргизим.

– Яхшимисизлар?

– Яхшимисан? – деди Назирнинг онаси. – Солдат қайтяпти, тўхта, демасам, бу ўғлим учиб кетмоқчи. Кимнинг ўғлисан, болам?

Мен айтдим. Биз алланималарни гаплашиб кета бошладик. Ортимда Наргиза ўтиради. Ранги бўздай оқариб кетган, боя бурилганимда кўзларини олиб қочди. Кетяпмизу гўё чўф устида ўтирибман: қанийди машина тўхтамаганда!

«Нексия» якка чинорга етди. Машина ёруғида уни бир лаҳзагина кўрдим. Чинордан куйган қуруқ танаги-на қолибди, холос.

– Бу ерда чинор бор эди, шекилли? – дедим.

– Чинорми? Э, унга яшин тушгани қачонийди, – жавоб берди Назир.

– Мен уни минг йил яшайди, деб ўйлаб юрардим.

– Бехосият жой эди, – гап қўшди Назирнинг онаси.

– Бизнинг ота-боболаримизнинг даврида ҳам бўлган бу чинор. Куни битди, ёнди-кетди.

– Ҳа, энди ростдан бехосият жой бўлибди, – дедим уҳ тортиб.

Қишлоққа етгач, машинадан тушар эканман, нигоҳим Наргизанинг кўзларига тўқнашди. Анча вақтга-ча ундан қандай маъно уқиши билмай юрдим. Энди ўйлаб кўрсам, унинг кўзларида ҳам ўша дараҳтга ачи-ниш ҳисси намоён бўлган экан...

Ҳайит куни бувимнинг қабри яқинидаги Наргизанинг дўппайган мозорига тикилиб қолдим. Наҳотки, у ўша ерда ётибди?! Янги ёзган шеъримни чиқариб, кўз юргутираман:

«Наргиза, бахт бизни құчмади,  
Күшимиң күкларга учмади.  
Исөнми дунёдан кетганинг?  
Мұхаббат учмади, ўчмади...»

Шамол варақни чирпирак қилиб учириб кетди. Балким «Нексия» қишиң күнларининг бирида тойғоқ йүлдан чиқиб, чинорнинг қора танасига урилган ва мунгли күзли келинчак ҳалок бұлған жойгача учириб борғандыр.

### ЧАПДАГИ УЗАНГИ

Қишининг умри узоқ бўлмади: февраль бошларидаёт атроф-жавониб кўкламдагидек қизиди. Одамлар костюмда, ҳатто кўйлакда юра бошлишди. Эртапишар гилослар куртак чиқармоқчи бўлиб, бўртиқ новдалари ни қўёшга тутарди. Ариқ бўйларида эса ям-яшил ўтлар кўзга ташланарди.

Кўк дарвозадан от минган йигит чиқиб, ариқ томон ҳайдаганди, тўйга бораётган Панжи ҳуштак чалиб чақирди.

— Бўрибой, энди нима қиласиз? Отни сотамизми?

Бўри бурнини тортиб қўйди-да, беихтиёр уйи томон қаради. Тушкунлик акс этган кўзлари Панжининг янада қитиқ патига тегди. У отнинг жиловидан тутганида, Бўри деди:

— Ака, топиб бераман ўша пулни.

— Мен сенга айтганман, — ўдағайлади Панжи, — учинчи марта огоҳлантирганимдан кейин соғ қолмайсан деб! Биласан-а?

— Биласан, — дея Бўри безовталанган отнинг ёлини силади. — Менда ҳозир пул йўқ-да.

— Яна ўша гапни чайнаяпсанми? Топиб беролмас экансан, нега қарзга қимор ўйнайсан? Отни сотасан!

— Ие, ака, озроқ қарзимни тұлайман деб отимни сотаманми? Яна бир оз кутинг, түплад бераман пуллингизни. Бу от... ахир, раҳматли отамнинг оти.

Панжи ерга туфлади-да, жиловни силтади.

— Отанғ ёшлигіда қиморбоз бұлғанини биласанми?

— Ҳақорат қылманғ, ака. Отам гүрида тинч ётсін.

— Ҳақорат әмас, ҳақ гап! Исботлаб берайми?

— Исботланғ!

— Ўйнингга бор-да, онандан сұра. Ўн саккизга кириб-кирмай, сен йигитча, нега меникига келиб, ўзингни ошиққа урдинг? Қонинг тортган, тушундингми? Шу кетишингда отингни ҳам қиморга тикасан!

— Оғзингизга қараб гапириңг, Панжи ака!..

— Менға қара, маҳмадона! У ёғи мени қизиқтирамайди. Бугун-эрта бермасанғ, ёмон хафалашамиз.

От ёвуз ниятни сезгандек ёнламасига тисланди. Панжи йигитчага еб құйгудек тикилди. Күчада челак күтарған бир жувон құрингач, паст овозда деди:

— Ҳозир түйга кетяпман. Уч соатдан сұнг ҳув анави теракзорда учрашамиз. Пулсиз келсанғ, майиб бұласан, келмасанғ эртага ўласан. Қаердан бұлса ҳам пул топ. Амакиларингдан сұра, тоганлардан сұра. Беҳазил. Ёмон бұлади, ука.

Йигит бошини қимирлатди. Панжи қаппая бошлаган қорнини мақтанғандек костюми этагини қайириб, құлини шимининг чұнтагига тиқди-да, хуштак чалғанча түйга жұнади.

Бүри құшни қишлоқлик Панжининг ортидан тикилиб қоларкан, бир ой аввал ошиқ ўйинига борған кунни күз олдига келтирди. Панжининг уйида тез-тез ароқхұр, кашанда ошиқ ўйновчиilar узоқ-яқын

## **Азамат КОРЖОВОВ**

қишлоқлардан келиб, бир кеча-кундузлаб ўйнашарди. Ҳар ярим соатда пиёла чўқиширишар, оғзиларидан сигарет тушмас эди. Ютган кимса уй эгасига чўтал ташларди. Мабодо қоринлари очиқса, ўртага пул ташлаб, Панжини қассобникига юборишарди. Ҳар нарсага қўниб яшайдиган Панжининг хотини эса картошка, пиёз арчиб, гўштни қовураг, эшикни оҳиста тақиллатиб, лаганни ичкарига узатарди. Бўри ўйинга келганида, баъзиларида ўн миллион сўм борлигини билиб юраги орзиқиб кетди. Бир кунда камида икки миллион сўм қопчиғига тушишига ишонди. Аммо...

Тонг отарда Панжи қизарган кўзларини Бўрига тикиб, деди:

— Ука, зўр ўйнар экансан. Икки юз минг билан ўйинга кириб, эрталабгача туриб бердинг-а?!

Бўри бошини кўтаролмади. Ахир, оз эмас, кўп эмас, бир миллион етти юз минг сўм бой берган эди. Тун бўйи гоҳ ютиб, гоҳ ютқазиб, қўлида бир миллион сўм, чамаси, пулни сақлаб ўтирган Бўри сўнгги дақиқаларда бор-будидан айирилди. Боши қизиб, Панжидан қарз олди-да, уни ҳам ютқазди-кўйди.

— Сенга уч кун муҳлат, — деди Панжи. — Пулимни тўғрилаб бер...

Бўрининг оти тип-тиник сувдан ичди. Эгасининг фамга ботганини тушунмасди, лекин нимадир юз беришини сезгандек безовта кишинади. Шамол узоқдан тўй мусиқасини учириб келди. Бўри жунжикиб кетди. Бу — баҳор кунлари эмаслигини, алдамчи илиқ дамлар ортидан аёзли кунлар келишини юраги сезди.

— Теракзорга бораман, — деди у. — Қарзига тўпурдим! Раҳматли отам ҳақида айтган гапи учун жавоб беради. Кучим етмайдими? Етади у чўчқага! Ароқ ичавериб, жони қолмаган.

Бу вақтда Панжи түйхонага етган эди. Уни ноз-нельматларга тұла дастурхонга таклиф этишди.

\* \* \*

Бүрининг онаси ёмон туш күриб, кун бүйи күнгли хижил бұлиб юрди. Ўғли отни сугоришга олиб кетаёт-ганды огоҳлантириди:

— Ҳаялламай тезроқ қайт. Кап-катта йигитни күча-ма-күча ахтарып юрмай.

Бүри от сугоришдан дарров қайтмади.

— Боласи тушмагур-а, — деди йүлга күз тиккан она, — ҳеч қулоғига гап кирмади, кирмади-да. Мактабни битирған йигит бир ишнинг бошини тутмайдими? Отаси бұлғанида-ку...

Құшни кампир келиб, онанинг күнгил чигили ёйилди. Чилла момо күп нарсаны биларди.

— Ўғлимни айтаман-да, охирги пайтлари жуда саёқ юрадиган бұп қолди. Урсам бұлмаса, қарғасам бұлмаса. Отаси раҳматли бир эвини қиласында-ку, пешонасига ёш кетиш ёзилған экан-да.

— Қайтасиз энди, тақдиди шу экан, — деди момо. — Лекин Бүри ёмон бола эмас. Отасига үхшаган.

— Илойим, тақдиди үхшамасин.

— Ҳа, ер түярмиди, — момо оғзига нон солиб, чой ҳұплади.— Отаси ҳам ёшлигіда пишиққина бола эди, چавандозликка қизиқарди. Ўзи айтгандир, келин, ёшлигіда йиқилиб, чап құли синган.

— Айттан, — дея Бүрининг онаси ұрсынди.

— Бир девона фолчи бұларди, қишлоқни тез-тез оралаб туардиди. Ұша девона айтгандики, «құл синибди, ҳай, қимор үйнаманг, ҳай». — Чилла момо тишиз оғзини очиб кулди. — Мана, құшиғиям эсда қолган. Бүрининг отаси ошиқ үйнаган экан. Қимор ёқмаган

одам бир балога гирифтөр бүлармиш. Ё фалокат босади, ё рұзгоридан барака кетади.

— Отасининг қимор ўйнаганини эшиитмаган эканман, — деб Бўрининг онаси урчуқ йигиришдан тўхтади. — Балким... йигит одам бир ўйнаса ўйнагандир... Бўрижон ўйлантиряпти. Охирги пайтлари анча ўзгариб қолган, ҳеч қаерда ишламаса ҳам қўлида пул бор. Ишқилиб, қимор-пимор ўйнамаяптимикан? Ичимга фулгула солиб қўйдингиз.

— Сиз ҳам қизиқсиз, — момо жиддий тортди. — Кўлидаги пул қаёқдан тушганини сўрамайсизми?

— Отаси қимор ўйнаганини ҳозир сиздан эшиитдим. Келсин, гаплашаман.

— Ирим-сирими бор, эшиитганмисиз?

— Қанақа экан?

— Бир гапиргандан гапингизни олиши учун отининг чап узангисини олиб, кулга қўмамиз, кейин...

Чилла момо гапини тутатолмади. Томорқа томондан қўшни қизнинг чинқириғи эшитилди. Бир неча киши ҳай-ҳайлаб отхона сари чопишли. Бўрининг онаси ва Чилла момо шошганларидан ялангоёқ ҳолда ташқарига шошилишди. От айвонга кириб, одамларга пишқирди.

Узангига оёғи кириб, ерда осилиб ётган жасадни таниган она бир неча қадам ташлади, холос.

\* \* \*

Кун кеч бўлиб қолгани учун майитни эртасига чиқарадиган бўлишиди. Ҳамманинг оғзида бир гап: бечора Бўри отдан йиқилибди, оёғи узангидан чиқмай қолибди, уйигача судраб келибди.

— Бўри отини ёмон чоптириб юрганди, — дейишди баъзилар. — Эҳтиёт бўлиш керак эди.

Ёлғиз Чилла момогина гумонга борди. Бироқ Бүрининг онаси билан андармон бўлиб, эркакларнинг ишига араламашмай қўя қолди.

Эртасига эрталаб участка нозири ва туман ички ишлар бўлимидан ходимлар келиб, оқсоқоллар билан қаттиқ-қаттиқ гаплаша бошлашди. Гап аёллар орасида ҳам тарқалди: «Мелисалар келганмиш, ўлим сабабини текширмаса бўлмасмиш».

— Вой, экспертиза қилдирмасин, ичини ёриб ташлайди, — деди кимдир.

— Тиф теккиздирмасин, нима бўлса бўлди, — гап кўшди бошқаси.

Чилла момо чидолмади. Кечадан бери тинчлик бермаётган дардини айтиш учун ташқарига чиқди. «Нима бўлса, Худога солдик», деб турарди Бўрининг амакитари.

— Менга қаранг, болам, — деди момо гавдалироқ милиционерга, — Бўрижоннинг оёғини узангидан чиқариб олганлар айтсин, ўнг оёғи чапдаги узангига эди. Момой бўлсан ҳам аниқ кўрдим. Нега ўнг оёғ чап узангига бўлади? Бўрижон отга тескари минмайди-ку. Бирор оёғини узангига тиқиб, отига қамчи урмадими-кан, а?

Ўликнинг оёғини узангидан чиқаргандар бош қашиб, ўйлаб кўрдилар ва момонинг гапи рост эканини тасдиқлашди. Майитни туман шифохонасига, экспертиздан ўтказишга олиб кетишиди. Орадан кўп ўтмай яна совуқ хабар келди: Бўри қаттиқ жисм билан уриб ўлдирилган экан.

Гувоҳлар ҳар хил маълумотлар айтишиди:

— Мен Бўрини жийдазорга от чоптириб кетаёганда кўргандим.

— Мен чеълак кўтариб, энамникига пиёзга бораёт-

## *Азамат КОРЖОВОВ*

---

ганимда, құшни қишлоқдаги Панжи ака билан ариқ бүйіда гаплашиб турғанини күрдім. Иккөви уришмоқчидай туулди.

— Бүри қиморда Панжидан қарз бўлиб қолғанини кеча эшитувдим.

— Панжи аканинг кайфи бор эди. Тўйдан чиқиб, теракзор томон кетаётганини күрдим...

\* \* \*

Ўша куни Панжи уйига келиб, муздек сувда ювинди. Бир оз ўтгач, фожиа ҳақидаги хабар қишлоғига етиб келди. «Ўликни эртага чиқаришармиш», дейишиди. Панжи янада маст бўлишни, ҳаммасини унутишни истади. Эртага ўлик дафн этилса, шу билан қутулади. У ошиқ ўйновчиларга пуллаш учун кеча келтирилган баклашқанинг оғзини очиб, ҳидлади.

— Лаънатилар, техниканинг спиртини сотишибдими дейман.

Жаноза куни эрталаб кўзини зўрга очди. Боши лўқ-лўқ оғримоқда, юраги «гуппс-гуп-гуп, гуппс-гуп-гуп» дегандек зўрга, ҳарсиллаб, кўксини титратиб-титратиб урмоқда эди. Бирдан кечаги воқеани эслади: Бўри билан жанжаллашди, ўлдириб қўйди, оёғини узангига тиқиб отни савалади. Ҳаммаси нима учун? Унчалик кўп пул эмасди-ку?

— Нега... нега ўлдиридим? — Панжи инграб юборган эди, юраги қаттиқ санчиб, бўғзидан ҳаво ўтиши секинлашди, вужудидан куч ариб, кўл-оёқлари вижирлаб, совуқликни ҳис этди.

Шу пайт дарвоза тагига милиция машинаси тўхтаб, бир неча ходим тушди. Панжи улар ётоқхонага қандай яқинлашиб келаётганини киприк қоқмай эшитиб ётди. Ана, онаси ваҳимага тушди, хотини ҳам алланима деб чийиллади, болалари йиғлаб юборди.

— Минг лаънат сенга ароқ... — пицирлади Панжи.—  
Минг лаънат сенга...

У қиморга лаънат айтишга улгурмади. Ичкарига кирган милиция ходими фужанак бўлиб ётган Панжи-ни ағдариб, дарҳол бўйин томирига бармоқ босди.

— Ўлиб қолибдими? — ҳайрон бўлди бири.

— Ҳа, ҳозиргина ўлибди. Кеча бўккунча спирт ичганга ўхшайди.

Икки қишлоқ ўртасидаги жийдазор четидаги қабристонга пешин чофи икки томондан икки тобут келди. Қабристон кўҳна эди. Мулла одамларга эълон қилди:

— «Қози бува» қабристони шу икки мозор билан тўлди. Энди майитларни Намозтепага қўмамиз, биродарлар!

— Ҳеч ким ўлмасин-е...

— Ҳеч ким ўлмасин...

— Ҳа, ҳеч ким ўлмасин... — деган садолар эшитилди оломон орасидан.

### «МЕН СЕНИ СЕВАРДИМ...»

Бу воқеага анча йил бўлган. Ўшанда шаҳарга илк келган куним автоҳалокат устидан чиқдим: светофордан ўн қадамлар ўтгач, бир йигитни машина уриб кетди. Ҳаракатланиш бир зум тўхтаб, тиқилинч, фа-ла-ғовур бошланди. Баъзи ҳайдовчилар тушиб, ўликнинг бошига тўпланишди. Мен «Раф»нинг энг орқа ўринидифида ойнани очиб ўтирганим боис бошқаларга қараганда кўп нарсани кўрдим. Йигитнинг шиппаги ойна синиқларидан сал берида ётар, негадир теграсида арилар айланиб учарди.

— Йигит маст эди, — деди кимдир, — қўллари билан ғалати қиликлар қилиб, йўлнинг ўртасига чиқди.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

— Қаранглар уни арилар чақиб ташлабди, — деди бир амаки.— Бечора йигит арилардан қочган экан-да.

«ДАН» ходими билан гаплашаётган ҳайдовчи «ари» деган сүзни эшитиши биланоқ ортига ўгирилди. Унинг шишиб кетгандай юзини кўрдим. Не тонгки, арилар ҳайдовчини ҳам чақиб ташлаган эди.

Одамлар орасини ёриб ўтди-да, бақириб юборди:

— Бу ўша йигит-ку!.. Мен уни аввал ҳам ўлдирганиман!..

Сўнгра ортига бурилиб, қочаётгандек одамларни туртиб-суртиб ўзини асфальтга отди. Бирдан ўзининг машинасига кўзи тушди-ю бақрайиб қолди.

— Машинам «Москвич» бўлиб қолибди! — қичқирди у.— Мен қайтдим! Энди ҳеч қачон хатойимни такорпламайман! Яхши одам бўламан! Ур-а!..

«ДАН» ходими ҳайдовчининг билагидан тутди.

— Мени қаманг, қамоққа олинг, — деди ҳайдовчи мамнуният билан. — Жон деб рози бўламан, энди ҳеч қаёққа қочмайман... Фақат сиздан илтимос, уйдагиларимга айтинг, мени кўришга келсин... Йигирма йил бўлди кўрмаганимга... Йўқ-йўқ, улар учун бир соат...

Эси оғиб қолган ҳайдовчини менинг ёнгинамдан олиб ўтишди. У бир сония тўхтади.

— Ука, — деди менга, — шаҳарга биринчи келишингми? Сенга маслаҳатим, ҳеч қачон ёмон ишга қўл урма! Худога ишон, албатта, ютиб чиқасан...

«ДАН» ходими уни бир силтаб хизмат машинаси томон судради. Мен лол бўлиб қолгандим. Нима, у менга гапирдими? Шаҳарга илк марта келганимни қаёқдан билди?

Одамлар менга эмас, жинни бўлиб қолган «Москвич» эгасига қараб бош чайқардилар.

«Раф» жойидан силжиди-ю автобусларнинг бири-

дан менга тикилиб ўтирган гүзал қызға күзим тушди. У шунчалик чиройли эдикі, күз ололмай қолдым: қыз ҳам мендан нигохини узмас, назаримда, фақат мени ўйларди.

Қабул имтихонларини муваффақиятли топширдим. Ўша пайлари Самарқанд шаҳрида Макаренко номли педагогика техникуми бўларди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлишни болалигимдан орзу қиласадим. Кун бўйи футбол, баскетбол, волейбол ўйнайсан, болаларни машқ қилдирасан, югуртирасан.

Ўзим орзу қилган техникумга ўқишга ўтдим. Омадим чопганидан теримга сифмай кўчага шошилдим. Ота-онамни тезроқ хабардор қилишим керак эдид. Бироқ дарвозага етмасдан ўриндиқлардан бирида ўтирган қызға қарадиму оёқларимдан мадор кетди. Уни танидим. Бу қыз бир неча кун аввал менга автобусдан сирли нигоҳ ҳадя этган париваш эди. Кийимлар тахланган сумкалари ёнида турарди.

— Кечирасиз, — дедим, — ёрдам керак эмасми?

Қиз ўзини бафоят ажаблангандек тутди, сўнг сезилмас кулимсиради.

— Йўқ, керак эмас, — деди четга қараб.

Уни қайсар ҳолича ташлаб кетгим келмади. Ўриндиқقا чўккан заҳотим гапирдим:

— Тўғриси, ўша одам мени кўрқитиб юборди.

Қиз менга ўғри қарап қилди-да, энди бошқа томонга қараб олди, лекин тилга кирди:

— Бечорага раҳмим келди.

— Мен бир юз ўн иккинчи гуруҳга ўтдим, сиз ҳам ўқишга ўтган бўлсангиз керак?

— Бир юз ўн олтинчи гуруҳ.

— Э-э, бошланғич таълим экансиз-да, табриклайман, — дедим ўзимни жиддий тутиб. «Ишқилиб, шилқим деб ўйламасин», деган хаёл ўтди дилдан.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Башланғич таълим эмасман, — деди қиз. — Оқи-  
ламан.

— Мен эса Аслан.

Қиз жойидан турди, шуни кутиб тургандек сумка-  
ларига ёпишдим. Қизнинг баҳри дили очилиб кетди  
ва менга таскин бераётгандек:

— Квартирам узоқ эмас, иккинчи ҳаммолинг орқа-  
сида, — деди.

- — Нариги дунёга десангиз ҳам кўтариб бораман, —  
дедим Оқила билан чиқишганим шарафига баланд-  
парвоз жумлаларни қайнатиб.

Аллақаердан тентак шамол отилиб чиқиб, чинор-  
ларнинг баргларини ҳилпиратди-ю яна ғойиб бўлди,  
иккита япроқ айлана-айлана ариқчага тушди. Оқила-  
нинг нега буларга ҳайратомуз қараб қолганига ҳайрон  
бўлдим.

Катта кўча четидаги йўлакдан кетиб борарканмиз,  
гапиришга оғиз жуфтлагандим, аразлагандек менга  
қаради:

— Аслан, — деди у салобатли оҳангда, — Худога  
ишонасизми?

— Ие?! Ахир, мен мусулмонман. Катта отам намоз  
ўқийди.

— Биласизми, илоҳиётга алоқадор сўзларни ҳазил-  
хузулларда ишлатиш гуноҳ ҳисобланади.

Юкларни ерга қўйиб, Оқилага таъзим қилгим келди.  
Чиройли, ақлли, қатъиятли қизлар фақат китоблар-  
да бўлади деб ўйлагандим. Жимиб қолганимни кўриб  
Оқила яна менга юзланди, таққа тўхтадик.

— Сумканинг биттасини беринг, сизга оғирлик  
қиляпти.

— Бу нимаси, Оқила? Иложи борича...

— Нима, иложи борича?

Унга «иложи борича сизни ҳам күтариб олсам» демоқчи эдим, зийрак қиз пайқади. Мөхрибон күзларига бардош беролмадим.

— Бундан кейин жиддий гапираман, — дедим ёнмаён кетарканман.

Мен учун энг бахтли кун Оқила билан танишганим булиб қолишини истардим. Ундан-да бахтли кунлар никоҳ түйимиздан тортиб, умрбод давом этажагига ишонардим. Оқила қаердан денг, ўзимизнинг тумандан экан. Туғилган йилимиз бир бўлгани билан, у мендан етти ойлик кичик эди. Кўнглимга бир сониялик шубҳа ҳам оралади: «Гўзалларнинг ошиғи кўп бўлади, Оқила ҳозир мен билан қандай муносабатда бўлса, қишлоғида орқасидан илакишиган йигитларга ҳам шундай гапиргандир», деб ўйладим. Аммо кўп ўтмай бу борада ҳам омадим чопди. Юқори курсда ўқийдиган бир қиз мени чақириб шундай деди:

— Ука, мен Оқиланинг қўшни қишлоғиданман. Оиласини жуда яхши биламан. Ота-онаси авлиё инсонлар. Бу қиз эсини танигандан бери ўғил бола билан ёлғиз гаплашмаган, ниҳоятда андишали, имонли қиз. Бир-икки кундан буён сизни у билан кўряпман. Ҳатто гуруҳидаги йигитларга ҳам бегонадек, сизга эса жуда яқинлашиб кетибди. Бу гапларни ўзига ҳам айтдим. Ука, сиз ҳам биз томонлардан экансиз. Ҳеч қандай хусуматим йўғу, бошидан айтиб қўяй, Оқила севги ўйини қилиб юрадиган қизлардан эмас. Бунга ўзи ҳам, ота-онаси ҳам йўл қўймайди.

— Сизга катта раҳмат, опа, — дедим мен томон келлаётган раҳбаримиз Облақул домлага қараб олиб. — Оқилага ёмон кўз билан қарашим ҳақида гап бўлиши мумкинмас. Оқила гап-сўз бўлмай тинч юради. Агар унга биронта йигит...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Хўп, гапларингизга ишондим, шунда ҳам яна битта гапни айтиб қўяй. Оқиланинг опаси бор, ўша бир йигитга фотиҳаланди. Бироқ уни синфдоши яхши қўриб юрар экан. Чидаёлмай қизни олиб қочди. Кейин нима бўлганини эшиитсангиз ҳайрон қоласиз...

— Ассалому алайкум, домла, — дедим гапини бўлиб, ўқитувчига юзланарканман. — Пахтага кетамиз деган гаплар юрибди, шу ростми?

— Пахтага эмас, — деди Облақул домла. — Аввал узумга. Ҳозир ҳаммани менинг кабинетимга йиф! Ҳеч ким кечикмасин.

Баскетбол майдончаси томон кетарканман, ортимдан Оқиланинг «ғамхўри» яна бир гап айтди:

— Ука, ишқилиб арилардан эҳтиёт бўлинг.

Тўсатдан пайдо бўлган курсдошим Қосим эгасига эргашган итдек ёнимда саланглаб кета бошлади.

— Менга қара, — деди у, — анави сенга нималарни уқтириди?

— Нима ишинг бор?!

— «Ари» деганини эшитиб қолдим. Шу дейман, сенгаям Оқиланинг поччасини арилар чақиб ўлдирганини сўзлади-ёв!

— Оқила ҳақида нима учун сенга гапириб юрибди?

Авзойимни қўриб Қосим ҳаммасини тушунди.

— Сенинг севишингни қаёқдан билай? — деди у бир қошини баланд, бирини паст қилиб. — Ёқимтой қиз экан. Балки гаплашиб берар деган хаёлда анави «землячка»сига оғиз очгандим, нуқул тескари гапиради. «Э, бор-э», деб кетвордим. Сенга ҳам осмондан келиб ваъз ўқидими?

Йўлимда давом этдим.

— Аслан, — деди Қосим сохта қайғуриш оҳангига, — Оқилани тинч қўйганинг маъқул. Унинг ота-онасини

норози қылсанг, сени арилар чақиб ўлдириб қўйиши мумкин. Опанинг гапларида жон борга ўхшайди. Ишон, дўстим! Яқинда чорраҳада ҳалокат бўлиди. Биласанми, шофёрни ҳам, пиёдан ҳам бир вақтнинг ўзида арилар талаган эмиш. Оқибатда шофёр рулни бошқаролмай қолиби, пиёда эса арилардан қочаман деб машина-нинг йўлига чиқиб қолиби. Йўловчи ўлди, ҳайдовчи эс-хуши кирди-чиқди бўлиб «психбольница»га тушди.

— Шу гапларингга ўзинг ишоняпсанми?

— Албатта, ишонаман.

— Ким нимага ишонса, ўша нарса юз беради, — дедим фазабимни зўрға жиловлаб. — Шунинг учун мени эмас, сени чақиб ўлдиради ариларинг. Ўша ҳалокатни шахсан ўзим кўрдим. «Москвич» эгасини ари чаққанди, лекин жа сен гапирганчалик мистика эмас. Нима керак Оқиланинг ота-онасини умуман танимаган-бilmаган одамларнинг ҳалокатига алоқадор қилиб! Сенга маслаҳатим: Оқила ҳақида ўйлама ҳам, гап суриштирма ҳам. Акс ҳолда хафалашиб қоламиз. У меники.

— Вой-бў!.. — деганича Қосим ортда қолиб кетди.

— Ҳамма Облақул домланинг хонасига! — хитоб қилдим курсдошларимга. — Бизнинг Макаренко техникумимиз пахтадан олдин Булунбурга узумга чиқади!

Талабалар техникумнинг пишиқ гиштдан қурилган эски биносига кирдилар. Шу пайт кимсасиз ҳовлида қаёқданлир йигирма-ўттиз ари пайдо бўлди, гувиллаганча атрофни бир айланиб, Даҳбед кўчаси томон учиб кетди. Мен бино остонасида ҳайкалдек қотиб, ариларни кузатдим. Ҳаял ўтмай нима сабабдан бунчалик қўрқиб кетганимга ҳайрон бўлиб, иккинчи қаватга шошилдим.

Бизга бир кун дам олиш ва индинига узумга кетиш ҳақида буйруқ берилди. Хурсанд бўлиб кўчага чиқаётганимда Оқилага дуч келдим. Ортидан кўчага чиқдим.

## *Азамат КОРЖОВОВ*

---

— Оқила, сизда гапим бор! — дея уни техникум ёнидаги маҳалланинг тор кўчасига бошладим. — Ўзимни ҳам, сизни ҳам алдаб юролмайман. Эртага онам боради. Совчиликка!

— Нима?! Ундан қилманг, Аслан! Ота-онам мени нима деб ўйлашади?! Ҳали ўқишим...

— Сизни севиб қолдим, совчи юбориб розилик олиб қўйсам, ўқишини тутатгандан сўнг тўй қиламиз.

— Тавба, одам ҳам шунчалик тез... шошқалоқ...

— Хоҳласангиз йигирма йилдан кейин тўй қилмаймизми! Фақат ҳозир хўп денг, мен сизсиз...

Оқила гапимни охиригача эшитмади. «Хайр!» деганча кетиб қолди. Мен катта кўчага чиққанимда, икки дугона кулишиб бормоқда эдилар. Оқиланинг хафа эмаслигини кўриб, севингганимдан рўпарамдан чиққан Қосимни кучоқлаб олдим.

— Дўстим, юр, бугун тушлик мендан!

Эртасига онам совчиликка борди. Қайтиб келганданоқ Оқиланинг ота-онасини, оиласини мақтади. Улар рози бўлгандек жуда умидбахш сўзлар айтишибди. Йифим-терим тугаши билан узил-кесил жавобларини маълум қилишармиш. Аммо менинг бир ойга сабрим чидармиди.

— Эна, эртага узумга кетамиз, — дедим зорланиб, — уч-тўрт кундан кейин яна совчиликка боринг, жавобини узумзорга бориб айтасиз. Шу баҳонада келингизни ҳам кўриб келасиз. Биз узум терадиган жой узоқ эмас-ку.

Онам менинг ишқ оловида ёниб, бунчалик ўзгариб қолганимдан ёқа ушлади.

...Талабалар ва уларнинг йиғма каравотлари-ю кўрпа-тўшаклари ортилган автобуслар атрофи узумзорлар билан ўралган қишлоқлардан бирида тўхтади.

Чанг күчага оёқ босганимданоқ негадир бу заминда қандайдир нохушлик кутаётганини сездим. Қатор ти-зилган уйлар орқасидаги тераклар, ариқлардан шарқи-раб оқаётган сув, бизни томоша қилаётган қишлоқ бо-лалари – барчаси менга ёқимсиз туюлди.

Үғил болаларни дала шийпонига, қызларни қишлоқ уйларига жойлаштиришди. Мени хурсанд қылгани – шийпонимиз Оқиласар яшаётган қишлоқ яқинида эди.

Эртасига Облақул домла ҳаммамизни далага бош-лаб келди. Асосан, вино узумларини терсак-да, атрофда ҳусайни, қора кишиш, тойифилар хоҳлаганча топи-ларди. Еб-еб күзимиз түйиб қолди. Бармоқдек кела-диган, сарғиши, тирсиллаб турган ҳусайниларни ҳам танлаб еймиз, фақат ари инига дуч келиб қолмаслик даркор.

Орадан етти кун үтди. Оқила билан аҳду паймон қылдик. Энди онамнинг йўлига кўзларим нигорон эди. Эрталабданоқ Оқиланинг ёнига бордим, далага бирга-ликда чиқдик.

– Оқила, – дедим узумзорга киргач, – бугун онам келса керак, юрагим сезяпти. Икки томон келишиб фотиҳа тўйимизни ўтказиб қўйишса яхши бўларди.

– Бунча шошиласиз, ҳеч бўлмаса, иккинчи курс бўйлайлик.

Унинг қарашлари, жилмайиб қўйишлари мени бут-кул ёндириб, кулга айлантираётганди. Секин қўлидан ушладим...

У офтоб ва чангдан ҳимоя қилиш учун юзини рўмол билан бекитди, қўлига теримчиларнинг маҳсус қўлқо-пини кийди.

– Тайёрмисиз? – деб сўради қувноқлик билан.

– Тайёрман, – дедим ва узум узиш ниятида кат-такон токнинг тарвақайлаб кетган шохлари орасини.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

очдим ва шу заҳоти ўнтача ари ғингиллаб юз-күзимга хужум қилди, ўзимни жон ҳолатда орқага отдим. Кесакларга қоқилиб Оқиланинг оёқлари остига йиқилганимни, унинг «Ари! Ари!» деб қичқирганини эслайман. Бир қарасам, ариқ бўйида ўтирибман. Оқила юзими ни ювяпти. Тобора юмилиб кетаётган кўзимни зўрга очдим. Иршайиб турган Қосимни, бош чайқаб нимадир деяётган Облакул домлани кўрдим. Кейин юзим ловиллаб, қовоқларим дўмбирадек шишиб, бутунлай кўрмай қолдим.

Эртасига кўзим очилди. Шийпондан чиқиб, ошпазларнинг олдига бордим. Кеча узум узаман деб ари инини ушлаб олганим, арилар чақиб ҳушимдан кеткишиб қўйгани ҳамма жойда муҳокама бўлаётган экан. Бу омадсизликдан ўкиниб ўтиргандим, бригадирлардан бирининг «Аслан, шу ердами? Уйдагиларинг келди» деган овози эшитилди. «Эҳ, бугун келмаганда-чи», дедим ичимда.

Албатта, онам аҳволимни кўриб, оҳ-воҳ қилди, отам эса «Кўзингга қарасанг бўлмайдими!» деб койиди.

— Ўғлим, — деди онам маҳзун оҳангда, — хафа бўлмайсан, Оқилани сенга беришмади. Қариндошлари билан маслаҳатлашибди. Бир жиянлари бор эмиш, ўзи намозхон, тижоратчи йигит. Ўшанинг ота-онаси қизни эгаллаб қўйибди. Ўқишинг эндингина бошланган бўлса. Ҳали кўп қизлар билан танишасан, келинликка номзодларни кейинроқ кўриб чиқаверамиз, хўпми?.. Кўнглингни чўқтирма, болам...

Бошимга тўқмоқ урилгандек бўлди. Ота-онам билан қандай хайрлашдим, хонамга қандай етиб келдим, билмайман.

«Оқила... Уни бошқага беришадими? Менга абадий бегонами? Наҳотки, бу дунёда Оқиласиз яшаш мумкин бўлса?! Оқила... Оқилажон!..»

Анча вақт караҳт ҳолда ётдим. Күзларимдан ёстиққа ёш қуийлди. Яхшиям, ҳеч ким кирмади, йиғлаганимни күрмади.

Тушдан сұнг курсдош қыздардан иккитаси пақир күтариб шийпон ёнидан үтиб қолди.

— Оқила кечқурун сизни күришта келаркан, — деди бири.

Бу хабардан унчалик ҳам севинмадим. Бироқ менда ғалаён қилиш истаги пайдо бўлди. Ота-онаси кимга беришларидан қатъи назар Оқилани ўзимга оғдириб олсам марра меники эмасми? Қиз йиғлаб-сиқтаб уйидағиларнинг раъйига қарши чиқади ва... мени танлайди.

Кеч тушиши билан бўлажак учрашувга руҳан тайёрландим. Аммо осмонни булут қоплаб, шаррос ёмғир қуийб берди-ю, ивиб кетган Қосим шийпонга югуриб келди. Кийимларини алмаштириб, ювини олгач, менга қўрқа-писа назар ташлаб, деди:

— Аслан, мен Оқила билан дугоналарини хоналарига кузатиб қўйдим. Ўзлари шуни илтимос қилишибди... Хуллас, жўра, сенга Оқила бир гап айтворди...

Сергак тортиб, Қосимга тикилдим. Назаримда, у қандайдир нохуш хабар айтмоқчи эди.

— Гапир!

Қосим кўзини олиб қочиб:

— Энди у сен билан учрашмайди, — деди. — Ишонмасанг ўзидан сўра. Ҳозиргина тоғасининг «Жигули»сида аяси келиб қетибди. Техникумдаги совчи юборган йигит билан гаплашмайсан, дейишибди. Бўлмаса, ўқишидан бўшатиб, шу йилнинг ўзидаёқ эрга бериб юбо-ришармиш. Агар одобли бўлиб юрса, тўйи ўқишни тугатгач бўларкан. Отасининг буйруғи шунаقا экан. Қариндошларидан бирига «нон синдириш» қилишибди. Хуллас...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Нима? — Вужудим музлаб кетди.

— Оқила кеча унаштирилибди... Қариндошининг ўғлига...

Қосимнинг қолган гаплари қулоғимга кирмади, фазабдан күкариб кетдим шекилли, бечора хабарчи гапини қисқа қилиб, чойни баҳона қилиб чиқиб кетди. Мен чидаб ўтира олармидим? Оқиланинг ҳузурига йўл олдим. У эгнига халат кийиб олганди. Сочларининг турмаги ҳам шунчалик ёқиб тушдики, оддий гўзалликнинг улуғ таровати олдида бир зум эсимний ўқотиб қўйдим.

Оқила ёнимга келди. Қўлларини халати чўнтағига солиб, бошини эгиб турдию тұсатдан йиғлаб юборди.

— Мени кечириңг, Аслан, — деди у, — сизни умидвор қилиб қўйдим. Ота-онам қариндошларимиз билан қуда бўлишга келишиб қўйганди. Лекин охирги пайтлари қариндошларимиз бошқа қизни кўзлаб юришувди. Бирдан яна мени танлашибди. Ота-онамнинг лафзини ҳаром қилолмайман. Хафа бўлманг, Аслан... Илтимос...

— Шуми? Шу биргина тўсиқми? — дедим юрагим ёниб. — Мен сизни ўйин учун севмаганман. Сиз тўйи бўлмаган қизсиз. Мен сизни бир умр севиб, бир умр фақат сизни деб яшайман. Муҳаббат ўткинчи деганлар, то кўзи тирик эканлар, севгимнинг абадийлигига...

— Кўйинг, ундей деманг!

— Бир умр севиб яшайман! Бунга ишончим комил! Қачонлардир сизни севмай қолишим мумкин эмас... асло мумкин эмас... Эрга тегасиз, йиллар ўтади, бола-чақали бўласиз, аммо менинг муҳаббатимни булар ўлдиролмайди. Умрбод, ҳар қадамингизда мен сизни севганимни эслаб юрасиз. Шу айтаётган гапларим барibir юрагингизда яшайди ва сизни тинч қўяди деб ўйлайсизми?

— Аслан... — овози титради Оқиланинг.

У умидсиз эди, у иложсиз эди. Мендек ошиқдан айрилаётганига юраги қон йигларди. Бироқ у ҳеч қачон ота-онасининг ваъдасига хиёнат қилмасди, қилолмасди.

— Оқила, мұхаббат бир, қисмат бир, — дедим. — Икковимиз бир-биримизсиз яшашимиз дунёning хатоси бўлади...

— Мен нима қилай, ахир?! — Оқила ўксиб-ўксиб ийғлай бошлади.

— Севгининг олдига тўсиқ қўйиб бўлмайди. Севги — иккимизнинг юрагимиз! Шундай экан, бошқа жамики мавжудлик не керак бизга?! Юринг, Оқила, кетамиз! Ҳамма-ҳаммасига қўл силтаб кетамиз!

— Кетамиз? — Севгилиминг кўзлари қоронфиликда фалати йилтиллади. — Қаёққа ҳам кетардик, Аслан? Бир қадам ташласак қарғиш уради-ку!

Беихтиёр юзимни силадим. Миямга лоп этиб Оқиланинг арилар чақиб ўлдирган поччаси ҳақидаги гап-сўзлар келди. Авлиёсифат ота-онани хафа қилиш сари қадам ташланса, сирли арилар ажал нишларини санчади шекилли. Мен ҳали гуноҳга қўл урмаганим учун тирик қолгандирман?

— Ўлсак ҳам кетамиз! — дедим Оқиланинг қўлидан тортиб.

У жаҳл билан қўлини тортиб, ортига тисарилди ва қуюқ зулмат қўйнига кирди. Мени эмас, ота-онасининг қарорини танлаган эди. Ортидан қайта-қайта чақирдим, аммо Оқила қайрилиб ҳам қарамади, жавоб бермади.

Шийпонга бағри хун бўлиб, Мажнун бўлиб қайтдим. Эшик тутқичига қўл чўзганимда, негадир осмонга қарадим. Кимдир мени чақиргандек туюлди. Булутли

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

осмонга тикилдиму ҳайратландим. Қора булутлар ти-тилиб, ой мұралаб турарди. Не ажабки, олис тоғлар устида яна битта ой ўроғи ярақламақда әди.

— Қаранг, — дедим менга яқынлашған одамга, — ос-монда иккита ой...

— Аслан, нима бало, ичғанмисан? — деди Облақул домла. — Ё ари чақиб, ой күзингіңгә иккита құринаяп-тими? Бор, ётиб ухла! Агар бизга үхшаб Тинч океани-да түрт йил сузганингда момонгни Магаданда күрар экансан-да...

Күзимга уйку илинмади. Мен тақдир зарбасига чап беріб, курашдағолиб бўлишимга ишонардим. Оқила барибир менга насиб этади, бошқача бўлиши аклимга сифмасди.

Афсуски, зарба устига зарбалар келаверди. Оқила бир кундан сўнг касал бўлиб, уйига жўнади. Мен уни узум терими тугаб, барчамизни янада олисга, пахта-чилик туманига олиб кетишганида кўрдим. Бу вақтда орадан йигирма кун ўтган, Оқилани жуда-жуда соғин-гандим.

Биз шийпонлардан бирида кечқурун ташкил этилган дискотекада учрашдик. Талаба-ҳашарчилар жойлашган қишлоқ ёшлари ўйин-кулгига анча ўч экан. Қолаверса, утган йили ҳам Макаренко техникуми шу ерга келган бўлиб, қишлоқ ёшлари ва юқори курсдагилар таниш бўлиб қолган эмасми, дарров байрам кечаси уюштириб юборишганди.

Оқилага қарадиму қотиб қолдим. У ўзини олдириб қўйгани шундоқ билиниб турарди. Бағримга босгим, соchlаридан силаб, буюк қалбга бирон-бир таскин сўз айтгим келди. Биз бир-биrimiz учун яралган эдик.

Шу пайт унинг ҳам кўзи менга қадалди. Фамгин нигоҳлардан чилпарчин бўлишимга бир нафас қолди. Ортиқ чидаёлмай, унга яқынлашдим.

— Кузатиб құяман, — дедим мунгайиб.— Ҳеч бұлмаса, битта техникумда үқийдиган aka сифатида... рухсат беринг, Оқила...

Иккимиз үз хәёлларимиз билан кета бошладик. Мен ҳам гапирмадим, Оқила ҳам. Анча юрганимиздан сұнг орқада келаётган дугоналари нимадир деб кулишгач, тилимга сүз келди:

— Оқила, сиз күп куйинаверманг...

— Куйиниш-куйинмаслик ҳамиша ҳам одамнинг ихтиёрида әмас, — деди у. — Мен үзимни үйламаяпман, сизни ҳеч нарса әзмаслигини Худодан тиляпман. Албатта, баҳтингизни топасиз. Ҳаётда қанча чирайли қыздар бор, ақлли қыздар бор. Сизга мunoсиб жуфти ҳалол бұлади...

— Түйингиз қачон? — овозим титраб чиқди.

— Пахтадан сұнг.

— Оқила, мендан хафа бұлмангу, ота-онанғизга бир марта ҳам эътиroz билдирмадингизми? Фалончига берамиз дейишиңса, тегиб кетаверасизми? Нега улар сиздан бир оғиз сұрашмади?

Севгилим менга бир қараб олди. Яна бир оз юргач, совуқдан жунжикиб юзимга термулди.

— Хайр, Аслан, — деди расмий оқанғда, — энди биз учрашмайлик, илтимос. Ахир, түйи бұлаётган қызниң шундай юриши үзбекчиликка түғри келадими? Эшитган қулоққа ҳам яхшимас.

Мен йўлда қозиқдай қотиб турардим. Қыздар ёнимдан шошиб ўтиб кетишиди. Бўғзимга нимадир тиқилди. «Демак, гап ота-онада экан, — дедим үзимга-үзим.

— Бориб улар билан гаплашаман. Ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб ташлайман. Керак бўлса, ялинаман, тиз чўкаман, Оқилани менга берсалар бас!»

Эртасига умид билан йўлга чиқдим. Уйимга етиб

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

келганимда қишлоғимиздаги ҳаёт бир зайлда кечәётганини күриб дунё менинг қайноқ муҳаббатимсиз ҳам ўз изида давом этишидан ранжидим. Кимни севасан, кимга уйланасан, дунёнинг иши йўқ эди.

Онам деди:

— Кўй ушани, бугун фотиҳа тўйи буляпти. Бир ойдан кейин никоҳ тўйи, сен ҳам қутуласан, биз ҳам.

Ҳеч бунақа қўпол гапирмаганди онам. Бошимни ҳам қилиб ўша куни яна пахтага қайтдим. Оқила билан битта жойда нафас олишга ташна эдим. То пахта мавсуми тугаб, шаҳарга қайтгунимизча Оқилага бир оғиз гапирмадим. У мени кўриб турса, мен уни — шунинг ўзи ҳам биз учун катта баҳт эканини бирдек ҳис этаётганимизни англардим.

Ўқиши бошланди. Оқиланинг тўйи тўсатдан баҳорга қолдирилганини эшитиб бошим кўкка етди. Гўё бир мўъжиза юз бериб, тақдир севгилимни менга қайтариб берадигандек туюлди.

— Биз баҳтсиз бўлмаймиз, — дердим ўзимга.

Менинг Оқилага ёки ота-онасиға нолаю фифон қилишимдан умид қолмаган дам эди. Биз кутардик. Унсиз кутардик бир мўъжизани.

Бир куни Облақул домланинг анатомия дарсида де-раздан техникум ҳовлисига кўз ташладиму тепа сочим тикка бўлди. Дарсга кирмаган Қосим ва Оқила стадион четида суҳбатлашиб туришар, аниқроғи, Қосим уни кетишга қўймас, алланимани уқтирап эди. Раҳбари-миздан рухсат олиб, ташқарига ўқдек отилдим. Оқила кетиб қолган эди, Қосим эса мен томон келарди.

— Оқилага нималар дединг? — дея устига бостириб бордим.

— Ўзимнинг гапим бор эди.

— Нима ҳаққинг бор, Қосим?! Менга дўстсан десам...

— У энди сеники эмас-ку! — деди Қосим ҳам асабийлашиб.— Менга ёқади, унга уйланмоқчиман...

— Нима дединг?! — деб ёқасидан фиппа бўғдим.

— Сен қўлдан чиқардингми, энди аралашма! — деди Қосим. — Унга севги изҳор қилдим. Қараб ўтираманми! Фотиҳасини буздириб, ўзим уйланаман! Сен... сен шунчаки томошабинсан, холос. Қўлингдан ҳеч нарса келмади. Мен эса олиб қочиб кетиб бўлса ҳам...

Сайраб турган оғзига мушт солдим. Оппоқ қор қизилга бўялди.

Ўша куни техникумда йиғилиш бўлди. Қосим иккимиз ўқишдан ҳайдалишимизга сал қолди. Яхшиямки, курс раҳбаримиз Облақул домла шахсан аралашиб, биз талабалар сафидан қолдик.

Баҳор келди. Битта жойда ўқисам-да, анча вақтдан бери Оқила билан ёлғиз юзма-юз келмаган эдим. Кунларнинг бирида дарвозадан кираверишда беихтиёр у билан тўқнашиб кетдим. Оқила «Кечирасиз» деб пи-чиrlади-да, йўлида шитоб-ла давом этди. «Оқила, Оқила...» деб қўл чўзганча қолавердим. Шу пайт дугонаси келиб қолди.

— Яқинда Оқиланинг тўйими? — сўрадим Оқиланинг ҳар кунгидан-да фалати эканини тўйга йўйиб.

— Тўйи шу ҳафта эди... — дугонаси менга ўқрайди.— Совуқ хабарни эрта-индин барибир эшитасиз, Аслан, унаштирилган куёв бола ўлиди, кеча...

— Ўлиди?

— Дугонам ҳеч қаерга сифмаяпти... Бугун жанозаси...

Шундай қилиб, Оқиланинг тўйи тўхтади. Бир неча кундан сўнг ўқишига кела бошлигач, кўзларида чуқур фам-андухни кўрмадим, лекин ўзини қўпчиликдан четга тортадиган бўлиб қолганди.

Бир куни якка ўзини техникум яқинидаги ошхонага чақирдим. У келди, аммо ҳеч нарса еб-ичмади.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Совчи юбораман, — дедим ниҳоят.

— Фотиҳаси бузилган қизгами? — дея Оқила лабини тишлиди.

— Нега мени унақа деб ўйлайсиз? — қўлларидан ушладим.— Ишонасизми, агар эрга тегиб чиққанингизда ҳам фақат сизни дердим.

Оқила мунғайиб қолди, кўз ёшлари қизил яноғидан думалаб тушди, фунча лаблари сезилар-сезилмас титради. Мен эса оҳу кўзларидан нигоҳимни узолмасдим.

— Аслан, — деди у, — сиз ҳақиқий йигит кишисиз, мен эса севгисига содиқ қиз бўлолмадим. Сизнинг тенгингиз эмасман.

— Қўйинг шунақа гапларни! Совчи юборсан розилик берасизми?

— Ота-онам нима деса шу.

— Уларни қўндираман.

— Фақат ҳозир эмас... Ўлган йигит қариндошимиз бўлади...

— Гаплашиб турайлик, Оқила.

— Йўқ, Аслан... Ҳамма нарсанинг вақти-соати бор...

Ошхонадаги учрашувдан сўнг таътилга чиқдик. Уни ёз бўйи кўрмадим. Ёзги таътилни узоқдаги қариндошлариникида ўтказди. Совчиларимга отаси яна рад жавобини айтди. Кимдир «ўша йигит ичади, чекади, отаси ҳам ароқхўр», деганмиш. Авлиёсифат инсонлар миш-мишга ишонмаса-да, бу ерда бошқа сабаб борлигини сездим. Кутишга қарор қилдим. Шундай пайт келадики, ота-онаси менга ишонади. Оқила меники, фақат меники бўлади.

Сентябрда эса мени даҳшатли хабар кутиб турарди. Қосим Оқиласага совчи юборибди. Қосимнинг бобоси Оқиланинг отасини танийдиган бўлиб чиқибди. Нафақат таниш, балки ўтмишда устоз-шогирд бўлган

эканлар. Оқиланинг отаси дарров күнибди ва қуда бўлишга розилик берибди. Икки кун аввал, яъни августнинг охирида Қосим ва Оқила унаштирилибди, никоҳ тўйи пахта мавсуми бошлангунча ўтказилармиш.

Югуриб учинчи қаватга чиқсан Қосим ҳуштак чалиб келаётган экан.

— Уришмоқчимисан? — сўради у тўхтаб қолганимни кўриб.— Оқилани сенга бермаган эканлар-ку, яна нима дейсан?

— Сени дўст деб ўйлагандим.

— Хўп, биз энди дўст эмасмиз. Кутулдимми?

Мен унга ташландим. Бир газабимга ўн газаб қўшилди. Мени ёмонлаган, Оқиланинг ота-онасини ўзига оғдириб олган ва тез орада чимилдиққа кириш ниятида юрган ифлос танани аямасдан тепкиладим...

Бир вақт орқада кимдир қичқирди. Ўзимга келсан, Қосим қора қонига беланиб ётибди. Ўқитувчилардан бири югуриб келиб Қосимнинг бошини кўтарди, бўйин томирини ушлади, юрагига қулоқ солди ва менга қўрқув билан боқди-да, леди:

— Нималар қилиб қўйдинг, тентак?! У ўлиб қолибди-ку! Энди умринг қамоқда чирийди, галварс!

Оқиланинг дийдорини қўрмасдан қамоққа равона бўлдим. Ўн икки йил уйимдан олисдаги қамоқхонада умр ўтказдим.

Мен ҳамон Оқилани севардим. Унинг учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Одамлар севадию кейинчалик ишқ оловлари ўчади, ҳатто бир-бирини унтишади. Менинг муҳаббатим эса ана шундай бевафоларга қарши исён эди.

Қишлоғимизга қайтиб келганимнинг биринчи ҳафтасидаёқ Оқилани ахтариб топдим. Оқила бола-чақали эркакка иккинчи хотин бўлиб турмушга узатилган эди. Дастрраб, уни таниёлмадим. Мактабдан қайтаётган

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

эди. Азадорларнинг оқ рўмолини ўраб олган озғин аёл, фамгин қиёфа, наҳотки Оқила бўлса? Шунчалар ҳам ўзгариб кетадими одам? Аввалги Оқиланинг фақат кўзлари қолибди-ку.

Юрагим потирлаб урди. Тилим шивирлади:

— Оқила... ўзимнинг Оқилам...

У мени таниди. Бир кулимсираб қўйди-ю, йўлида индамай кетаверди. Рухсорини кўрганимдан маст эдим, шунча йил уни деб яшадим. Мана, кетиб бора-япти. Мана шу вужуд севгилим Оқила. У бор, бундан кейин ҳам бор бўлади. Вужуди ўлса-да, тупроққа сингиб кетса-да, у бор бўлади. Зеро, у бор эди, ҳеч қачон туғилмаганини, ҳеч қачон мавжуд бўлмаганини ҳеч ким исботлаётмайди. Инсон абадий. Муҳаббатим ҳам.

— Сени севаман, — пицирлади тилим.

— Унга ҳайрон бўлма, — деди ёнимда пайдо бўлган чол, — ўзи шунаقا аёл. Осмонда иккита ой порлаган заминда фақатгина тушлар билан яшаш мумкин... Биласанми, унинг қишлоғимизга келин бўлиб тушганига ўн йил тўлди. Эрининг иккита боласи бор эди, иккичи хотин бўлиб тегди. Фарзанд кўрмади, бечора. Эри яқинда мотоциклдан йиқилиб ўлди. Худо кечирсин, марҳум эри икки болали бўлгач касалликка чалинганди, яъни аёл билан яшаш қобилияти йўқ эди. Аввалги хотини шунинг учун кетиб қолган. Болаларини ташлаб, эрини ташлаб, биттаси билан қочиб кетди. Ёмонни қўя турайлик. Ўз эрига шунча йил садоқат билан сингил бўлиб яшаган аёл борми дунёда, деб сўра! Бор, дейман! Ана шу Оқила...

Оқиланинг изидан бормадим. У бирорнинг беваси эди. Нима қарорга келишни билмай Мажнун бўлиб яшайвердим. Мўъжиза юз беришига ишонардим. Мўъжиза юз бермагунча умримни танҳоликда ўтказишга аҳд қилдим. Оқилани безовта қилмайман, яраларини тирнамайман.

Бир куни құшни туманга йұлым тушди. Машинада атрофни томоша қилиб кетарканман, дафъатан бир вақтлар талабалик өфида узум терган жойимиздан чиқиб қолдик. Машинани тұхтатиши илтимос қилдим.

Узумзор оралаб борарканман, юрагим қиса бошлади. Умрим охирлаб қолганини тушундим ва ортиқ юролмай кесакка суриниб узум устига йиқилдим. Не тонгқи, узум орасида арининг ини бор экан. Арилар гувиллаб ҳавога құтариlgанини күрдим. Кейин гувва ташланиши. «Мени ҳам арилар чақиб үлдирап эканда», деган үй үтди күнглимдан. Аввалги қурбонлар сұнгги дамларида нима деганини билмас әдим. Мен эса тақдир үйинларидан безган, чарчаган овозда, аммо қаҳрамонларча хитоб қилдим:

— Оқила, сени севаман!

...Аъзои баданимга нишлар аёвсиз санчила бошласа-да, қимирламай ётавердим. Бир пайт қандайдир қиз жимфери билан ариларни қувиб солди. Кимсасиз узумзорни йигит-қызларнинг қий-чуви тутиб кетди. Улар қаердан пайдо бўлиб қолганига ҳайрон әдим.

Бир пайт қарасам, Оқила юзимни ювайпти. Орқадан Облақул домла гапириб келяпти:

— Аслан, ҳұв Аслан, уйдагиларинг келди, түйинг яқинми дейман?

Бир күзимни зёрға очиб, аввал Оқиласа, кейин узум тераётган курсдошларимга тикилдим. Күрганларимнинг ҳаммаси даҳшатли туш эканини, шаҳарга келган кунимдаги «Москвич» ҳайдовчисининг қисмати бошимга тушганини, орадан үн түрт йил әмас, бир дақиқа үтганини англадим.

— Ҳүшингдан кетдингми шунгаям? — дея Қосим елкамга құлини ташлади.

Мен унсиз йиғлаб юбордим. Күз ёшларимни ҳеч ким күрмаслигини, хушимдан кетганимда бошимдан кечирган үн түрт йилни бирор зөф билмаслигини истардим.

Үша куни хушхабар эшилдим: Оқиланинг отаси рози бўлибди. «Куёвни танийман, үн тўрт ўтга ташласанг ҳам чидайди» дебди. Тўйни пахта мавсумидан сўнг ўтказиш ҳақида келишиб олибдилар. Мен кимнингдир синовидан ўтган эдим. Умрим қора туш каби эмас, ёп-ёргу ва баҳтли кунларга бой бўлишини англадим.

— Ҳаётга хуш келибсан, — дедим ўзимга.

Ўша кундан сўнг кечалари осмонда бигта ой ёғду таратадиган бўлди.

— Яшасин муҳаббат!

...Йўқ, ҳикояни тугатмадим. Яна бир гап қолди:

— Яшасин муҳаббатга садоқат!

## АЛВИДО, БАХТ

«Уролог» деб ёзилган эшикни қулфладим-да, поликлиниканинг иккинчи қаватига, дўстим ишлайдиган йўлакка кўтарилдим. Йўлимда учраган ҳамкасларим билан ҳазил-хузул қилиб, охирги эшикка — «Психиатр» хонасига яқинлашдим. Дўстим билан ҳар куни бирга тушлик қиласдим, аммо ҳозир бутунлай бошқа масала етаклаб келарди. Иккинчи қаватдаги ҳамшираларнинг айтишича, дўстимнинг ҳузурига туманнинг чекка қишлоғида яшовчи бир келин серқатнов бўлиб қолганиш. Охирги йилларда дўстим оилавий нотинчлик даврини бошидан кечирмоқда эди. «Руҳшуноснинг ўзи бемор, у бошқаларни қандай даволайди?» деганимда, «Касб билан оила алоҳида-алоҳида нарсалар, қассобнинг олдида хотин, бола-чақаси қўй каби титраб турмайди-ку», деб жавоб берганди.

— Куппа-кундузи, ишхонада учрашишыпти, — шивирлади менга ҳамшира. — Дўстингиз анави овсар келиннинг эри борлигини биладимикан? Билмаса, айтиб қўйинг. Шифокор деган улуф номга доғ тушириб, эрли аёл билан ҳиринглашиши нимаси? Гап-сўз бош шифокорга етиб бормасин деб сизга айтдик.

Эшикни тортсам, ичкаридан қулф экан. Мушт туширдим.

— Очинг, касал келди!

Ичкаридан жаҳл аралаш:

— Эшикни синдирасиз! Ўн дақиқа кутинг! — деган овоз эшитилди.

Қўшни хонага бош сукдим. Иккинчи қават хотинқизлари йиғилишган экан.

— Салом, қизлар, нима гап ўзи?

— Э, — қўл силтади ҳадемай нафақага чиқадиган Рисолат опа, — бир неча марта келди, касалдир-да, деб ўйладим. Тунов куни қарасам, кечки пайт кинотеатр ёнидаги ошхонадан кулишиб чиқяпти. Хотини аразлаб кетган бўлса, дарров биттасини топиб олиши... тўғриси, мен ҳеч ҳазм қилолмаяпман. Мана, Гулидан сўранг, эри бор экан бу қуриб кетгур келиннинг.

Сариқ шкаф ёнида тик турган қиз дув қизарип, деди:

— Опам уларнинг қўшни қишлоғига турмушга чиққан. Кеча биз ҳам икковини бирга кўрдик. Опам сал-пал таниркан. Эри Россияда эканини айтди.

— Балки дўстимнинг қариндошидир?

— Қаёқда, — лаб бурди Рисолат опа. — Биринчи куни бу ойимтилла қош-кўзини бўяб келиб, ўзини йиғламсираб таништирганига гувоҳман-ку.

— Ҳа, касалман деган баҳонада хотини йўқ ёки оиласи нотинч шифокорларга қармоқ ташлайдиганлар

## *Азамат КОРЖОВОВ*

---

ҳам учрайди, айланай, — гап қўшди яна бир ҳамшира. — Синглимнинг оиласи ўшанақаларнинг дастидан бузилди-да.

— Сизга ҳам илтимос, ҳам поликлиника жамоаси топшириғи, — деди Рисолат опа, — руҳшунос дўстингизнинг ўзига бир руҳшунослик қилиб юборинг. Икки оилани ажрашишдан сақлаб, савобга қоласиз.

Ҳаммалари менга умидвор тикилишди.

— Очиги, буни кутмагандим ундан, — дедим. — Бир гаплашиб кўрай-чи. Эҳтимол, вазият сизлар ўйлаганчалик эмасдир.

Йўлакка чиқдим. Эшик ҳамон қулф эди.

— Дўстим, очинг, бош шифокор чақиряпти, — дедим.

Ичкарида пичир-пичир қулоққа чалинди. Кейин эса эшик ўз-ўзидан очилиб кетгандек сас-садосиз деворга қапишиди-да, рӯпарамда нотаниш жувон намоён бўлди.

— С... салом, — деди у қисқагина, пастина товушда ва «Айген» ёзувли полиэтилен сумкани кўтарганча шипиллаб кўздан йўқолди. Бу каби жувонларни туманда юзлаб учратиш мумкин эди. Рўмол ўраган, узун кўйлакда, оёғида қизил «иринка», эгнида то-вуснусха жемфер. Бироқ хиёнат қилишлари... Йўқ, ишонмайман. Ахир, юзида қишлоқ келинларига хос ибони кўргандек бўлдим-ку. Қошлари қалин эди, киприклари узун, кўзлари чарос...

Туйқус тишларим фижирлаб кетди. Назаримда, мен алданган эдим. Хиёнат ҳар қандай шаклдаги олмага тушадиган қурт эди.

— Нега турибсиз? Кирмайсизми? — деди дўстим.

Столига икки қўллаб таяндим.

— У ким? — дея йўлакка ишора қилдим.

— «У ким? Бу нима?» деган энциклопедия бўларди.—

Дүстим оёққа қалқиб, эшикни ёпиб, стол четига үтири-ди. — Мен ҳам шу номли энциклопедия түзсам дейман, фақат болаларга атаб эмас, катталар учун. Аниқроғи, сендей уролог, мендай психиатрлар ва барча таниш-би-лишларга мұлжалланган.

— Күйсангиз-чи ақмоқона гапларни. Ҳозир хонан-гиздан чиққан жувонни бир неча кундан бери учратып-ман. Ишдан кейин бирга-бирга ошхоналарда кезяпсиз.

— Ифвони эшитибсиз-да? Наҳотки, мен шунчалик-ка борсам? У менинг беморим. Даволашим қеракми? Эшикни беркитишни үзи илтимос қилиб, шундан кейингина дардини очадиган одати бўлса, нима дей-сиз?

— Хўш, «энциклопедия»нгиз бўйича эри хорижда ишлайдиган аёлни тушкунликдан чиқариш бўйича қандай «муолажа» қиляпсиз?

— У яхши хотин, — деди дўстим. — Эрдан куйган, холос. Ўқимишли, тушунган, баланд бўйли, меҳри-бон эрни орзу қилган экан. Афсуски, пешонасига бу-туналай ўзга маҳлуқ битибди.

— Эрини маҳлуқ дедими?

— Бир йилдирки, қорасини кўрсатмайдиган эрни яна нима дейиш мумкин?

— Тушунарли. Сиз руҳшунос сифатида унга тўғри маслаҳат бериш ўрнига йўлдан оздиряпсизми?

— Эй, нега бунча аччиқланасиз? Унда нима гуноҳ? Ўз жонига қасд қилиш фикридан холос этдим. Эри билан барибир бирга яшамоқчи эмас. Ўртада бола бор экан. Шунга кўзи қиймаяпти.

— Демак, даволаб бўлибсиз ҳисоб.

— Йўқ, — қатъий бош чайқади дўстим.

— Сизни унга, уни сизга касаллик риштаси боғла-япти, деган фикримни бутунлай чил-парчин қилмоқ-чимисиз?

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Хабарингиз бор, мен ажрашмоқчиман. Хотин олти ой отасиникида, олти ой уйда, бу турмуш турмушмас. Қисқаси, жувон менга ёқиб қолди. Бемор бўлиб қатнаб юрганида ҳеч қандай ёмон кўз билан қарамаганман, ўз касбимга хиёнат қилмаганман. Биз эндигина танишдик, десам ҳам бўлади.

— Ё тавба, шу гапларни сиз айтяпсизми? Ҳазиллашим дим дент, илтимос.

— Ҳаммаси рост.

— Ўз оиласигизга қўшиб, яна бир оиласинг қотилига айланяпсиз, ахир! Руҳшунос одам! Икки карра қотил!

— Оғзингизга бунча эрк бермасангиз! Нима, мен одам эмасманми? Менда ҳам юрак бор, орзу-ҳавас бор. Хотиним билан бирор кун ҳам ҳаловатли яшаганим йўқ. Руҳшунос бўлганим учун шунча йил бардошим етди. Ҳаёт йўлларимда кўнглимдаги аёл қачонлардир учрашини сезардим, кутардим.

— Кўнглингиздаги аёл эрли аёл эдими?

— Эри Россияга кетганидан кейин қайнонаси уни ота-онасиникига қувган. Келинни, неварани боқиши истамаган оила ҳам бор бу дунёда, дўстим! Эри дом-дараксиз кетган, пул-мул юбормаган. Аёлнинг ҳам баҳтли яшашга ҳаққи бордир?

— Уят-э, сиздек мутахассисга!

— Уни охиригача даволашни истамадим, — дўстимнинг кўзида совуқ шуъла акс этди.— Шу ҳолида ўзим баҳт бераман, тамом-вассалом. Эри қайтиб келса ҳам, барибир бирга яшамоқчимас. Уй-жой қуриш, ёлғиз болага суннат тўй қилиш, рўзгорга пул бериш у ёқда турсин, бир марта кўнфироқ қилмаган одамга қолган умрини қандай бағишлайди? Қайнонасиникидан кетганидан сўнг, ҳатто, соchlари тўкила бошлаган, эшитяпсизми? Қисим-қисим соchlар! Одамни емирадиган совуқ

турмуш бу! Ўттизга кирмай худди урандан заҳарлангандек заҳарланяпти бу аёл!

— Сиз даволаш ўрнига касалини кучайтиргансиз!

— Нималар деяпсиз? Никоҳ ҳам ўқитдим! — Дўстим стулига ўзини ташлаб, қўлларини чалиштириди.— Яна саволлар борми?

— Никоҳ ўқитдингиз? Ё алҳазар!

— Бирга яшаяпмиз, аммо ҳозирча норасмий. Шунчаки кинотеатр кўчасидаги ижара уйда учрашяпмиз. Тез орада уй олсам, элга ошкор қилиб, кексаларни чақириб, ош бераман.

— Мен кетдим, — дея эшикка юрдим. — Хулласи қалом, бу ерга кирмадим, сизни кўрмадим. Инсон сифатида тамом бўлибсиз. Ноинсонийлик муборак!

— Дўстим...

— Дўстим деманг мени!

Эртасига воқеадан бош шифокор хабар топиб, дўстимнинг пўстагини қоқди. Жувонни поликлиника остонасида уч-тўрт марта учратдим. «Айген» сумкасини кўтарганча кимнидир кутарди. Дўстимдан бу ҳақда бошқалар сўрашса, у:

— Бас, шахсий ҳаётимга аралашманглар, — дебди.

— Жувон поликлиника ичкарисида эмас, ташқарисида. Ташқарида бош шифокор ҳам, авлиёси ҳам менга хўжайин эмас.

\* \* \*

Кўп ўтмай «Айген» сумка кўтарган жувон кўринмай қолди. Дўстимнинг хотини уйига қайтди. Ҳалиги жувон ҳақида сўрагим келмасди. Эҳтимол, у бутунлай ёдимдан кўтирилиб кетарди. Бир воқеа бўлди...

Оддий иш қуним эди. Жинсий аъзолару, қовуқ, буйракларни даволашдан ташқари, онда-сонда болаларни

хатна ҳам қилиб турардим. Навбатдаги мижоз ўғил-часини келтиргач, қора күзойнагини ечди. Бошига телпакни бостириб кийиб, күзойнак тақиб олган бу одам фалати күринаётганди. Қарасам, қоши, киприги йўқ. Қўли, юзи туксизликдан шундай силлиқ эдики...

— Ахволимни қаранг, дўхтири, — деди у, — маҳлуқ-нинг ўзгинаси бўлдим-қолдим. Яқинда Россиядан келганман.

— Телпагингизни ечинг-чи.

Қаршимда ажабтовур мавжудот пайдо бўлди. Одам шаклидаги устихонга сарғиш тери тортилган. Кўзла-ри жавдирайди, на соч, на қош-киприк бор.

— Эртага келсан бўладими? — сўради у. — Бугун уйда ўғлимнинг суннат тўйи.

— Соч-соқолнинг тўқилиши бўйича мутахассис эмасман.

— Сизга бошқа дардимни айтаман, — у телпагини кийиб, күзойнагини тақди.

Эртасига соат саккиздаёқ келиб, эшигим тагида кутиб ўтирганини кўриб, тўй ҳам татимаганини тушундим. Стулга маҳзун чўкиб, устки кийимларини ечди. Ўйлаганимдан-да қоқсуяқ эканини кўриб раҳмим келди, хайриҳоҳлик-ла дардига қулоқ тутдим.

— Дурадгор эдим, — деб ҳикоясини бошлади бемор.

— Қишлоқда туппа-тузук ишлаб юрардим. Уйландим, ўғилли бўлдик. Ер олиб, уй кўтардим. Шукр қилсан бўларкан. Бир куни танишимни учратиб қолдим.

«Яшашинг қандай?» — деб сўради у.

«Ёмонмас, яқинда том солдим, — жавоб бердим.— Озроқ ишласам шифер оламан, секин-аста поллайман, кўчиб ўтаман».

«Үйингга шифер билан пол муаммоли? — ҳайрон-лигини яшиrolмади танишим. — Устасан-ку, даромад йўқми?»

«Уста бой бұлармиди», – деб кулгига олмоқчи эдим, танишим жиддий тортди.

«Ойига минг доллар ишлашни истайсанми? – деди күзлари қисилиб. – Бир йилда қишлоқнинг энг олди бұласан».

У яқинда Россияга кетаётганини маълум қилиб, мени ҳам қурилишга таклиф этди.

«Оддий ишчиларга ўттиз минг рубль ҳақ тұланади, – деди у. – Биз оддий эмасмиз, мен пайвандчи, сен дурадгор. Эллик-олтмиш минг рубль ишлаймиз».

Россияга жұнадим, лекин танишим қурилишда жойлар тұлғанини айтди. Бир ой ижара уйда бекор ётдим. Бир куни уйга шошиб кирди-да, иш топгани учун суюнчи сұради. Маоши ўша айтгани – уйга ҳар ойда минг доллар юборса бұлади.

Үн беш өнім одам машиналарда узоқ юрдик. Қаерга кетаётганимизни билмасдик. Аллақандай хароба корхона ҳудудига кирганимизда, дарвозалар тақа-тақ беркитилди. Ишчилар коржомаси, бөш кийим, япянги этиклар тарқатылды. Овқат хоҳлаганингизча. Ишимиз унчалик оғир эмасди. Ҳаммага бир хил топшириқ: омборхоналардаги юкларни ташиб чиқариш.

Аввалига маза қилиб ишладик. Кун ўтган сайин ер ости омборларидан анқиёттан сассиқ ҳиддан күнгли-миз айний бошлади. Дори солинган қопларни, ўткир ҳидли суюқлик тұлдирилған бочкаларни машинага ортиш азоб бұлиб қолди. Иложини топғанлар уйига құнғироқ қиласады. Мен бирйұла катта пул билан бораман, деб индамай юравердим. Телефон сұраш муаммодағы гирт бошоғриқ иш эди.

Бир ой ўтгач, ҳақиқатан минг доллардан тұланди. Ейиш-ичищ, ётар жой бепул, пул шундоқ ёнга қолади. Бахт излаган одамнинг орзуга эришгани шу эмасми?

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

«Уч ойдан күп ишламайсанлар, — эълон қилди хұжайин. — Бу ерда тинимсиз уч ойдан күп бўлиш заҳарланишга олиб келади. Муддатларинг тугагандан бўшатиласанлар».

Биз — гумроҳ бандалар ҳечқурмаса олти ой ишлаганимизда эди, деб орзу қилардик. Ҳа, мен ва танишимнинг омадимиз чопди. Учинчи ой бошлиқ алмашди-ю биз янги муддатга қоладиган бўлдик. Бошлиқ тентакнамо кимса эди. Қоламан, деган ишчини янги муддатга қолдираверарди. Биз уч муддатда ҳам бўшатилмадик. Сохта ҳужжатлар билан ишлаб юрдик.

Кунларнинг бирида ўртоғим деди:

«Эҳ, ёшлик ҳам ўтди, қара, сочим тўкиляпти».

Беихтиёр мен ҳам сочимни силадим. Қалин, файир сочим бир неча кун бурун тўкила бошлаганини кўриб индамай қўя қолгандим. Қўлимга бир тутам сочилакишиб тушгач, қўрқиб кетдим...

У ердан чиқиб, Санкт-Петербургга қелганимизда чўнтакларимизда тўққиз минг долларча пул бор эди. Сочимизни лезвияда қирдириб юрардик. Уй билан қўнғироқлашдик. Пулларимизни банк орқали юбордик. Шу аснода қурилишдан ҳам иш топилди. Яна бир йил ишлаб, юрга қайтмоқчи бўлдик. Хотиним уйни битказолмаяпсиз, ёлғиз ўғлингизга тўй қилолмаяпсиз, деб күп нолирди. Ҳаммасига эришадиган бўлдим.

Аммо мадорсизлик тинимсиз хуруж қила бошлади. Соч-соқолимиз, қошимиз тўкилди. Қурилишда ишлолмадик. Бемор эканимизни, вазифаларимизни улдалаёлмаётганимизни билган ишбоши паттамизни қўлимизга тутқазди. «Бизга касал ишчилар керакмас, — деди у.— Юрtingизга бориб, даволаниб келинг».

Шундай қилиб, дўхтиржон қўлимга самолёт чиптаси текканида, сўнгги кипригимдан ҳам айрилдим...

Бемор пастки лабини тишлади, нурсиз күзидан ёш думалади.

— Дўхтиржон, — деди қалтироқ товушда, — Rossiyadan келганимдан бери хотинимдан ўзимни олиб қочаман. Касалимни даволашнинг иложи борми? Уйим ҳам битди, тўй ҳам қилдим, энди баҳтли яшасам дейман.

Илму ҳунаримни ишга солдим. Бемор уч кун қатнади. Дарди оғирлашаётганини аниқлаб, вилоят марказидаги шифохонага юбордим. У эса поликлиникада даволаниб қўя қолишни истарди. Яна келган эди, койиб бердим:

— Жонингизга жабр қилмасангиз-чи! Сизда бир неча касалликларнинг аломати сезиляпти! Вақтида даволанинг!

У қайтиб қорасини кўрсатмади. Шифохонада даволаняпти, деб ўйладим. Куриб-қовжираб бораётганини хотини ҳам, қавму қариндоши ҳам кўриб-билиб туришибди, улар шифохонага ётқизгандир?

Ўшанда кўклам эди. Вилоят марказига борганимда, курсдошимнинг иш жойига — онкология шифохонасига йўлим тушди. Шифохона ҳовлисида bemorimни учратдим. Ичимда нимадир чирс узилди. Касалнинг ранг-рўйигина эмас, ёнидаги хотин ҳам мени муттасисир этди. Уни танидим. Иккинчи қаватдаги дўстимнинг ҳузурига серқатнов бўлиб қолган жувон эди, қўлида ҳамон «Айген» сумкаси...

## ЎФРИЛАР

Совчи учинчи марта келгач, Гуландомнинг отаси розилик берди. Вўр хола билан қуда бўлишни ҳеч ким орзу қилмасди. Шундай қилиб, Ҳабиб деган тўнғич ўғлига еттинчи жойдан зўрга қиз топилди.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Эртасига Гуландомнинг отаси қариндошлардан ба-  
лога қолиб, шундай деди:

— Улар ҳам эл қатори оила. Эри ароқхўр бўлиб, бир  
бетайинга илакишиб кетган, деб айбситишларингга  
қўшилмайман. Ким хато қилмайди? Ҳаммамиз иссиқ  
жонмиз. Бўлажак куёвни танийман. Ўтган йили «под-  
комбайн» буғдойни бир кечада ёлғиз ўзи ташиб кет-  
ганди, жуда пишиқ йигит.

— Нималар деяпсиз, почча, Ҳабиблар ўғри йигит-  
лар-ку! Мана, ўз оғзингиз билан гапиряпсиз. У Гу-  
ландом жияннинг tengими?

Бошқа бир қайниси ҳам эътиroz билдириди:

— Почча, Вўр холанинг ўзи ҳам ўғри. Бекорга «Вўр»  
дэйишадими? Эшигтанмисиз, бозорда ўрис аёлнинг  
пулини ўғирлаб, шу лақабни орттирган.

Гуландомнинг отасига ён босгандар ҳам топилди.  
Дангл акаси деди:

— Сен, ука, қизингни бериб тўғри қилдинг. Ёши  
ҳам ўтиб бораётганди-да, ахир. Вўрга келсак, нима, у  
бузуқими, одамхўрми? Сен билан менинг хотинимга  
ўҳшаган аёл-да! Эри ўнгсиз чиққани учун тирикчилик  
бўйнига тушди, сафирлари ҳам ўз кунини кўришга маж-  
бур бўлишди. Отини Ҳабиб дедиларингми? Вў, ана шу  
Ҳабиби кўп қийинчилик кўрган, хотиннинг қадрига  
етади.

Шундан сўнг падар қаддини кўтарди.

— Ҳа, мен ҳам шуни айтяпман-да, — деди. — Берди-  
сини айтмасдан уриб ўлдирманглар. «Подкомбайн»ни  
у меҳнат ҳақига олганди. Бир кечада ташиб кетгани-  
гагина қойил эдим.

Гуландом келин бўлди. Ҳеч ким ёқтирамайдиган ўша  
Вўр холанинг тўнгичига тушди. Гуландом авваллари  
Ҳабибни ҳар замонда унда-бунда учратиб турарди. Ҳа-  
биб нимжон, укалари эса бақувват йигитлар эди.

Бир неча кундан сўнг куёв нолиш оҳангиди деди:

— Гуландом, бежиз озғин бўлиб қолмаганман. Отам кетгач, ҳамма ишлар бўйнимга тушди. Меҳнат одамни эзib ташларкан.

Соддадил келинчак унга ачиниб қаради. Тўғриси, эрини севолмади. Яхши кўришим, авайлашим, ачи-нишим шарт, деб ўйларди. Куёв борган сари ялтоқла-нар, эркатой болани эслатарди. Келинчак унинг оёқ-қўлини уқалаб қўймаса ухламасди. «Уни узат-буни олиб бер» каби гапларни кунига юз марта такрорлар-ди. Гўё Гуландом хотини эмас, энагаси эди.

Бир сафар ҳовли супураётганда, қайноаси танбех берди:

— Келин, қўчани супурганингизда қўшнининг чи-зигидан ўтманг, нима, чўрисимисиз?

Сал ўтиб, яна буйруқ янгради:

— Чўпларни майдаланг, келин, ем қайнатишимиз керак!

Оғилга етган ҳам эди, очиқ деразадан куёвнинг ово-зи эштилди:

— Гуландом, ҳўв Гуландом! Қаердасан? Бу ёққа кел.

— Ҳозир...

— Гуландом деяпман! — эрининг аччиғи чиқди.

Келинчак деразадан мўралаган эди, қўрпачада чў-зилиб ётган эри буюрди:

— Шкафдаги носни узат.

Гуландом уйга биринчи бор зарда билан кирди. Нос кутисини бераётиб, Ҳабибнинг юзига қарамади ҳам.

Энг ёмони иззат-хурматнинг йўқлиги эмасди, хона-дон аҳлидан биронтаси ишламасди. Бекорчи хўжалик-ка шундай кўнишиб қолишган эдики, «Нега биз ишла-маяпмиз?» деб ўзларига савол ҳам бермасдилар.

Дастлабки кунлари йўқчилик сезилмади. Ҳафта

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

ўтар-ўтмас ошхонадаги жамики маҳсулот гум бўлди. «Энди улар тушликсиз қоладими?» — ўйлади келинчак. Ва бунга ўзи айбдордек қўрқиб кетди.

Қайнонаси ошхонага кирмаганида келинчак бояқиши юрак ютиб айтольмасди.

— Нега бунча рангингизда ранг йўқ? — сўради Вўрхола.

— Овқат қилмоқчиидим, ёғ, макарон, пиёз тугабди.

Қайнона коса олди-да челякка ботирди, сўнг қултиллатиб охиригача симиргач, деди:

— Тушда овқат қилиш шарт эмас. Туз бордир?

— Туз? Туз бор.

— Томорқадан помидор теринг-да, салат тайёрланг.

— Лекин... — чайналди Гуландом.

— Яна нима гап? — қайнонанинг қошлари чимирилди.

— Ҳозиргина қарадим, помидорнинг пишгани туғабди.

— Вой-бў, — гапиринди қайнона, — ҳали бунга ўргатаман деб эсим кетади-ёв... Помидор тугаган бўлса, ана, қўшнининг томорқаси кўриниб турибди. Ариқдан ҳатланг-да, тераверинг. Егим келди десангиз, сиздай келинчакни қувиб юборолмайди. Ҳатто, нега теряпсиз, деб сўраёлмайди.

Энг азобли тушлик бўлди бу. Бир бурда нон ўтмади томоғидан.

«Қизларнинг шўри бор, — ўйларди Гуландом. — Турмушга чиқса ҳам қийин, чиқмаса ҳам. Аммо аллақаерларда баҳтли оиласлар бор... жуда-жуда кўп. Мен бечора-гагина насиб этмаган...»

У ажрашаман деёлмасди. Оилавий шароити яхши эмас экан, деб турмушини бузган келинчакдан қариндош-уруг ҳам юз ўгиради. Яқинда аммаваччасини

бир уй аёл қарғади: «Тузуккина оиласини бузиб, ясан-тусан қилиб күчада юргунча үз эрини одам қилиши керак эди. Рұзгор тутолмаган хотиннинг кейинги тур-муши гүр бұлармиди! Пардоз-андозидан ҳам мақсад Эркакларни үзига қаратиш, бойроқ эр топиши...»

Онасининг күнгли сезди. Ёнига чақириб сұради:

— Кайфиятинг яхшими, қизим? Күникиб кетдинг-ми?

— Ҳа, яхши, — деди Гуландом.

Меҳмонар кетгач, нон муаммоси күтарили.

— Ҳозирги унлар тутантириқ бермайды, — деди Вұр хола. — Бунча баракасиз-а!.. Ҳай, Ризамат, Мелиқул, Кенжабой, бери қелинглар! Ҳабибни ҳам чақириңг-лар!

Оила жамулжам бұлғақ, онахон бир-бир үқрайди. Бадқовоқ, қоп-қора Ризаматда тұхтади нигоҳи.

— Турғундан ҳақынгни олдингми?

— Ойлик келса бераркан.

— Сомонини киргизиб берганингданоқ ундиришни билмасаңг, шунақа сарсон юраверасан. Хотинини дүқладамайсанми?

Укалари пиқ-пиқ кулишди. Вұр хола Ҳабибга ҳужум қилди:

— Менга қара, күёвтүра! Шунча ётганинг етар. Ука-ларингни эргаштириб, эрталабгача түрт қоп буғдой топиб кел. Сатиллар оғилнинг бурчагига осиғлик. Со-рибойнинг даласига боринглар, ҳали комбайни тушма-ғанмиш.

Ётармақал ақа-укалар ғимирлаб қолишли: бир чети кесилган түнуга челаклар келтирилди, бұш қоплар тахланди.(Ұша йилларда үғрилар буғдой бошоқлари-ни үғирлаш учун учбұрчак шаклда кесилған челаклар-дан фойдаланишарди.)

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

- Ухлайвер, мен кеч келаман, — мингирилади Ҳабиб.  
Ризамат эшитиб, ҳиринглади ва:
- Янга, — деди дүриллаб, — кутиб үгирманг, акам  
уч кун қотиб ухлайдиган ахволда қайтади. Буғдой ши-  
лиш осонми?
- Буғдой шилиш нима дегани? — тушунмади Гулан-  
дом.

— Бошоқ ұрамиз, бошоқ!

Гуландомнинг қайнилари баравар кулиб, құчага  
чиқишиди. Ҳақиқатан Ҳабиб тонгга яқин оёғини зұр-  
базур судраб қайтди. Құллари тирналган, уст-боши  
чангга ботган эди.

Эрталаб бошоқлар уқаланиб, буғдойи ажратилди.  
Гуландом билан қайноаси шамолга совуриб, қипиқла-  
рини тозалаётганда, ҳаллослаб Сорибой етиб келди.

— Чече, инсоф борми сизларда? — бақирди у. — Фал-  
лазоримни кал қилиб кетибсизлар-ку! Болаларингизга  
ҳаром егизиб нима қиласиз?! Ё баҳорда ишга олма-  
ганим утун қасосми бу? Ишга олсан, ёлчитса экан!  
Құлига илашган нарсаны үмаради...

— Ҳай-ҳай, оғзим бор дебвойилламан! — тутақди  
Вўр хола. (Гуландом эса уялганидан уйга кирди.) —  
Ким сиздан қасос олибди?

— Пешона терим билан етиштирганман ғаллани!  
Бир кечада бошогини юлиб кетишибди үғилларингиз!

— Үн гектарни-я?

— Үн жұякни! Одам деган бунақа бұлмайди. Ана,  
 заводға ишга ўтсин, бошқа фермерларга борсин, юк  
ташувлылық қылсын, пода боқсын, марказдаги бозор-  
да ҳожатхона тозаласин! Иш күп-ку! Үғирлик қилиш  
шартми?!

— Ҳожатхонанғни үзинг тозала!

— Хотиним касал, чече! Болаларим ёш! Даволатаман

деб новвос боқяпман. Нега мени талайсизлар? Буғдойнинг неча қисми меники эканлигини биласизларми ўзи? Қолганини давлатта топшираман!

Гуландом йифлаб юборди. Эри бошлиқ уч давангир укаси тунда бир бечорани қон қақшатганига чидаёлмади. Наҳотки, бу хонадонда еган нони ҳам ўғирлик бўлса?

Фурсат топиб қайниларининг хонасига кирди. Улар кечаси тутзор четида турган «Жигули»даги бегона эркак ва таранг либосли қиз ҳақида тортишардилар.

— Юзини бир кўриш керак эди-да, — деди Кенжабой.— Овози таниш тююлди.

Ризамат койиб берди:

— Аввал ўзингни таниб қоларди-да, гаранг!

— Севишганлар эди, — қўл силтади Мелиқул.— Бир нимани тортишаётганди.

— Севишган бўлса, маҳалласида учрашади, нотаниш қишлоқдаги овлоқ жойда бало борми?

Гуландом ичкарига кирди.

— Қайниларим билан бир гаплашай дегандим... — Гуландом мақсадга кўчди: — Тўғрисини айтинглар, кечаги буғдой ўғирликоми? Сорибой aka энамга гапиряпти.

— Ит акиллайверади-да, — деди Ризамат.

— Уят эмасми? — Гуландомнинг овози қалтираб чиқди. — Айни ёз, иш кўп. Ишласаларингиз бўларди. Ҳаммангизнинг қўлингиздан келади.

— Ўртага аёл аралашдими, ҳаётинг расво бўлади, — аччиқланди Ризамат.— Мели, носингни бер, янгамнинг минfir-синфири етмай турувди.

Гуландом «Онангиз аёл эмасми? Ким ҳаётингизни расво қиляпти? Менми, ўзингизми?» демоқчи эди, жанжалдан кўрқди. Кенжабой кемтик челакларнинг вазифасини тушунтира бошлади:

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

---

— Бу жуда осон иш, янга. Акам қийналганига хафа бўлманг. Сатилнинг оғзини бошоқларга қаратиб силтайсиз, бир зумда тўлади. Майли, хоҳласангиз, бундан кейин акамни юбормаймиз. Уйда бошоқни тозалаб, тегирмонга бориб-келиб юраверади.

Орадан кўп ўтмай буғдой масаласи унутилди. Вўр холанинг ўғиллари у ер-бу ерда ишлаган бўлишди, ҳатто, Ризамат туман марказидаги корхонага ишга ўтди. Аммо бир ойга бормади: корхона машинасининг эҳтиёт қисмини ўғирлашда айбланиб ишдан ҳайдалди.

— Болаларимни ҳеч ким тинч қўймайди, — нолиди Вўр хола қўшнисига. — Ҳали ундан, ҳали бундай дейди. Қачон қарама, туҳматни ағдаришади-да-туради.

Гуландом миқ этолмади. Ахир, Ризамат кечагина мақтанди: у бошқа нарсалар ҳам ўғирлаб сотган экан, ландовурлар фақат битта эҳтиёт қисм йўқолганиниги на билиб қолишибди.

— Бола деган шайтон бўлса-да, — жаварди Вўр хола.  
— Тоғни тоққа чўқишиурса, йўқдан бор қилса!

Гуландом ўйларди: «Наҳотки, она ўз фарзандлари га шайтонлик тилаяпти? Кенжабойи ўртоқлари билан чўпоннинг эшагини ўғирлаганини билармикан? Ризамат Турғуннинг хотинига тегажоғлик қилганини-чи?»

Қўшнилардан ул-бул сўрайвериб, Гуландомнинг юзи қолмади. Қайноасига гап қайтаролмайди, қайнилари айтганига кирмайди. Ҳали ноң, туз, қуруқ чой, ҳали чўмич, капгир сўраб ҳар куни боради: гоҳ унисига, гоҳ бунисига. Вўр хола хонадони хурсанд: оиланинг янги аъзоси мўмин-қобил, қўл-оёғи чаққонгина чиқди. Энди уни дала ишларига ҳам жалб этса бўлади.

Бир куни Ҳабиб билан Ризамат анча-мунча алюмин идишларни пачоқлаб, икки қоп қилди-да, аллақаерга сотиб келди. Вўр холанинг оғзи қулоғида, деди:

— Ишнинг кўзини билган одам хор бўлмайди. Шунинг орқасидан «Нексия» мингандар бор. Сенлар ҳам эртароқ ҳаракатларингни қилинглар.

— Лекин, — деди Ризамат, — қишлоқдан алюмин сим, идиш-пишиш топиш қийинлашди. Одамлар ёмон эҳтиёткор бўлиб қолди, эна.

Кўп ўтмай Кенжабой туман марказидаги чойхонадан алюмин чойнак ўғирлаётуб қўлга тушди. Қоровул қалтисроқ уриб юборган экан, шифохонага ётқизилди.

Шундан кейин ҳам хонадон аҳли бошқа йўлни кўрмади. Тарвуз пишганда тарвуз, қарам пишганда қарам келтириларди. Тийрамоҳда Ҳабиб қовуғидан от тепкисини еб, майиб бўлди. Гуландом ҳайрон эди: эри ярим кечаси тоғ қишлоғида, етти ёт бегонанинг отхонасида нима қилиб юрганди?

Бир ойдан зиёд шифохонада ётадиган бўлди. Гуландом кечалари чўчиб уйгонарди. «Бутун умрим ўғрилар орасида ўтадими? Бир кун булар ё қамалади, ё ўлади» деб ўйлар, ўйлаган сайин ваҳима босарди.

Одам етишмай қолди. Вўр хола бошини қотирмади ҳам.

— Келинпошша, — деди у. — Ризамат, Меликул — учовинг кечқурун узумга боринглар. Эртага шинни тайёрлаймиз.

— Мен қўрқаман, — ғудранди Гуландом.

— Сизга узум ўғирланг деяпманми?! — ўшқирди қайнона.— Эшакни ушлаб турасиз! Бўлмаса, аравани олиб қочади!

Гуландом ноилож рози бўлди. Аравада кетаётганларида Ризамат қўшиқ куйлай бошлади. Қўшиқ қандайдир беҳаёқ қиз ўз уйига севгилисини чақиргани ҳақида эди. Иккиси қучоқлашиб турганларида, ногаҳон эшак ҳанграйди. Уйғонган отаси ошиқ-маъшуқларни қувлайди...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Гуландомнинг юраги баттар увишди. Эшак устидаги Мелиқул ортига қайрилиб қараганди, Ризамат помидор отди-да:

— Ўв, ўртоғинг икковинг зовурга тушиб кетма! — деб мазах қилди.

Кимнингдир токзоридан апил-тапил узум териб, аравага ағдара бошлиши. Гуландом узумзорга кирмаган эса-да, қўрқув ва уятдан адои тамом бўлаёзди. «Эгаси келиб қолса, қишлоқда қандай бош қўтариб юраман?» — ич-этини ерди у.

Ниҳоят, шармандали онлар тугади. Юк ортилгани боис эшак юришга қийналди.

— Мели, — деди Ризамат, — сен тўғри йўлдан кетавер! Бирор сўраса, нариги «сапқўз»дан акамлар сотиб олди, орқада келяпти де. Биз зовур бўйидан қийиб чиқамиз.

Гуландомни эргаштирган Ризамат қоронғилик қўйнида кўздан йўқолди...

Тўққизинч ой Вўр хола Ҳабибни қарғади:

— Жувонмарг! «Раддом»га ҳали ҳам пул топмадингми? Ризамат, Мелиқул, бери келинглар!..

Ўша кечада уларнинг уйи гўштга тўлди. Ҳафта охирида Гуландомни дард тутди. Машина ванғиллаб кетяпти. Вўр холанинг қовоғи солиқ. Гуландом тинмай инграйди.

Шу пайт йўлни Сорибой тўсди. Ҳабибни машинадан суғуриб олди-да, мушт тушириди.

— Сенларни деб хотиним ўлди! Новвосни ўғирлаб қаёққа қочмоқчисан, ярамас! Бугун сен ҳам ўласан!..

Вўр хола Сорибойга тармашди, ҳайдовчи ўртага тушкиди. Ёлғиз қолган Гуландомнинг чинқириғига ҳеч ким қулоқ солмади. Тўсатдан машинадан чақалоқ йифиси эшитилди.

...Туғруқхонага етгунча, Гуландом хушидан кетди. Қонни тұхтатишганида кеч бұлған эди: Гуландом үлди.

Орадан түрт кун үтгач, Вўр хола чақалоқни олиб келиб, ўзи тарбия қила бошлади. Гўдак Ҳабибга қуйиб қўйғандек ӯхшарди. Аммо Ҳабиб унинг амакиси эди.

## **ҚУШНИ УЙДАГИ ҚУШИҚ**

Куз кунларининг бири эди. Фожиали ишқ-муҳаббат ҳақида ёзишимни сұрашганда, воқеа тополмадим ва қишлоғимга йўл олдим. Аниқроғи, сойнинг нариги томонида яшовчи Тошпўлат ака деган одам билан учрашишни кўзлаган эдим. Болалигимда эшитгандим, худди шу киши ҳусн-малоҳатда тенги йўқ, сочлари тўпифини ўпадиган, қайрилма киприк, камон қош қизни рашк туфайли ўлдириб, қамалиб кетган экан. Қамоқдан кейин кўп йиллар қишлоғига қадам босмаган, аммо мен шаҳарга кўчганимдан сўнг кўп ўтмай у тўй-маъракаларга қатнаша бошлаганмиш.

Ота ҳовлимда яхшигина хабар эшитдим: Тошпўлат ака нафақат тўй-маъракаларга қатнаша бошлабди, балки бутунлай кўчиб келибди. Энди у ўттиз йил аввалгидек эл қатори яшаётганмиш.

— Кечқурун топасан, — деди онам.— Укаси «район»да данғиллама уй қурган, отамизнинг чироғини ёқиб ўтиринг, деб қишлоқдаги уйни акасига берган. Шўрлик ҳалигача «Мунавварани мен ўлдирмаганман», деб кўзига ёш олиб турармиш. Ким билади, гапи ростдир. Тунов куни тўйда кўрдик, ҳеч ёмон одамга ӯшшамайди. Лекин ўлдирмаган бўлса, нега индамай қамалиб кетади? Бу ёғи ҳам бор-да, болам.

Куёш гурубни қонга бўяб ботди. Юлдузлар безовта

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

жимиirlаган оқшом уйдан чиқдим. Пурвиқор тог пойидаги қирлар кичик тепаликларни эслатган, қора бошлари осмон саҳнида хиёл ёришган, бўрими, шоқолми ошиб ўтаётса, шарпаси бир зум кўзга ташлангудек туъолган ажиб дам эди.

Ҳув ана, сўлдаги қорайган дўнглик – мозорот. Мунаввара опанинг қабри ўша ерда. Шу тобда кўп йиллик жумбоқнинг тагига етадиган изқувардек ҳис этдим ўзимни. Бироқ барибир фамли ишқ тарихи кўнгилни шоирона мусиқаси ила забт айлар, қисмат шамоли елдириб, руҳлар йўл ёритиб борарди, гўё.

– Аслида нима бўлганини менга айтса керак? – дейман ўзимга-ўзим. – Кўмилган ҳақиқат бир умр ер қаъридан садо бериб туради, тинч қўймайди, ҳаловатсиз ўтади ҳаёт...

Тошпўлат аканинг уйига булоқ томондан чиқдим. Молхона бўйи уюлиб ётган гўнгни айланиб ўтиб, эндинга чақирмоқчи бўлиб тургандим, қўшинининг девори тагидан бироннинг томоқ қиргани эшитилди. Қарасам, қоп-қора узун гавда ўсиб чиқяпти.

– Келинг, меҳмон, – деди у.

Ёруғлик тушиб турган йўлакка етганимда, олтмишларни қоралаб қўйган, қорайган юзини ажин босган кишини кўрдим. Адашмасам, бу Тошпўлат ака эди. Кимнинг ўғли эканимни, нега келганимни айтиётганимда, ногаҳон қулогини динг қилиб, яна қўшни ҳовлига қулоқ осди. Мен бор илм-амалимни ишга солиб, уни кўндиришга урина бошладим.

– Юр ичкарига, – таклиф этди истар-истамай.

– Олис шаҳардан келган одамни ноумид қайтариб юбормайдиганга ўхшайсиз, Тошпўлат ака, – дедим ҳамон хушомадни тилдан қўймай.— Ўйлайманки, бор гапни гапириб, айбсизлигинизни исботлайдиган вақт

келди. Бирорларга оғзаки дард айтгандан фойда йўқ, қуруқ миш-миш тарқалади, холос. Адабиётда айтилган гап эса тошга ўйилгандай қолади. Шундай эмасми, ака?

Тошпўлат ака ўйга толди. Кейин бирдан қўл силтаб, деди:

- Уй-пуйга кирмаймиз, кетдик.
- Қаерга? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— У билан кезган жойларимни кўрсатаман, ҳаммасини эшиласан. Атайин келганинг ҳам, кимнинг ўғли эканинг ҳам, адабиётинг ҳам аҳамиятсиз. Бугун Мұнаввара ўлган кун... Қара, шу бугун унинг қўшиғини эшилдим, фақат у куйладиган қўшиқ...

- Қўшиқ куйлармиди?

Тошпўлат ака тўхтаб, менга олайиб қаради. Бутун умр қамоқ ва қувфинда юриб, ниҳоят энди қишлоғимда яшашга ҳақлиман, деган одамга саволим оғир ботган эди. «Ким деб ўйлаяпсан? Ахир, дунёдаги энг бахти ошиқ-маъшуқлар эдик, сен эса қўшиғи бормиди, деяпсан-а?! Қўшиқ нима деган гап, унга ўз қўлларим билан оймомони узиб берганман...» демокда эди, назаримда.

— Сен қанақа ёзувчисанки, шунақа бир... ғалати савол берасан.

— Ўзи тўқиган қўшиқ бормикан, дебман... — Воҳ, яна қовун туширдим. Тошпўлат ака менга энгашиб, ғазаб билан тикилди.

— У ўлган. Мен қўшиғини эшилдим, деяпман. Бу қўшиқни иккимиздан бошқа ҳеч ким билмасди. Ўлган қизнинг қўшиғини қаердан эшилдингиз, деб сўрашингни кутгандим... Э, ўзи бу ерлардан ижодкор чиқмайди! Ижод — ўз ҳаётинг экан, ҳеч ким уни достон қилиб ёзмаса ҳам энг зўр ижод — шу.

Қандай тез олов олган бўлса, шундай тез ўчди. Биз

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

қишлоқдан чиқиб, қир ёнбағридаги сунъий күл түғонини айланиб үтдик. Каттакон тол тагига бормоқчи эдик, ит вовиллади. Кимдир құй учун құтон курган шекилли.

— Мунаввара билан бошида шу ерда учрашардик, — деди Тошпұлат ақа харсанғ устига үтириб. — У пайтларда учта тол бор эди. Ҳозир күриб турганинг эң кичиги, эң ёши. Қара, ёлғиз үзи қолибди, бечора... Мунаввара шу толни яхши күрарди. Құшиқни ҳам толға сұяниб тұқыған. Эшитасанми?

— Менми? Майли, ақа...

— Гул бұлай, гул юзингә ғұллар тұқылмасин ҳеч, Иккимиз бир одам бўлдик, умримиз бошиқа-бошқа...

Узундан-узун құшиқ айтишини үйлагандим, ийқ, икки қатордан сұнг овози титраб, бош әгганча жимиб қолди. Агар у ҳар бир кунини шундайин ҳижрои азобида үтказса, үттиз йилдан бери тирик юрганининг үзи муҳаббатидан күра мұъжизакорроқ ҳодиса эди.

— Сигири анави томондаги яйловда үтлаб юрарди, ҳозир кимдир симтүсиқ билан үраб, әгаллаб олибди. Тол тагига ҳам, мана, боролмадик... әзилиб кетаман... Юр, ука. Мени ёзмоқчи экансан, яна битта жойни күрсатаман.

Биз қир сұқмоғига тушиб, бир оз юрдик. Жарлик лабидан үтганимизда, сув жилдираётганини эшитдим.

— Ҳеч қачон күз ўнгимдан кетмайди, — деди Тошпұлат ақа, — бир куни Мунавваранинг изидан чопиб келсам, Анормирза билан анави булоқ бошида турибди. Бу ерда фақат мени кутарди, бизнинг булоғимиз эди... Анормирза бугун олтмишдан ошған, неварали. Агар унда виждон, иймон, инсонийлик бўлганида, ҳаммасини тан оларди... Қўрқди, қамоқдан, қишлоқдан бадарға бўлишдан... Шундай қўрқоқ кимсалардангина ёмонлик кутишинг мумкин.

— Демак, ўлдирган ўша киши экан-да?

— Ҳа. Шу бугунгача билмасдим... Мунавваранинг қўшиғидан яна бир одам, яъни унинг бошига етган кимса хабардорлигигина маълум эди менга. Ҳарбийда эканимда ёзган хатида «қўшиғимизни қишлоқда яна бир йигит тасодифан эшитиб қолди, энди янги қўшиқ ўйлаб топмоқчиман», деб ёзганди. Раشكим ёмонлигидан қўрқарди. Жаҳл устида ўша йигитни сўйиб ташлашим мумкин эди. Ҳатто армиядан қайтганимда ҳам фаламисни сир тутган. Сезардимки, Мунавварра куйлаган қўшиқни эшитган кимса доим пойлаб юрган, йўқлигимда севги ҳам изҳор қилган... Булоқ бошида Анормирзани кўргач, «ўша аblaҳ шумикан?» деб уришмоқчи ҳам бўлганман, аммо тасодифан келиб қолганини пеш қилди, ярамас. Кўп ўтмай сирли учинчи шахс унутила бошланди, Мунаввара эса бошқа қўшиқ тўқимади.

Қиз ўлган қирга чиқдик. Шўрлик гўзал ҳозир ҳам тепаликда ўтиргандек туюлди менга. Болалигимда эшитганман: у қир бошидаги тошга суюнадио шу кўйи қимиirlамай қолади. Чўпонлардан бири бориб қараса, икки жойига пичноқ санчилган. Тошпўлат ака ўша куни уйида маст ҳолда ётарди, қонга бўялган пичноқ ҳовли этагидан топилади. «Мунавваранинг ота-онаси совчиларга рад жавобини айтгани учун ичдим», деган, сўнгра терговчи тутган қофозларга имзо чекиб, дунёи дунга этак силкиган, қамалган-кетган...

Шу кеча Тошпўлат ака яна бир неча воқеани ҳикоя қилиб берди. Бироқ хаёлим телба ошиқ ва телба қотилда эди. Улар битта одам эмас, айро-айро. Амин эдимки, телба ошиқ ёнимда, телба қотил эса қишлоқда, ҳозир неваралари даврасида.

Қишлоқ оралаб, бир ҳовлига яқинлашдик. Тошпўлат

## *Азамат КОРЖОВОВ*

ака ногаҳон яна тұхтади, қулоқ тутди. «Әшит», деди менга. Дарҳақиқат, хирқироқ овозда маст кишининг овози әшитилди:

— Гул бүлай, гул юзингга-а... гуллар тұқылмасин ҳе-ең, Иккимиз бир одам бұлдик... үлдинг... умримиз бошқа-бошқа-а...

Күча охирига қараб юргандық, гүнг уюми күринди: Тошпұлат аканинг ҳовлисига қырлар оша бир айланиб қайтиб келгандық. Шунда тушундим, боя нега девор тагида үтирганини. Ахир, мархума қизнинг құшиғи-ни құшни ҳовлидаги әрқак ҳар замонда баланд овозда күйлаб құяр, сұнг жимиб қолар, аллақандай тұнғилаш әшитилиб туарди.

— Аномирза билан укам күп йиллар құшни бұлған. Гоҳида укамдан сұраб-суриштирадым, лекин «Аномирза умрида құшиқ айтмаган кимса» дерди...

Ұша ҳафта Аномирза үлди. Укасининг қистови билан Тошпұлат ака бир жувонга уйланди. Кейинчалық қызычали бұлганини әшитдім. Исмини Мунаввара қүйишибиди.

Ҳар гал шу воқеани әсласам, оддийгина құшиқ қотилни умр бүйи таъқиб қылганини, умрининг сұнғы дамларыда бүғзидан ёриб чиққанини үйлаб, лол қоламан.

## **ШИФТДАН ТУШГАН ИЛОН**

Кечқурун дарвозани бир кимса тақиллатди. Дадаси сүрида ёнбошлаб газета үқиб ётарди. Ҳовли саҳнига құлоблатиб сув сепилған, райхон ҳидидан гүё қафасдаги канарейка ҳам сархуш эди.

— Тожир, әшикка қара! Нима, әшитмаяпсами?

Дарвоза яқинида велосипед занжирини тузатаётган йигитча дадасини жеркиб берди:

— Құлым мой, бандман.

Дарвоза ортидаги кимса гап-сүзларни әшиетди чоғи, вазиятни ўзича баҳолаб, остана ҳатлади-да, чүзіб:

— Ассалому-у алайку-ум, Шерман ака, — деди.

Аммо мезбон ўрнидан турмади. Күришиш учун ўтириди, холос.

— Газета ўқиётган эканлар-да, — хушомад қилди меҳмон.

— Аллақандай фол ҳақида ёзишибди.— Шерман ака гапирыпти-ю, күзи меҳмоннинг құлидаги совфа-салом ва чүнтагидан бир учи чиқиб турган ўроғлик нарсада эди. — Назира, қаранглар, меҳмон келди!

Шерман ака каттароқ ўлжа келганидан суюниб, да-вом этди:

— Фол юз фоиз тұғри чиққанмиш.

— Чиқади, Шерман ака, чиқади.

— Фолбинларга ҳам ҳайронсан. Қандай билар экан-а?

— Энди-и, — меҳмон құлини күксига қўйди, — унақалар бүладиган гапни билишади, холос. Молини ўғирлатған одамга ўғри сариқ сочли, узоқ қариндош йигит, дейди. Күзимга эски молхона күриняпти, си-гириңг соппа-соғ, деб аврайди. Ўйлаб күринг, Шерман ака, қариндошлиқ или узайған сайин чувалашаверади. Тұртта аканғиз бұлса, сакқизта амакингиз бүлади. Бу дегани қирқ сакқизта амакивачча эмасми? Улар ёки улардан ҳам бир авлод нарида сариқ сочли йигит йўқми? Бор, албатта. Эски молхона-чи? Топи-лади, Шерман ака.

— Ҳа, шунақа дегин, — дея Шерман ака меҳмонга юқоридан назар солди. Гүё донолик қилаяпсанми ё хушомадми демоқчидек эди.

— Шунақа.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

- Фолчиларнинг қулоғига жинлар шивирлаб, мол қаерда эканини айтишади, дейишади. Эшитганмисан?
  - Эшитмаганман. Ҳеч қачон жин... шивирламаган.
  - Э, сенга эмас, фолбинларга шивирлагани ҳақида эшитганмисан, демоқчиман?
  - Эшитгандайман, ака, — қулини кўксига қўйди меҳмон. — Биз фақирларда айб кўп.
  - Айбдормисан?
  - Айборман, ака, айбдорман.
  - Бирор айбингни ювиш учун келибсан-да?
  - Айбдор бўлишдан худо сақласин, Шерман ака.
- Шу десангиз, укам бугун ҳузурингизга борган экан, муҳр қўйиб бермабсиз. Битта муҳр, битта имзо. Бўлди. Шугина.
- Э, энди танидим. Боятдан бери таниш кўринасан. Сатторқулнинг акасисан-а?

Шу пайт Назира опа патнисда ноз-неъмат кўтариб келди. Иккита бўрсилдоқ ноннинг ёнидаги хусайни узумлар тарс ёриламан деб турарди.

- Худди шундай... Ие, ассалому алайкум, кеннойи, овора бўлибсиз-да. Майли, не қиласмиш энди, манавини олиб қўйсангиз. Олинг, олинг, ичкарига киритиб қўйинг.

Шерман аканинг хотини меҳмоннинг қўлидаги халтачани олишга истиҳола қилгандек иккиланди, аммо хўжайниннинг қаҳрли нигоҳи «ол» деб амр этди. Бундай ҳол ҳовлида аввал ҳам кўп бўлгани сезилди.

- Шу шартми, дадаси? — деди Назира опа.
- Ақлинг етмаган ишга аралашма! Бор! Бор деяпман!

Назира опа кетди.

- Раҳмат, ака, раҳмат, — меҳмоннинг қўли кўксидан тушмади.— Кеннойим одамни қўрқитиб юборди.

— Уканг ёмон бола эмас, — деди Шерман ақа иягини қашиб. — Айтганимизда «лаббай» деб хизматимизни қилиб турса, индамаганим бўлсин.

— Индаш шартмас. Шу... эшигингиздан кирганда муаммосини ҳал қилиб юборсангиз. Биз ҳам фахрланиб юрайлик-да сиздек акалар борлигидан. Хизматингизни фақат укам эмас, мана, мен ҳам қиласман, акажон.

Меҳмоннинг кетиши ҳам қизиқ бўлди. Тожирнинг ёнигача ортига тисарилиб, ташаккур айтишдан оғзи тинмади, кейин дарвозасигача борди-да, бирдан ортига ўгирилиб яна Шерман акага раҳматлар ёғдирди.

У кўчага қадам босар-босмас мўлтони кампирга урилиб кетди.

— Раҳмат, раҳмат... Э, ўл-э, кўзингга қарасанг бўлмайдими, жодугар?!

Мўлтони унга индамади. Остона ҳатлаб, Тожирга тикилиб қолди.

— Ким керак сизга? — ўдағайлари йигитча. — Битта меҳмон кетса, иккинчиси келади. Меҳмон бўлса ҳам майли. Тиланчи! Тиланчи кампир!

— Бир пиёла сув бер, болажон, — деди кампир.

— Сизга бу ер дўконми? — Тожир ўрнидан турди. — Боринг, йўқолинг! Сув бер эмиш! Ана, ариқ тўла сув!

Шерман ақа бояги халтачадаги пулларни санаш учун ичкарига кирганди. Деразада бесўнақай гавдаси кўриниб, дўриллоқ овозда:

— Ким керак экан, ўғлим? — деб сўради.

— Мўлтони сув ичармиш.

— Қўшниларникига борсин! Бизникида сув йўқ!

Аммо Назира опа бир кружка сув олиб, кўлтиғига нон қистирди-да, кампир сари шошиларкан:

— Боласи ҳам отасининг ўзи,— деб тўнғиллади. — Инсофини еб қўйган булар.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Кампир мингдан-минг дуолар қилғач, оғир уф тортди.

— Қизим, сенга күп қийин бұлмаса деб құрқаман. Эрингдаям, болангдаям әзгулик шами үчган. Сенга фол келди, құлингни бер. Ё қудратингдан, умринг фароғатда үтади, агар эринг бирөвлардан пул олишни тұхтатса! Аксинча, шуни ҳаёт деб юраверсанглар, аввал эринг, кейин сен оқ ұранасан...

— Оқ ұранасан деганингиз нимаси?

— У ёғини айтолмайман, тилим бормайди. Илойим, құзимга қуринаётғанлар нотұғри бұлиб чиқсан.

Назира опа ҳолсизланиб қолди. Кампирга берган нон-тузнинг мукофоти шунчалар мудхиш башоратми? Балки у хонадон соҳибининг очиқдан-очиқ порахұрлық қилишини тирқишдан құриб, охири вой эканини хулоса қилаётгандыр?

— Құзимга қора илон құриняпты, — деди кампир. — У шифтдан тушади-да, үғлингга зақар солади. Үғлинг ҳам оқ киймаса деган ҳадикдаман, жон қизим.

— Моможон, нималар деяпсиз?

— Айниқса, үғлингдан әхтиёт бұл. Гулдан тикан үсіб чиқмасин.

— Сизга нима ёмонлик қилдим? Қайтариб олинг, фолингизни, қайтариб олинг.

— Насибамни сенинг құлингдан олғаним учун келажағингдаги хавф-хатардан огохлантирдим. Айтаяпманку, агар эринг бирөвлардан пул олмай қўйса, үғлингга ҳалол едириб, тұғри тарбия берсаларинг фалокатлар хонадонингни четлаб үтади. Қўрқма, қизим, сен буларга йўл қўймайсан. Яхши аёл эканинг қўриниб турибди. Хайр, мен кетдим.

Назира опага у худди эртакчи момолардек гапирған бұлса-да, ростакамига үзидан алланечук қўрқинч қолдириб бехосият турқ-тароватини үчирди.

\* \* \*

Учинчи йил Шерман аканикида курилиш ўз ниҳоясига етди. Болохонали муҳташам иморат кимники деса, «Шерман нефтчиники» деб жавоб беришарди. Маҳаллада бошқа амалдорлар ҳам яшашарди, бироқ Шерман акага ўхшаб «нефтбаза»га ўтганининг учинчи йилидаёқ миллионерга айланмаган эдилар.

Тожир ҳам энди катта йигит. Дадаси унга мактабни битиргани муносабати билан «Нексия» совға қилган, ҳозир у ўртоқлари билан кўлга боришга шошилаётганди.

— Ўғлим, бу ёққа кел, — меҳмон кетганидан сўнг чақирди Шерман aka.

— Дада, кўраяпсиз-ку, шошиб турибман.

— Келсанг-чи!

Тожир ичиди сўкинди ва «гапга тушунмайди» деб мингирилаган кўйи ошхона томондан мўралади.

— Кўлга кетяпман, вақтимни олаверманг, дада! — деди у.— Доим шунаقا пайтларда чақирасиз-а?!

— Э, бери кел-е, ҳалолнинг орқа оёғи! Пул бермоқчиман, ғалча! Қани, чоп!

Тожир нашадан ярим миллион сўм қарз эканлигини эсласа-да, истамайгина ичкарига кирди. Дадаси барча чўнтакларидан, енгидан, ҳатто, гайпофидан ҳам даста-даста пулларни чиқариб, ўртага ташлайверди.

— Онангга ўхшаб пулнинг исига аллергиянг йўқми?

— кесатди Шерман aka қулиб.

Тожирнинг қовоғи очилмади. У, биринчидан, шошиляпти. Иккинчидан, пул жуда зарур... Кўлга эмас, кўл бўйида наша тортишга интиқ эди.

— Сана, — деди дадаси.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Тожирнинг шу тобда пул санаб ўтиришга ҳафсаласи йўқ эди. Охиригача санамай, бир четга тахлайверди.

Назира опа бетоб эди. Зўрға юриб, эшикка етди-да, ота-болага алам ила тикилди.

— Охири бошимни ейди,— деди у.— Кейин кутулади...

Шу куни Тожир қарзини узди. Аммо кайф қилолмай, шунчаки чўмилган бўлди. Пул дегани истаганча топилади. Ароқ, наша ерда ётган хасдек эди унга... Қизларнинг ҳам қизиги қолмади.

— Дод деб юбораман ҳозир! — кўкка қараб айюҳаннос солди у.— Зерикдим!.. Ҳамма нарсам бор, лекин ҳаётнинг қизиги йў-ўқ!..

Нашафурӯш ҳар жойда ҳозири нозир эди. У йигитлар билан саломлашиб, Тожирнинг ёнига борди. Сув тиззасигача етса-да, шимининг почасини кўтармади.

— Нима дейсан? — Тожир безрайиб қаради.

— Ука, менда зўридан бор, — деди нашафурӯш.— Шу вақтгача пулни тўлолмайди деб айтмай юргандим. Мана! Қиммат, аммо пулига яраша. Буни сенлар «қорадори» дейсанлар, биз учун эса «оқдори».

Тожир биринчи бор билагига укол қилди. Қоронғи тушгунча кўл бўйидан кетолмади. «Нексия»сини дарвозаси тагида тўхтатганида, тоғалари пешвуз чиқишиди.

— Жиян, — дейишди улар, — машинадан тезроқ тушинг. Анавилар кайфда рул бошқарганингизни кўрмасин.

— Ким кўрмасин? — Тожир гандираклаб, дарвоза сари юрди. Бегона одамлар тўпланиб туришган эди.— Кимсизлар? Нима керак сизларга?

Үйнинг барча чироқларини ёқиб қўйишибди. Ҳовлида милиция кийимидағи ва костюм-шымдаги барваста эркаклар куймаланишарди. Фотоаппарат шарақ-шуруқ

этди, Тожир киприк қоқмади. У ҳаммасини тушунди. Бироқ бари рүёга айланиб, чангдек тарқаб кетишни истаб:

- Йүқол ҳамманг! — деб бўкирди.
- Йигитча, ўпкангни бос! — деди чипор кийимдаги ходим.

Тоғалари Тожирни ичкари хоналардан бирига ётқизишди. Бир-икки сапчиган эди, тушунтириши:

— Тожиржон, улар органнинг одамлари. Дадангиз катта пул билан қўлга тушди, ҳозир юрак касаллиги шифохонасида ётибди, аҳволи яхшимас. Уйларинг хат қилиняпти. Ўзингиз ҳам судга тушмай десангиз, шу ердан чиқманг.

— Кўрсатиб қўяман уларга! Битта нарсамизга тегинсин!..

Амакиси кириб келди-да, оёққа қалқан Тожирни тўшагига итариб юборди.

— Ёт жойингда! Нима, қамалгинг келяптими?! Кўрсатиб қўяр эмишлар! Қайси ўқиашда ўқигансан? Ё бирон жойда ишлаб, хизмат кўрсатган жойинг борми? Айт, кимсан ўзинг? Жарақ-жарақ пулларни қаердан оляпсан? Дадангдан! Ҳа, дадангдан! Ана энди сени ҳам тергов қилишади, ўз падарингга қарши кўрсатма беришга мажбур қилишади! Шунинг учун хўроздек қичқиравермай, жим ёт! Унингни ҳам чиқарма! Органнинг энг кичик ходими олдида ҳам чивинчалик жонинг йўқ! Ҳаммаси тамом бўлди, уйинг куйди, жигарим...

Тожир қачонлардир шундай бўлишини билгандек бошини чангаллади-да, юзини ёстиққа босди. Калтак устига калтак еяётан одамга ўхшарди.

— Чиқ! Кўзимга кўринма биттанг ҳам!.. — бўғриқди у.

## **Азамат ҚОРЖОВОВ**

Қариндошлари ёлғиз қолдиришгач, бошини күттарди. Диван рўпарасида улкан тошойна турарди. Унда афтодаҳол бир йигитчанинг акси кўринди. Рангпар, қилтириқ бу боланинг кўзларида жонсараклик на-моён эди.

— Ҳақиқатан, ҳеч ким эмасман, — шивирлади То-жир.— Ҳеч ким эмасман...

Бирдан уни бошқа дард қийнай бошлади. Дадаси-ни-ю ойисини, уйини-ю келажагини унуди. Фақат «дори» бўлса бас! «Дори, дори, дори...»

Нашафуруш кўшимча «дори» берган эди. Билагини қисиб боғлади-да, игнани санҷди: шприц ичига қон югурди. Унинг бир кунда иккинчи марта укол қилиши эди...

Гарантсиб қолди, ҳаммаси айқаш-уйқаши бўлиб кетди. Ўлаётган дадаси, мунғайиб турган онаси гавдаланди. Туман ичидан одамларнинг чидаб бўлмас ола-ғовури эшитилди:

- Уй-жойи мусодара қилинади...
- Сен кимсан?
- Қара, бирорни ўлдириб қўйдинг, ука!..

Тожир кўзгуга тикилиб турди, сўнг ўз аксининг пешонасига пешона қўйиб, мўлтони кампирнинг башоратини эслади: «Ўғлингга шифтдан тушган илон заҳар солади».

Ўша пайтда у жулдурвоқининг минғирлашини писанд қилмаган эди. Ҳозир эса илон томоғидан бўғаёт-гандек дод солиб, ўзини эшикка урди.

- Очинглар, илон!.. Илон!..

Эртасига Шерман аканинг жанозаси бўлди. Дафн маросимида Тожир иштирок этмади, у реанимацияда жон талашиб ётарди.

Уй мусодара қилинмади, лекин шип-шийдам бўлди.

Назира опа ҳеч қаерга сиғмай ташқари эшик олдида кунни кеч қиласади. Үглини кутяптими, мархум эриними, бир нима деб бўлмасди. Кўзларида телбалик аломатлари зоҳир эди.

Тожир шифохонадан чиққан куни ҳам онаизор муштдек бўлиб ўтирганди. Ўтган-кетганга қарамайди, саломига алик ҳам олмайди. Тожир онаси билан тузук-қуруқ сўрашмай индамай уйга ўтиб кетди. Файзсиз ҳовлида машина кўринмасди. «Нексия» қарзларни тўлаш мақсадида сотиб юборилган эди.

— Мўлтонига ўхшаб бўсафада ўтираверасизми? Нима опқолдингиз очофатлардан? Юз минг сўм ҳам йўқми?

Она жим. Гўё ҳозиргина ёнидан ўтган кимса ўғли эмас, етти ёт бегона эди.

— Кулонгиз том битганми?

Она ҳамон жим.

— Ойи!.. — Тожир ортига қайтиб, остона ҳатлади-да, онасининг елкасидан силтади. Назира опа унсиз қулади.

У ўлган эди.

\* \* \*

Тожир бир кун укол қилмаса ўлар даражага етди. Уйидаги тошойнадан бошқа барча буюмларни сотди. Бироқ қорадорига тоғ ҳам чидамас экан. Шерман аканинг уйи нима бўпти? Нашафурӯшдан қарзга оғу ололмай қолган кезлари уйни сотиш тараддудига тушди. Амакиси эшитиб, ўласи қилиб дўппослади.

— Ўлсанг ўлигинг шу ердан чиқади, — деди тупук сачратиб. — Уйсиз қолиб, жанозангни меникида қилмоқчимисан?!

Тожир чекмаса кўзига каттакон, қоп-қора илон кўринадиган бўлди. Ҳақиқат билан рўёни фарқлаёлмай

қолди. Азоб жон-жонидан ўтиб кетгач, деразани бузиб сотди. Иккинчи куни эшикни қўпорди. Шифер ва ёғочга харидор топилгач, томни очди. Арқон ёрдамида ёғочларийиг бир учини туширишга киришди.

Оғир меҳнат эди бу. Ҳолдан тойиб девор устига ўтириди. Кўзи илинди ва бехосдан уй ичига йиқилиб тушди. Арқон сиртмоғи оёқидан илиб, шифтга осилди-қолди.

Худди шу хонада биттагина мебель — катта тошойна турарди. Тожир кўзгуга қаради. Қаради-ю ўз акси улкан илон бўлиб кўринди. Шифтдан тушаётган илон!..

Даҳшатдан бир типирчилади-ю, жони чиқиб кетди.

Тожирнинг ўлигини текширганларнинг биронтаси ўлим юз беришига кўзгу сабабчи эканлигини аниқлашолмади. Аслида фол ҳам йўқ эди, кўзгудаги илон ҳам.

## ҚАСОС ИСТАГИ

Ажойиб кунларнинг бирида келинчакнинг синглиси келди. Холбойнинг таърифича, Бахтигулдан ўзга гул гул эмасди ҳаёт боғида.

— Акам билан божа бўласан шекилли, — кулди Холбойнинг ўртоғи.(У келинчакнинг қайниси эди.)

— Қачон янгангнинг синглиси келса мени чақир, — шипшиди Холбой. — Бахтигулни севиб қолдим.

У дамларда «севиб қолдим» дейишнинг ўзи фур йигитлар учун осон калималар эмасди. «Тенглаш» деган тушунча бор эди: « $X+B=C$ ». Агар шу тенгламада ўзи хоҳламаганларнинг исми ёзилсами, бундан ортиқ жиноят ҳам йўқ эди оламда.

— Шу бола кимнинг ўғли?— сўради келинчак бир куни қайнисидан.

— Бешим аканинг.

— Вой ўлмасам, — келинчак чаён чаққандек сапчиб тушди.— Анави...Бешим омадсизнингми?

— Ҳа. Лекин Холбой омадсиз эмас, янга. У сизнинг...

«Синглингизни севиб қолган, уйланмоқчи» деб айттолмади. Бешим омадсизнинг касби ҳисобчи эди. Ҳисоб-китобнинг пири дейишарди. Бироқ ҳисобдан бошқа ҳеч қайсида омади юришмаган эди бечоранинг. Туғилганданоқ лўли аёлнинг чақалоги билан алмаштириб қўйишган. «Москвич»ини устма-уст етти марта пачоқ қилган. Охири машинани устахонадан ўғирлаб кетишган. Келинчакнинг отаси билан юқ машинасида қирдан бирга ағанашгач, шифохонада яқин дўстларга айланишди. Кейин раҳбар бу ҳисобчини ишга олди. Раҳбар ва оддий ҳисобчининг битта юқ машинасига тушиб қолиши мўъжиза эди. Мўъжизанинг охири эса вой бўлди.

— У менинг отамни йўқ қилди, — деди келинчак хўрсиниб. — Қаёқданам ўз идорасига ишга олган ўшани.

Аммо Холбой ўртоғиникига келиб-кетиб юрар, келинчак билан қуюқ сўрашарди. Орадан бир йил ўтди. Холбой атиги икки марта гина учратса олди Баҳтигулни.

Яна икки йил ўтгач, Холбойнинг ўртоғида тоқат қолмади.

— Эй дўстим, — деди у, — янгамнинг синглисини уч йилдан бери яхши кўрасан. Ўзига айтганингда ҳам, совчи юборганингда ҳам бир тийинлик фойдаси йўқ. Чунки...

— Менинг отам туфайли унинг отаси ҳам қамалган, — деди Холбой. — Иккаласи ҳам қамоқдаги баҳтсиз ҳодиса сабабли ўлган, энди бизнинг оиласига ҳеч қачон қиз бермайди. Шундай демоқчимисан?

Холбой ўксинмади. Кўз қисди-да, қўлини чўнтағига солиб, қўчадаги тошларни тепганча жўнаб қолди. Шу куни кечқурун қизиқ воқеа содир бўлди.

— Холбой, суюнчи бер! Бахтигул ҳам сени уч йилдан бери севар экан. Мана, минг кун ичида ёзган йигирма битта ишқий мактуб! Ҳамма хатларни бир дугонаси сенга бермай яшириб юраркан. Бугун Бахтигулнинг ўзи тап очмаганида...

— Биламан, — деди Холбой, — у ҳам мени севиши ни биламан. Ма, дўстим, жавоб хатларим аллақачон тайёр. Бахтигулга элтиб бер. У менинг баҳт қушим.

Улар илк бора қишлоқ бекатида гаплашдилар. Ҳудди келишиб олгандек чорраҳада — тўрт томонда то муюлишларигача бирон зот кўринмасди.

— Салом, — деди Холбой.

— Яхшимисиз? — жилмайди қиз.

Анча вақт жим турдилар. Кўзларини қаерга яшириши билмай қишлоқнинг яқин уфқларидан кўз узмасдилар. Қатор-қатор тераклар сирлидан-да сирли эди...

Мактабни битириб, Бахтигул университетга ҳужжат топширди. Холбой бошдан-охир эргашиб юрди. Ўзи эса ўқишни ўйламади ҳам.

— Битта ёмон феълимни айтмоқчиман, — деди қиз. — Ўқимаган йигитга турмушга чиқмоқчимасман.

Холбойнинг кўзлари ярқ этиб очилди.

— Бор зиддият шу, холосми? Ўқиганим бўлсин! Албатта, ўқийман!

Йигирма соатлаб ўқиди. Ва... ва Холбой ўқишга кирди, ўша факультетга.

У қиз учун ҳеч нарсадан қайтмади. Безорилардан ҳимоя қилаётib қўли синди, домлалар билан тортишиб, ҳайдалиб кетишига сал қолди, онаси «ё Бахтигулни де, ё мени» деганда, ҳаттоки, онадан юз ўғирди.

— Сизга турмушга чиқишига розиман, — деди Бахтигул бир куни. — Ҳозир қишлоқقا бориб, онам билан

гаплашишингиз керак. У киши кимнинг ўғли экан-лигингишни билади.

Бахтигулларникига йўл олишди. Негадир Бахтигул ўғил-қиз курсдошларини ҳам чақирганди. «Дамас» тўй-ҳашам бўлаётган ҳовли дарвозасида тұхтади. Ҳайронлик чулғаган талабалар машинадан тушгандарида, ичкаридан салобатли аёл чиқиб шундай деди:

— Қайсинг Холбойсан?

— Анави, — Бахтигул Холбойни кўрсатди. — Фурсат келди, ойижон!..

— Бугун қизимнинг фотиҳа тўйи, дея аёл кўзларини чақчайтирди. — Уни тенгимизга узатяпмиз. Отангнинг касрига буларнинг падари ўлди. Бахтигул сендан қасос олиш учун шунча вақт ўйнатиб юрганди. Куйиб ўлсин, деди. Энди кет, сен ҳеч ким эмассан!

Шунда Холбой қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди-да, хитоб қилди:

— Қандай ӯхшашлик! Ахир, мен ҳам қизингизни севмайман! Аслида айб идора раҳбарида бўлган! Отам туҳмат қурбони! Падари бузрукворимнинг ўчини олиш учун. Бахтигулнинг изидан беш йил чопдим. Билиб қўйинглар, агар у менга турмушга чиққанида тўй саҳнасидан қувиб туширмоқчи эдим. Яхшиям... яхшиям, омадли эканман! Нокасликдан Худо асрари. Энди одамлар айтсин, оталаримизнинг қайси биридан айб ўтганлигини? Отам моҳир ҳисобчи эди, у хато қымасдан туриб алдадилар. Омадсизлиги эса қамоқда бошига етди, икковининг ҳам! Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан деганлар!..

Томоша гувоҳлари ҳангу манг бўлиб қолишли. Ҳатто, Холбойнинг ўртоғи ҳам буни кутмаган эди. Бунақа қасосни нима деб аташни билмасдилар. Бахт қуши олисларга учиб кетганини сезишибди, холос.

## СҮНГИ КЕЧА

Россияга келганимнинг ўнинчи куни уйга құнғироқ қилдим. Яхши етиб борганимни айтмоқчи эдим, афсуски, ўзимни ёмон хабар кутиб турган экан. Даставвал, отамнинг қайғули овозидан ҳеч нимани пайқамабман. Бир вақт гапларим қизиқтирмаётганини сезиб қолдим.

— Тинчликми, ота? Ё мазангиз йүқми? — сұрадым ҳайрон бұлиб.

— Бизнинг-ку, маза яхши, — деган жавоб әшитилди, — лекин тинчлик әмас-да, болам.

Бутун танамни жон тарк этган каби шалвираб қолдим: уйимизда кимдир ўлган; отам ҳеч бунақа гапирмасди.

— Нима бұлди?..

— Ұғлим... — деди отам. — Россиянгда нима қиласан әнді... Келиндан айрилиб қолдик...

Миямдан үт чақнаб кетди. Күз олдимга ҳали фарзанд күришга ҳам ултурмаган Гузалнинг жилмайған чехраси жонланди. Соппа-соғ эди, яхши кайфият билан кузатиб қолғанди. Нега ўлади?

— Нима-а?.. Нима қилди унга?! Уйларига кетғанмиди?

Хаёлимда у катта йўлга чиқиб, онасиникига жұнаган, йўлда машина ҳалокатга учраган эди.

— Қуданикига боргани йўқ, — деди отам. — Уч уй наридаги Ҳошимникига чиқувди, ариқ ичидан ўлиги топилди.

— Э, Ҳошимницида бало борми?! — Ҳаммасига отам сабабчидек шундай ғазабландимки, отам ғалати озозда:

— Уйга қайт, болам, ҳаммасини үзинг билиб оласан, — деди.

Аммо сабрим чидармиди! Йиғлаб сүрадим:

— Бирор үлдириб кетибдими?

— Йўқ. Дарров мелиса чақирдик. Экспертизадан ўтказиши. Юраги ёрилиб үлиди.

— Кечаси ёлғиз жўнатасизларми, а?

— Ҳошимнинг қизи билан коллежда бирга ўқиган-ку. Тўй келган экан, буюмларини кўрсатиш учун чақирганди.

— Гўзални бирор үлдирган.

— Ким үлдиради? Мелиса қотиллик эмас деди...

— Үлдирган! — телефон тугмачасини жаҳл билан босдим.

Эндиғина иш топиб, яхши квартирага жойлашгандим. Нарсаларимни йиғиширдим-да, шерикларим билан бирма-бир қучоқлашиб хайрлашдим. Улар нима гаплигини сўрашди. Кўзларимга ёш қуйилди.

— Хотиним үлиди, — дедим ва негадир ҳаммаларига бир-бир алам билан қарадим.

Кела-келгунча Гўзал хаёлимдан бир зум нари кетмади. У бир неча қишлоқ наридан эди. Бошқа мактабда ўқиганлиги боис болалигимда танимасдим. Ҳошим аканинг қизи Бадиа туманда янги очилган коллежга ўқишга киргач, Гўзал билан курсдош бўлди. Қишлоғимизга тез-тез келиб турарди ва ахийри биз танишиб, бир-биримизга кўнгил қўйдик. Уч ойлик келинчак эди, бечора.

Экспертиза натижасини эшитиб, хаёлимга келган биринчи ўй шу бўлди: тамом, тақдирга тан беришим керак, Гўзалнинг юраги чатоқ эди (тўйдан сўнг, бир куни парда ортига беркиниб қўрқитганимда ҳушидан кетиб қолганди). Кейин бошқа фикрга бордим: қотил

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

унинг бу касалидан устомонлик билан фойдаланган бўлса-чи?

Москва-Тошкент рейсидағи самолёт пойтахт аэропортига ярим кечаси қўнди. Қишлоғимиз бекатига тонгда етиб келдим. «Нексия» жойидан жилгач, сумкамнинг тасмасини елкамга янада маҳкамроқ ўрнаштиредим. Бироқ бир қадам босолмай серрайиб туравердим. Боғлар ортида милтиллаётган чироқлар кўзга ташланарди. Тез юрсам, ўн дақиқадан сўнг уйда бўламан. Аммо энди хотиним йўқ. У кунчиқар томондаги тепалиқда, совуқ қабрда ётибди. Умрбод кўрмайман...

Эси оқкан телбадек йўлни кесиб ўтдим. Боф томонда ит ҳурди, қурбақалар вақиллади. Биронта ҳамқишлоқни учратиб қолищдан чўчиб, қадамимни тезлатдим. Гўзалнинг фожиасини ўйлаганим сайин ваҳима ҳам хаёлимни банд этарди. Ваҳима натижасида юраги уришдан тўхтаган. Одамни тил тортирилмай ўлдирадиган ўша даҳшатнинг номи нима экан?

Атрофга қарайман, бирон нарса менга қўрқинчли туюлмайди. Ўйлайман: «Қўрқиши сабабини одамнинг ички оламидан ахтариш керак. Одам ич-ичидан қўрқиши ва ичидағи касаллиги туфайли ўлиши мумкин. Гўзални бўғмаганлар, урмаганлар, заҳарламаганлар. Тўсатдан қаттиқ қўрққану жон риштаси узилган-қўйган... Бу ҳали ҳаммаси эмас. Унинг қўрқишига сабаб бўлган нарса нима?.. Мен аввало, шуни аниқлайман!»

Қўчамиз томон бурилдим, лекин ариққа кўзим тушиб тўхтадим. Кўчадан айланиб боргунча ариқ ёқалаб кетсам, уйимиз орқасидан чиқаман. Ариқ бир неча кишининг томорқасидан кесиб ўтган, алалхусус, Ҳошим аканикидан ҳам.

Ариқ лабидаги ўнқир-чўнқир сўқмоқдан кетаяпман. Битта ихотадан ошиб ўтдим. Икки томонга қалин қи-

либ терак экилган жойдан ўтиш қийин кечди, чангалзор ўрмонга ўхшайды.

Тұхтадим. Чап томонимда Ҳошим аканинг уйи. Рұпарамда, юз қадамлар нарида бизнинг уй, молхона, ўриклар, толлар мунғайиб турибди. Беихтиёр Гүзалнинг нигоҳлари билан қарадим: ҳа, бу ерда ростдан ҳам сесканиш мумкин. Симёочлардаги чироқлар ёруғи етиб келмайды. Икки томонда ҳам молхона, сомонхона, бостирмалар жойлашган. Эх, нега у Ҳошим аканикидан ёлғиз қайтган-а?

Барчасини уйдагилардан ҳозироқ сұраб-сuriшираман, бир сир бор, тагига етмай күймайман.

Кесилган дарахтлар ўрнидан үсіб чиққан ниҳоллар кичик бутазорга айланған жойга Шоқосим қассоб бир арава гүңг ташлабди. Айланиб ўтаётіб, дуптурлаган овозни эшитдим. Қассоб бүрдоқи боқиб, сүйиб сотарди. Сал наридаги оғилнинг қора түйнугидан аллақандай шарпа мұралагандек бұлды. Мана, күркмайман деган одамнинг аҳволи. Оз бұлса-да, қүркүвни ҳис этдим.

Беш сотихли бедазордан ўтиб, томорқамизга етдим, ортимга ўгирилдим. Ҳозиргина бехосият туюлган ариқ бүйи ёришаётган тонг пардасида мен болалигимдан бери билған ўша оддий, сұлим макон сувратига кираётган эди. Хийла вақт күз узмай турдим. Йиқилиб тушган Гүзалнинг ариқ ичидан бүй күрсатишини, Россиядан дарров қайтганимга ҳайрон бўлишини, сочимни силаб: «Узоқларда ишлаб нима зарил», дея меҳр билан боқишини истадим. Кейин уй сари юрдим.

Отам ҳам уйғонмаган эди. Занжири узилган ит чопиб келиб, вовуллади, атрофимда ўйноқлаб, менга бегонасираб қаради. Шундан сұнг уйимиз фала-ғовур бўлиб кетди: йифи-сигига мен ҳам тоқат қилолмадим...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Пешиндан сүнг қулогим тинчиidi. Терговни бошлаш учун яқинларимни мәҳмонахонага түпладим. Аслида Гўзалинг ўлимига ўзим сабабчиман — уни келинчак ҳолида ташлаб кетдим.

— Сен ўзингни қийнама, — деди амаким. — Келинни ҳеч ким ўлдирган эмас. Ўйлаб кўринглар, унинг қанақа душмани бўлиши мумкин? Мелисалар ҳеч қандай из тополмади. Бундан чиқди, оддий қишлоқ келинини профессионал қотил ўлдирибди-да! Ҳе, бўлмаган гап! Қўйинглар, арвоҳиниям чирқиллатманглар.

— Унинг қандай ўлганини ўз кўзингиз билан кўрмагансиз, — амакимга дағал оҳангда гапиргандим, у қўл силтаб тескари қараб олди. — Менга барча-барчаси шубҳали кўриняпти. Нега Гўзалнинг ўлгани тонгда маълум бўлди?

— Сен кетгач, хотининг кичик синглисини чақириб, бирга ётадиган бўлди, — деди отам жаҳл билан. — Унинг кечаси қайтмаганини биронтамиз пайқамабмиз.

— Қичқирган овозини ҳеч ким эшитмаганми?

— Бу саволни терговчи бутун қишлоқ аҳолисига бериб чиқди, — деди ўқитувчи Қариндошимиз.

Қўнглим заррача ҳам тўлмади, баттар хижил бўлиб:

— Ахир, нега ёлғиз юради? Ҳошим аканинг уйи яқин бўлсаям, кимнидир эргаштириши керак эди, бу ерда бир гап бор, — деб хонтахтани муштладим.

— Болам, ўзингни кўп уринтираверма, — деди онам овози қалтираб. — Ҳеч кимга керак бўлмасанг ҳам менга кераксан. Ёмонни худойга солдик! Давлат қараб ўтирадими одам ўлдирса?! Ичкарига кир, дамингни ол. Бу мажлисинг нимаси, болам?!

— Бадиани чақиринглар! — буюрдим укаларимга.

— Вой, уни тинч қўйинглар! — ёлворди онам.— Дугонасининг ўлганига адойи тамом бўлди, бояқиши.

— Мен-чи? — дедим.— Мен нима қылай?  
— Жиян, — гапга құшилди тоғам, — Ҳошимнинг қизига нима дейсан энди? У бечора бундай фалокат бўлишини билганида келинни чақиравмиди? Нега ёлғиз боради, дейсан. Гапга қулоқ сол. Уйда етти-саккиз чоғли қиз сепларни томоша қилиб ўтиришган. Шу вақт келин кетадиган пайти бўлганини айтгач, Ҳошимнинг қизи кузатишга чиққан. Молхонадан ўтишгач, келин «Уйга икки қадам қолди, сен ҳам биронтасини эргаштириб чиқмадинг, майли, боравер», деган...

Ўзимга-ўзим аламзада ҳолда бекорга чиранаётган бўлиб кўриндим. Ичимда таслим ҳам бўлдим. Жимиб қолганимни кўрган қариндошлар бир-бири билан кўз уриштира бошлишди. Эҳтимол, суриштирувим шу ерда яқун топармиди, аммо тўсатдан ёқут кўзли тилла узукни эсладим. Россияга кетаётганимдан Гўзал хафа эди, уни хурсанд қилиш учун Исмоил дўхтирдан қарз олиб, узук совға қилгандим. Йўл пули ўзимга бир нави бўлиб турганда қарз олмасликнинг иложи йўқ эди. То Россиядан пул юбормагунимча Гўзал узукни ота-онамдан яширинча тақиб юришини айтганди. Масалан, тўйларга, меҳмондорчиликларга борса...

— Узук кимда? — деб сўрадим бошимни кўтармасдан.  
— Келиннинг қўлидаги узукларми? — деди онам.— Уларга ҳеч ким тегинмаган, шкаф тортмасига солиб қўйдим.

— Илтимос, уларни менга кўрсатинг.  
Онам рўмолчага тугилган тилла сирға ва иккита арzon тилла узукларни чиқарди.

— Мана... бояқишдан шуларни ечиб олдик...  
Ичимдан қалтироқ кела бошлади. Наҳотки, Гўзалга ёқут кўзли тилла узук учун қасд қилишган бўлса?! Ёқут

## *Азамат КОРЖОВОВ*

кўзли тилла узук манави тақинчоқлардан ўн баробар қиммат эди. Аммо инсон ҳаётидан-да қиммат эмас-ку!

— Унинг қўлида яна битта узук бўлган, — дедим онамга.— Жуда қиммат эди! Россияга кетишдан аввал яширинча олиб бергандим.— Сўнгра худди онам биладигандек сўрадим: — Қани у?

Онам бирдан кичик синглимга қаради.

— Нозима, сен «янгамнинг қўлида ўша куни қизил кўзли узук кўрдим, лекин янгам дарров яшириб қўйди» дегандинг, рост экан-да?

— Ҳа, кўргандим, — деди эшик ёнида турган синглим кўрқа-писа.

— Ҳошим аканикига кетдим, — дея ўрнимдан шиддат билан турдим.

— Тўхта, аввал уйни кўрайлик, — онам ёнидагиларни ҳам тургиза бошлади. — Биронта жой қолмасин, ҳаммамиз қидирамиз.

Қариндошлар уйда тинтуб ўтказишга киришганида, амаким норози бош чайқаб:

— Топилмадими? — деди. — У ҳолда ортиқча сарсон бўлмай, Ҳошимникига бориб келайлик, ўша куни келган қизлардан ҳам сўрайлик, келиннинг қўлида узук бўлганми, йўқми. Қизлар қимматбаҳо тақинчоқни ҳеч қачон назардан четда қолдиришмайди.

Мен ҳам ҳудди шу гапни айтмоқчи эдим. Отам, мен, амаким ва тоғам — тўртталамиз уйдан чиқдик. Улар Гўзалнинг мурдаси топилган ариқни кўрсатиши. Воқеа содир бўлган кеча ариқда сув йўқ экан. Шўрлик хотиним ариқда ғужанак бўлиб ётганмиш. Бир пой калиши оёғидан отилиб кетганини ҳисобга олмаса, ҳеч қандай кўзга ташланадиган нарса топилмабди атрофдан.

Шоқосим қассобнинг оғилига қарадим. Хотиним ўлган жойдан оғилнинг қора туйнуги кўринмасди. Демак, у бошқа нарсадан кўрқсан.

Шу пайт катта-катта, ғалати изларга күзим тушди. Бу излар баҳайбат жониворнинг туёқларидан қолгани кўриниб турарди. Бизнинг тўдалашиб келаётганимизни кўриб қолган Ҳошим ака молхонаси ёнида истамайгина кутиб турди. Отам шошилган эди, чақирдим.

— Ҳаммаларингиз қаранг, — дедим ариқ лабидаги излардан бирига энгашиб. — Ҳўқизми, отми, югуриб ўтибди.

Тофам қўл силтади.

— Жиян, бу изларни мелисаям кўрди. Текшириб ўтиришмади. Молники эканлиги аниқ, дейиши. Сўнг Шоқосим қассоб новвоси бўшалиб кетганини айтди. Кечқурун бўшалган экан. Шунга қараганда, келин ўша вақтда уйда бўлган.

Қассоб ёмон одам эмасди. Тофам бу гапларни айтмаса ҳам, мен қассобни қотил ўрнида кўрмасдим. Мабодо хотиним новвосидан қўрқиб йиқилганида, у минг марта узр сўраган бўларди. Ўлганини кўрганида, албатта, уйга хабар берарди.

Олга жилганимизга Ҳошим ака ҳам тараддулланди. Юзида ташвиш аломатлари акс этарди. Бирма-бир кўришиб, қизини сўрадик.

— Тинчликми? — деди Ҳошим ака. Саволи «Нима ишларинг бор?» деган мазмунни ифодалади.

— Келиннинг қўлида яна битта узук бўлган экан, — деди амаким. — Чақир қизингни, сўраймиз. Ўша куни кимлар келганини ҳам айтсин, улардан ҳам сўраб-суриштирамиз.

Ҳошим ака уйига кириб, хийла вақт қорасини кўрсатмади. Кейин биз унинг кимнидир баланд овозда койиётганини эшитдик. Амакимнинг жаҳли чиқиб, уй олдига борди. «Ҳошим!» деб бақирди.

Маълум бўлишича, қизи бизни кўришни истамаётган экан. Амаким уларникига бостириб кирди-да, ач-

## *Азамат КОРЖОВОВ*

чиқ-аччиқ гапирди, исмимни тилга олди, «Бўлмаса, кўзимиз учиб турганмиди сенга!» деганини ҳам эшитдим. Ҳошим аканинг хотини рўмолининг учини тишлаб, уйидан шошиб чиқди, алланималарни тўнфиллаб гоҳ тандирхонасига, гоҳ ошхонасига кириб, бизга қайрилиб ҳам боқмади. «Буларда айб йўқ, — ўйладим ичимда.

— Яқинда қиз узатмоқчи бўлган хонадонни ташвишга қўйдим. Одам ўлди. Ҳамма айтяпти: қотиллик эмас! Россияга кетиб, хотинимнинг фожиасига сабабчи менинг ўзим эканман! Шундай экан, ўлим сабабчисини нечун бошқа жойдан қидиряпман?»

Паймонаси тўлган Ҳошим ака ахийри менга деди:

- Бизни қийнаманглар... Биз қотил эмасмиз...
- Узук ҳақида билмоқчиман, холос, — дедим унга.
- Қизингиз кўрмаган бўлса, бошқа дугоналаридан сўраймиз. Фақат ўйлагандимки, Бадиа...

Айни шу лаҳзада амакимниг ортидан Бадиа эргашиб чиқди. Мендан дарҳол нигоҳини олиб қочди.

— Кечиринг, мен... — деди-ю йифлаб юборди.

Ҳаммамиз унга ҳайрат билан тикилиб қолдик, ундан ҳам кўра кафтидаги узукка! Ҳа, бу мен олиб берган ёқут кўзли тилла узук эди.

— Сен?.. Тушунмадим!.. — Ҳошим ака кўзлари олайиб қизига еб кўйгудек тикилди.

— Шаҳарга чиқиш учун ўша куни Гўзалдан сўраб олгандим, — деди Бадиа бош эгиб. — Ўлганидан сўнг кимга беришни билмадим... Мана, олинг...

— Сен айбдорсан демаяпман... — Томоғимга аччиқ нарса тиқилди. Ахир, Гўзал билан турмуш қуришимизга шу қиз ҳисса қўшганди-ку! Шу қиз унинг яқин дугонаси...

— Гўзалнинг ўз-ўзидан ўлганига мен ҳам ишонмайман, — шундай деб Бадиа юзини тўсди. — Уни мен

эмас, Пўлат кузатиб қўйганди!.. Нариги кўчадаги синфдошим... Улишини билганимда...

Уни ортиқ тингламадим. Чунки Пўлат Гўзалнинг орқасидан кўп юрганини, аммо муродига етолмаганини, бизни жуда ёмон қўришини — барчасини билардим. Охирги пайтлари кўп ичадиган бўлиб қолганди.

Отам ва тоғам ҳай-ҳайлаб ортимдан югурди. Тасодифни қарангки, орқа кўчага чиқдиму ширақайф келётган Пўлатга рўпара бўлдим. Тоғам мени ушлашга улгуролмади: кулочкашлаб қотилнинг жағига туширдим, сўнг яна урдим, йиқилса ҳам уравердим.

Мени ундан ажратиши.

— Нега ўлдиринг, аblaҳ?! — қишлоқни бошимга кўтардим. — Гўзалнинг айби сени севмаганими, лаънати?!

Пўлат қон пуфлаб, менга қаради.

— Уринг, ўлдиринг, калламни мажақланг! — деди у ҳансираб. — Мен шунга лойиқман! Гўзални ҳимоя қиломаганим учун ўлдиринг! Лекин... лекин уни ўлдириган эмасман. У билан етти қадам юрдиммикин, йўқми, юзимга бир шапалоқ тушириб, ёлғиз кетди! Ўлай агар алласам!

— Ёлғон гапиряпсан, ифлос! Сен...

— Йўқ! Гапимга қулоқ солинг! Бир оздан сўнг орқамдан Шоқосим қассобнинг дарбадари чопиб келиб, «Шу ердан ўтганимни ҳеч кимга айтманг», деб илтимос қилди, кейин аллақаёқقا югуриб кетди. Менинча, ҳамма бало ўшанда!

— Бўлди, уришманлар, — отам Пўлатнинг қўлтиғидан кўтарди. — Болам, гапларинг рост бўлса, қассобникига юр.

Фалати тўда Ҳошим аканинг томорқасидан ўтиб, Шоқосим қассобниги стди. Бизга яна бир неча одам қўшилган, ўша куни хотинимга тирғалган Пўлатни

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

күпчилик уришга шайланиб турарди. Аммо Шоқосим қассобнинг шу йил мактабни тамомлаган безори ўғлидан ҳам кўп нарса қутиш мумкин эди.

Борсак, қассоб ўғлини ўласи қилиб дўппослаётган экан. Бизни кўриб тўхтади. Үзи гап бошлади:

— Бу касофат болани одам қилолмадим. Онасининг саидигига ўғирликка тушибди. Келин ўлган куни мелисага бервoriшим керак эди. Айбини яширдим! Ўша кеча оғилимга кириб, оқ ҳўқизни ўғирлаб кетаётганида, ҳўқиз куч бермай шаталоқ отиб қочган. Сўнг қоронғида келин томон чопиб, уни босиб кетишига бир баҳя қолган. Оқ ҳўқиз бўкирмайди, пойлаб туриб, бирдан шаталоқ отадиган одати бор... Манави нонкўр эса келиннинг йиқилганини кўрган экан...

Фазабим тошиб, ўзимни зўрға босиб гуардим. Бетийиқ, такасалтанг, ўғри болани бўғиб ўлдиришга тайёр эдим. Бироқ қассоб даҳшатли ҳақиқатни тилга олди:

— Ўз уйингга ўғирликка тушиб, шунча пулни нима қиласан, десам, Исмоил дўхтирдан қарз эдим, уч кун ичида бермасам шарманда қилади, дейди. Дўхтирнинг уйида ҳар куни жанжал эмиш. Хотинига тилла узук оламан деб пул йиғиб ўтиrsa, бирор қарз сўраб келиб, сўнг Россияга қочиб кетганмиш. Ҳе, одамлардаям инсоф йўқ...

Секин бурилиб, кета бошладим. Исмоил дўхтирдан қарз ундирган ёлғончи мен эдим. Россияда ишлаган илк маошимни унга жўнатмоқчи эдим... Афсуски, бу менга қиммагга тушди. Биронинг йиғиб ўтирган пулини алдаб олмаганимда, уч ойлик келинчакни ташлаб, бойлик илинжида хорижга кетмаганимда, эҳтимол, Гўзал ўлмасмиди? Энг катта бойлик оилас эканлигини кеч тушундим.

Эртасига ёқут күзли тилла узукни сотиб, дүхтириң нинг пулини қайтариб бердим.

## СТАЛКЕР

Бугун түкsonинчи кун эди. Самад компьютер қаршиисига мук тушиб, ҳар кунги үйинни очди: маҳзун мусиқа таралиб, хароб дунё тасвири намоён бўлди. Сичқонча кўрсаткичини кечаги үйинни давом эттириш лавҳи устига босди. Үйин бошланажагини англатувчи тадорик ярим дақиқага чўзилиши Самадга бир йилдек туюлди. Доим шунаقا. Үйин дегани дарҳол очилса, кириб кета қолса виртуал оламга.

— Ўрта Осиё... — шивирлади мониторга еб қўйгудек тикилиб.

Кеча оила дастурхон атрофига жамулжам бўлганида, акаси Фарҳод деди:

— Янглишмасам, анча вақтдан бери «Сталкер» үйнаяпсан. «Сталкер» нима эканини биласанми?

Самадни йўтал тутиб қолаёзди. Дадаси ва ойиси кўз уришитиришди.

— «Сталкер» отишма үйин шекилли? — Дадаси қовоқ уйди.

— Компьютер үйинларини тушунасизми, дада? — деди Фарҳод.

— Тушунмайман. «Сталкер» рус тилидаги «Стрелок» сўзига ўхшаркан. Шундан холоса чиқардим. Демак, тўғри топибман-да?

— Мен ҳам кенжатойдан шу ҳақда сўраётгандим, — мазали шўрвани қўзгади Фарҳод. — «Сталкер» дегани аслида «стрелок», яъни ўқчи сўзидан ясалмаган. Аммо үйинда отишмалар бўлади. Бир қарашда ҳақиқатан ҳам жангу жадал, бах-бух...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

— Ўғлим, биздан яшириб ёмон ўйинлар ўйнаб юрибсанми? — Ойиси Самадга норизо боқди. — Бу нимаси? Компьютерни ихтиёриңгә шунинг учун топширганмизми?

— Акам оширворди... Мен ҳар замонда бир... — ўзини ёлғон билан оқлашга уринди Самад.

— Эскидан ҳикмат бор: нимани тақиқласанг, шунга интилишади, — дадаси Фарҳодга қаради. — Сен ўзинг ака бўла туриб, укангга нега бунча лоқайдсан? Худди бирор математик масала ҳақида гапиргандек гапиряпсан-а! Муштдеккина бола одам ўлдириш ўйинларини ўйнаяпти, де!

— Компьютер ўйинини тақиқлаш, бу — шунчаки қуруқ расмиятчилик, — эътиroz билдириди Фарҳод. — Интернет билан компьютер ўйинларини йўқ қилиб бўлмайди, дада. Укам иккимизнинг ўртамиизда ўн беш ёш фарқ бор. Ҳозирги тараққиёт асрида ўн беш ёш фарқ бутунлай бошқа-бошқа авлод вакиллари дегани. Биз бундайлигимизда оддий «Денди» ўйнардик. Мен, очиғи, укамдан «сталкер» сўзининг маъносини сўра-моқчи эдим, холос. Биламанки, Самад уззукун ўйинларга муккасидан кетмайди. Замонавий болалардек компьютер ўйинга ҳам қизиқади, футболга ҳам қатнашади, дарсини ҳам қиласди.

— Раҳмат, ака, — деди Самад.

— Раҳмат айтишдан аввал саволимга жавоб беришинг керак эди, — акаси атайин жиддийлашгани се-зилди. — Хўш, «сталкер» нима дегани? Айт! Биласанми?

— Йўқ, билмайман.

— Қулоқ сол, — дея акаси кўрсаткич бармоғини нуқиди, — aka-ука Аркадий ва Борис Стругацкий деган ёзувчилар минг тўқиз юз етмиш иккинчи йилда

бир қисса ёзган. Номи «Овлоқдаги сайд». Үша асарда биринчи марта «сталкер» деган сүз ишлатилған. Орадан күп үтмай, яни минг түққиз ію етмиш түққизинчи йилда режиссёр Андрей Тарковский қисса асосида «Сталкер» фильмини ишлаган. Шундан сұнг «сталкер» деган сүз машхур булиб кетди. Борис Стругацкий бу сұзни үйлаб топишда Редьярд Киплинг романы номидан илхомланғанини айтған. Маңоси «Яширинча изидан тушмоқ», «Үфринча бохабар бұлмоқ», тушундингми? Сталкер, бу — бошқалар билмайдиган йұлларни, ертұлаларни, қурол-яроқларни биладиган одам. У радиацияга ҳам чап беради. Үйининг шунақами?

— Ҳа, — бош қимирлатди Самад.

— Құрдинг. Үйинде чапдастлик, ақллилық, жасурлық катта аҳамиятта эга. Дунёнинг ақволига қараб одам тушкунликка тушиб қолиши мүмкін...

— Барибир бемаза үйинга ўхшайды, — деди ойиси.

— Үйин үйнаётганингда үзингни сталкер деб ҳис қиласанми, жиноятчими? — сұради акаси Самаддан, гарчи ойиси үз сұзини айтған бұлса-да.

— Сталкер, албатта, — жавоб берди Самад.

— Бунинг заарали жойи йүқ, — дея Фарҳод отонасига бир-бир нигоҳ ташлади. — Укамга күп тақиқ құявермайлық. Урушлар аввал китобларда, киноларда бұлсін, ҳақиқий ҳаётимиз тинч-осойишталигича қолсін, дердик, энди бу рўйхатга компьютер үйинини ҳам құшамиз. Ёмонліклар компьютер үйинларидан циқмасин. Нима дедиларингиз?

— Энг муҳими, аждаҳо ётган сандиқни очмаслик, — деди дадаси. — Икковинг эса сандиқни қия очиб, аждаҳони томоشا қиляпсанлар. Бу нима деган гап??!

— Бугундан бошлаб, Самаджоннинг компьютерда ишлашини үзим назорат қиласаң, — ойиси ҳам жун-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

бушга келди. — Ҳаммаёқда айтиб ётибди-ку, компьютер ўйинларининг заарлигини.

Фарҳод завқланиб кулди, Самад қовоғини солиб, нон чайнади.

— Отам раҳматли, яъни боболаринг Нурали полвон умр бўйи ҳалол яшаб келган, — ўқрайди дадаси. — Менга бир гапни кўп айтарди: «Одам ёмонлик қанақа эканини билиши керак, лекин унинг томошабини бўлиб яшамаслиги шарт». Амакилари ичидаги қўли эгри одам ўтган. Ўша одам туфайли бир умр боши ҳам бўлиб яшади. «Мен мансуб бўлган авлодни тўлиқ ҳалол-пок деёлмайман», дерди. Чунки битта бўлса ҳам ўғри, ўлғич, нопок инсон бор эди. «Авлодимдан ҳеч қачон жиноятчи чиқмасин», деб дуо қиласарди. Хаёлий одамни ўлдириш ҳам жиноят. Ўйин ҳам шунинг қаторида. Бахт осонликча қўлга киритилмайди. Эътибор берсаларинг, кўпчиликнинг баҳти вақтинчалик. Баҳтли одамлар қачонлардир баҳтсизларга айланиб қолишади. Нега? Кичик, арзимасдек туюлган нотўғри қадам ҳам баҳт аталмиш неъматни қуртдек емиради. Отамнинг авлоди баҳтлилигача қолсин, демоқчиман. Гапларим тушунарлидир?

— Сизларнинг фикрларингизча, «Сталкер» шу дараҷада ёмон ўйин экан, Самад шу бугундан ўйнамайди, — деди Фарҳод. — Аммо... афсуски, ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик билан чиқарилган қарорнинг фойдаси ҳам кам бўлади. Шахсий фикрим шунақа, дада, ойи.

— Аслида ўйинни ёки компьютерни ёмонламаяпман, — дадаси қаддини хиёл ростлади. — Чегара қаерда эканини унутмасин, демоқчиман. Компьютер Самаднинг хонасида қолади. У ёғи ақл-хушига, виждонига, бизга берган ваъдасига боғлиқ.

Самад бугун ўйиннинг янги босқичига ўтар экан,

дадаси кече айтган чегара, виждон, ваъда хаёлидан ўтди. Чегарани қандай белгилайди? Күнгил истаклари меъёрни биладими? Балки ўйинлар вақтингчалик қизиқишидир? Вақт-соати келса, ўз-ўзидан унугради...

— Ўрта Осиё... — пицирлади яна.

Акаси ишда, дадаси ва ойиси қўшниникидаги маъракада эди. Уч ойдирки сталкернинг саргузаштлари давом этяпти. Аъзои баданини яра-чақа босган, кўзлари чақчайган кимсалар, қуролланган жангарилар, юнги тўкилган қутурган итлар ҳужуми даф этилди, кимсасиз шаҳардан эсон-омон чиқди, нурланиш бўронларидан қочиб-қутулди. Эндиликда сал кам бир ойдирки аллақандай ташландик заводнинг нимқоронги ертўласида махлуқлар билан олишяпти. Ҳар куни шу ҳол: жангга ташланади — ютқазади, олға юради — маҳв этилади. Енгиб ўтиш қийин, сталкердек одамга тажриба етишмайди. Самад чарчайди, ҳолдан тояди, компьютерни ўчириб, эртанги кундан умид қиласди. Эртага махлуқларни ўлдирса, янги маррага етади. Ҳа, ўлдириши керак! Қандай қилиб бўлса ҳам!

Шу тариқа кунлар, ҳафталар ортда қолди. Ўйин туғанмасдек эдики, охирига етиш учун ҳақиқатан ойлар сарфланяпти. Ойлар мобайнида Самад ўзини сталкер деб ҳис этди, кўча-кўйда, дарсда, уйда — ҳамма ерда ўйин ҳақида ўйлади. Ўлдирса, кейинги босқичга ўтади. Ҳув нарида кўзга зўрга ташланаётган нарвондан тепага чиқса...

— Ўрта Осиё...

Ҳа, ер ости йўлидан Осиёга келиб қолди. Инглизча битикка кўра Ўрта Осиё, яъни Марказий Осиё — ватани жойлашган минтақа. Ер ости зомбиларини енгиги, нарвондан юқорига кўтарилади ва темир қопқоқни очиб, ёруф дунёга — Осиёга чиқади. Самад ўзи яшётган қитъада хароб ўлкаларни кўрмаган эди. Сталкер-

га шундай топшириқ берилган: канализация қувури орқали Осиё шаҳарларидан бирининг канорасидан чиқиб, вайрона идора сандигидан калитни топиши керак. Калит бир мулозимнинг дипломатида келиб қолган. Одамлар ва жонзотлар нурланиш таъсирида бу ерларда ҳам маҳлуқларга айланишган. Сталкер уларни ўлдирсагина пўлат сандиққа етиб бора олади. Ўртоқла-ри айтишди, «Сталкер»нинг кейинги босқичларида ҳақиқатан ҳам қўшни маҳаллага ўхшаш жойларда жанг бўлармиш.

- Ув-в... — наъра тортди маҳлуқ.
- Қичир-қичир... Қасур-қусир... — Нурланиш худу-дида чақин рақс тушди.
- Мана сенга, лаънати! — Ўқ ёғдирди Самад.

Ва ниҳоят, тўқсонинчи кун маҳлуқ ночор ҳолга тушиб, чекинди. Самад қоронғи бурчакдаги ёғоч қути ортига бекинган сўнгги маҳлуққа граната улоқтириди. Улоқтириди-ю лўкиллаб нарига қочди. Ҳақиқий ҳаёт-дагидек портлаш бўлади-да. Узоқроқ турмасанг пар-чалар ҳалок қилиши мумкин.

Гумбурлаб портлади граната. Қон сачраб, маҳлуқ «уҳ-ҳ...» деб жон таслим қилди. Мониторда навбатда-ги босқичга ўтилаётгани хусусида лавҳ қўринди.

- Хайрият, — енгил тортди Самад. — Ўлдирдим!

Бироқ олдинда тенгсиз жанглар кутарди. Чўян қоп-қоқдан бош чиқарган он икки кимса жон-жаҳд ила бошига савалаб қолди. Ўйин босқичи бир зумда тугади. Оддий қилиб айтганда,сталкер ўлдирилди, яъни Самад ўлди.

«Кириш»ни қайта босди. Самад яна нимқоронғи, бадбўй, ўлимтик канализацияда пайдо бўлди. Нарвон-га қайтадан тирмашди. Чўян қопқоқни очар-очмас ав-томатдан тариллатиб ўқ ёғдирди. Қўшимчасига иккита

граната ҳам ирғитди. Үқлар ҳам, гранаталар ҳам ер ости йўли орқали Осиёга келтирилган эди. Қурол-яроғ кўп, қурол-яроғ бепул. Истаганингча қуроллан ва истаганингча ўқ уз. Үлдирсанг бас, енгсанг бас.

Ха, бу амали-кор қилди. Сталкер сиймосидаги Самад чўян қопқоқдан кўчага чиқишини уддалади. Кўчани кўча деб бўлмасди. Ўйдим-чуқур ерлар, қулаган дарахтлар, фиштлар, бочкалар, қутилар, темир-терсаклар уюми. Ёқимсиз шамол турган эди, аллақаёқдан хазонлар ва ёмғир томчилари учиб келди. Муюлишдан чирсиллаган овоз эшитилиб, ертўладагидек уран чақинлари чақнади. Нурланиш, электр майдонлари, алламбало ҳалокат асоратлари...

Тўсатдан Самад шаҳар вайронасига эмас, ҳозиргина ўзи ўлдирган қурбонларга тикилиб қолди. Улар зомбиларга ҳам, мутантларга ҳам ўхшамасди. Кўзлари, қошлари, нигоҳлари таниш оддийгина кишилар эди. Ана, ўн-ўн беш қадам нарида қўғирчоқлар ётибди. Йўқ, бири қизча экан. Дастрлаб Самад иккаласини ҳам қўғирчоқ деб ўйлади, лекин қараса... граната портлашидан ўлгани қизалоқ, тасодифан омон қолгани Барби қўғирчоги...

— Мен қотил эмасман, — деди Самад ўзига ўзи. — Сталкерман... Шунчаки компьютер ўйини қаҳрамонни... Бунинг бари ўйин... Уларнинг бари душман... Қандай қилиб бўлса ҳам калитни топишим керак... Калит анави идорада... Харита кўрсаткичлари қаёққа кўрсатса, ўша ёққа боришим шарт... Акс ҳолда мен ҳам ҳеч кимман...

Самад идора томон юрган эди, олдинда оқ яктак кийган чоллар, рўмолга чирмалган хотинлар, увунтуда болалар кўринди. Улар қўлларини кўтармасдан, қурол ҳам тутмасдан, заррача тап тортмасдан унсиз

яқинлашаверишди. Самаднинг юраги бир лаҳза та-ка-пука бўлди. Аммо ўтган кунлар мобайнида қан-ча-қанча босқичлардан ўtdи, ўзига яраша тобланди, гарчи аъло даражада тажриба ортиромаган эса-да, ҳарҳолда, қўлида қурол бор, уруш кўрди, қанча-қан-часини ер тишлатсагина ғалабага эришишини ту-шунди. Ўйин бошидаёқ унга дунё заҳарлангани, ҳеч кимга алданмай, гапига учмай ўз мақсадига эришиш кераклиги ўргатилган эди. Душман ким? Тик қараб келаётган ҳар қандай жонзот.

Автоматни тариллатди, гранаталарни улоқтирди. Тикка қараб келаётган манқуртлар яксон этилди. Самад мурдалар оралаб, нариги мавзега ўтиб олди. Идо-рага шу ёқдан борилади-да, харитага қарашиб шартмас.

— Вов! Вов! — Бир ит харобадан чопиб чиққан эди, Самад тўппонча оғзини унга буриб, тепкини икки марта босди. Касал ит вангиллаганча қулаб, оғзидан қони келганча ўлди.

— Вийй... Вийй... — Деразаларнинг бирида тиҳсиз хотиннинг боши лиқиллади. Афтидан хотин ҳужум қилишдан ҳам кўра, дод солаётган эди. Самад уни қонсўр-гич гумон қилиб шартта пешонасидан дарча очди.

Қаердадир чақалоқ йифлади. Самадга идорадаги пўлат сандиқдан қалитни топиш буюрилган, илло сценарияда гўдак йўқ эди. Демак, чақалоқ — махлуқлар тузоғи. Гранаталардан биттасини олди-да, чолдеворга яқин бориб, ўпирилган жойдан ичкарига иргитди. Кучли гумбурлаш билан бирга чанг-тўзон кўтарилди. Йифи абадий сўнди.

Самад йўлида давом этмоқчи эди, кўчанинг боши берклигини кўрди. Изига қайтиб, ҳалиги хароба оралаб юрди. Идорага шу ёқдан борса ҳам бўлади-ку, нима учун боши берк кўчага бурилди?

Икки қадам ташлади, уч қадам ва... таққа тұхтади. Ҳозиргина ўзи граната улоқтирган хароба орқали идорага бориш мумкинлигини қаёқдан билди? Наҳотки, бу ерларга аввал ҳам келган бұлса?

Шундагина у ҳаммаси таниш эканини, канализациядан чиққандан бери бирорта ҳам бегона ерни, бегона одамни учратмаганини англағы. Қанчалик ҳайратла-нарлы, қанчалик ғалати бұлмасин, у ўзи туғилиб-ұс-ған маҳаллада кезиб юрарди. Анави идорада бобоси Нурали полвон нафақадан кейин ҳам ишлаган. Одамлар бирор муаммосига ечим тополмаса, идора олдига түпланишарди. Иши бошидан ошиб ётған бобоси пастга тушиб, ёрдамини аямасди. Самад жажжигина болакай әди. Куриган дараҳт тәгіда (ұшандың дараҳт яшнаб тұрарди) дадаси ёки ойисининг құлидан туттанча бобосини кутарды. Бобоси одамлардан бұшади дегунча унга бағрини очарди.

— Самаджон келибди-ку! Қани, эр йигит! Битта ачомлашайлик-чи! Бир күн келиб менинг үрнімгә сен раис бұласан! Халқынға хизмат қиласан! Бизнинг авлоддан доим юртига хизмат қиласаңынан одамлар етишиб чиққан...

Бүрон гувиллади. Сталкер сергак тортди. Нега у ўзини Самад деб ҳис қиляпты? Сталкер топшириқни адo этиши керак. Бу бегона заминдандын калитни топса, канализацияга сакраб түшса, ўз қароргоҳыға шамолдек елиб қайтса, ўйин ғалаба билан тугаса, шу әмасми онгу шуурини забт этгандай мақсад? Сталкер ҳам иккапанадими? Сталкер ҳам душманға чалғыйдими?

Бир-бир қадам ташлаб, идора харобаси сари юрди. Оёғи оғир-оғир одимларды, чайқалиблар кетарды. Қуроли ҳам пастга қаратылған.

Ногаҳон бешік синикларини босиб олди. Идора

ёнидаги ҳовлида амакисининг келини яшарди. Үғил-  
часи Самадга адаш бўлгани учунми, янгаси ҳаммадан  
бошқача, илиқ, оналарча сўрашарди. Гранатани ши-  
рин сўз янгасига, Самадни кўрса «ау-ув» дея оғзидан  
суби оқиб қувонадиган жиянchasига отдими? Үйлаб  
ҳам ўтирмасдан, ҳеч бир иккиланмасдан ўлдирдими  
уларни?

Самад сталкерга айланмоқчи эди, айланолмади.  
Тани муз қотди, кўзларида ёш филтиллади. У идора ос-  
тонасидан беҳол ҳатлаб, ярми ўпирилган зинадан ик-  
кинчи қаватга – бобосининг хонасига кўтарила бош-  
лади. Бу ер қандай гўзал, осойишта, файзли эди. Ҳар  
қадамда фиштлар уюми, стол-стуллар синифи, суратлар,  
китоблар... Деворда эса бобосининг сурати.

– Бўлиши мумкинмас!.. Бу ўйин-ку!.. – инграб юбор-  
ди Самад. – Балки бобом эмасдир... бобом эмасдир...

Кутилмаганда аскарлар ташланиб қолишиди. Самад  
уларни қандай отиб ташлаганини ўзи ҳам сезмай қол-  
ди. Олдинда темир эшик. Компьютер бу эшикнинг  
ёниб-учаётган туртбурчак жойига мина ўрнатишни  
буюрди. Самад сўзсиз бажарди.

– Уч, икки, бир...

Мина портлаб, эшик қунпаякун бўлди ва чанг-тўзон  
ортида бобосининг хонаси жонланди. Самад ичкарила-  
ди. Тўрда бир чол маҳзун ҳолда мункайиб турарди. «У  
бобом эмас, булар шунчаки ўйин», деб ўзини ишонти-  
ришга чиранди Самад. Нима қилиш керак? Бобосига  
шунчалик ўхшаяптики, қуйиб қўйгандек ўзи. Тўқсон  
кунлик жанг жадалдан сўнг шу ерда ўйинни тўхтатиб,  
орқага чекинадими?

Чол Самадга тикилди, бароқ қошлиари чимирилди.  
Самаднинг тили қовжираб, танглайига ёпишди. Наза-  
рида, бобоси важоҳатига чек қўйиб, «Самаджон ке-  
либди-ку!» деб бағрини очадигандек туюлди.

Чол бир қадам ташлади. Самад бармоғини тепкига қўйди. Чол ҳайрон бўлгандек алланималар деди. Самад оний лаҳза иккиланди. Сталкер топшириқни бажариши керакми ёинки...

Чол икки қадам ташлади. Самад тепкини босди. Бобоси қалқиб кетди-ю, невараасига мунгли тикилди. Лабларидан «Самаджон...» деган сўз учди. Невара аниқ-тиник эшилти, ўз қулоқлари билан эшилти.

— Бобо!.. — мониторга талпинди у.

Бобо йиқилди. Ҳаёт тугади...

— Самаджон! — чақирди ортида кимdir.

Ўгирилиб қаради. Дадаси, ойиси ва акаси унга худди маҳлуқни кўраётгандек қўрқинч билан тикилиб туришарди. Самад кўз ёшларини артиб, ҳилвираган вужудини зўр-базўр кўтарди.

— Ўчир, — деди ойиси Фарҳодга компьютерни кўрсатиб.

— Бугунча дам олсин, эртага гаплашамиз, — дадаси шарт бурилиб чиқиб кетди.

Эртасига оила идора биносига отланди. Кўча чароғон, озода, худди эртаклардагидек гўзал эди. Майдончада ўйнаётган болалар қий-чуви, дарахтлар шохларидаги қушлар хониши, ўтган-кетганларнинг хурмат ила саломлашиши — барчаси Самадни зулматли дунёдан қайтишга чорларди. Канализация қопқоғи олдидан ҳам хуш-хандон ўтдилар. Амакисининг келини жажжи болажонини кўтариб эшикка чиққан эди, Самадни кўриб жилмайди.

— Адаш акангга салом бер, полвоним, — деди гудакка.

Гўдак қувонганча чапак чалди. Оила идорага кирди. Идора осуда ва файзли эди. Зинадан кўтарилаётганларида Самад мункиб кетаёзди.

— Эҳтиёт бўл, ўғлим, — деди дадаси.

Шу куни бобосининг хонасини зиёрат қилдилар, столларга қўнган гардларни артдилар. Бу ердаги дераздан обод юрт манзараси, покиза уфқ, барҳаёт қўёш — ҳаммаси жонли суратдек кўринарди.

— Кечиринг, бобо, — шивирлади Самад. — Кечир, эй юртим...

Унинг узрини ҳамма эшилди.

## ГУМРОҲЛАР

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари эди. Бўйдоқ эдим, синглим ҳам турмушга чиқмаганди ўшанда. Шанба куни кечқурун ишдан қайтсам, уйда Зулфиянинг дугоналари базму жамшид қилаётган экан. Шанба — талабалар қишлоқقا қайтадиган кун. Синфдош дугоналари синглимни кўргани келишгандир-да.

Шу пайт синглим хуш-хандон пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум, ака, — деди эркатойим ширин жилмайиб. — Ишдан чарчамай келяпсизми?

— Ўзинг-чи? Яхши етиб келдингми? — дея юзидан чимчилаб қўйдим. — Ўқишинг тинчми?

— Беш! — деди Зулфия ва мусиқа садоси-ю қизларнинг қий-чувига эшитилаётган меҳмонхонага ишора қилди. — Дугоналарим келганди.

— Яхши-да.

— Сиз кираверинг уйга, ака. — Зулфия ошхонага чопди.

Хонамга кирдим. Кийимларимни алмаштириб, бир дақиқа хаёл суриб қолдим. Синглимнинг дугоналари аллақачон балогатга етишди, иккитасига совчи келиб, фотиха тўйлари ҳам ўтган, яқинда никоҳ тўйлари. Зулфия ҳам катта қиз бўлди. Мен 9-синфда илк

бор бир қизни севиб қолғандим. Севгилим нақ үн етти ёшга тұлғанида турмушга чиқиб кетган. Синглим ҳам аллақачон үн етти ёшда. Қизиқ, у ҳам кимнидир севармикан? Ҳатто, бир-икки йилда турмушга чиқиши мумкинлиги ҳақида ҳам ҳеч үйлаб күрмаган эканман.

Аммо кимдир ортидан гап отиб, күнглини хира қилиб юрган бұлса, соғ қўймайман. Дўстларим қизларнинг уйига кечаси бориб ҳуштак чалишарди, дे-разасини тақиллатишарди, кўча-кўйда гап отишарди, овлоқроқда йўлини ҳам тўсишарди. Зулфия жуда сирли қиз-да, бирор хафа қилса ҳам билдирмайди. Уйимиз ортига-ку йигитлар келиб, дераза тақиллатишга, ҳуштак чалишга журъят этолмайди. Терисини шиламан унақаларнинг. Лекин шаҳарда орқасидан эргашганлар бұлса керак.

Кейин чуқурроқ үйлаб кўрдим. Қанчалик қаттиққўл ёки қаҳри қаттиқ ака бўлмай, синглимнинг ҳаётига кўп-да аралашолмас эканман. Уни кимдир шу қишлоғимизда ҳам севади, ишқий мактублар битади, учрашувга чақиради. Ҳар бир йигитнинг ичидаги гапни, босаётган қадамини санаб юролмайман-ку. Мана, мен Озод синфдошимнинг синглиси ким билан севишганини биламан, аммо дўстим синглиси ошиқ эканини билмайди. Балки менда ҳам шундайдир...

Онамнинг чойга чақиргани эшитилди. Овқат ҳам тайёр эди. Дадам, онам, мен — учаламиз дастурхон бошида ўтирдик. Меҳмонхонадан қизларнинг шўх-шодон кулгани эшитиларди. Онам менга чой узатиб, жилмайиб қўйди ва дадамга бир қараб олиб гап бошлади:

— Баҳромжон, энди сен ҳам катта йигит бўлдинг. Ўқишингни тугатиб, мана, банкда ишлайпсан. Шу йил тўйингни ўтказамиз...

— Яхши бўларди, — дедим гапни ҳазилга буриб. — Кекса бўйдоқман, роса кўзим учиб турибди-да.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Дадам күз остидан ола қараш қилди. Мен эса неғадир шоп мүйловига ёпишиб қолган гуруч бұлагига қарадим.

— Сенинг түйингдан олдин яна бир түй қилсакми, деб турибмиз. Даданг күнмаяпти, — деди онам.

— Тушунмадим? — Ҳайрон бўлиб гоҳ аямга, гоҳ дадамга қарадим.

— Бугун синглингга совчи келди, — онам жилмайди. — Түй бўлиб қолар-ов...

Дадамнинг қовоғи солингандан солинди.

— Мен сенга айтдим-ку, — дея ўз одати бўйича ўқрайиб қаради, — қизингни ҳали эрга бермаймиз. Ёш бола-ку унинг!

— Кимдан? — дедим күнглимда ғашлик ва алланечук қувончга ұхшаш ҳислар жунбушга келиб.— Совчи кимдан?

— Мирпўлат деган бор-ку, үшанинг ўғли эмиш.

— Фаррухми? Биздан икки синф кейин ўқиган.

— Ҳа, Фаррух экан йигитнинг оти.

Кўз олдимга узун бўйли, қийиқ кўзли, камгап йигит келди. Тўнгич фарзанд. Оиласида ундан бошқа ўғил йўғу, аммо сингиллари кўп. Негадир баъзан шундай хонадонлар келин туширишга шошилишади. Фаррухлар уйланяптими, демак, менга ҳам уйланиш фурсати етгани аниқ. Баъзи таниш-билишлар тез-тез түй ҳақида сўраб қолгани ҳам бежиз эмас. Ҳатто, «кимсан Лутфи бозоркомнинг ёлғиз ўғлисан, албатта, унча-мунчага уйланмайсан» деб отамнинг мансабиу пулларига писанда қиласидиганлар ҳам йўқ эмас. Отам бозорга хўжайнлик қилса нима бўпти? Шунга фиръавн бўлармиди!..

Майли, бу гапларни қўя турайлик. Қишлоқ фуқаролар йигинида ишлайдиган Фаррух нега айнан ме-

нинг синглимга совчи юборибди? Севармикан? Балки хат-пат ёзишиб юрар?.. Йўқ, мен сезишим керак эди. Кимдир «Лутфи аканинг қизини келин қилинглар» деб маслаҳат бергандир. Синглимнинг у билан севишганига ишонмайман. Фаррух қандайдир ёқимсиз, писмиқроқ бола эди ўқувчилигида ҳам.

Агар ёнимда отам бўлмаганида онамдан «Нега у совчи юборибди? Севишибдими?» деб сўрардим.

Очиғи, синглимга совчи келиши борган сайин фашлантира бошлади. Тўғри, бугун бўлмаса эртага эгасига топшириш керак. Кейин бу ерда яшамайди, меҳмон бўлиб келади, ҳаёт қонуни шунаقا...

Мен бош чайқадим ва ним кулдим.

— Зулфия ёш, — дедим, — ўқиши бор, эрга тегишга эрта. Жуда-жуда эрта.

Шундан сўнг суҳбатимиз бошқа мавзуга бурилди. Шуни кутиб тургандек хонага Зулфия чопиб кирди.

— Дада! Ая! — деди у шошқалоқлик билан. — Чойларингиз борми?

— Бор, — дея аям қопқоқни очиб кўрди. — Сен дугоналарингнинг олдида ўтиравер, чой тугаса ўзим дамлаб келаман.

— Майли, — деди синглим қандай пайдо бўлган бўлса, шундай фойиб бўлиб.

Сездимки, у ҳаддан ташқари хурсанд ва безовта. Нимадир юз беришини истаяпти. Бирон айби бордек кўзларимга қараёлмаяпти.

Овқатдан сўнг уйда ўтиrolмадим. Ҳовлига чиққим, хаёл сургим келди. Гарчи ҳовлимиз катта бўлса-да, супага ёки ўриндиққа бориб ўтирсан, гўё қизларни кузатишга чиққандек туюлаверди. Шунинг учун секин дарвозахонага ўтдим, бир лаҳза машинанинг у ёқ-бу ёғини кўрдим-да, кўчага чиқдим. Ҳовлимиз кўча томондан

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

панжара билан үралғанди. Олтита гилос дарахти де-раза қадар бүй чұзған, тагида бир қатор гуллар одам белича барқ уриб турарди.

Күчада ҳеч ким йүқ. Дарвоза чироги тагида қаққайиб, хаёл билан аввал чап томонга, сүнг үнгга күз югурти-дим. Күча бошидаги кичик дүкөнчага қандайдир ха-ридор келди, муюлишда бизга күндаланғ күчадан бир машина физиллаб үтди, қызил чироқлар бир лаҳза кү-ринди. Нигоҳимни яқынга, шундоққина уйимиз орқа-сидаги әнг четки гилос ва гулларга бурдим. Негаки, у ерда нимадир қимирлагандек туюлди. Сергак тортиб, диққат билан тикилдим. Ҳақиқатан гилос тагида ким-дир бор эди. Шарпа ҳам аллақачон мени пайқаган, у ҳам менга қылт этмай тикиларди, чамамда.

«Фаррух келғанмикан? — дедим ичимда. — Уни уш-лаб олсам нима дейман? Күчада мени күрса қуюқ са-ломлашадиган, үзини жиддий тутишга уринадиган йигит ҳозир қандай ақволга тушаркин?»

Индамай ичкарига кириб кетиш шаңнимга түғри келмади. Қараб туравериш ёки күрмасликка олиш ҳам ноқулай эди. Ахийри, олға қадам босдим. Шарпага ҳам жон кирди: лип этиб панжарадан күчага ошиб үтди.

— Кимсан? — сұрадым йүлакқа чиқиб.

Шарпа физиллаб жұнаб қолди. Ортидан қувишини үзимга әп күрмадим. Таниб қолиши учун бутун вужу-димни күз қилиб тикилдим. Бахтимга муюлишда бир машина тұхтаб үтди ва номаълум шахс ёруғликтан қо-ронги күчага шүнғир экан, шакл-шамойили аникроқ намоён бұлди. У Фаррух әмасди. Таниёлмаган бұл-сам-да, юриш-туриши кимнидир эслатди. Жуда та-ниш эди, аммо хотирам қатламларимдан у ҳақдаги маълумот чиқмади.

Уч кундан сүнг Фаррухнинг совчилари яна келиш-ди. Таомилга биноан бу сафар қатый қарор айтилиши

керак эди. Ота-онам айтди, яъни синглимни ҳозирча турмушга бермайдиган бўлишди, унаштирув ёинки бирор аҳдлашувга ҳам ўрин қолдиришмади.

Мен энди ўзимни анча хотиржам тутдим. Турмуш қуриш — ҳаётнинг табиий жараёни эди. Синглимга совчи келишига кўнишиб керак. Қачондир у бошқа хона-донга кетади. Гоҳида унинг тўйи хаёлимда гавдалана-рди. Барча қариндошлар, қишлоқ аҳли хонадонимизни гавжум қиласи, ёр-ёр садолари янграйди, келинчакни олиб кетишади. Мен ҳам aka сифатида қудалар сафиди тўйга ташриф буюраман. Куёв ҳам худди оиламиз аъзосидек бўлади. Зулфия иккаласи меҳмонга келишади. Менинг шу эркатой синглим бир уйнинг бекасига айланади, умр ўтади, ўтаверади...

\* \* \*

Зулфия ҳар душанба ўқишга кетар, шанба куни тушдан кейин қайтиб келарди. Барча акалар каби мен ҳам синглимнинг баҳти бўлишини кўзлардим. Ишхонамда ҳисоб-китобларга кўмилиб ўтирган дамларда ҳам баъзан лоп этиб оиламиз келажаги кўз олдимда жонланарди. «Яқин йилларда мен ҳам уйланаман. Ота-онам бобо-момо бўлади. Ҳаёт бунчалар тез ўтмаса-я...»

Кунларнинг бирида қўлимга мўмайгина пул тушди. Уйдагиларга нима харид қилсан экан, деб ўйладим. Дарвоқе, нима ҳам олардим, дадам ҳаммасини муҳайё қилган бўлса.

Банқдан чиқиб, бозор ёнидан ўтдим. Дадам қассобларга алланимлар деб ўшқираётган экан. Кўринмасликка ҳаракат қилсан-да, мени одамлар орасидан дарров пайқаб олди.

— Уйга кетяпсанми? — деди узоқдан.

Бозорга бурилдим.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Ўзим... айланиб юрибман, — жавоб бердим мужмал оҳангда. Сүнг дедим: — Дада, Самарқандга борсаммикан?

— Нима қиласан?

— Шаҳарда ишим бор эди. Шу баҳона Зулфия билан бир-икки жойга ўтиб келардим.

— Нарса олармикан ё домлалари иш буюрибдими?

— Нарса олса керак.

— Унда бориб кела қол, — дадам бир оз юмшади.— Пул берайми?

— Ўзимдаги етарли, дада.

Нари кетишга улгурмаган ҳам эдимки, ўртоғим Озод келиб қолди. У дадам билан ҳар доимгидек эмас, балки қучоқлашиб кўришгач, менга ҳам қучоқ очди:

— Дўстим, бормисан?

— Тошкентдан бери келмай қўйдинг? — дедим уни бағримга босиб, елкасига қоқиб қўярканман.

— Мана, ўқиши ҳам тугатяпман. Энди камина доим шу ерда.

Биз дадам билан хайрлашдик ва бекат томон йўл олдик.

— Прокуратурага ишга келяпсанми? — сўрадим дўстимдан.

— Насиб қилса, — деди у.— Лекин ёшлигимдан адвокат бўлишни орзу қилардим. Буни қара, хаёл бир ён, ҳаёт бир ён.

— Мен сенга ўхшаб ҳуқуқшуносликда ўқиганимда роса омадим чопарди-да. Отам прокурор билан ҳам, судья билан ҳам қалин ошна.

— Ҳа, эшитганман, — деди Озод, сўнгра соатига қаради.— Прокуратурага боришим керак.

— Кечқурун кўришармиз, а?

— Хўп. Сен ўзи қаёққа кетяпсан? Уйгами?

Мен Самарқандға отланганимни, синглимни күриб келишим кераклигини айтдим.

— Кетдик, — деди Озод кутилмаганда, — Самарқандға бормаганимга ҳам анча бўлди.

— Бу ердаги ишинг-чи? Зарилмасми?

— Ҳе йўқ... Эртага ҳал қиласа ҳам бўлади. Аникрофи, прокуратурага эмас, ўша ерда ишлайдиган одамнинг қариндошиникига борсамми, деб тургандим.

Шерик топилганидан хурсанд бўлдим. Биз шаҳарга етиб, «Дамас»га ўтирик-да, коллеж дарвозаси ёнида тушдик. Ичкарига киришга ҳам улгурмадик. Ўриндиқда ўтирган Зулфиянинг «Вой, акам!» деган хитоби эшитилди ва у ўз одати бўйича чопқиллаб келди. Мен синглимга эмас, ҳозиргина у билан ўтирган башанг кийинган йигитга тикилдим. Назаримда, йигит кўзларини олиб қочди ва ёнидаги бошқа қизга нималарни дир гапирган киши бўлиб, чалғиди.

— Ассалому алайкум, — Зулфия Озодга ҳам салом берди. Кейин менга қаради. — Қайси шамол учирди, акажон? Бундай тўсатдан келмасдингиз-ку?

— Анави қизлар ичидан сенга янга топишга келдик, — деди Озод кулимсираб. — Акангнинг ҳам уйланадиган вақти, ахир!

— Э, қўйсангиз-чи, улар менинг курсдошларим!.. — Зулфия қиқирлаб кулди. — Акам мени қандай сингил ўрнида кўрса, уларни ҳам шундай кўради. Тўғрими, акажон?

— Тўгри, ҳазиллашяпти, — дедим Зулфияга. — Келин керак бўлса, Озоднинг ўзига топиб берамиз.

— Йўқ, йўқ, йўқ, — Озод қувонганча бош чайқади. — Аввал ўзларидан, аковси.

— Бугун ўнг томони билан турган экан дугоналаринг, — синглимнинг курсдошларига имо қилдим. — Нега деганда, бир зиёфат берай деб келдим.

— Қанақа зиёфат? — ҳайрон бўлди Зулфия.

— Қанақа дейсанми? — дея синглимни четроққа бошладим — Оддий зиёфат. Ўзингга яқин курсдошларингдан тўрт-бештасини чақирасан, ресторанга борамиз. Мен ўқиб юрганимда бир қизнинг отаси ҳар ойда келиб, қизи ва дугоналарини бирорта ошхонага эргаштириб, хоҳлаган овқатларини олиб берарди. «Сизлар студентсизлар» дер эди зиёфат сабабини сўрашганида. Зули, сенинг ҳам бу ерда ўзингга яраша обрўйинг бор, талабалик эса ўтади-кетади. Шу вақт ичида ўқишингга бир марта келмасам қанақа ака бўламан? Дадам кела-ди-ю домлаларингга зиёфат бериб кетади, холос.

— Жуда яхши, — деди Зулфия таклифни қабул қилиб.

Ярим соатдан сўнг биз коллеж яқинидаги ресторанда ўтирадик. Ўша кезларни ўиласам, ҳозир ғалати туъюлади. Синглим ва курсдошларига ресторанда зиёфат берганим, ўзим ҳам уларнинг даврасида ўтирганим, боз устига Озодни ҳам эргаштириб келганим ғалати ва кулгили эди-да, ахир.

Зулфия учта дугонаси ва ҳалиги башанг кийинган йигитни таклиф этганди. Ўзини Алишер деб таништирган олифта йигит:

— Акалар, — деди ярим кулиб ва оғзини бир томонга сал қийшайтириб, — мен гирт «апирист»га ўхшаймана? Лекин... — У қулини қўксига масхаромуз қўйди. — Лекин мен яхши боламан, мана, қизлар айтсин.

Талаба қизлар, жумладан, Зулфия ҳам унинг ҳар бир гапига кулар, олқишилар эди. Алишер бу қизларнинг шу даражада кўнглини топиб олибдики, менимча, қизлар усиз бир қадам ҳам юролмай қолганга ўхшайди. Даставвал, Алишер менга умуман ёқмади. Уни таклиф этгани учун синглимдан бир оз норози

ҳам бўлдим. Бироқ борган сари Алишердаги нимадир маъқул туша бошлади.

— Ақалар ташриф буюрган экан, — деди у жойидан туриб қўлидаги қадаҳни баланд кўтарар экан, — уларнинг соғлиги учун ичмасам ўзимни осишимга тўғри келади. Ундан кўра ичган маъқул эмасми? Қани, муаллимлар, — у қизларни муаллимлар деб атади, — олинглар, «кола»дан бўлса ҳам... Ие, Зулфия муаллим, олинг энди!

Зулфия рюмкасидаги ширин ичимликдан ичди.

— Мен, — деди Алишер жойига ўтириб, — катта режалар тузиб юраман.

— Қанақа экан режанг? — кесатди Озод. — Кимни алдасам, кимнинг кўзини бойласам деган мақсадларни ўз ичига олса керак?

Алишер ҳузурланиб кулди ва «топдингиз» дегандек бармоқларини қирсиллатди.

— Худди шундай, катта ака, прокурор бўлишингиз шу ердан маълум! Режаларим шуки, фақат одамларнинг хизматида бўлсан! Ўлай агар, муаллимликни ташлаб артист бўлиб кетмасам!..

— Шундоғам артист экансан-ку! — деди Озод.

— Раҳмат, акажон, раҳмат. Артист эканман, қўшиқ айтиб бермасам бўлмас.

— Айтинг, айтинг, — дейишди қизлар.

— Йўқ, — деди Алишер менга таъзим қилиб, — аввал энг катта акадан ижозат олайлик.

Мен бажонидил розилик билдиридим. Алишер куй-қўшиқ тараалаётган бурчакка борди-да, у ерда ўтирган йигитга алланималарни уқтириди. Кейин эса карнайдан Алишернинг овози жаранглади:

— Мен бир камбағал, бечора боламан, аммо қўшиғимни пулга сотмайман. Ҳозир ҳаммангиз эшитадиган қўшиқ «Ёр-ёрлар» деб аталади. Албатта, қўшиқ

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

Анвар Санаевники. Бироқ бу қүшиқ менинг юрагимга айланган экан, ўзимники деб ҳисоблайман.

Қүшиқ куйи бошлангандоқ қизлари тушмагур қий-қириб, чапак чалиб ўринларидан туриб кетишиди. Зулфия биздан уялиб, индамай ўтираверди.

— Бугунги даврамизнинг сабабчиси гўзаллар гўзали Зулфияхоним рақсга чиқсалар, «Атиргул»ни ҳам ижро этганим бўлсин.

Энди қизлар жиннилардек ҳайқиришиди ва Зулфијани ўтирган стулидан юлқиб олдилар. Алишер гапида турди: «Атиргул»ни, «Мұхаббат»ни маромига етказиб куйлаб берди.

Куй-қўшигу ўйинлар анча вақт давом этиши мумкин эди, лекин бир маст жойидан турди-да, Алишерга қичқириди:

- Ҳой бола, сен Анвар Санаевмисан?
- Ҳа, — деди Алишер кулиб.
- Унда нега жиддий эмассан?
- Бугун хурсандман, акажон.
- Ағсуски, мен хурсанд эмасман, — деди хўранда йигламсираб.— Ҳозир «Онажоним» қўшигини куйлайсан!

Алишер бу қўшиқнинг сўзларини ёдламаган экан, шунинг учун гапни айлантирмоқчи эди, маст киши бутилкаларни синдира бошлади.

— Нега?! Нима учун куйламайсан?! Мен одам эмасманми?

— Одамсиз, — деди Алишер.

Маст унга олайиб қаради.

— Йўқ, одам эмасман! Бугун онам ўлган кун! Мен эса ресторонда ичиб ўтирибман! Ҳаммамиз ўламиз! Ҳа, бу кунлар ўткинчи! Сизлар, — у бизнинг столга қўлини бигиз қилди, — яшаяпман, деб юрибсизлар.

Ёш-ёш қизлар билан жуфт-жуфт бўлиб олибсизлар. Бахт борлигига ишонасизми? Бахт йўк! Ҳаммаси сароб... Ҳаммаси сароб бўлиб чиқади!..

Ресторан хизматчилари мастни кўчага чиқариб юборишиди.

Ўша кун бир нарсани сездим: Зулфия ниманидир қаттиқ сир тутмоқда эди. Тез орада сирнинг қулфига калит топишга аҳд қилдим. Буни Самарқанддан қайтишда ҳам, уйда ҳам кўп ўйладим.

Ўша ҳафта Зулфиянинг ўқишдан қайтаётганини узоқдан кўриб қолдим. У қўзимга хомушдек кўринди. Лекин дарвозадан шўх-хандон кириши кўнглимга таскин берди.

— Ака, курсдошларимни роса хурсанд қилдингиз, — деди у.— Сиздан роса хурсанд.

Бир ой ўтар-ўтмас, уйимизга яна совчи келди. Бу галгиси Алишер яшайдиган тумандан эди. «Демак, Алишер севар экан-да», деб онамдан йигит кимлигини сўраганимда, бутунлай бошқача жавоб олдим. Йигит университетда ўқир экан. Зулфияни кўчада кўриб севиб қолганмиш.

— Синглим нима деяпти? — сўрадим онамдан. — Совчи қўйган йигит билан гаплашиб юрарканми?

— Гаплашиб юришига даданг қўярмиди, «шаҳар-паҳарингни йифиштири», демасин тағин. Йигит синглингнинг изидан қолмай ялиниб юраркан. Синглинг эътибор бермабди, гаплашмабди. Лекин ўтган ҳафта «орқамдан юрманг, ота-онам кимга берса, ўшанга тегаман», дебди. Ўша бола шунинг учун совчи юбориби.

Дадам «узоққа қиз бермайман» деб совчиларни қайтириб юборди. Шундан кейин Зулфияни бир неча марта тушкун кайфиятда кўрдим. Авваллари сир-асрорини

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

күчага ташлаб, беғубор қиз бўлиб кириб келса, энди ғамлардан фориг бўлолмай қолди. Ғамгин чеҳрасига боқарканман, раҳмим келарди.

Пишиқчилик яқинлашиши билан дадам мени уйлантириш пайига тушди. Танлаган қизим йўқ эди-ю, ота-онамнинг маслаҳати билан Саъдулла Бегматов деган кишининг қизига совчи юбордим. Отасининг шон-шавкати иккинчи масала эди. Менга қиз ёқиб қолганди. Совчилар иккинчи марта боришида қиз томон рози бўлди. Тўйни сентябрга белгиладик. Август ойида бўлғуси қайнотам туман ҳокими этиб тайинланди. «Баҳром мансабга учди, бой бойга боқади-да» деган гап-сўзлар кўпайди. Мен эса оғзига кучи етмайдиганларнинг шивир-шивирларидан таъсиrlана-диган даврдан ўтгандим. Тўйни, баҳтли оила қуриши, муҳташам келажагимни ўйлашим керак эди.

Унаштирувим куни тасодифан бир гапни эшишиб қолдим. Ошхонага киргандим, янагалар ўтирган экан. Амакимнинг хотини синглимга шундай деди:

— Қўйинг, қиз бола, кўп хафа бўлманг. Фақат бошқа совчиларга розилик бериб қўймасангиз бас. Ўқиши тугатганингиздан кейин Фаррух яна совчи юборсин, акам аниқ рози бўлади. Шу қишлоқнинг боласи бўлса, эсли-ҳушли. Хўш, яна нима керак? Яхши қиз қишлоғидан чиқмайди, деган ота-боболаримиз.

— Сиз бошқа йигит билан гаплашманг-да, ахир, — деди тоғамнинг хотини.

— Гаплашмайман, — Зулфия журъатсиз оҳангда гапирди.

— Тунов кунги қиз сиз эдингиз, — дея тоғамнинг хотини давом этди, — кечқурун дўкондан сал нарида... Лекин Фаррух эмасди. Тўғрими?

— Ким эди? — Амакимнинг хотини қизиқсинди.

— Танидиму... Шу қайнинглиминг ҳурмати учун айтмайман.

— Вой, яна ким ошиқ экан, билайлик биз ҳам, — ялинди амакимнинг хотини.

— Тўйлар бўлсин, жанжаллар эмас, — тоғамнинг хотини якун ясади. — Қайтиб сўраманглар. Қайнинглимизнинг сирини ўлсан ҳам айтмайман.

Мен ошхонанинг биринчи хонасида туриб бу гапларни эшитар эканман, синглимнинг «ёлғон» дейишини кутардим. Синглим эса тоғамнинг хотинидан миннатдор бўлди. Ошхонадан жаҳл билан чиқиб кетдим. Энди менга шу нарса яққол аён эдики, Зулфия Фаррухни яхши кўради, аммо яна ким биландир гаплашиб юради. Бир куни уй орқасида дуч келган шарпа ҳам ўша йигит бўлган. Иккинчи йигит ким эканлигини тоғамнинг хотинидан сўрашни кўнглимга тушиб қўйдим. Гумоним тўғри чиқса, Зулфия ким деган қиз бўлади? Наҳотки, у икки йигит билан гаплашиб юрадиган даражада ҳаёсизлашиб улгурган?

Кўп ўтмай бўлажак рафиқам билан Самарқандга айлангани чиқишга келишиб олдик. Ўша даврдаги яна бир фалати таомил бўйича у битта дугонаси билан, мен битта дўстим билан чиқишим керак эди. Озод жўрамга қўнгироқ қилиб, учрашувга бирга боришни илтимос қилдим. У «Жигули»сида келди. «Жигули» обрўли машина эди.

— Қизларни кўчасидан олиб тўғри паркка борамизми? — сўради Озод. — Еки биринчи зиёратгоҳларга кириб чиқамизми?

— Майли, зиёратгоҳларга кирамиз, — дедим мен. — Дўппимни ҳам оливолишим керак экан-да.

Қайтиб чиқсам, дарвоза олдида тоғамнинг хотини Озод билан суҳбатлашиб турибди.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Ҳа, күёв бола, — деди янгам менга, — «свидания»га чиқapsизми? Ҳозиргина бу болага айтиб турғандим, көлин-куёвни орқага ўтиргизинг, дугонаси сиз билан гаплашиб кетади деб.

— Озодга ўша дугонасини шундоғам гаплашиб бераман, — дедим кулимсираб, — божа бұламиз.

Дұстим қизарып кетди. Уни ҳеч бунақа ақвозда күрмагандым. Шу пайт Зулфия ҳақидағи гап әсимга тушди.

— Янга, — дедим бир четта имлаб, — сизде гап бор эди... — Дұстим бизга ҳайрон қараган эди, күз қисдим.  
— Озод, узр...

— Нима маслаҳат берай? — деди янгам четроққа чиққанимизда.

— Маслаҳат керакмас. Хуллас... гап бундай, фақат ростини айтасиз. Зулфия ким билан севишиганды? Фаррух биланми ё ўртада бошқа бир йигит борми? Тұғриси, охирги пайлары синглимга тушунолмаяпман.

— Йүғ-е, шундай хонадоннинг эсли-хушли қизидан, ўз синглингиздан нега шубҳалансиз?

— Қүйинг-е, янга! Унаштирувим куни ошхонада айтган гапларингизни әшитдим-ку. Зулфия ким биландир учрашувга чиққан. Сиз уларни дүкон ёнида күриб қолгансиз. Биламан, синглим очиққүңгил, шұх, лекин содда қиз. Кимдир уни алдаб юрган бұлиши мумкин. Айтинг, ўша йигит ким эди?

Янгам биш чайқади.

— Вақти келиб билиб оласиз, қайним.

— Ҳозир айтинг!

— Кечирасиз, мен сизни ҳурмат қиласман, лекин ҳозир айттолмайман. Синглингизни ҳам, сизни ҳам хафа қилишини хоҳламайман.

Онам уйдан чиқиб қолди-ю сұхбатимиз узилди.

— Кетишларинг бирам қийин бўлдики, — деди онам.  
— Эртароқ бориб, эртароқ қайтинглар-да, болам.

Тўй ташвишлари билан юриб, тоғамнинг хотинидан Зулфия ким билан учрашганини қайта сўрамадим. Кунларнинг бирида Фаррухга дуч келдим. У аввалгидек қўлини қўксига қўйиб саломлашса-да, юзидаги фалати илжайиш эътиборимдан четда қолмади. Бу уялганими ёки киноями, билолмадим.

Ниҳоят, тўй куни ҳам етиб келди. Ўша пайтларда туманимизда ресторонда тўй қилиш урф бўлмаган эди. Ҳовлига стол-стуллар келтирилиб, дастурхон безатиларди. Тўрга келин-куёв учун саҳна қуришиб, гиламга «Фалончижон ва Фалончиойларнинг никоҳ кечасига хуш келибсиз!» деб пахта билан ёзиб қўйишарди.

Келин-куёв учун ажратилган саҳнада ўтирап эканман, ўйин-кулги айни қизиган маҳал Фаррухни кўриб қолдим. У одамлар орасида узун бўйи ва ҳайкалдек қотиб туриши билан яққол кўзга ташланарди. Фаррух нафратомуз қараб турган жойни нигоҳларим ахтариб топганидан юрагим гурс-гурс уриб кетди. Ширақайф дўстим Озод Зулфиянинг атрофида ўралашар, қўшиқ шовқинида унга куйиб-пишиб нималарни дир гапирав, синглимнинг юзида унга хайриҳоҳлик, аллақандай тобелик акс этганди. Кейин дўстим қариндошларимизнинг қизларини ҳам даврага таклиф этган ҳолда синглимни алоҳида ўйинга тортди.

— Бу фитна, — пицирлади лабларим. — Катта фитна...

Синглим унинг макрлари олдида ожиз эди. Дўстимнинг қизлар масаласидаги тажрибаси билан яхши таниш эдим. Ишқи тушган қизнинг ҳеч бўлмаса қўлларини бир бора силамагунча тинчимасди. Ҳатто турмуш қурган жувонлар билан ҳам саргузашти йўқ эмас-

ди. Бироқ у дўстларининг сингилларига бошқача назар билан қарашини ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Фур эдик, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини татиб кўрмагандик. Одамларда нима урф бўлса, расм-руsum шу экан, деб қабул қилиб кетаверардик. Исён йўқ эди бизда, илм йўқ эди бизда. Нега кап-катта, если-хушли йигит уни эргаштириб Самарқандга, синглимнинг ўқишига бордим? Синглимнинг курсдошлари билан бир дастурхон атрофида ўтириб, едик, ичдик. Менда ҳам, синглимда ҳам, курсдошларida ҳам нимадир етишмасди. Худди шу бўшлиққа Озод кириб келмоқда эди. Ҳеч қандай монеликсиз, ҳа, деярли ҳеч қандай тўсиқсиз.

Дарров тоғамнинг хотинини чақирдим.

— Айтмасангиз ҳам билиб олдим, — дедим жаҳл аралаш.— Синглимни дўстим Озод яхши кўрар экан. Ўша кунги у эдими?

— Ўзингиз билиб олганингиз яхши бўлибди, — деди янгам қулоғимга энгашиб. — Агар мен айтганимда, иғовогарга айланардим. Феълингиз яхшимас, қайним. Рашкчисиз... Рашкчисиз...

Мусиқанинг қулоқни қоматга келтириши ва меҳмонларнинг кўплиги боис янгам билан ортиқ гаплашолмадим. Янгамнинг овози қулоғим остида жаранг сочарди: «Рашкчисиз... Рашкчисиз... Рашкчисиз...»

Мен рашкчиманми? Рашк қилиш учун, назаримда, ақл ҳам керак эди. Модомики, ақл йўқ экан, рашк ҳам йўқ эди. Ҳаёли, иболи, ақлли aka бўлмайманми? Ота-она босолмаган жиҳатларни мен босмайманми?

Тўйдан кейин синглим ва дўстимнинг муносабатлари ҳақида сўрашга ҳожат ҳам қолмади. Озоднинг дадаси ва аяси ишни пишишиб қўйган эканлар, тўйнинг эртасигаёқ синглимнинг тақдирини боғлаб кетдилар.

Шундай қилиб, синфдошим бизга күёв бұладиган бўлди. Ота-онам мендан маслаҳат ҳам сўраб ўтирмади. Озоднинг феъл-авторини, оиласининг аҳволини, ҳамма-ҳаммасини яхши билишармиш. Ўқишини тамомлаган, келажаги бор йигит эмиш.

Тўй куни саҳнадан тушганимдан бери Озод қорасини ҳам кўрсатмади, номард, қўрқоқ. Эсладим, тунги шарпа ҳам ўша эди. Дўстнинг синглисига уйланмасин, деб ҳеч қаерга ёзиб қўйилмаган, аммо гап бошқа томонда эди. У хонадонимизга мен билан кўришишга эмас, синглим учун келиб юрганди. Яширинча учрашганлари-чи? Йўқ, мен учунгина яширинча эди. Аслида қўпчилик билган, устимдан кулган. Фаррух кабиларнинг истеҳзоси бекорга эдими?

Озод шу кетган кўйи рўпара келмади. Биламан, атайин яшириниб юрибди. Менга дуч келиш учун унга юз керак эди. Атиги уч ой аввал у менга ишқий саргузаштини сўзлаб берганди. Улар билан узоқ вилоятдан келган бир қиз ўқир экан. Қиз эрга тегибди, сўнг ўқишини давом эттирибди. Эри бир ойда бир марта келиб, хотинидан хабар олиб кетаркан. Шанба кечаси хонадошлари уйларига кетиб, гоҳида у ёлғиз қоларкан. Икки курсдош аввал дардлашиб юрибди, сирлашибди, кейин иш хиёнатгача бориб етибди. Ўшанда ҳам дўстимдан нафратланмагандим. Бу унинг ҳаёти, унинг саргузашти, унинг муаммоси деб ўйлагандим.

Кирдикорларини ота-онамга айтишга ичимда нимадир йўл қўймади. Икки томон тўйга шиддат ила тайёргарлик кўрмоқда эди. Мен айтадиган далиллар ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини тушуниб, ичимда нимадир чирт узилди. Нега биз бунақа бўлиб қолдик? Бутун маҳалла манқуртлашаётган экан, мен-чи?

Тўйгача синглим анча-мунча ўзгарди. Ясан-тусан

## **Азамат ҚОРЖОВОВ**

---

кийинадиган, дўстим билан учрашувга ошкора кетадиган бўлди. Одат бўйича, унаштирилган бўлажак келин-куёвнинг учрашувини оила аъзолари кўриб-кўрмасликка олишлари керак эди. «Иккисини учраштирумас экансизлар, нега совчиларга розилик бериб, фотиҳа қилдинглар?» дерди одамлар ва қизнинг оиласини сал кам телбага чиқариб қўйишарди.

Бироқ мен чидолмадим ва умримда биринчи марта Зулфияга ўшқирдим:

— Сал одамга ўхшаб кийиниб юр! Анави бузуқинг сени ҳам ўзига ўхшатиб олмасин!

Синглим уч кун кўз ёш тўқди, менга гапирмай қўйди. Унга ҳам, менга ҳам ҳеч нима фойда бермади. Рамазон ойи кириб келмасидан никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Шундагина Озод билан юзма-юз келдим. Бир неча кун муқаддам қайнотам мени банкдаги юқори лавозимлардан бирига тавсия этган эди. Озод ўзини эски қадрдонлардек тутиб жилмайишга ҳаракат қилди ва мансаб билан табриклади. «Бойлик ва мансабдан бошқа нимани ҳам ўйлардинг?» дедим ичимда. Сиртимда эса, начора, уларга баҳт тиладим.

Тез орада Озоднинг жўяли бир иш қилмаслиги маълум бўлди. «Жигули»сини миниб, прокуратурага хўжакўрсинга бориб келаркан.

— Ишга ўтиш ҳам қийин экан-да, — деди онам.

— Ҳалиям у шу даражага эришибди, — деб кулдим, — бошқаларни прокуратуранинг остонасидан ҳатлашга ҳам йўл қўймайдилар. Ҳукуқшуносликни тугатган қанча одам сомсапазлик қилиб юрибди. Ўйлайдики, битирганидан терговчи, адвокат ёки прокурор бўлиб қолади.

— Кудамиз дадангга илтимос қилибди, энди бўлади.

— Ҳа, албатта, — дедим мен, — күёвингиз синглимни шунинг учун ҳам тузогига илинтириди-да.

Айтганимдек, кўп ўтмай Озод терговчининг ёрдамчиси бўлди. Хурсанд бўлиб кетган дадам күёвига икки хонали уй совға қилди. Одам ҳам шунчалик содда бўладими? Мендан бир оғиз сўрамай уйни бирйўла күёвинг номига ўтказди. Биз бойликка ва хотинларга ўч шахснинг уйида яшаётган синглимнинг хавфсизлигини таъминлашга борган сайин ожиз қолаётган эдик.

\* \* \*

Орадан уч йил ўтди. Қайнотам туман ҳокимлигини топшириб, нафақага чиқди. Қассобхона қулаб, бир кишини босиб қолгани учун дадам жиноий жавобгарликка тортилди. Қамоқдан қутулиб қолди-ю ишдан бўшаб, уйда ўтирадиган бўлди.

Менинг ишларим бир маромда кетарди. Ҳаётимиз тинч эди. Бироқ мени Озод масаласи қийнай бошлади. Синглимнинг айтишича, у бирдан ўзгарган эмиш. Ичиб келадиган, синглимга қўл кўтарадиган одат чиқарибди.

Синглим учинчи марта аразлаб келиб, энди у ёқقا қайтмайман деганида, ўзим эргаштириб бордим.

— Эй дўстим, — дедим, — сенда эркаклик ор-номуси борми?

— Нимайди? — деди Озод безрайиб.

— Тузимни еб, тузлиғимга тупурдинг, индамадим. Аёл кишига қўл кўтаришинг, сўкинишинг нимаси? Айт, синглим сенга нима ёмонлик қилди?

— Ўзи айтсин! — деди Озод фазаб билан.

— Айт! — дедим Зулфиянинг қўлидан силтаб.

— Бу одам ўзига хуштор топиб олган, — дея синглим ийғлаб юборди. — Бошлиғининг ўтириб қолган қари қизига уйланмоқчи!

— Шу гаплар ростми? — дедим Озодга.

У кифтини ғалати учирив, «Күнглим бор унда», деб мингирилади.

— Күнгил қаёқда! — ўкириб йиглади Зулфия. — Асл мақсади катта ишга ўтиш, мансабини ошириш! Энди биз пүф сассиқ бўлиб қолдикми?

— Учир! — бақирди Озод.

— Синглимга қичқирма! — деб бир қадам ташладим.

— Баҳром! — леди күёвтўра.— Туғмас синглинг билан барибир яшамайман! Илтимос, менинг ҳаётимга энди аралашма!

— Аблаҳ! Касал сенми, синглимми? — деб юзига мушит солдим, лекин муштлашув давом этмади. Озод гандираклаб чиқиб кетди.

Шу кўйи қайтиб келмади. Биз суқунат чўккан уйни тарк этдик.

Эҳ дўстим... собиқ дўстим... собиқ куёвим... У иккинчи марта уйланди. Эшишимча, шифокорлар хасталигини аниқлабди. Касаллик унинг ўзида экан. Шаҳардаги ишқий саргузаштларининг бирида кимдандир жирканч касаллик юқтириб олган экан.

Синглим эса хотини вафот этган Фаррухга турмушга чиқди. Ўша йили собиқ дўстим бурунги дардининг энг каттасини — ОИТСни юқтириб олиб, ўз жонига қасд қилди.

Бир йил ўтгач, Фаррух ва Зулфия ўғилли бўлишди. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод эди. Отам невараси шаррафига қўй сўйиб, қадаҳ кўтарди. Фаррухнинг қўлида ҳам рюмка бор эди. Ёлғиз мен ичмадим.

— Жиянимни янги замон руҳида имонли, инсофли, мард қилиб тарбияла, — дедим Зулфияга. — Ҳар бир ишни ақл билан бажарадиган йигит бўлсин.

Синглим ёшли кўзларини ерга тикиб, розилик берди.

## БИР КУНИ...

Ярим кечаси эр тұсатдан шиша ахтариб қолди. Құчиб уйғонган хотин унга хавотир-ла боқди. Эри бегоналардек ҳириңглаб қўйди-да, бутилкани кўтарди.

— Биламан, уйингларда ҳамиша шиша бўлади, — деди у.

— Дадаси, тинчлики? — сўради хотин. — Қачон келдингиз?

— Пўриллаб ухлашдан бошқасини билмайсан, — фижинди эр. — Афсус, чиройли эмассан-да.

— Сизга нима бўлди?

Эр уни биринчи марта кўраётгандек ёввойи нигоҳла тикилди. Сўнг билагидан куч билан қисди, хотин кутилмаган тажовуздан қичқириб юбораёзди. Эртасига ғалати воқеа рўй берди. Хотин билагига қараб йиғламсиради.

— Бу нима қилганингиз, дадаси, кеча қўлимни синдиргудек тортдингиз, кўкариб қолибди. Одамлар эри урибди, деб ўйламайдими? Қаранг, кўкарғанига!

Эр ҳеч нарсага тушунмай, хотинига яқинлашди-да, бир оз тикилиб тургач, деди:

— Бу менинг ишиммас. Сен алдаяпсан.

— Вой, ўлмасам...

— Қачон қўлингни бунчалик қисганман? Ухлаб ётганимдами? Нима, мени ўлгудек ичган, ҳеч нарсани эслайлмайди, деб ўйлаяпсанми?

— Ахир, кеча...

— Ўзи сен охирги пайтлари анча ўзгариб қолдинг!

Хотин ҳайрону лол қолди. Ҳазиллашайптими ё жинни-пинни бўлдими? Хотин йиғлади, эр тан олмади. Ҳақиқатан, хотинининг билагидаги бармоқ излари

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

эриникига ўхшамасди. Қандайдир ёввойи махлукники эди гүё.

— Бир қарашлан биламан, — деди эр, — бу эркакнинг қўли.

— Тўғри, — тасдиқлади хотин, — мен нима деяпман?!  
Бу сизнинг ишингиз! Ярим тунда қўлимдан қопқондек  
қисдингиз.

— Мен ярим кечаси уйғонганим йўқ!

— Бас! Аҳмоқликнинг бошқа йўлини топинг! Менинг эс-хушим жойида, дадаси!

Эр-хотин жанжали тинмади. Хотиннинг қариндошлари «эрингни руҳшуносга кўрсат, у касал», деб маслаҳат беришди. Бироқ эр аввал-бошдан «мен жинни эмасман» деб даъво қилаётгани учун хотин унинг ҳузурида «шифокорга юринг» деб эски гапни қўзгаёлмасди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, автобусда кетаётиб, тасодифан бирорнинг гапини эшишиб қолди. Шаҳарда бир бадфеъл эркак бўлган эмиш. Қаригунича етти марта уйланибди. Одамлар уни жодугар дейишаркан. Чолгоҳида телбаларча кўчада сандироқлаб юаркан. Қўшилари «чолники яна тутди» деб шифохонага қўнғироқ қилишаркан. Афсуски, кўп ўтмай чолни қўйиб юборишаркан. Эшиган одам ишонмайди, лекин чол ярим кечаси ўз танасини ташлаб чиқаркан-да, бирор одамнинг ичига жин каби кириб оларкан. Шунда ҳалиги одамнинг танаси ўз-ўзидан чолнинг қилиқларини қила бошлармиш. Бир одам бу гапга ишонмаган экан, чол бир одамнинг қаерида белгиси борлигини бехато айтиб берибди. «Чунки мен унинг танасига киргман-да», дебди. Ростдан ҳам ўша одамнинг ҳаммадан яширган оқ холи бор экан...

Аёл бу гапларни эшишиб, лабларини тишлади. Эрининг гапи ҳақ эканлигига ишонди. Ўша кеча эри ростдан ҳеч нимани билмайди. Қўлидан ушлаган ким-

са жодугар, бегона одам, бадбин кимса! Нима қилиш керак?

У автобусдан тушиб, бир четга ўтирди-да, узок йифлади. Агар эри майга ружу қўймаганида...

\* \* \*

Автобус ўз йўналиши бўйлаб кетаверди. Жодугар чол ҳақида гапирган одам ҳам сўнгги бекатгача борди. Йўл ёқасида бир чол ўтирарди. Соч-соқоли ўсган, бошида эски, кир дўппи, эгнида шинелга ўхашаш қора пальто, оёғида ямоқ тушган калиш. У қўлидаги таёқни ҳасса ўрнида ишлатар, қўшқўллаб ушлаганча оёқларини икки томонга кериб, букилмаётган тиззалари қалтираб, зўрға юрарди. Қора ити эгасининг юришини сабр билан кутар, қаровсиз қолган бу одамга ҳар доим кўз-кулоқ бўлишим керак, дегандек ундан кўз узмасди.

— Салом, Фосиқбой ака, — деди бир кимса.  
— Мен ҳақимда ҳалиям гап тарқатяпсанми? — чолнинг калласи лиқиллади.

Таниши кулди ва чолни ўртоқларча қучоқлаб қўймоқчи эди, димоғига урилган ачимсиқ ҳид ниятидан қайтарди.

Чол йўлакдан беш-олти қадам юрди-да, уйи томон қийналиб бурилди. Бу ердаги дарвозасиз ҳовлида бир бева хотин ҳам истиқомат қиласарди. Четдаги эски эшик чолники эди. Чол шу ерга кўчиб келгандан бери бева хотин билан жанжаллашарди.

— Эртароқ қутуладай сендан! — шанғилларди бева хотин.

— Эртароқ қутулишни кўзингга кўрсатаман ҳали! — ўдағайларди чол.

Ўзидан тўртта келадиган хотинга кучи етармиди. Мана, ҳозир ҳам зўрға оёқ босяпти. Ўзини эпласа ҳам гўрга. Остонага етиб, уваланиб кетган икки поғонали

## *Азамат КОРЖОВОВ*

бетон зинапояга оёқларини чўзиб ўтирди. Пальтосининг чўнтағидан бир бурда нон олиб ея бошлади. Термулиб турган итига ҳам берди.

Шу пайт аллақаердан бегона ит пайдо бўлиб, чолнинг итига думини ликиллатиб, фингшиди. Маҳалла ўртасидаги икки қаватли ҳашаматли уйнинг деразалири шу ердан ҳам кўриниб турарди. Чол тамадди қилиб бўлгач, ўша деразаларга узоқ тикилиб ўтирди. Кейин итини чақириб, уйига кирди. У уйидан энди эрталабгacha чиқмайди, деб ўйлашарди қўшнилар. Каравотга учта ёстиқ устма-уст қўйилган эди. Чол ётса, худди ўтирганга ўхшарди. Оёқларини кериб, қўлларини чалишитириб олар, ити ҳам ёнида ётарди.

Чол ўспиринлик давридан бошлаб, қариб-кучдан қолгунча бошидан кечирган ишқий саргузаштларини эслаб чарчамасди. У Россия, Молдавия, Болгарияда ҳам бўлган. Қизлар унинг қадди-қоматига ҳаммавақт суқланиб қараган. Даствурхон ноз-неъматларга лиқ тўлдирилар, лекин чўчқа гўштинигина ёқтиарди. Чўчқа ёфи, колбасаси, консерваси, қўлбола шўрваси, кабоби унинг севган таомлари эди. Ўша вақтлари биқириб семирди, юзи қон томгудай қизарди, уччиға чиққан хотинбозга айланди. Аммо замонлар ўтди, унинг ҳам юзига ажин тушди. Қариганида кимгадир илакишли. Охир-оқибат бор-будидан айирилди. Ортиргани бир хонали уй, темир каравот ва ит бўлди.

\* \* \*

Маҳалла ўртасидаги ўша икки қаватли уйда ёш келин яшарди. У оддийгина қиз эди. Бу хонадонга келин бўлиб тушдию ўзгарди: сочини қирқтириди, олди очиқ ёки тор кийимлар кийишни, бўяниб, ясан-тусан қилишни одатга айлантириди. Чол билади, куёв гиёҳванд. Келин қанчалик ўзига оро бермасин, куёвга

бир чимдим ўт афзал. «Шундай жувон увол, — дейди Фосиқ чол ичида. — Кимдадир ёшлик бору қора гиёх қари этар, кимдадир ёшлик йұғу қарилік қора гиёх этар».

Фосиқ чол ёлғыз қолганидан, қашшоқлашганидан ўқинмайди, барининг ортга қайтмаслигини яхши билади. Аксинча, яна гуноҳ истайди. Гуноҳлари камлигидан ўқиниб, то тирик экан, балчиққа құпроқ булғанишни орзу қилади.

Бир куни қора юзли баҳайбат махлук әшик қоқиб келди.

— Нима истайсан, эй Фосиқ? — деб сүради. — Балогатта етганингдан бери фикринг бузук. Миянгни ўла-ўлғунингча тозалай олмаяпсан. Биламан, ёмон хаёл күнглингта келганида, истигфор айтиш ўрнига, хаёллар билан ўзингни овутасан.

— Кимсан? — күзлари йилтиради чолнинг.

— Сенинг хаёлингман.

— Хаёлим шунчалик баҳайбат, шунчалик қорами?

— Сен озғин ва оқ рангли бўлишимни ҳеч хоҳлаганмисан?

— Тўғри, хоҳламаганман.

— Бўлди-да, яна нима дейсан менга? Хўш, тилагинг борми?

— Бирорта ёш йигитнинг ўрнида бўлиб қолишни истайман. Вақтингчалик бўлса ҳам...

— Ё оиласига хиёнат қиладиган, ё ароқхўр, гиёхванд эркакларнинг күнглига кира оласан, холос. Шуни биласанми? Имонлиларга яқинлашолмайсан.

— Кўнгилни бошимга ураманми?

— Кўнгил эгалланса, вужуд ҳам секин-аста эгалланади-да, овсар. Сенда бироннинг танасини бошқариш кудрати бўлса, нима қилардинг? Айт-чи!

\* \* \*

Ит безовталанди, каравот ғижирлади. Сұнгра зулмат құнған уйдан тиқ этган садо әшитилмай қолди. Айни шу вақт күчанинг нариги томонидаги уйнинг иккинчи қаватида чироқ ёнди.

— Нима бўлди сизга? — ҳадиксираб сўради келин.— Яна ўша ёқдан келяпсизми?

— Жонгинам...— куёвнинг оғзидан сув оқди.— Сени ҳеч кимга бермайман.

— Мени асраш учун, қўша қариш учун ташланг шу зорманда ўлгурни!..

— Бери кел! Нега қочасан? Ё касал деб ўйляяпсанми? Касалмасман, қушча!

— Касал эмассиз, лекин чеккансиз-ку! Болангиз ногирон бўлишини истамасангиз, воз кечинг шу қурфурдан! Авлодингизни майиб-мажруҳ қиласи-ку, ахир!

— Ҳаётнинг мазмуни йўқолади-ку, тентак! Кел, ёнимга!

— Ўз тилингиз билан айтапсиз, ароқ, гиёҳ бўлса мазмун бор, акс ҳолда...Ҳа, сиз ўйлаган мазмун аслида мазмунсизлик! Кўзингизни каттароқ очинг!

— Бас қил насиҳатни!

— Сиз анави кўчадаги пиёниста чолга ўхшаб...

— Нима? Нималар дединг?!

\* \* \*

...Фосиқ чол кўзини очса, қўланса ҳид таралаётган қоп-қоронги кулбасида ётибди. Ити баҳузур қашинмоқда. «Бўлмади, — пичирлади у. — Аёллар қачондан бери бунчалар ақдли бўлиб қолиши? Наҳотки, менинг умрим битяпти?»

Икки қаватли уйда бирма-бир чироқлар ёнди, тонг-

гача үчмади. Бу вақтда Фосиқ чол кулбасида қаттиқ уйқуга кетган эди.

Эртасига таниши уни останада учратди. Чол газета парчасига тамаки үраб, чекиб ўтиради.

— Қандай янгиликлар? — сұради у.

— Бир нави, — деди чол құл силтаб.

— Сизга кампир топиб қўйдим.

— Семиз эмасми?

— Қаранг-а, худди мол танлаётганга ўхшайсиз-а?

— Ҳе-ҳе-ҳе... — деди чол, лекин шу заҳоти ўпкасига тутун тиқилиб йўталди. — Топган кампиринг ўзингга буюрсин.

— Майли, мен яхшилигимни айтдим. Сизнинг бундай яшашингизни итингизга чиқарған, сизга эмас. Ҳеч бўлмаса, қўшни хотинга оталик қилсангиз бўлмайдими? Уйига ҳисобчи йигит келиб юрганмиш.

Чолнинг қовоғи солиқ эди, каравотда унсиз ва ҳолсиз ётди. Ҳақиқатан, ёшлигига битта оқила аёл учраганида, у бир умр баҳтли яшаши мумкин эди. Нега йўлларида ўзига ўхшаганларни, умр фақат ялло қилиб қолишдан иборат дегувчиларни, маҳалла-кўйнинг гапидан кўрқмагувчиларни учратди бу тақдир?!

Ярим кечаси қўшни хотиннинг эшиги очилди, чол ошиқ-мошиқнинг гийқиллаганини эшилди. Анави йигит келди. Туриб қараса, хира ёритилган хонада, бева хотиннинг уйида ҳисобчи йигит қиёфасида ўтирибди.

— Вой, анави, ўлаксахўр чолга ўхшаб кетдингиз-ей,  
— деди аёл.

Шу пайт аёлнинг чинқиригини кўчадан ўтаёт-ганлар ҳам эшитишди. Қўрқиб кетган чолнинг руҳи ортга қайтди, аммо магнит тошининг тескари кучига ўхаш куч уни ўз танасига яқинлаштиrmади. Чунки қоқсуяк вужудига қазо вақти келган, у ўлаётган эди.

Вужудсиз дарбадар қолиши истамади, ўзини яна та-  
нага урди, бироқ...

Кўзини очиб, шунчалик бардам эканидан сакраб  
ўрнидан турди ва полга тўртала оёғи билан дўн этиб  
тушди, вужудини силтади. Гапираман деб оғиз очган-  
ди, ит каби фингшиб юборди, сўнг итдек вовиллади.

\* \* \*

Тонг отгач, кўчанинг нариги томонидаги икки қа-  
ватли уй ёнига «Тез ёрдам» машинаси тўхтади. Кўп че-  
киб қўйганидан тарракдай қотиб қолган куёвни олиб  
кетишиди. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, Фосиқ чолнинг  
уйи ёнида милиция машинаси тўхтади. Одамлар бу  
ерда яшовчи аёл кечаси ваҳшийларча ўлдирилганини  
гапираётган маҳал Фосиқ чолнинг эшиги шаҳд билан  
очилди: олчоқ чол югуриб чиқди, атрофга олазарак  
қаради, тилини чиқариб ҳансиради-да, орқасидан эр-  
гашиб чиққан итга қараб вовиллади. Одамлар ҳангуманг  
бўлиб қолишиди, чол эса букилмаётган оёқлари  
билан диконглаб кўча ўртасига етди. Ҳаял ўтмай ма-  
шина тормозининг чийиллаши эшитилди...

Фосиқ чол ҳам дафи этилди. Ити эса ўтган-кетган  
аёлларнинг яланғоч оёқларини ҳидлаб ҳамманинг жо-  
нига тегди. Бир кеча уни эркак итлар ўраб олишди.  
Орадан кўп ўтмай қорни қаппайиб қолгач, «бу ит сак-  
киз-ўнта туғиб ҳаммани безор қиласди» дейишди қўш-  
нилар ва заҳарлаб ўлдиришиди.

Ўша куни жиннихонага бир эркакни олиб келиш-  
ди. У анча вақтдан бери хотини билан жанжаллашиб  
юрган эди. «Қўлинин мен кўкартирмаганман, хотиним  
менга хиёнат қилган, аччиқма-аччиқ мен ҳам ёмон  
йўлга кирдим, аввал фақат иcharдим, энди шайтонга  
ростмана ҳамтовоқман», деб ғавғо кўтарарди. Бироқ

шифохонага бу даъволари учун эмас, «Мен ит эдим, ундан аввал эса Фосиқ чол бўлганман», дея рақсга тушгани сабаб олиб кетилганди.

## ТУХМАТ

### I

Ажойиб кунларнинг бирида Бибиш учрашувга чиқди. Ёқуб мажнунтол тагида кутаркан, елкасидан оҳисста силаган сербарг новдани синдириб, қўлида ўйнади. Қиз яқин келганда кўрди жувонмарг новдани.

— Мажнунтолга нега озор бердингиз, Ёқуб ака?  
— Кимга? — ажабланди йигит.  
— Адашмасам, қўлингизда мажнунтолнинг ҳозиргина юлинган сочи.

— Ўхатишни қаранг-а! — Ёқуб кулмоқчи эди, Бибишнинг юз-кўзидаги жиддийликдан сергак тортди. Қизнинг йўл-йўлакай учрашиш учун тўхтаб ўтиши ҳаммаси ҳал бўлди дегани эмас эди. Дарҳол узр сўради: — Бир қошиқ қонимдан кечинг, севгилим. Хаёл билан... Тўғриси, буни истамагандим.

— Мен эмас, мажнунтол кечирса бас, — деди Бибиш. Қиз ҳаммадан гўзал эди, йигит дунёдаги энг баҳтли ошиқ гўё. Улар нари борса беш-олти дақиқа гаплашдилар. Шунинг ўзи ҳам йигитни беҳад баҳтиёр этиб, ғалаба нашидасидан сархуш айлади. Қиз ҳам алланечуқ ҳисларни туйди. Шу кунгача ҳеч бир йигит унга ғалати ширин гаплар айтмаган эди. Ўша кундан сўнг, гарчи учрашиб турмасалар-да, ҳарҳолда, қиз қўнғироқларни кўтарар, «смс»ларга жавоб ёзар, атрофида капалакдек айланишаётган, кафтида кўтариб юришга ваъдалар бераётган, умрбод садоқатли бўлишга қасамлар ичаётган йигитдан кўнгил узолмаётгандек эди.

— Сен ҳам мени севасанми? — сўрарди йигит.

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

---

— Илтимос, бу мавзуда гаплашмайлик, — дерди қиз.

Ёқубнинг хавотири ҳам шу эди. Қиз уни жонидан ортиқ севиб қоладими? Уринишлари ҳавога учмайдими?

— Барибир мақсадимга эришаман, — дерди ўзига-үзи.— Омад юз ўғирмайди.Бибиш меники бўлади.Маҳкамбойнинг кенжা күёви аниқ.

Иккисининг муносабати Ёқубнинг опаларининг қулоғига етгач, бирин-кетин табриклишди. Ёқубни келгуси йил — акаси ва янгаси янги уйни битириб, кўчиб кетишиша, уйлантиришмоқчи эди.

Ёқубнинг катта опаси деди:

— Бибиш яхши қиз, қанийди у келинимиз бўлса. Лекин... Ёқуб, сен айтаяпсанки, икковинг севишганингни ота-онаси билмайди.

— Албатта, билмайди, — энсасини қотирди Ёқуб.  
— Қизиқ гаплар гапирасиз-да, опа! Баъзи оиласарда қизлар сирларини оналарига айтади, онлари секин оталарига шипшийди. Маҳкам аканинг хонадонида, аниқки, бундай одат йўқ. Бибиш ҳам айтди, на онасининг, на отасининг хабари борлитини.

— Мен ҳам шуни айтаяпман-да, — кўзларини ола-кула қилди катта опаси. — Қизни қаттиқ тутмасанг, қўлингдан кетиб қолиши мумкин. Оила бой, обрў осмон, казо-казолардан талаб кучли. Сен ўзингча севишиб юрибсан. У ёқда ота-онасининг режаси бошқача бўлса-чи? Маҳкам aka ҳам, хотини ҳам бизнинг оиласага қандай муносабатда эканини айтами?

Ёқубнинг қовоғи солинди.

— Улар бизни ўзларига teng кўришмайди, — деди опаси.

— Осмондаги ой эмасдир?

— Ойми, Қуёшми, ишқилиб, шарманда бўлиб қолма, Ёқуб. Сенга турмушга чиқишига кўзинг етмайди-

ми, бекорга баланд дорга осилмаслигинг керак. Шусиз ҳам одамларга гап топилмасин. Айтмоқчиманки, энди орқага йўл йўқ.

— Қўлимдан келган ҳамма ишни қиласман, — ранги ўзгарди Ёкубнинг. — Аҳмоқ бўлиб аро йўлда қоладиганлардан эмасман.

Бошқа куни ўртанча опаси ҳам гап қотди:

— Энг ёмони, сен Бибиш билан гаплашаётганингни овсинларим эшишиб, ўзларича лаб буриб юрибди. Шуларнинг лаб бурганига боплаб Бибишни ҳам, отонасини ҳам кўндиранг, марра бизники.

— Овсинларингизни гапирасиз! Қанча дўсту душманим бор! Тунов куни анави практикант бору..., кўчангизда яшайди... Оти нима эди? Дилмуродми?

— Ҳукуқшуносликни битириб, прокуратурада ишләётган болами? Эсиргап аканинг катта ўғли.

— Э, у бир практикант, холос. Ўшанинг опаси Бибишни биз келин қиласми, деганини ишончли қулоқдан эшиздим. «Бибишга мен уйланаман», дедим ўртоқларимга. Баъзилар ўзича кулиб қўйгандек бўлишди. Дилмурод ким? Ўқимишли бўлса ўзига! Одамлар ҳам қизиқ. Маҳкам аканинг ўзи сомсафурушиликдан чиқсан бой-ку! Мана, мен ҳам сомсафурушман. Кўрасиз ҳали. Ҳаммадан бойиб кетаман.

— Бойиб кет, Ёкуб, бойиб кет, — укасининг елкасига қоқди опа. — Биз «укамиз фалончи бой» деб фаҳрланиб юрайлик. Ўзи Бибишни ростдан ҳам яхши кўрасанми ё каллангни ишлатяпсанми?

— Калламни ишлатиб яхши кўряпман, — айёrona кулимсиради Ёкуб. — Нима, Бибиш хунукми?

— Чиройли.

— Феъли ёмонми?

— Яхши.

— Бўпти-да, опа.

Кичик опаси эртасига деди:

— Сезяпман, сенга омад кулиб боқади, Ёкуб. Тушимда оқ от миниб, қора мармардан қурилган сарой-га кирибсан, ҳамма сени табриклиётгандишиш.

## II

Ҳақиқатан ҳам Бибиш лицейни тугатар-тугатмас совчиси күпайди. Ёқуб уни университетда ўқийди, камида икки йилча турмушга чиқмайди, деб ўйлаганди. Шуни қизнинг ўзига ҳам айтди. Умуман олганда, минг чирансалар-да, Ёқубнинг ота-онаси бу йил тўй қилишга имконсиз эдилар.

— Ундеймас, — кўзларини олиб қочди Бибиш.— Дадамнинг одати шунақаки, қизларини эртароқ узатса, кутулса.

— Даданг нимадан кўрқади, айтайми? Қизлари кимлар биландир гап-сўз бўлишдан.

— Ҳар бир ота бундан хавотирланади.

— Аммо бошқаларнинг дадалари қизларини тўрт йиллаб ўқитади...

— Менинг дадам ҳам ўқитмоқчи, — Бибиш шаҳло кўзларини пирпиратди. — Куёв томоннинг курби етса-етмаса қараб турмайди. «Қизимни эгасига топширганим «уни ўқитмайман» деганим эмас», деб кўп гапиради. Катта опамни фармацевтикада, кичигини педагогика институтида ўқитди. Эшигтан бўлсангиз, кичик поччамнинг қаҳвахонасини дадам очиб берган. Кичик опам шаҳарда қоламан, деб икки оёғини бир этикка тиқиб олгач, дадам қудалари билан гаплашиб, поччамни бизнесга йўналтириди. Опам коллежда дарс беради. Лекин дадам «Бизнинг авлод қизлари маасталастлар бор жойда ишламайди», деган. Ҳатто, кассир бўлиб ҳам. Дадам жуда обрўталаб.

— Тушундим, дадангга гап йўқ.

— Ёқуб ака, — Бибиш ерга қаради, — нима демоқчи эканимни яхши англамаяпсиз. Сиз билан бошқа учрашолмаслигим мумкин. Шаънимизга доғ тушмасин. Совчилар...

— Нима совчилар? — Ёқубнинг ранги бирдан гезарди.  
— Мен ҳам эртага совчи юбораман, Бибиш! Ўртадаги севги-муҳаббат хурмати... Қандай қилиб... — У қизнинг мажнунтолникидек узун соchlарига қўл узатди.— Сени шундай севаманки, бир кун ҳам...

— Илтимос, қўлингизни олинг, — Бибиш йигитни силтаб ташлади.— Севги дегани учрашиб юриш ёки тегажоғлик қилишмас. Севги юракда бўлади. Ҳақиқий ошиқ севгилиси учун ҳамма нарсага тайёр. Баҳт ҳам тилайди, агар унинг тақдиди бошқага қўшилса...

Ёқуб фалати илжайди.

— Бу билан айтмоқчисанки, бошқага...

— Ҳа, — деди қиз. — Шу гапни айтишдан қийналаб кетдим. Бирдан айтиб кутулиб кўя қолай. Кечадамнинг гапини тасодифан эшитдим. Эсиргап аканинг ўғли Дилмуродни танийсизми?

— Т... танийман, — Ёқубнинг юраги шиғ этди.

— Дадам ўшани танласакми, деяпти.

— Танласакми, деяпти? — Афти бужмайди йигитнинг.— Танлов ҳам борми ҳали?

— Совчим кўп, ота-онамнинг раъига қарайдиган қилиб тарбияланганман, — аччиқланди Бибиш. — Даҳам шу йил турмушга узатмоқчи. Совчи қўйган йигитларни обдон суриштиряпти. Айтинг-чи, опаларим каби оиласиз шаънини ҳимоя қилайми ё қиз бола бошим билан «Менинг йигитим бор» дейми?

— Севги учун курашмайсанми? — Ёқубнинг овози чийиллаб чиқди. — Мен билан учрашдинг, гаплашдинг, «смс»ларимга жавоб ёздинг, нега энди ойингга

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

бўлса ҳам, шуни бир оғиз айттолмайсан? Ота-онангни алдаганинг яхши ишми?

— Ҳа, ўз наадари бузрукворимга хиёнат қилиб, рухсатсиз учрашувларга чиқдим, тан оламан.

— Қандай китобий гаплар!

— Китобий гаплар эмас. Қанчалар ноқулай бўлмасин, дадамга ойим орқали айтираман Дилмуродга турмушга чиқишини хоҳдамаслигимни! Аммо дадам кўнмаса, кейин...

— Кўнмаса, мен билан қочиб кетасан, Бибиш!

Қиз бир қадам ортга тисланди.

— Мен дадасини тириклай кўмадиган қиз эмасман, Ёқуб aka!

— Наҳотки, даданг ва сен Дилмуродни танлаяпсанлар? Гап-сўзларингдан бошқа маъно чиқмаяпти!

— Сал ўйлаб гапирсангиз бўларди!

— Кечир, ундей демоқчи эмасдим, — Ёқуб дарҳол қўлларидан тутмоқчи эди, қиз имкон бермади. — Мени севасан-ку, Бибиш! Нега ўзингни тақдир измига осонгина ташлаб қўйяпсан? Совчимни эртагаёқ юбораман. Бизни унаштириб қўйишса, тўй келгуси йилми, ундан кейинми бўлаверади. Хўпми, жоним?

Бибиш кетди. Бу уларнинг сўнгги учрашуви эди. Эртасига Ёқубнинг совчиларига рад жавоби айтилди. Бибиш қўнғироқларга ва «смс»ларга жавоб бермай қўйди. Қўп ўтмай қишлоқда бир гап тарқалди: Бибишни Дилмуродга беришаётганмиш.

— Ёқуб, айтдим-ку сенга бўйинг етмаган узумга осилма, деб! — кулди улфатлар даврасида қитмир йигитлардан бири. — Сен оддий сомсафуруш бўлсанг! Гўшидан пиёзни кўпроқ қўшиб сотсанг! Бойнинг қизига ўзингни тенг қилиб нима зарил эди! Дилмурод ғалаба қозонди!

Қизариб-бўзарган Ёқубнинг оғзидан:

— Майли, майли! Мендан қолган қызга уйланяпти!  
— деган гап чиқиб кетди.

— Сен унинг құлидан ҳам ушламагансан! Бибиш ен-  
гилтак әмас!

— Күрасан! Күрасан ҳали рост гапирғанимни! — қич-  
қирди Ёқуб.

Шу куни оиласа жанжал бўлди. Ёқуб ўз отасига тик  
қараб гапирди:

— Камбағаллик йўлини танлаганингиз учун жабри-  
ни биз тортаяпмиз! Ўқишида ўқимадик, яхши кийиниб  
юрмадик...

— Отангга шунаقا дейишга уялмайсанми, тентак?!

— ўшқирди онаси.— Йигитнинг моли кўчада. Ҳаракат  
қилсанг, топасан, бой ҳам бўласан. Шохинг чиқадими  
ўшандა?

— Ҳа, шохим чиқишини хоҳлайман, — эшикни тарс  
ёпиб чиқиб кетди Ёқуб.

### III

У ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. «Бибиш мен билан бирга бўлган, дейман. Туҳмат эканини ким исботлайди? Бибиш билан учрашганимни кўрганлар бор. Юзи қора бўлишдан қўрқсан обрўталаб хонадоннинг мени кўёв қилишдан бошқа чораси қолмайди».

Бибишга бошқа рақамдан қўнгироқ қилиб, даҳшатли қарорини айтди.

— Шунчалар пасткашликка борасизми? — йиғлаб юборди қиз. — Йигитсиз-ку, Ёқуб ака! Уялмайсизми яқинда тўйи бўладиган қызга бўхтон қилишга?!

— Севгим учун ҳар нарсага тайёрман, — деди Ёқуб.  
— Сен барибир меникисан! Бугуноқ ота-онангга айт! Акс ҳолда тўйинг бузилади. Мен айтган сўзидан қайтадиганлардан әмасман.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Аблаҳ экансан! Яхшиям, сендеқ тубанга турмушга чиқмаяпман! — деди Бибиш телефонини ўчирди.

Дилмурод ва Бибиш унаштирилди. Айни пишиқчиликда — сентябрь ўртасида тўй бўлиши керак эди. Кутимаганда аввал ёшлар орасида, кейин хотинлар тилида жирканч миш-миш болалади: «Бибиш Ёқуб билан севишиб, охиринивой қилибди. Шаҳардаги гинекологияда кўрганлар бор эмиш. Ёқуб билан юриб-юриб, энди келажаги бор Дилмуродга турмушга чиқаётганини қаранглар-а! Узи Маҳкам акалар обрули куёвга ўч-да! Бир пок йигитни алдагунча Ёқубга турмушга чиқса бўларди...»

Миш-миш қуда томонни ларзага солди. Секин суриштиришиб, Бибиш Ёқуб билан гаплашиб юргани рост эканини аниқладилар. Тўйга бир ҳафта қолганида Дилмуроднинг ўт-олов аммаси енг шимариб бозорга келди-да, Ёқубни бир четга чақирди.

— Ростини айт, Бибиш билан ўрталарингда нима бўлган?

— У мен билан севишган, — деди Ёқуб кўзларини лўқ қилиб. — Дадаси менсимай, совчиларимни қайтариб юборди. Бошқа томонини ўйламади. Қайси юз билан қизи бошқа бироннинг чимилдигига киради?

— Демак, ростми?

— Ўлай агар, рост.

Тўй тўхтатилди. Маҳкам aka Ёқубни бутун бозор олдида ўласи қилиб дўпослаб, қизини баттар гапсўзга қўйди. Шу-шу бир қизнинг юзи қора бўлди. Ёқуб ҳам уйланолмади унга, бошқа йигитлар ҳам. Бибиш университетга ўқишига ўтгач, хотини ўлган узоқ қариндошларидан бири совчи қўйди, Маҳкам aka розилигини айтди. Бибиш беванинг остонасини пок ҳолда ҳатлади.

## IV

Ёқуб қишлоқда тугул, туманда ҳам юролмай қолди. Маҳкам аками, хотиними ё бирор қариндошими учратса, юзига туфларди. Бир таниши Тошкентда сомсапазга иш борлигини айтгач, ҳайё-хуйт деб жұнаворди. Энди қишлоқда яшолмайды, шағардан уй олиши, уйланиши, яшаб қолиши керак.

«Мармара» номли ресторанда жонини жабборга беріб ишлади у. Хұжайин әллик беш ёшлардаги башангкийинган, савлатдор, салобатли Рифат деган сахий киши эди. У Ёқуб билан алоҳида саломлашарди. «Барракалла, мәхнаткаш йигит» деб елқасига оталарча қоқиб қўярди.

Бир куни хўжайнинг қора «жип»идан соҳибжамол бир қиз тушиб, ресторан хизматчилари билан худди отаси каби ҳол-аҳвол сўрашди. Айниқса, Ёқубга айрича эътибор билан жилмайиб қўйди.

— Ресторан шу қизнинг номига қўйилган, — деди ошпазлардан бири. — Хўжайнинг Мармарадан бошқа фарзанди йўқ. Қанча йигитлар совчи қўйиб, доғда қолишли. Хўжайин қизини мәхнатдан қочмайдиган, ичмайдиган, чекмайдиган, бир тийинга ҳам хиёнат қилмайдиган йигитга бермоқчи. Афсуски, унақа йигит топилмаяпти.

Ёқуб ичиш-чекишини ташлади, янада иштиёқ билан ишга киришди. Мармара ҳар сафар кулимсираб қўйганида, юрагидаги ишқ олови гурилларди. Севги манфаат билмай қўйди, севги ҳисоб-китобни йўқотди. Унга ишқ керак эди, унга маъшуқа керак эди. Севги, ҳатто, севганининг қўлидан тутишни ҳам эп кўрмайдиган олий туйғу эканини англади. Бибишнинг ортидан Маҳкам акага куёв бўлиш учунгина югуриб-елгандарини ўйлаб, нақадар иккюзламачилик билан оила қурмоқчи бўлганидан даҳшатга тушди. Ўйларди: «Агар

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Рифат ака ресторан хўжайини эмас, оддий қоровул бўлиб қолса, Мармарадан кечармидим?» Шу заҳотиёқ юрақдан садо келарди: «Йўқ! Ҳеч қачон!»

Ҳақиқатан, омад бу сафар кулиб боққан эди. Мармаранинг ҳам Ёқубга ишқи тушди. Қиз Ёқубни кўриш, гаплашиш, у билан бирга сомса тайёрлаш учун ҳам ресторанга ташриф буюрарди. Рифат ака қизининг қарорига индамади. Хотини келиб, Ёқубни кўриб кетгач, Рифат ака бурунгидан-да мулойимлашди. Ёқуб баҳтдан сармаст эди. У бир вақтлар нима истаган эди? Бойликми? Кўша-қўша машиналар, уйлар, ҳашамдор ресторон... Гўзал ёрми? Жаҳон париси Мармара уни севади... Яна нима? Таниш-билишлару қавму қариндошлар олдида обруми? Тошкентда бир йил ҳам ишламай шунчалик катта баҳту бойликка эришяптики, сўзлаб адo қилиб бўлмасди.

Ниҳоят, Рифат ака ва хотини Ёқубни ҳузурларига чақирирди.

— Бизнинг ёлғиз қизимииздан бошқа фарзандимиз йўқ, — деди Рифат ака.— Нимаки, топган бўлсак, қизимиизга, куёвимизга, невара-чеварапаримизга қолади. Биздан кейин қизимиизнинг ёнида ишончли инсон бўлсин деб, хуллас, сени куёвликка танладик, Ёқуб. Нима дейсан?

Ёқуб қулоқларига ишонмас, кўзларига ишонмас, гўёки бари сеҳрли туш эди. Иккиси худди Бибиш ва Дилмурод каби августда унаштирилди, сентябрь ўртасига тўй белгиланди. «Мармара» ресторонида мисли кўрилмаган даражада тантанали никоҳ базмга тайёргарлик бошлаб юборилди. Ҳамма интизорлик билан кутарди бу тўйни.

## V

Худди Бибишнинг тўйига бир ҳафта қолгандаги каби уларнинг ҳам тўйига ҳафта қолганида Рифат ака

Ёкубни хонасига чақыртирди. Ёкуб рестораннинг иккинчи қаватига чиқиб, тунд қиёфадаги хұжайинни, күзларидә ғазаб ўти ёнаётган хотинини, бир бурчакда хұнг-хұнг йиглаётган Мармарани күриб, тошдек қотди.

— Қишлоқда бир қизни йұлдан урганингни эшилдік, — деди Рифат ака. — Очифи, сенга үзимга ишонгандек ишонгандим. Нега бизни алдадинг?

— Мен... мен ҳеч кимни йұлдан урмаганман, — Ёкубнинг оёқларигача қалтироқ кирди. — Бу тушунмовчилик, Рифат ака...

— Алдама! Исли Бибиш экан! Сен у билан түйидан олдин яширинча бирга яшаб юргансан! Ё ёлғонми?

— Құлимни ҳам теккизмаганман, Рифат ака!

— Ҳе, йүқ, йигитча! Буни үз оғзинг билан айтгансан! Ишонмаганларida, қасам ҳам ичгансан!

Ёкуб тиз чўкди.

— Алдаган эдим, — деди бош эгиб.— Одамларни алдаган эдим.

— Қизга туҳмат қилғанмидинг? — ялт этиб қаради Рифат аканинг хотини.

— Ҳа, — пичирлади Ёкуб.

— Қанчалар ифлослик! — уҳ тортди аёл.— Йигит бўла туриб, қизга бўхтон қилиш...

— Ким ишонади шу гапига! — дик этиб оёққа турди Рифат ака. — Тиббиёт ривожланган асрда шу ҳам гапми?! — У Ёкубга қўлини бигиз қилиб, хотини ва қизига деди: — Бу кимса зинокор! Исботлаш шартмас! Үз оғзи билан айтган-ку, ахир! Қайси аҳмоқ үзига ўзи туҳмат қиласди?!

— Кетсин... — деди Мармара. — Кўришни истамайман уни...

— Кет! — эшикни кўрсатди онаси.

Ёкуб нимадир деб минғирлаган эди, Рифат ака ёқасидан тутиб, ташқарига итариб чиқарди.

— Йўқол бу ердан! — деб бақирди.— Сендеқ нопокнинг қадами хонадоним тугул, ресторанимга ҳам тегмасин!

Ёқуб Тошкентдан ҳам қувилди. Россияга йўл олиб, бир қаҳвахонада ишлаб юрди. Кўп ичди, кўп чекди, зинога ҳам муккасидан кетди. Қизифи, Мармарага бўлган муҳаббати тез сўнди. У ҳақиқий муҳаббатмиди, ҳавасмиди, ўзи ҳам билолмади. Бир вақтлар падарига «Камбағаллик йўлини танлагансиз» деб эътиroz билдирган эди. Ўзи эса аллақачон маънавий қашшоқлик йўлини танлаб бўлганини тушунмади. Умрбод тушунмаса керак.

## ТАҚДИР ЭШИГИ

Бу воқеа ҳам тарихдан бир варақ. Узоқ тарих эмас, йигирма-ўттиз йил бурунги. Ўшанда жадвал бўйича дарс меҳнат таълими эди. Одатда қизлар иккинчи қаватда тикиш-бичишни ўрганар, ўғил болалар мактаб устахонасига тушиб, дурадгорликдан сабоқ олишарди. Танаффусда бир гап тарқалди: кечқурун қишлоқ клубида «Диско раққоси» деган ҳиндча фильм қўйилармиш. Янги киномеханик Масур симёғочга эълон ҳам ёпиштирганмиш. Йўлакда ҳамма кино қаҳрамони — Жимми ҳақида гаплаша бошлади.

Бир пайт зинадан Ҳасан югуриб чиқди.

— Дарс далада бўларкан! — қичқирди у.— Ишга кетамиз, болалар!

Ҳақиқатан, унинг айтгани рост эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Холиқ муаллим ўғил-қизларни синфга тўплади-да, саккизинчи «А», «Б» ёппасига лавлаги теришга чиқишини айтди. Синф хурсандлигидан қийқи-

риб юборди. Лавлагизор темирийлнинг ортидаги дала-да жойлашган бўлиб, ферма ва кўхна омборхоналарга тулашиб кетганди. Зовур ёқалаб ўсган тутлар таги жан-натмакон сўлим гўшалар эди. Далада ўқувчилар ишдан ҳам завқланар, ҳам тутлар тагида ҳордиқ чиқаришарди.

Улар далага гурра ёпирилдилар. Озгин, камгап, кўзлари ўйчан боқадиган Дўстмурод Марини севарди. Қизнинг асли исми Марварид эди. Ўрта бўйли, истарали, кўл-оёғи чаққонгина, хушхулқ бир қиз эди у. Шаҳло кўзлари, лўппи юзлари, гунча лаблари, беғубор нигоҳи ҳар қандай йигитни мафтун этарди. Аммо ҳар қандай йигит ҳам унга гап отавермасди. Мари ўзининг ҳурматини биларди, умуман, ўз қишлоғининг ҳурматли ёш соҳибжамолларидан эди.

Дўстмурод шу қизсиз мактабдан кейинги даврини тасаввур қилолмасди. Лекин бир марта «Сени севаман, Мари» демаганди. Ҳозирча дейишни ҳам ўйламасди. Қиз вақти-соати келса билиб олади. Ота-онаси Дўстму-роддан «Кимга уйланасан?» деб сўраса, «Синфдошим Марига», дейди. Дунё хабар топади Дўстмурод Марини Мажнундек севишини.

— Охирги пайтларда бошқачасан? — деди Мари дала ўртасида.— Тинчликми?

— Сезяпсанми? — Қизга меҳр-ла тикилди Дўстмурод.

— Нега сезмай? — Мари тутлар сари чугурлашиб ке-таётган қизлар томон бурилиб қаради. Кейин маъноли қилиб қўшиб қўйди: — Кўп китоб ўқийсан-да, Дўст-мурод.

— Сен ҳам ўқийсан-ку.

— Тўғриси, бадиий китоб ўқимай қўйдим. Ойдин опани кеча кўчада кўргандим. Сени мағгади. «Нега кутубхонага кирмайсан?» деди. Мактаб кутубхонасига ҳам киролмаяпман, клубдаги кутубхонага вақт қани?

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

- Бунга кўп вақт кетмайди, Мари.
- Бир хушхабар айтайми?
- Ҳиндча фильм келган. Шуни айтмоқчимисан?
- Йўқ, тополмадинг. Эртага Ойдин опанинг кутубхонасига бормоқчиман.
- Эртага якшанба-ку? — ажабланди Дўстмурод.
- Ойдин опа ишга чиқмоқчи. Эшик жанжалига чек қўяди шекилли.
- Эшик жанжали дейсанми?
- Вой, сенга айтмадими? Китобхонлар учун мўлжалланган қўшимча зални Масрур акадан олдинги киномеханик кино залига қўштириб юборган. Авваллари залнинг охиридаги айвоннинг таги кутубхонаники бўлган.
- Эслайман. Биринчи синфдалигимизда бирга кирганимиз.
- Бирга кирганимидик?
- Биринчи ва охирги... — Дўстмурод «охирги марта» дёйлмади.

Шу пайт дала этагидан Ҳасаннинг овози эшитилди:

- Дўстмурод! Бу ёққа кел! Гап бор!
- Дўстмурод истамайгина бурилиб қаради. Синфдошлари Ҳасан, Толиб, Сафар чўнқайиб ўтирган бир одамнинг қошига тўпланишган эди.
- Келсанг-чи! — қўлини ҳавода айлантирди Ҳасан.
- Бўл-е!
- Мари! Юр, тут тагига! — чақирди бошқа томондан синфдош қизлар.
- Эртага мен ҳам кутубхонага бораман... — деди Дўстмурод.

Мари бош силкиди.

Уватда ўтирган киши ферма мол дўхтири Оқнор aka экан. Чўтири юзли, кемшик бу одам болалар билан

ҳам катталардек ҳол-аҳвол сұрашадиган ғалати феълли шахс эди. Қишлоқ клубидаги кинотеатрга худди шу одамнинг ўғли Масрур киномеханик қилиб тайинланғанди.

— Қандайсан, Дўстмурод? — қўл бериб кўришди у.— Ҳорма эса! Ишиңг, ўқишинг, соғлигинг, отанг, энанг яхшими? Муҳими шу! Қолганлари секин-аста бўлаверади... Қани энди, Ҳасан, гапир! Тушунтир жўрангга!

Ҳасан кафтларини жуфтлаб, паст овозда ўқрайганча сўзлади:

— Дўстмурод, сени бекорга чақирмадим. Мен, То-либ, Сафар, сен — тўртовимизга бир иш чиқиб қолди. Кетса, ярим соат вақт кетади. Оқнор ака пулларингни бераман, деяпти. Борасанми?

— Нима иш экан? — сўради Дўстмурод.

— Биламан, кечқурун кинога тушишга пулинг йўқ, — деди Ҳасан.— Бизнинг ҳам чўнтағимиз қуп-қуруқ.

— Нима ишлигини айт-да аввал, — илжайди Оқнор ака.— Отангга ўшшаб гапни ёмон чайнайсан-да.

— Ҳув анави омборхона яқинда бузилади, — дея Ҳасан ферма ёнидаги фиштли бинога ишора қилди. — Ичиди ҳеч нима йўқ. Ўшанинг битта эшигини бузиб, Оқнор аканикига элтиб бериш керак. Қўрқма, бу ўғрилик эмас. Оқнор ака катталар билан гаплашиб қўйган.

— Менинг ўзим каттаман-ку, — яна илжайди Оқнор ака.— «Ўғрилик» деган сўзни ишлатма, гаранг.

— Эшик жуда зарур экан-да бу кишига...

— Бизнинг Масрур Авраам механикнинг ўрнига киночи бўлди, хабарларинг бор, — кўзларини қисиброқ гапирди Оқнор ака. — Эшикни шу Масрур аканглар учун қурилган келин уйга ўрнатмоқчиман. Шу йил тўй қиласман. Қўряпсанлар, янги эшиклар қиммат. Омборнинг ички томонидаги эшик эса ўтган йили қўйилган.

## *Азамат КОРЖОВОВ*

Битта бүялса, бип-бинойидай бүлади-күяди. Ёрдам берасанларми? Хизмат ҳақларингга кечқурун Жиммининг киносига кирасанлар.

Дўстмурод тушундики, Оқнор ака омборхона эшигини бирорларнинг қўли билан ўмармоқчи. Гарчи кимдир ими-жимида эшикни олиб кетишга рухсат берган бўлса-да, ўғриликдан бошқа иш эмасди.

— Мен... тўғрисини айтганда, бормайман, — қимтингандек четга ўтди Дўстмурод.

— Эшик оддий эшик эмас, ука, — Оқнор ака тилининг тагига нос ташлади. — Кинога очилган эшик. Яна де, фақат ўзларинг эмас, биттадан қиз танлаб, кинога киритиш ҳуқуқларинг ҳам бўлади. Ўғлимга тайинлаб қўяман. Масрур менга ўҳшаган мард тентак. Кўнади.

— Йўқ, — энди қатъий рад этди Дўстмурод.

— Унда бошқа бола топ, Ҳасан, — жиғибийрони чиқди Оқнор аканинг. — Бунинг ўғрилик қиласман деб қўрқяпти. Мен дўхтир бўла туриб, мактаб ўқувчиларини қинғирликка бошлайманми? Эшикни ўзим бузиб, елкалаб кетолмайман-ку, ахир! Уйга сенлар элтиб берсанглар бўлади. Нима, қийинми?

— Йўқ, Оқнор ака, — такрорлади Дўстмурод.

— Э, қизиқ бола экансан-ку! — аччиқланди ветеринар.— Бор, қизлар билан лавлагингни теравер! Кинога тайёр эшик очиб берсам, йўқ дейсан-а!

Дўстмурод пичинг гапларни ёқтирамасди. Ўғриликка етаклаётган кап-катта одамнинг кесатифи суюк-сугидан ўтса-да, индамади. Қош қорайгунча ишладилар. Холиқ муаллим жавоб бергач, ўқувчилар уйларига тарқалишди. Ота-онасидан ёки ака-опасидан пул ололганлар кечқурун кинога борадиган бўлишди.

— Балки қизларни ўзимиз таклиф этармиз, — деди Ҳасан.— Таклифимизни кутинглар, қизлар! Айниқса, сен, Мари.

— Вой-вой-ей! — кулди Мари. — Бойвачча бүп қолдиларми? Музқаймоқ ҳам олиб берарсан?

— Балки олиб берарман!

Ҳасан, Толиб, Сафар — учаласи тут ёқалаб пусиниб юрдилар-да, ҳаял үтмай күздан йүқолиши.

Онаси сигир соғаётган экан.

— Намунча кеч қолдинг? — деди.

— Ишга олиб чиқишиди, — Дүстмурод чуқур ух тортди. — Лавлаги тердик.

Қишлоқ клуби томидаги карнайдан ҳиндча құшиқ янграмоқда эди. Қишлоқ ахли шундан биладики, бугун клубда кино намойиш этилади. Кечки овқат ейилиб, дастурхонга фотиха ўқылғач, Дүстмурод:

— Уйда пул борми? — деб сұради онасидан.

— Нима қиласан? — ҳайрон қаради онаси.

— Жиммининг киноси келган экан, шунга...

— Бугун мактабингдан далага чиқаришган бўлса, кинода нима бор? Ундан кўра ётиб ухла. Кейинги сафар киарсан.

Дүстмурод у ёққа ўтди-бу ёққа ўтди, оёғи кўчага — қишлоқ клуби биносига тортаверди. Кундузлари ҳам оёғи ўша ёққа тортарди. Кинотеатр билан девор-дармиён қўшни бўлмиш жонажон кутубхонасининг эшиги очиқлигини узоқдан кўрганданоқ энтикиб қўярди. Ҳозир кинога кутубхонадан ўн чандон интиқлигига ўзи ҳам тушунмади. Нега туйқус кино васvasи бошланди? Юрагидан садо келди: «Сен шундай фараҳбахш кечада Мари билан кинога тушишинг керак эди. Мари ва бошқа қизлар ҳозир клубда. Уларнинг ёнида Ҳасан, Толиб, Сафар... Шу битта эшикни қўпоришда ёрдамлашиб юборсанг, Оқнор аканинг уйига кўтаришиб борсанг осмон узилиб ерга тушармиди?»

Бир қараса, тераклар девордек қалин қоронғи кўча-

## *Азамат КОРЖОВОВ*

---

да турибди. Клуб сари бир неча қадам юрган ҳам эдик, рӯпарасида шарпа ғимирлаб, аёл киши овоз берди:

— Кимсан?

У кутубхоначи Ойдин опа эди.

— Мен... Дўстмуродман.

— Кинога кетяпсанми?

— Ҳа. Аниқроғи, йўқ. Шунчаки клуб олдига...

Ойдин опа унинг тирсагидан тутди.

— Менга йўл бошла, болам. Қоронгида кўзим кўрмаяпти. Аксига олиб, фонар ҳам ишламай қолди.

— Бу ер ўзи анча зим-зиё экан.

— Асти сўрама.

Улар бир оз юришди.

— Кинога киришга пулинг йўқми дейман? Нега шунчаки клуб олдига боряпсан?

— Бошқа пайт кирапман.

— Демак, пулинг йўқ. Шуни унутма, Дўстмурод, кино ҳам китоб каби санъат. Китоб ўқиган одам кинога ҳам кириши керак. Муҳими, пул эмас, санъатга ихлосмандлик.

Улар тошларга қоқилмаслик, ҳалқобларга ботмаслик илинжида бир-бирини суяб қоронгиликдан чиқиб олишди. Фильм намойиши аллақачон бошланган, клуб биноси олдида пулсизлар, бекорчиҳўжалар, атрофдаги ҳовлилардан шунчаки кўчага чиққанлар куймаланиб юришарди. Табиийки, ҳамма клубнинг олд томонида, яни кинотеатр остонасида эди.

— Ўзингизга йўл бўлсин, Ойдин опа?

— Кутубхонага.

Дўстмурод хурсандлигини яширолмай:

— Кечаси-я? — деб завқ-шавқ-ла сўради.

— Аслида кутубхонани кечаси ҳам очиб, ҳалқни ўргатиш керак, — деди Ойдин опа. — Чиқишмайди дейсан-

ми? Чиқишиади. Уйда китоб ўқиши бошқа, кутубхонада бошқа. Қолаверса, энциклопедиялар, газета-журналлар бор.

— Яхши ўйлабсиз. Мана, мен ҳар куни чиққан бўлардим.

— Ҳозир бошқа иш билан келяпман. Кутубхонанинг бир ҳужжатини уйдан тополмадим. Шу ерда, торгмада қолган бўлса керак. Эшитдингми, йўқми, ўқув залини тикламоқчиман. Кутубхона аввал «Г» шаклида эди. Кино залидаги айвон тагини залга қўшиб олишди. Қўшимча ўриндиқлардан тушган пуллар кимларнинг чўнтағига кетаётганини билмасам экан. Эҳ, шўринг қурғурлар!

— Ўқув залини очмоқчи эканингизни бугун эшитдим.

— Ўқув зали эшигида, мана, етти йилки қулф. Айвон тагига қайтадан девор тортиб, таъмирлаб беришса бас. Шу эшик қачон яна ўқув залига очилади, деб интиқман.

Дўстмурод ҳужжатни топишда ёрдамлашди. Девор ортидан ҳиндча қўшиқ янграмоқда эди. Ойдин опа кутубхона чизмаси акс эттирилган ҳужжатга тикилиб, бир зум ўйга толди.

— Ўйингизгача қузатиб қўяман, — деди Дўстмурод.

— Йўқ, — бош чайқади Ойдин опа фаладондан яна бир калит чиқариб.— Анави эшикни очиб, сени кинога киритаман. Масуррга ўн марта айтдим, гапни олиб қочяпти. Агар яхши гапга кўнмаса, шу эшикни ҳар куни очиб қўяман.

— Ахир, ноқулай, Ойдин опа...

— Сен кутубхона худудидасан.

Ойдин опа кутубхона тўридаги қўш табақали катта эшик қулфига калит солди. Ҳаял ўтмай ошиқ-мо-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

шиқлар фийқиллаб, эшик ланг очилди. Залдагилар ногаҳон тушган ёруғлиқдан ҳайрон бўлганларича ўгирилиб қарадилар. Дўстмурод бир қадам ташлади-ю таққа тўхтади. Шундоққина эшик тагидаги ўриндиқда Ҳасан ва Мари ёнма-ён ўтиришарди. Яна битта бўш жой бор эди. Ҳасан ва Маридан нарида эса Толиб, Сафар, Наргиза, Нигоранинг ҳайрат инган юзлари кўринди.

— Тақдирни қара, сенга синфдошингнинг ёнида битта бўш жой бор экан, — кулимсиради Ойдин опа.— Хайрли томоша сенга, Дўстмурод. Агар Масрур бирор нима деса, мени айт. Кинотеатр кутубхонадан қанча қарз эканини киномеханиклар яхши билишади.

— Лекин, Ойдин опа...

— Бўлди, гапирма! — Кутубхоначи иккала табақадан маҳкам ушлаб, эшикни шиддат-ла ёпди. Қарс этган овозни бутун зал эшилди.

— Ўтири, Дўстмурод, — музқаймоқ ялади Ҳасан.— Насиб этса ҳасип ейсан дейишади.

— Ўтири, — деди Мари зўрға тили айланиб.

Дўстмурод ўриндиқقا ҳолсиз чўқди. На кино татиди, на Мари билан ёнма-ён ўтиргани. Бир пайт зал оралаб баҳайбат гавда яқинлашди.

— Қани қуён? — ўдағайлади у. Сўнгра фонарини Толиб, Сафар, Наргиза, Нигора, Ҳасан, Марининг юзига тутиб, ниҳоят, Дўстмуродда тўхтади.— Кап-кatta йигитсан-у, уялмайсанми ўринча киришга! — шундай дея Масрур елкасидан тутиб, зал бўйлаб судраб кетди.— Кўзингга кўрсатиб қўяман яширинча киришни! Биринг дераза ошасан, биринг эшикнинг таҳтасини бузиб кирасан! Жонга тегдиларинг-ку!

Ҳеч ким, ҳатто, Мари ҳам ёрдамга келмади. Ер ёрилмади, кириб кетмади Дўстмурод.

— Мен кутубхонадан кирдим... — фұлдиради у. — Ойдин опа айтди...

— Э, катта холангнинг уйидан кирмайсанми?! Чипта олиш керак эди, чипта!

Масрур уни эшикдан силтаб чиқариб, ташқаридагиларга қаратадеди:

— Яна бир қүённи ушладим! Саккизинчи синф!

Томошаталаблар хохолаб кулишди. Дұстмурод йиғла-моқдан бери бұлиб үзини қоронғиликка урди. Эртасига кутубхонага бормади. Шу-шу кутубхонага қадам босмай қўйди. Ойдин опа ўз ташвиши билан банд эди. Ҳа, у айтганини қилди. Можарога туман ҳокимиияти ҳам аралашғач, ўқув зали ҳудуди кутубхонага қайтарилиди. Айвон тагидан девор торғилиб, кутубхона ва кино зали ажратилди. Кўш табақали катта эшикни эса олиб ташлаб, аркасимон безак берилди.

— Эшикни қабристонга берсаларинг, — деди гўрков.  
— Кунботардаги эшик чириб қолган.

Эшикни қабристонга ҳадя этишди. Орадан икки йил ўтиб, Масрур Мариға уйланди. Мари келинлик уйига омборхонадан ўғирланган эшикдан ўтиб қадам қўйди. Уч ой ўтиб прокуратура кинотеатрдаги қінғирилларни тафтиш қилди. Масрур еган пулларини тан олиб, давлатга етказган зарарни тўлади. Албатта, ишдан бушатилди. У кўп ичадиган, Марини ҳам кўп калтаклайдиган бўлди.

— Ҳаммасига мен айборман, — бошини чангallади Дұстмурод. — Нега курашмадим, нега?

Бир куни Мари шифохонага тушди. Икки кун ётиб, бандаликни бажо келтирди. Ўша кунлари қабристон дарвозаси атрофини экскаваторлар қазиб ташлаганди.

— Кунботардаги эшикдан юрингизлар, — деди гўрков тобут кўтарғанларга.

Шундай қилиб, Мари сүнгги манзилига кутубхона  
эшигидан кирди.

## «УНУТМАЙМАН СЕНИ ҲЕЧ ҚАЧОН»

Бир куни таҳририятга келган мактубларни кўздан кечираётib, биттаси эътиборимни тортди. У Садриддин исмли оддий қишлоқ йигити томонидан битилган бўлиб, илк сатрлардаёқ севги жўшқин мадҳ этилган эди. Роппа-роса икки саҳифа давомида эринмай ишқмуҳаббат таърифу тавсиф этилганди. Учинчи саҳифада учта юлдузчадан сўнг, ниҳоят, ҳаётида рўй берган воқеани ҳикоя қилишни бошлаганди:

«...Меҳринисо шаҳарда адашиб қолган куни мен ҳам йўлимни йўқотиб, гарангсиганча тентираб юрадим. Бошим фув-фув айланарди. Кўйлагим шимимдан чиқсан, устимга шароб сачраган. Булар етмагандек кутилмагандан ёз ёмғири ёғиб берди-ю битта менга бекатдан жой топилмади. Кўча ёқасида туриб, кўкка тикилдим ва: «Мен кимман ўзи? Нега бу кўйга тушдим?» деб пичирладим.

Бир пайт сал нарида одми кийинган қиз ҳам атрофга ташвишли нигоҳ ташлаётганини кўрдим. Қиз истаралигина эди. Ҳойнаҳой, атрофдаги бирор қишлоқдан бўлса керак. Негадир ундан кўз узолмай қолдим. Дугонасини ахтараётганга ўхшарди, аммо мен каби манзилдан адашган экан. Бекат четидаги бадқовоқ хотиннинг ёнига ийманибгина яқинлашди.

— Ассалому алайкум, — қўлини кўксига қўйди, — кечирасиз, Бўлободга бориладиган шоҳбекатга автобуслар қайси томондан кетади?

— Бўлобод? — лабини бурди хотин.— Унақа жойни эшифтмаганман. Қаерда экан?

— Қашқадарёда.

— Эх-хе, бу ер Самарқанд бўлса, Қашқадарё қаёқда-ю!

Қиз хижолат чекиб, узр сўради. Уст-бошимни тартибга келтириб, сочимни ҳам нари-бери текисладимда, имкон қадар ўзимни мулойим тутиб, ёнига бордим. Ёз ёмғири дарров тиниб, ажиб ифор тараалди.

— Сиз ҳам шоҳбекатни ахтаряпсизми, синглим? Мен ҳам, — дедим.— Жиззахга кетишими керак эди.

Қиз мендан ҳам саломини аямади.

— Лекин мен Жиззахга бормаяпман-да, — деб узроҳ жилмайди. — Бекатларимиз бошқа-бошқа томонларда, ака.

Қўзлари беғубор боқарди кишига. Нотаниш йигитдан ҳадиксираса керак, деб ўйлагандим. Унда ҳадикдан кўра инсоний меҳр-оқибатга ишониш устун экани бир қарашдаёқ аён эди.

— Аввал сизнинг бекатингизга, сўнгра бизнинг бекатга борамиз, — дедим.— Аниқроғи, бораман, яъни сизни ташлаб ўтаман.

Исми Меҳринисо эканини, яқинда лицейни таомлаганини, шаҳардаги шифохонага онасини кўргани келганини, отаси етти йил аввал вафот этганини билиб олдим. Тахминимча, қўшни кўчадан шаҳарнинг нариги четига қатнайдиган автобуслар ўтарди. Бирга бордик. Қиз менга кўп ҳам эргашиб юрмаслигини сездириб, «Раҳмат сизга», деди хайрлашиш маъносида. Чўнтағимда ўз туманимизга боришга етадиган пул қолгани учун такси тўхтатмаётгандим. Кўнглим тўлмай, таксига қўл кўтардим. Қиз сарсон бўлмаслигини истардим. Тақдир менга учратибди, мен ҳам одамга ўхшаб беғараз яхшилик қиласай.

— Такси керакмас, — қатъий рад этди Меҳринисо.— Нечанчи автобус боришини аниқлаб берсангиз бўлди.

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

— Синфдошимга құнғироқ қиласай, у шаҳарда ишлайди. Лекин телефоним үчиб ётибди. Телефонингиз...

Меҳринисонинг телефонида синфдошим билан гаплашдим. У тушунтириди. Биз шоҳбекатта қатнайдиган автобус йұналишига чиқдик. Шундай қилиб, Меҳринисони шаҳар чеккасидаги шоҳбекатгача кузатиб қўйдим.

Ўша кунгача ҳеч бир қызга яхшилик қилмагандим. Рұхимда бир енгиллик пайдо бўлдики, елкамдан тошдек босиб турган тегирмон тошидан қутулдим. Ахир, яхши инсон бўлиб яшаш ҳам мумкин-ку. Қачонгача телбаликларим билан ўзимни кўрсатаман?

Ҳа, аслида шаҳарда синфдошим таништирган бир жувоннинг макру ҳийлаларига учиб, пулларимни соvuриб, расвом чиқсан бир бенаво кун эди. Нега Меҳринисога ёрдамлашдим? Унинг нимаси оҳанрабодек тортиди? Одимилигими, ишонувчанлигими, мендек адабишиб қолганими?

— Кечаги раҳамни бер, — дедим синфдошимга.

Шу тариқа эртасига Меҳринисо билан құнғироқлашдим.

— Яна бир марта раҳмат, — миннатдорчилик билдириди қызы.— Сиздек яхши йигитлар борлиги учун Худойимга шукр, минг марта шукр.

— Мендан кўрқамадингизми?

— Йўқ, — деди Меҳринисо кулиб, — сиз бўри эмасиз-ку.

— Шу вақтгача менга қызлар гапирмаган, кулиб қарамаган, ишонмаган.

— Чин қўнгилдан яхшилик истасангиз, ҳаммаси изига тушади, Садриддин ака.

Биз шу тариқа дўстлашдик. Онаси оламдан ўтганида ҳам кўп дардлашдик. Дўстлигимиз севгига айланди. Қишлоғимиздаги умумтаълим мактабини тамомлаб,

ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган, қачон қараманг, түйларда ичадиган, муштлашадиган, күчабезори, қаттароқ пул тушганида шаҳарма-шаҳар изфийдиган саёқ йигит эдим. «Садрга ҳеч ким қизини бермайди, танимаган-бilmаган бир бечора шўринг қургур қиз тегади-да унга», дейишарди ҳамқишлоқларим. Ҳақиқатан, қизлар мендан бир чақирим наридан айланиб ўтишарди. Хотинлардан қарғиши, эркаклардан сўкиш эшишиб яшардим.

Бирдан ўзгардим. Ичмай, чекмай қўйдим. Мехринисо мени туппа-тузук йигит деб тасаввур қиларди. Шу қизнинг тасаввурига лойиқ бўлишга уриндим. Ниҳоят, кун келиб, қишлоғимизга олис воҳадан бир ажойиб келин тушди, халойиқ қўзига ишонмади, ўзига ишонмади, айтган сўзига ишонмади. «Садр барибир эски ҳолига қайтади», деб кулишарди ёш-яланглар. «Битга қиз тос-тепасидан тушди-да, эҳ бечора», дейишарди хотинлар.

Мехринисо тирикчиликдан қочмади: супур-сиdir, сигир соғиши, таппи қилиш, сувташиш, ҳатто уч йилдирки тўшагида ётган момомга тувак тутиш унга олдиндан қилиб юргандек кундалик юмушлар эди. Нафақат қавму қариндошимиз, бутун қишлоқ тан берди меҳнатига, тарбиясига, иродасига. Бутун қишлоқ тугул, бутун дунё дуо қиларди унинг ҳаққига, ота-онасининг ҳаққига. Ҳар қандай келин ҳам эплаёлмасди ишларини. Келинликни қулликка, қулликни маликаликка, маликаликни, оддийликка, оддийликни яна келинликка боғлай олган эди. Палови, шўрваси, мантиси, пишириқлари, оддий тандир нони — бари мазали бўларди. Уйимизга келин эмас, сеҳргар келиб қолгандек эди. У қаварган қўллари билан ҳаётимизни ўзгартириб юборди. Оиламизнинг обрўси тўкилган эди. Уйимизга келган одам авваллари кир кўрпачаларни, чивин фўнғиллаётган дастурхонни,

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

йиртиқ пәрдаларни, яғири чиққан деворларни күрарди. Мөхринисо уйни чиннидай озода туши биран бирга, агар вақтимиз етмаса, ҳатто деворларни ҳам ўзи оқлаң қўйиб, лой ишларга-да уннаб кетарди.

Афсуски, кўп ўтмай унга келин эмас, чўри деб қарай бошладик. Одамлар «Ёмон йигитга яхши қиз тушади», деб бир гапирди, икки гапирди, ахийри менинг қулоғимга етди бу гап. Мөхринисо ҳам барини эшитган эди. Индамай юрди. Тракторчиликка ўқиб, хунар эгаллагандим. Ёзда комбайнга чиқардим.

— Мөхри, — дедим бир куни, — сен эр танлашда, оила танлашда адашдинг. Мен яхши йигит эмасман. Бу ердан узоқларда яшаганинг панд берди. Кўряпсан, отамнинг феъли бузуқ, онам ҳам сенга меҳрибон эмас.

— Ота-онангиз ҳақида ўйлаб гапиринг. Эломоннинг шўхлиги ўтмишда қолди, энди қайтарилемайди.

— Нега мени Эломон дейсан? Бирор эшитса, лақабим бўлиб қолади, тентак?

— Ҳозирча «дадаси» деёлмайман. Эрининг исмини айтиш гуноҳ.

У мени «дадаси» деб чақиришини истардим. Афсуски, икки йил ўтса ҳам болали бўлмадик. Онам Мөхринисони салга жеркир, баъзан оғзига келган сўз билан қарғарди. Отам ҳам салга асабийлашиб, ўз келинининг олдида сўқинарди, тракторчи улфатлари келганида, Мөхринисони ароқقا ҳам юборарди. Қайнона-қайнота ҳурмат қилмаган келиннинг обруси мушкул масала. Аммо Мөхринисо ўз одамгарчилиги билан маҳалламиизда ҳурматга сазовор эди. Оилада эса ҳаммасига чидади, баҳтили кунлар келишига умид қилди. Қачонки мен...

Учинчи йили нима жин урди-ю эски қилиқларим шоҳ чиқарди. Мөхринисо қўлидан келганча мени зало-

лат йўлидан қайтаришга уринди, бефойда кетди. Уйдан, ишдан совидим. Бўш вақтим ва пулим кўп бўлишини хоҳлардим. Кунларнинг бирида тоғ этагидаги далаҳовлида улфатлар тўпландик. Даврада иккита нотаниш жувон ҳам бор эди. Бири билан жанжаллашиб қолиб, тарсаки кўйдим. Мени судга бергач, қишлоққа овоза бўлиб, шармандам чиқди.

— Шу юришларингиз тўғрими? — деди Мехринисо куйиниб. — Зино ҳам, ичкилик ҳам, энг аввало, оилангизга касофат келтиради.

— Хоҳлаган ишимни қиласман!

— Эломон мендан қўрқмаса, Худодан қўрқсин.

— Худони қўшиб, тилимни қисиқ қилма! — деб ўшқирдим.— Кимсан менга? Муаллимми, отин ойими ё онами? Нега доим ақл ўргатасан?

— Мени учратган кунингиз юрагингиздан ёмонликлар чиқиб кетганини эсланг. Нега энди бирга яшаб, улар қайтиб келди?

— Саволингга ўзинг жавоб беряпсан, Мехри. Нега энди бирга яшаб, улар қайтиб келди? Чунки ҳаммасига сен сабабчисан! Битта бола туғмадинг! Касалсан!

Ўшанда Мехринисо қофоздек оқариб, менга лаблари титраб тикилди.

— Атайн туғмаяпманми? — деди йиғламсираб.

— Атайн туғмаяпсан! — бақирдим унга. — Яқинда сендан кечаман! Қачон бошқа хотин олсам, шунда бахтимни топаман. Сен ўзи уй ишларидан бошқасини тушунмайсан. Ўзимни хотини бор деб ҳис қилмайман. Болаларим бўлса ҳам бошқа гап эди!..

Яна нималарни гапирдим, эслаёлмайман. Оғзимга эрк беряпману юрагим Мехринисога қўшилиб йиғларди. Эзгуликнинг сўнгги зарралари қалб эшигига маҳкам тирмашиб, тарк этишни истамасди.

Афсуски, кейинги гал Мехринисога қўл кўтардим.

Бора-бора бундай ёвузликка ўргандим. Шўрлик ҳаммасига чидади. «Борадиган жойи, дардини эшитадиган одами йўқ, ҳеч қаёққа кетмайди», деб ўйлардим. Кетишига ишонмасдим. «Ажрашиш — унинг учун ўлим билан баравар», деган хаёлим кибру ҳавонинг устунаридан эди.

— Ҳайдаб юбор! Бўлди, бошқа қиз оласан! — деди онам хосиятсиз кунларнинг бирида.

— Э, ҳайдасангиз ўзларингиз ҳайданг! — терс бурилиб чиқдим уйдан. — Сизларга керак эмасми, менга ҳам керакмас!

Дўкон орқасида улфатларим билан ўтирасам, Мехринисо кўзи жиққа ёш, мени чақирди.

— Энам қувиб юборди, ёрдам беринг, — титради у.  
Мен эса:

— Кет! Талоқсан! — деб жавобини бердим.

Мехринисо қандай қалқиб тушгани, кўзлари даҳшат-ла боққани, аччиқ ютингани, сўнг «Майли, майли... Кетаман...» деб телбаларча шивирлаб бекат сари мунғайиб одимлагани кечагидек ёдимда. Улфатларимнинг ёнига қайтаётиб, ярим йўлда тўхтадим. Пешонамга бир томчи ёз ёмгири тушди. Худди Мехринисонинг кўз ёшлиридек катта-катта томчилар тупроқ инган ўйдим-чуқур асфальтда дона-дона из қолдиради. Ортимга ўгирилганимда, Мехринисо бекатга яқинлашиб қўйган эди. Энди менинг хотиним эмасди, севгилим ҳам эмасди. Бир бегона қиз бўлса ҳам майли. У уч йиллик сирдошим, ёстиқдошим, тан маҳрамим эди. Ҳаммасига нуқта қўйиб, ҳалитдан пушаймон ўтида қовурилиб қараб туардим. Муносабатларга нуқта қўйиш мумкин, лекин ўтмишга нуқта қўйиб бўлмас эди. Мехринисо учун жавобгар эканимни, у ўлса куйишимни, турмушга чиқса куйишимни, ёлғиз яшаб ўтса ҳам эътиборсиз бўлолмаслигимни тушундим.

— Чида, ўтади, ҳаммаси ўткинчи, — дедим ўзимга худбинларча. Йүқ, худбинларча эмас, абллахларча.

Ўз юрагимни енгіб яшашға ҳаракат қилдім. Ўтган бир йил ичида Мәхринисо олис қишлоғидан биз томонларға иккі марта келди. Биринчисида, холамникига қўниб ўтди. «Тошкентдаги тоғамникидан қайтаётгандим, кириб ўтай дедим», деган баҳонани айтибди. Мен яна шафқатсизлик қилдім. Холамнинг эшигига етганимда билдім Мәхринисо ичкарида эканини. Шартта тракторимга ўтирдим-да, жұнавордим. Иккінчisi, аммам түй қилаётган кун эди. Туман марказида яшовчи Фарангиз деган олифтагина қизга унаштиришганди. Аммамнинг хонадонига қадам қўяр-қўймасимдан янгам пешвөз чиқиб: «Мәхри кепти, қайним, — деди. — Уйланыётганингизни эшилди, шунда ҳам ўтирибди, ҳув, ана...»

Ўтган шунча ойлардан сұнг кўз кўзга тушди. Мәхринисони соғингандим. У ҳам фақат мени деб келгани очиқ-ошкор ҳақиқат эди. Севги иккимизда ҳам йўқолмаганини, у ҳамон қалбларда саркаш яшаётганини англаб, инグラб юбордим. Вақт орқага қайтса эди, ҳечам номаъқулчиликлар қилмасдим, ажрашмасдим. Фарзандсизликка ҳам бардошим етарди. Бироқ бузилган иморатни тиклай олмасдим. Ҳаётнинг бошқа сўқмоғига қадам қўйиб бўлгандим. Истасам ҳам, истамасам ҳам шу йўлдан юришим, юриб қўришим керак. Нега шундай? Нима учун инсон ҳукмни ҳадеганда бузолмайди?

Шафқатсиз одам тўйга кирмасдан чиқди-кетди. Кейинчалик айтишларича, ўшанда Мәхринисо кўзларини оҳиста юмибди, ёноғига бир дона ёш думалабди, оптимдан термулаётганида кўз ёшини сидирибди. Нафақат тўйда, қишлоғимизда ҳам, ҳаётимизда ҳам ортиқча инсон эканини тушунгани сезилибди. У ҳам

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

түйдан чиқибди, катта йўлда бир машинани тўхтатиб, жўнаб қолганини бирор билмабди...

Фарангизга уйландим. Бу қиз хотин эмас, бошга битган бало бўлди. Дўппослаб ўрганмаганманми, бир шапалоқ урган куним уйда катта жанжал қўпди. Ота-онаси тугул, қариндош-уруғи ҳам етиб келишиди. «Сингилчани урган кўёвни биз ҳам урамиз», деб ўдағайлашди. Ҳеч кимнинг олдида бўйин эгмагандим. Наҳотки, узр сўрасам? Фарангизни ҳам ҳайдаб юбордим. Ўртага қариндошлар тушишди. Ярашдик. Яна жанжал, яна ярашув, хуллас, икки фарзанд билан ажрашгунимча ўтган ўн йиллик ҳаётимда ғалвасиз кун бўлмади ҳисоб. Гоҳо ёстиққа бош қўйдим дегунимча, кўзимни юмдим дегунимча Мехринисони ўйлардим. Ота-онам ҳам қачон қарасам, уни мақтаётган бўларди. Қадрига кеч етдик. Вақт орқага қайтмайди.

Мехринисо ҳақида сўнгги марта етти-саккиз йил бурун эшигандик. Ўзлари томондаги фермер йигитга турмушга чиқибди. Фермер ҳам ажрашган экан. Ҳаммаси тамом эди, ҳаммаси ўтмиш афсонаси.

Қачонлардир Мехринисо ҳаёт йўлларимда яна учрайдигандек эди. У ҳам қишлоғидан чиқмайди, мен ҳам. Ўртада юзлаб чақиримлик масофа. Самарқанддагидек яна тасодифан учрашишимиз мумкинми?

Ўтган йили тақдир тақозаси билан Самарқандга ишга келдим. Хор-зор бўлиб юрганимга чидаёлмаган синфдош дўсгим дафтар ишлаб чиқарадиган цехига ишга олди. Июнда қашқадарёлик танишига комбайнчи керак бўлиб қолганида, мени тавсия этди.

— Садриддин, — деди синфдошим, — кўряпман, дафтар цех сизга хос иш эмас. Яхшиси, мавсумда ўзингизнинг касбингиз бўйича ишлаб келинг. Бунинг устига янги комбайн бераман, деяпти. Борасизми?

Бирдан кўз олдимда Мехринисо гавдаланди. Йиллар

үтган бұлса-да, у ҳамон кечагидек жилмайиб турарди. Қанчалар хокисор, қанчалар озода қалб соқибаси эди муштипаргина. Уни умр бүйи унугомай яшайман. Уволи тутяпти мени.

Воҳага жүнадим. Бир ой кечани кеча, кундузни кундудемай ишладим. Бұлобод құшни туманда эди. Фалати түйгулар кечарди күнглиминдан. Гоҳида ўз-ўзидан севинсам, гоҳида аламдан юрагим тошга айланиб, мендек асабий одам топилмасди далада.

Охирги кун ишбошимизнинг ҳузурига бир фермер келди. Анча гаплашгач, күндириди шекилли, ишбошига хурсанд ҳолда құл узатиб, мамнун хайрлашди. Ишбоши мени чақирди.

— Эртага эрталаб Фармонқул деган фермернинг далағына тушасиз, — деди у. — Йүлни ўзлари күрсатиша-ди. Ўзининг комбайнин үлгурмаяпты экан.

Фармонқул қирқ беш ёшлардаги басавлат, баджаҳл, сергайрат фермер эди.

— Бекор келдингиз, меҳмон, бу одам тинчлик бермайди, — ҳазиллашды тракторчилардан бири эртасига тонгда.

— Хотини оғирлашиб қолибди, — деди иккинчиси.  
— Ишлайверайлик-чи. Ишқилиб, тинчлик бұлсиян-да. Хотинининг масаласи ҳал деб әшитдим.

— Янга Бұлободдан-а?

— Ҳа. Жуда оқибатли, меҳнаткаш, ишбилармон аёл. Умрини берсін. Фармонқулни одам қилиб ўтирган ҳам шу янга-да.

Ичимда нимадир чирт узилиб, юрагим потирлаб урди.

— Исми нима? — сұрадым зұрға.

— Мәхри бұлса керак, — деди тракторчи.

— Мәхринисо, — анигини айтди иккинчиси.

Чошгоҳгача, то совуқ хабар келгунча әс-хушим

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

ўзимда бўлмади. Комбайнни ёғоч ҳайкал бошқараёт-гандек эди. Уват ёнига етганимда, улар хуштак чалиб, қўлларини «икс» қилишди. Комбайнни тұхтатдим.

— Хўжайнинг хотини вафот этибди, жанозага бориб келайлик, ишни кейин давом эттирамиз, — дейишди улар.

Тракторда кетдик. Фармонқул фермернинг ҳовлисида тумонат одам тўпланган, йифи-сифи юракни эзарди. Бир четда кесакдек гезариб турдим. Ичкарида Мехринисо ётибди, бугун сўнгги куни. Йиллар ўтиб, у билан видолашув маросимида мен ҳам иштирок этаётгандим.

Тобут чиқарилганида, осмонни булат қоплаб, ёмғир томчилади.

— Осмон ҳам йиглаяпти, — деди бирор. — Мехринисо келин жаннати аёл эди. Бўлмаса, саратонда ҳам ёмғир ёғадими?

Бу ёмғир мен билан Мехринисонинг ёмғири эди. Катта-катта, дона-дона томчилар тупроққа бодраб тушарди. Тобут кўтарилиб, қўлма-қўл лопиллаб илгарилагач, секин-аста ортда қолиб, ахийри бир дарахт тагидаги тошга ўтирдим. Қабристон йўлида ҳеч ким қолмагач, зўр-базўр оёққа қалқдим.

— Майли, майли... Кетаман... — дедим Мехринисо каби.

На Қашқадарёда, на Самарқандда ишлаёлардим. Уйимга — Мехринисо уч йил келинликда яшаб, меҳр берган хонадонга, унинг излари қолган гўшага қайдим. Тўйиб-тўйиб йигладим. Фариштадек пок аёлнинг қархисида қанчалар пасткаш бўлиб қолдим. Умри қисқа экан, шу бир тутам ҳаётини нега зардобга тўлдирдим? Аёл боши билан икки марта ахтариб, одам деб келди. Мен-чи? Оилам-чи?

Мехринисони Мажнундек севиб қолдим. Уни яна

бир марта күриш, учрашиш, пойига тиз чүкиш учун борлигимни беришга тайёр эдим. Аввалги Садриддиндан асар ҳам қолмади.

Ойлар үтди. Қариндошлар ўртага тушиб, яқында икки боланинг ҳурматига мени Фарангиз билан яраштиришди. Болаларимга оталик қилиб яшаб юрибман. Яширмайман, Мехринисога муҳаббатим заррача сұнмади, сұнмаса ҳам керак.

...Балки шу билан ҳикояси тугади, деб ўйлаётгандарсиз? Йўқ, бундан бир ҳафта муқаддам Самарқандга бордим. Биз кутган ёз эмасми, кўнглим алланечук бўлиб, бозор яқинидаги дарахтга ҳолсиз суюндим. Шу пайт семиз бир хотин:

— Дадаси, тезроқ чиқа қолинг бозордан — деб машина ёнида телефонда гаплашди.— Бўлободга етгунча бундай иссиқда тавбамга таянаман-ку, ахир!

Овози таниш эди. Юз-кўзи ҳам бегона эмас.

— Мехри, — дея яқинлашдим унга, — сен?.. Узинг-мисан?..

Семиз хотин менга анграйиб қаради. Гапиришга энди оғиз жуфтлаган эди, машинада ўтирган болакай:

— Ая, ана, дадам келяпти, — деб қолди.

Семиз хотин машинага ўтириди. Кўз қирини ҳам ташламади менга. Башанг кийинган савлатдор эри қўлидаги нарсаларни юхонага жойлади. Машина жойидан қўзғалди. Ортидан жонсиз ҳайкалдек қараб қолдим. У Мехринисо эди, ҳаёт эди, баҳтли эди. Янада ишонч ҳосил қилиш учун бир вақтлар Мехринисони кузатиб қўйганим шоҳбекатга бориб, Бўлободга кетаётган кишиларни ахтардим. Биттасини топиб сўрасам, Мехринисо ростдан ҳам тирик экан, кўрганим рўё эмас. Айтишича, Бўлободда иккита Мехринисо исмли қиз бўлган...

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Самарқанддан кетар эканман, ёмғир ёғмаганига эътибор бердим. Ёмғир ҳам ақлли эди, ёмғир ҳам мамнун эди...»

Мактубнинг охирида Садриддин Мехриписога яна бир марта баҳт тилаган эди.

— Даҳшатли виждон оғриғи сал бўлса-да, енгиллашган бу одамни тушунса бўлади, — дедим ҳамкасб хотинга.

— Эҳ, эркаклар, эркаклар... — бош чайқаб қўйди ҳамкасб хотин.

## **ШОВВОЗЛАР**

*Амакиваччам Асомиддин  
Қоржовов ҳикояси*

Бир вақтлар тўйлар кечқурун ҳовлиларда ўтказиларди. Атрофдаги қишлоқлар ёппасига тўйга айтиларди. Биз — болалар ош ейишга бораардик. Айрим шоввозлар қишлоқда тўй бўлмаган кунлари олисдаги тўйнинг драгини эшилса, бир неча бўлиб жўнардилар. Эртасига улар кўрган-кечиргандарини қаҳрамонлик кўрсатган-дек сўзлаб беришарди.

Мен ҳам тўйларга чиқа бошлаган дамларим эди. Сой бўйида бирга қўй боқадиган қўшним, икки синф юқорида ўқийдиган Султон кечқурунларнинг бирида шундай деб қолди:

— Бугун Калтақда келин тўй бор экан, борасанми?

— Пахтабошининг нариги тарафидами? Еттитароқ томонларда... Эҳ-хе, узоқ-ку.

— Қўрқма, ўнинчи синфдаги Иса ака мотоциклини ҳайдаб чиқади. Уни биласан-ку, ҳеч қайси тўйдан қолмайди. Калтақнинг болаларини ҳам яхши танийди. Маза қилиб еб-ичиб, тўйни томоша қилиб келамиз. Ичаман десанг, вино ҳам топиб беради. Лимонадлар денгиз.

Күйларни құраларига қамаб, уйдан қочиб чиққанымизда, осмонда юлдузлар чараплаган, ҳавода тутуниси анқиган, қурбақалар қуриллаган фарақбахш чоғэди.

— Иса ака кетиб қолибди, — деди Султон.— Үзимиз бораверамизми? Қайтишда мотоциклда келамиз.

— Йұлни билмаймиз-ку!

— Зовур ёқалаб юрсак «түкson гектар» даласидан чиқамиз. Ундан у ёғи саккизинчи бригада узумзори. Узумзор орасидаги тупроқ йұлдан ўтсак, ярим соатда Еттитароққа етамиз. Еттитароқдагилар Калтакни құрсатворишағы.

Икковлон йұлға тушдик. Бир амаллаб Еттитароқ қишлоғига етиб келдик.

— Ҳув анави чироқлар Калтак қишлоғи, — дея Султон мени илонизи тупроқ йұлдан бошлаб кетди.

— Бирон кишидан сұрамаймизми?

— Кечаси бегона қишлоқда кимдан сұрайсан? Ёмон болалар чиқса, икковимизни ҳам дабдала қилиб уради. Тезроқ Калтакка бориб, Иса акани топишимиз керак.

Нариги қишлоққа кириб борганимизда, ҳеч қаердан түйнинг данғир-дунғири әшитилмади. Ҳамма уйларда чироқлар ёниқ. Одамлар кечки овқатларини еб, телевизор томоша қилиб үтиришибди. Ҳайрон бұлдик. Султон бир чолдан түйнинг қаерда бұлаётганини аникламоқчи эди, у әзмаланиб таржимаи ҳолимизни роса суриштирди, кейин түйнинг Калтак қишлоғида бұлаётганини айтди.

— Бу ер Калтак әмасми?

— Бу Сассиқ қишлоғи, болаларим. Калтак анхорнинг нариги томонидаги фаллазорнинг этагида.

Тез орада анхорга дуч келдик. Сузиб үтиш ёқмади. Қорин оч, оёқлар оғриб, ҳолдан тойғанмиз. Құпрыкни излаб анча юрдик.

Анҳорнинг нариги тарафига ўтганимизда эса кенг дала этакларида чироқлари милтиллаб иккита қишлоқ кўринди. Яна адашмасак гўрга деб тургандик, биридан лоп этиб ҳавога мушак кўтарилидни ва вижир-вижир учқунларга айланди. Кулоқларимиз мусиқа овозини илгади.

— Ана шу Калтак қишлоғи бўлади, — деди Султон билағонлик билан.

Тўйхонага етиб келдик. Кўчаларда машиналар тирбанд, катта чироқлар порлаган. Бироқ бу келин тўй эмас, суннат тўй экан. Қишлоқ ҳам Калтак эмас, Жарпatak. Бу тўйга кириш хавфли эди. Иса ака бўлмагани учун қишлоқ болалари ўласи қилиб дўппослаб юборишлари мумкин.

Хориб-чарчаб яна бир қишлоққа кириб келдик. Кийимларимизни тозалаётандик, тўйдан қайтаётган аёллар ўтиб қолишиди. Султон:

— Чечалар, бу қайси қишлоқ? — деб сўради.

— Калтак қишлоғи, айланайлар, — кулишди хотинлар.

— Тўй қайси кўчада бўляпти?

— Манави молхонанинг ёнидан ўтсаларингиз, Йўлдош бованинг ҳовлиси бор. Ити ҳурса, «Тур кет» десангизлар, тишламайди. Бедапояси тугаб, ариқ чиқади. Ариқ ёқалаб, кетаверасизлар-кетаверасизлар, гўнгтепа ёнидан бурилсангизлар, тўйхонага етасизлар. Лекин тезроқ борингизлар, тўй охирлаб, овқати ҳам совиб қолди.

— Кўчадан бормоқчи эдик-да...

— Кўчадан айланиш узоқ бўп кетади. Яқин йўлни кўрсатаяпмиз-ку.

Хайрият, охири тўйга ҳам етиб келдик. Даствурхонлар ноз-неъматлардан бўшаб қолган, келин-куёв ҳам

зерикканидан эснаб ўтиришар, аммо ўртадаги бир тұда маст түйни тугатишга қўймай ғала-ғовур кўта-ришмоқда эди:

- Агар артистлар қўшиқ айтмаса, урамиз!
- Келин-куёвга жавоб йўқ!
- Фарона тонг отгунча!
- Яна бир мартадан «Жимми», «Эскадрон», «Ти марячка» айтилмаса, тўй «вапше» тугамайди!..

Иттифоқо, кўзим Исага тушди. У анча ширакайф ҳолда кимнингdir миясини қоқиб қўлига бермоқда эди. Султон беш-олти ёшдаги болага Исани чақириб келишни илтимос қилди. Иса биз томонга қаради-ю, қўли билан имлади. Ёнидаги одам ҳам бурилиб қараган эди, юрагим орқага тортиб кетди. У мактабимиз директори Қосим муаллим эди.

— Икковинг ҳам бу ёқقا кел, эшаклар! — деди директор.

Бордик. Директор бизни мактабдагидан бошқача қилиб, яъни уят сўзларни қўшиб сўкди. Ҳар бир сўкинишидан сўнг Иса хохолаб қулар, директор унга «Қойил қиляпманми?» дея қараб қўярди.

- Кимда сигарет бор? — сўради директор.
- Йўқ, — дедик биз.
- Бор, топиб кел, — деди Исага.

Директор жойидан тураётib, чайқалиб кетди. Мен суяб қолмасам, ийқилар эди.

— Ўв, сен ҳам тўйларга чиқадиган бўп қолдингми? — деди директор менга ўқрайиб. — Бешинчи «А» синфмисан? Эртага териларингни шиламан. Бугун... бугун мени уйга кузатиб қўяссанлар. Тушунарлими? Айтмоқчи, пиёда келдиларингми?

- Ҳа, — дедим мен.
- Нима?! Ўл пиёда келмай!.. Иса, сигаретни тутат!

Манави итвачча шогирдларингни ҳам мотоциклингда

## *Азамат КОРЖОВОВ*

---

олиб кетамиз. Тағин йўқолиб қолиб, мактабни шарманда қилмасин.

Қўчага чиққанимизда, машиналар ҳам кета бошланган эди. Иса мотоциклни танишиникита эканини, қўчага қўйиб бўлмаслигини айтиб, бир ҳовлига кириб кетди-ю, дарров қайтиб чиқди.

— Қосим ака, кайф ошиб қолибди. Бу уй эмас.

— Тез бўл! Қачонгача кутаман? — ўдағайлади директор. — Мактаб ўқувчисининг ичиб юришини қаранглар! Ўл бу кунингдан, алкаш!

Иса иккинчи ҳовлидан ҳам мотоциклсиз чиқди.

— Сўкмайсиз-да, энди, Қосим ака...

— Ҳўв, бузоқ! Мактабдан ҳайдалиб ўлгинг келдими?!

Навбатдаги ҳовлидан Иса «Восход» етаклаб чиқди. Мотор ўт олгач, Иса менга ёнилги баки устига ўтиришимни буюрди. Исанинг орқасидан директор, директорнинг орқасидан Султон мингашди. Тўрт кишини зўрга кўтарган мотоцикл кучанганча қишлоқдан чиқди.

Ярим кечаси ўзимизнинг қишлоққа кириб келдик. Қишлоғимиз остонасидан сой оқиб ўтган эди, биз ҳар куни қўй боқадиган макон. Иса мотоциклни сой кўприги устида тўхтатди.

— Тушинглар! — деди Иса бизга. — Сизларни деб қамалиб кетишни хоҳламайман. Мактабни битириб, ўқишига боришим керак.

— Нима деб валдираяпсан, ит? — директор ғазабланди.

Иса ҳаммани туширди-да, «Восход»ни сойга итарди. Сув шалоп этиб мотоциклни ютиб юборди-ю, яна бир текис оқа бошлади.

— Нима қилганинг бу?! — дея директор Исанинг юзига тарсаки туширди.

— Нимага урасиз? — йиғламсиради Иса. — Ўзимнинг мотоциклим устада эди! Бировнинг мотоциклини

ўғирлаб чиқдим, индамадингиз-ку! Энди уни гумдон қилишим керакми? Эртага құлга тушсак, милиция «Шерикларинг кимлар эди?» деса, «Мактабимиз директори», дейишга одам уялади-ку, ахир!..

Директор Исани қувлаб кетди. Анча вақтгача қоронғи сой бүйидан унинг сўкиниши эшитилиб турди. Ўшанда қанчалар чарчаган, қанчалар очиққан эдим! Қосим муаллимдек мактаб директорлари, Исадек ичувчи ўқувчилар бор эди шўро замонида...

## **ИШҚ ВА ВИЖДОН**

Гулини анча йил муқаддам (ўша дамларни эсласам бир аср ўтиб кетгандек туюлади) институт бўсағасида учратганман. Авайлаб ушлаб келаётган нарсасига эътибор бердим. Ўшанда унинг қўлида китоб, сумкача ё гул бор эди, деб ўйляяпсизми? Йўқ, одми кийинган кўзлари чақноқ қорасоч қиз янтоқ шохчасини кўтарганча зина томон шошилмоқда эди. Нигоҳларимиз тўқнашганида, шаҳло кўзлари баҳт-суурурдан янада яшнади. Шоду хуррам гўзалга дарҳол гап отишиди:

— Бунча чиройли гул экан, яхши қиз!  
— Нима бало, бу йил биринчи курсларда янтоқ совға қилиш урф бўлдими?

— Ҳой қиз, тиканларингизни эҳтиёт қилинг!..

Бир қарашибмадаёқ у кўнглимга ўтирган эди. Яноқлари қизариб, кўзлари севинчдан порлаб, аҳдидан қайтмай илгариларди. Ҳойнаҳой, янтоқ шохчасини ўқитувчилардан бири буюрган бўлса керак. Эҳтимол, дарсда аскотар.

Мен ҳам тиббиёт институтининг биринчи курсига қабул қилингандим. Тез орада маълум бўлдики, Гули билан битта факультетда ўқирканман, гуруҳларимиз бошқа-бошқа, холос.

Пахта ҳашарига чиққанимизда яқинроқ танишдим. Дастьлаб у отаси ўқитувчи, онаси кутубхоначи эканини айтди, аммо мендан сир яшириш ҳам осон эмасди, күп ўтмай суҳбатларимизда ҳақиқатни гапира бошлади. Отаси тракторчи, онаси фаррош экан. Гули шаҳарнинг гарб тарафидаги олис тумандан, мен эса шарқий туманданман, Жиззахга яқин. Бир куни опаларим ҳазил аралаш:

- Ўқишга ҳам ўтдинг, Пўлат, келинбоп қизлар бор эканми? — деб қолишиди.
- Кўп экан, — дедим.— Исмини ҳам айтайми?
- Вой, кўп бўлса, қайси бирининг исмини айтасан?
- кулишди улар.
- Гули деган қиз кўпроқ ёқади.
- Қаерлик?

Манзилини тушунтиридим. Бир опам уйи узоқ эканини таъкидлади, иккинчиси оиласи аҳволини суроштириди. Отаси тракторчи, онаси мактабда фаррош эканини маълум қилдим. «Бизга бу жиҳатдан ҳам тўғри келмас экан», дейишиди икки опам.

Кенж опам Маҳбубанинг жаҳли чиқди.

- Сайд аввал ўқисин, тўй қочмас, — деди у.— Қолаверса, келин танлашда етти пуштини суроштирасак ҳам, ҳарҳолда, отасининг пулига ёки уйининг қаерда жойлашганига қарамаймиз.

— Жа ҳақиқатпарварсан-да, Маҳбуб, — катта опаларим киноя қилишди. — Пўлатни ҳам паспортидаги исми бўйича чақиравсан, келин танлашда ҳам китоблардагидек бойликка, масофага, ёшга, миллатга, динга эътибор бермасдан фақат кўнгилни биринчи ўринга қўясан. Эндиғина талабаликка эришган эркатой укажонимиз ёлғиз меросхўр эканини эшишган қизлар чиппа ёпишиб олишини қаёқдан ҳам билардинг? Сенингча, ҳам-

ма қызлар ҳәели, барчаси тоза-озода-да, а? Шунақа шайтон қызлар борки, келажакда бойвучча бўлиб, қийналмасдан яшашдан бошқасини ўйламайди.

— Мұхими, қалби поклик, муҳаббат, ростгүйлик, — ҳар доимгидек бўш келмади Маҳбуба опам.

Аслида опамларнинг тортишувларига кўп-да эътибор бермасдим. Пешонамга ким битилса, ўшанга уйланаман, дердим. Умид қиласдимки, ёмон хотин учрамайди. Умид қиласдимки, у Гули бўлади. Садоқатли ёр, пазанда бека, меҳрибон она, опамларнинг орзусидагидан-да зиёда келин...

Вақт ўтган сайин Гулига боғланиб боравердим. Иккинчи курсда биз анча яқин дўстларга айлангандик. Кўнглимнинг бир чеккасида «Гули менинг бадавлат хонадоннинг ёлғиз ўғли эканимга қизиқади, бошқа қызларга бериб қўймасликка тиришади», деган аҳмоқона хаёл ҳам яшарди. Шу хаёлдан ҳеч қутулолмасдим. Бироқ Гули рўпарамда бутунлай ўзгарап, бошқалар олдидаги шўхлигидан, кулгисеварлигидан, айтиш мумкинки, ножиддийлигидан асар ҳам қолмасди. Гўё мен унинг ўқитувчиси ёки ҳурматли пири комили эдим. Нафақат ташки кўриниши, худди шу феъли ҳам ёқарди.

Кунларнинг бирида дугоналаридан қарздорлиги, пул жанжали оқибатида ҳамхоналари билан келишоммай ётоқхонанинг бошқа хонасига қўчгани қулоғимга чалинди.

— Сизга қанча пул керак, Гули? — дедим гап орасида.

— Қанақа пул, Сайд? — дея юзига қизиллик югурди. (Институтдагилар, жумладан, Гули ҳам паспортдаги исмимнигина билар, қишлоқдаги отим Пўлат эканидан бехабар эди.)

— Тортинмасдан сўрайверинг, менда пул бор... ортиқча...

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

---

- Раҳмат. Лекин бундан кейин одамни хафа қила-диган гаплардан гапирманг.
- Мен тұғри маңнода таклиф қилдим.
- Құйсангиз-чи, сизга оиласын ахволим ҳақида яқин дүст сифатида гапирғанман. Бу бироннинг, айниқса, курсдошининг пулуга муҳтож дегани эмас. Балки үт-ған ҳафта қарз сабаб анави қыздар билан ўртамизга со-вуқчилик тушганини әшитғандырысиз? Пул топилади-ған нарса. Дарсдан бұш вақтларимда ишламоқчиман.

- Шифохонада навбатчилик қилмоқчимисиз?
- Шунақароқ.
- Агар сиз ишласангиз, мен ҳам ишлайман. Қайси шифохона эканини айтсангиз бас.

Гули ҳеч қандай навбатчилик олмади. Унинг баҳо-лари қониқарсиз эди. Гарчи үқишиң үз билими билан кирған бұлса-да, фанларни ўзлаштиришдан тобора ортда қолаётғанди. Ёрдам беришни, қаноти бұлишни, ҳеч нарсадан қийналмаслигини истардым. Истак яна бир қадам ташлашга мажбур этди. Нихоят, севги изҳор қилдим.

- Севишиңгизни билардым, — деб ерга қаради у.— Сұрашга ирим қилғандым.

- Ирим қилғандыңгиз? Бунинг нимаси ирим?
- Эсингиздами, үқишининг бириңчи куни биз бөш корпус фойесида учрашғанмыз, құлымда янтоқ шохча-си бор эди.

- Эсимда, албатта.
- Маңнавият бўлимидағи Жўра домланинг янги таъ-мирланган хонаси учун келтириб бергандим янтоқни.
- Жўра Истамов кабинетига янтоқ илиб қўядиган ўқитувчими? Маңнавият бўлими кишиси-я?
- Йўқ, янтоқ шохчасини шкаф устига, кўзга унча ташланмайдиган жойга қўйишни мен таклиф қилган-дим.

- Таклифингизга күндими?
- Күнмагандек бўлди-ю, ўзим жойлаб кўйдим. Янги таъмирланган хонага битта тумор етишмаётганди.

Юрагимни шубҳа тифи яралади. Жўра Истамов яқинда институтни тамомлаган, ўтган йили уйланган ёш йигит эди. Бир гал хотини иккисини институт орқасида учратганман. Хотинига дағал муомала қилганди. Маънавият бўлимидаги ишлайдиган одамнинг ўзига маънавият етишмай қолиши мумкин эканига амин бўлгандим ўшандада. Иссиқ жон, тирик кўнгил, саркаш мия-да.

Ха, бирдан тарози палласига Гули чиқди. Севгилим ёрдамга муҳтоҷ, қониқарсиз ўқийдиган, чиройли, ҳар гапга кўнадигандек содда (институтга янтоқ кўтариб кирган, ахир!) кўринадиган талаба қиз эди. Жўра домла унга талабасидек қарамаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди. (Нега Гули келтирган алафни отиб юбормади? Индамади, кўнди, эриди...)

Аммо бадгумонлик ўтди-кетди. Юрагимга буйруқ беролмасдим. Ишқ тўлқинлари гумон соҳилларидағи майда-чўйда кирларни ювиб юбораверди. Гулининг камчиликларини кўрадиган кўзим, эшитадиган қулоғим йўқ эди. У мен кутгандан-да идеал қизга айланадигандек, бошқача бўлиши мумкин эмасдек эди, фақат менинг ўзим ҳозирча бир оз фўрдекман.

Учинчи курсга ўтганимда уйлантирадиган бўлишди. Ота-онам келин-куёвни ўқитишга, оёққа тургунча боқишига кучлари етадиган инсонлар эмасми, орзу-ҳаваслар тезроқ ушалишини хоҳлашарди. Сентябрда уларга Гулини айтдим.

— Анави қизми, отаси тракторчи, онаси фаррош? — лаб буришди опаларим.

— Аввал қизни кўринглар, намунча табақабозлик? — аччиқланди Маҳбуба опам. — Ота-онаси мансабдор

бўлса, қизидан яхши келин чиқади, деган фалсафани қайси хомкалла донишманд ёзиб қолдирган экан?!

— Ота-онаси оддий бўлса, яхши келин чиқади, дейилганми? — бўш келмади катта опамлар.

— Баҳслашманглар, биз қизни суриштирамиз, — деди онам.

— Ошиқ боланинг кўнглини синдириласдан келинни бир суриштиринглар, — маъқуллади отам.

Душанба куни шаҳарга олам-олам қувонч билан қайтдим. Дарсларда ҳам ана учаман-мана учаман деб қушдек енгил ўтирдим. Танаффусда Гулини ахтариб, шифохона ҳовлисига чиққанимда, у бурчакдаги дарахт тагида бир эркак билан нима ҳақидадир қизғин гаплашаётганига кўзим тушди. Кўзим тушдию паналадим. Назаримда, улар яхшилик юзасидан учрашмаган эдилар. Эркак кимнидир ҳақоратлаб, жаҳл билан қўл силтади. Ортига ўгирилганида, танидим: у Жўра домла эди. Юрагим увишиб, кўзойнагимни артдим-да, яна тикилдим. Гули ҳам қўлини силкиб-силкиб алланималар деди, худди ўқитувчиси эмас, тенгқури эди. Кейин Жўра домла Гулига нимадир тутқазди. Янглишмасам, пул эди. Гули олди.

Дарс тугаганида, Гулини чақирдим.

— Нима гаплар? — дедим зўрма-зўраки жилмайиб.

— Тинчлик, — табассум ҳадя қилди Гули ҳам. — Ётоқхонагами?

— Паркка кирсак дегандим, гаплашадиган гап бор.

— Ҳозир-а? — соатига безовта нигоҳ ташлади у. — Майлими, кечкурун гаплашсак? Бир иш билан кетаётгандим.

— Ишингиз шунчалик мұхимми?

— Мұхим эди-да... — узроҳ бўйини қисди гўзал.

— Менга айттолмайсизми?

— Кейин.

- Хұп, унда кутаман, — дедим.  
Гули бир неча қадам ташлаб, бурилиб қаради.  
— Сайд, менда қандай ишингиз бор эди үзи? — деб сүрәди.  
— Аввал ишингизни битириңг. Хотиржам гаплашиладиган гап.

— Ҳар доимгидекми?

— Бугун сал бошқача, — дегандим, у ним кулимсираб, құл учини қимирлатиб хайрлашди.

Кутубхонага кирдим, лекин хаёлимни йифиб ололмадим. Гули қандай қыз? Айрим миш-мишларга күра, вәйдабоз, ёлғончи ва писмиқми? Ёки үз күзим билан күриб турғанимдек оддий оиласдан чиққан минг тиришиб, минг чираниб үқиётган, келгусида етук шифокор бўлишга уринаётган ҳаракатчан қизми? Йўқ, мен үз күзим билан фақат шуларни кўряпманми? Жўра Истамов билан нимани гаплашди? Умуман, у нега ёрдами тегадиган ўқитувчилар билан апоқ-чапоқ бўлишга уринади?

Иккиланаётганимни сезиб, үзимдан хафа бўлдим. Гули ўқишини ҳам, рўзгорни ҳам эплайди, бу аниқ-ку. Ишқ оловим суст шекилли, боз устига үзим шунаقا қўрқоқман. Гулига ҳамма шароит яратилади. Ундан меҳр-муҳаббат ва ҳаракат талаб этилади, холос. Аммо барибир қандайдир омадсизликми, баҳтсизликми соя соладигандек туюлаверяпти. Гулида мен кўрмаётган яна қандай белгидан кўнглим безовта?

Ётоқхонага келиб, тўполон устидан чиқдим. Талабалар, ўқитувчилар тўпланишган эди. Қўшни гуруҳдаги қиз Гулига йиғлаб тармашди:

— Ўтган или сендеқ дугонадан воз кечиб, бекорга бошқа хонага ҳайдамадим! Сен фитначисан! Илоннинг ёғини ялагансан! Қанчага сотилганингни айт! Ҳамманинг олдида тан ол! Ўша пулни үзим берардим, хоин!

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

Пул олаётганингни кўрганлар бор, ичиқора, ёлланма, пасткаш, малай!

— Йиғиштир туҳматингни! — ўшқирди Жўра Истамов. — Қилғиликни сен қилдинг, Гули эмас! Ким бу йигит? Ётоқхонада, айнан сенинг хонангда нима қилиб утирибди? Институт шаънини ҳам булғадинг-ку!

— Биз ушладик, тамом! — деди нотаниш аёл хотин-қизлар бўйича масъул ходимага.— Тўғрими, опа? Энди келин қилмаймиз. Миш-мишлар рост чиқди.

Айгишларича, Гули пул эвазига курсдошимизнинг изидан жосусликка тушғанмиш. Қиздан анча вақтдан бери шубҳаланаётган куёв томон шундай йўл тутишибдики, эшикни қулфлаб, йигити билан учрашаётганини кўришлари шарт экан. Гули эшикни тақиллатибди. Қиз кимлигини сўраганида, Гули қарзини қайтармоқчилигини айтибди. Эшик очилибди ва куёв томондан келган ҳалиги хотин бостириб кирибди.

— Пул олганим йўқ, — деди ўша кун Гули менга.  
— Унаштирилган куёвининг айғоқчи аммасини ҳам танимасам. Йўлакда турган экан, бирортасини кутяпти, деб ўйлабман.

Табиийки, Гулининг гапига ишонмадим. Шу йил уйланишим ҳақида ҳам лом-мим демадим. Унинг дарахт тагида Жўра Истамовдан нимадир олганига шоҳид эдим. Бўлажак куёвини алдаб юрган курсдошимизнинг ётоқхонада қўлга тушиши бутунлай бошқа масала, Гулининг алдаётгани бошқа масала эди. Ёлғончи эканигина юрагимни безовта қилиб келаётганини тушуниб етдим. Ўша куниёқ иккинчи тасодиф буни исботлади. Маст йигит Гулига гап отган эди, асабларим панд бериб, бир тарсаки туширдим. Иккимиз жиққа мушт бўлдик. Хиёбон чеккасида милиция патрули турган экан, бир зумда етиб келишди. Учаламизни ҳам ички ишлар бўлимига олиб боришли.

— Қиздан соат сұрагандим, бу йигит биринчи бўлиб қўл кўтарди, — деди маст. — Нима, қизларга гапириш мумкин эмасми? Нотўғри гапирганимни тушунтиришса, олам гулистон эди, тиз чўкиб узр сўрадим. Дарров уриш шартми?

— Гувоҳ гапирсинг, — тўрдаги ходим Гулига имо қилди.

— Биринчи бўлиб Сайд урмади, у... безори урди... — деди Гули.

Мен оқландим. Кўчага чиқдик.

— Нега ёлғон гапирасиз, Гули? — дедим юрак-бағрим эзилиб.

— Вазиятдан чиқиши керак-ку, Сайд, — ўзини оқлади у.

— Бу шунчаки ёлғон эмас... тушунинг...

— Мени паркка нега чақиргандингиз? Сал бошқача гап деб алдаганмидингиз?

— Ҳа, алдагандим, — деб ичимда йиғлаб юбордим.

Алдов — нақадар жирканч душман эди. Опала-римнинг текширувидан Гули ўтолмаслиги аниқ бўлиб қолганди. Ҳақиқатан ҳам, улар институтта келишгач, ота-онамга ҳисобот бериши:

— Пўлат топган қиз қип-қизил шантажчи экан. Ётоқхонада ўз дугонасини ушлаб берибди. Яна кимларнингдир гапларини ректоратга етказаркан. Лайчами, айғоқчими, алламбало қиз.

— Сайд, — деди Маҳбуба опам ҳам бош эгиб, — хафа бўлма-ку-я, у қиз сенга муносиб эмас. Юрагида севги бор бўлса бордир, лекин ёлғонлари-чи? Отаси сохта гувоҳлик бергани учун қамалиб чиққан экан. Сенга шу ҳақда айтганми?

— Йўқ.

— Биз бошқа қиз топамиз.

Шундай қилиб, мени университетнинг педагогика

факультетида ўқыйдиган узоқ қариндош қизга унаштиришди. Күёв бўлганимни Гули кўрмади. Учинчи курс охирида у ўқишдан ҳайдалди. Сабаб иккита эди: имтиҳонлардан ўтолмаганлиги ва Жўра Истамовнинг пора олишида воситачилик қилгани.

Дардимни ҳеч кимга ёролмасдим, ҳатто Гулининг ўзига ҳам. Муҳаббат ва виждон бетиним курашарди. Икки олий туйғу нечун ёв бўлди, тушунолмасдим.

Шу-шу Гули кўринмай кетди. Уйландим. Соҳибжамол ёлғончининг ҳажр азоби босилиб, оиласдан бошқасини ўйламай қўйдим.

Ўқиши тугатгач, ўзимизнинг тумандаги жарроҳлик бўлимига ишга кирдим. Кўнглимнинг бир четида ҳамон Гули хаёли мудрарди. У турмуш қурганмикан? Қаерда яшётган экан? Нима иш қиляпти? Нега ёлғон билан ошна тутинди? Пулга қизиқар экан, мендан бир тийин ҳам олмади-ку? Балки у менга оз бўлса-да, тенглашиш учун пул дардиға учрагандир?

Ва ниҳоят, йиллар ўтиб, тақдирнинг аччиқ йўлларида учрашдик. Ўша йили мени қўшни туманга вақтинчалик ишга юборишиди. Жойим кимгадир керак бўлган экан. Операция хонасидан чиқиб, кўзимга қалин кўзойнакни тақсанча, юзимдан ниқобни ҳам олмасдан ҳоргин ўтиргандим, эшик очилиб, Гули остона ҳатлади. Тужжор хотинлардек кийинган, юзига ажин тушган бу аёлни даставвал таниёлмай, аниқроғи, кўзларимга ишонмай ҳайратдан донг қотдим.

— Пўлат ака, сизмисиз? — деди у.

Бош қимирилатиб, «Ҳа», дея фурандим.

— Мен ҳозиргина операция қилинган касалнинг қариндошиман. Мана, айтганингизни келтирдим.

У газетага ўроғлик нарсани стол устига қўйди. Бир даста пул эди. Пулни шу ондаёқ Гулига тутқаздим.

— Кечирасиз, Гули, — дедим, — мени ким биландир адаштирдингиз. Порахұр әмасман. Қолаверса, сиздан пул ҳам сұрамаганман.

— Са... Сайд?!

У мени таниди. Шу пайт хонага фуқаро кийимидағи ички ишлар ходимлари кириб, гувохномаларини күрсатишиди.

— Пора билан құлға олиндингиз, — изохлади бири.

Мен илк бор қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. Терговда Гули ҳаммаси бұқтон эканини, пора сұрамаганимни айтса-да, мен рад этдим.

— Шу аёлнинг орзуси ушалсин, — дедим. — Пора сұраганман. Порахұрман. Айтганимни келтиришини талаб қылганман.

— Йўқ, ундаи әмас! — ўкириб йиғлади Гули.— Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон!

Ҳақиқат ҳүшёр. Мен қамалмадим. Терговхонадан чиққанимда Гулини сұнғги марта учратдим.

— Бир марта рост гапириңг, — дедим унга.— Мени чиндан севғанмисиз?

Кўзлари йиғидан қизарған хотин «севғи» сўзини эшишиб сесканиб тушди.

— Йўқ, — деди пицирлаб.

Менимча, бу унинг яна бир ёлғони эди.

## **КИНОТЕАТРДАГИ АРВОХ**

Бундан анча йиллар муқаддам чекка қишлоқлардан бирида кинотеатр қуриладиган бўлибди. Ўша пайтда Меъмор Таравов хўжалик раиси, бошқача айтганда, «хўжалик отаси» экан. Бухоро амиридан кам жойи йўқ эди, дейишарди эскилар. Ўтир деса одамлар ўтираркан, тур деса туаркан. Ҳозирлари бирор фермер келиб, қайсиdir хонадон эшигини қамчи дастаси билан

## *Азамат КОРЖОВОВ*

түрсиллатиб уриб, «Ишга чиқинглар!» деб оила ахлига дағадаға қилишини тасаввур эта оласизми? Ёки етти ёт бергенаның келинини құлидаги тұдаги билан далага қувганини құрганмисиз? Бундай воқеалар Меймор Тарапасов замонасида оддий ҳол экан.

— Сен, — дебди бир куни туман каттаси Меймор Тарапасовга, — исми жисмига монанд, шу билан бирга, исми ишига ҳам монанд бўлишинг керак.

Меймор Тарапасов масала нима хусусда эканини тушунмабди. Кейин қараса, гап маданият уйи — кинотеатр қуриш ҳақида боряпти. Шусиз ҳам кинотеатр қуриш режасида бор экан.

— Қурамиз, — дебди «қишлоқ ҳукмдори». — Планни бошлиб ҳам қўйганмиз.

Барча ҳужжатлар таҳт қилинибди, маблағ ажратилибди, бироқ кинотеатрни, қишлоқдагиларнинг шевасида айтганда, «қлуп»ни («клуб» сўзининг бузилган шакли) қаерда бунёд этиш мавҳумлигича қолибди. Атроф пахтазор, бўш жойлар эса қўриқ ва жарликлардан иборат экан.

Темирийўл ортидаги идорага кечқурун хўжаликнинг барча мансабдорлари йиғилибди.

— Кимда нима таклиф бор? — сўрабди Меймор Тарапасов бошини қашиб қофозга тикиларкан. — Гапиринглар! Нима, фақат мен гапиришим керакми? Сизлардан ҳам бир эшитайлик-чи!

Идорадагилар бир-бирлари билан кўз уриштириб, елка қисишибди. Маданият ўчоғи зарур экан, пахта майдонини бир неча сотихга қисқартиришга тўғри келади-да. Бироқ маданият учун даланинг бир қисмини қурбон қилишга раис ўла қолса ҳам кўнмасди. «Сенинг еринг кўп», деб йигирма беш сотихли томорқа эгаларига ҳужум қилиб қўрганди, ўн битта боласини пеш қилиб дод-вой солишди. Бу болалар

улгайса, ҳар бирига йигирма сотихдан томорқа керак эмиш. Күп үтмай Ер шарида ҳаммага ҳам ер етмай қолиши ўшандаёқ олдиндан күриниб турган ҳақиқат экан-да. «Аммо кинотеатрсиз Ер шари ҳам сайёрами? Сайёра эмас, Қуёш тизимидағи бемақсад дайди! Бу дайдининг ахолиси кимлигини тасаввур қиласкеринг!» дебди кимдир. (Афсуски, бу гапни ким гапирганини кейинчалик ҳеч ким эслолмабди.)

Хуллас, йиғилишда «құлуп»ни қаерга қуриш тоғаси Меъмор Тарасовнинг ўзидан чиқибди.

— Бұлмаса, менинг қароримни эшитинглар, — дебди раис. — Авлиё отанинг чорбоғини бузамиз. Барибир у ерда ҳеч ким яшамайды, ҳеч кимга керак эмас.

— Лекин у ер... — дея олдинги сафда үтирган агроном аввал ёнідагиларга, сұнг орқадагиларга қарабди.

— У ер... — деб агрономнинг гапини давом эттирибди собық муаллим, яъни дала иш бошқарувчиси, халқ орасида «Управлайиш» лақаби билан машхур одам — ...у ерда қабр бор-ку, раис бова.

— Қанақа қабр? — Билиб туриб, билмасликка олибди Меъмор Таравов. — У ер қабристон демоқчимисиз? Ким айтди сизга қабристон деб? А?! Бирор отасини ё онасини күмибдими ўша чорбоққа? Қабристон хув анави тепаликда! Амир Темурнинг соқчиларидан қолған тепаликда!

— Гап бунда эмас-ов, раис бова, — томоқ қирибди ферма мудири. — Авлиё отанинг ҳовлиси зиёратгоҳдек жойта айланған, одамлар ўрганған, бузсак қаттық хафа бұлишади. Ҳовлида мозор борлигини ҳаммамиз биламиз...

— Кецирасизу, қаерда мозор йўқ?! — Раиснинг жаҳли қўзий бошлабди. — Сизнинг фермангизнинг таги ҳам мозор!

— Йўғ-е... — Мудирнинг кўзлари ола-кула бўлибди.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

— Йўғ-е эмас! Наҳотки, Умар Хайёмни ўқимаган бўлсангиз? Кўзагарга айтади, лойни эҳтиёт бўлиб теп, у бир гўзалнинг қоши-кўзи эди, деб. Минг йил олдин, миллион йил олдин фермангизнинг тагига кимлар қўмилганини, ҳагто тандирингиз ясалган тупроқ қанчалаб марҳумларнинг мозоридан олинган тупроқ эканини ўйлаб кўрганмисиз? Ноннинг орқасига ёпишган тандир кесаги, ҳа, кўпинча билмасдан еб қўядиганимиз ўша кесак минг йил бурунги одамнинг тупроққа айланган юраги, эҳтимол, жигари, ўпкаси, кўзи, мияси!

Идорага бир зум совуқ сукунат чўкибди. Раис қайси биirlingни есам экан дегандек қафасдаги жониворларга — қўл остидаги ходимларга қонли кўзларини тикибди.

— Бовайлар Авлиё отанинг ҳовлисини масжид қилсақми, деяпти-да... — дебди «Управлайиш» раисни фикридан қайтариш илинжида.

— Масжид? — столни урибди раис. — Эсингиз жойидами сизнинг?! Мен маданият уйи қурамиз деяпману сиз нималарни гапиряпсиз-а! Одамларнинг онги ошиши, ахлоқи шаклланиши учун кинолар керак, театрлар керак! Бизнинг «калхўз»га ҳам артистлар келсин! Халқ маданийлашсин! Келажак авлод кинолар орқали, театрлар орқали маданийлашади! Тепадан бежиз буюришмайди! Биз кинотеатрсиз, маданиятсиз яшадик! Гўр бўлдикми?

— Кинотеатр қурилади, Авлиё отанинг қизининг мозорига эса тегинилмайди, — дебди бош ҳисобчи вазиятни юмшатишга тиришиб. — Вот, масала қаёқда! Қабр кинотеатрнинг орқасида қолиб кетади, унга ҳеч ким зарар етказмайди. Умуман олганда, эгасиз ташландиқ жойда муҳташам кинотеатр қад ростласа ёмонми? Раис бова тўппа-тўғри айтяпти! Қишлоққа кино кириб келса, театр кириб келса, ҳақиқатан ҳам

халқнинг онги ошади, маданий ҳордиқ чиқаради, кенгрок фикрлашни, ўзини тутишни, маданиятни ўрганади. Энг муҳими, одамлар дам олади. Тұғрими, ўртоқтар? Масжид... энди... қишлоқ ўртасига яраш-майди-да. Тан олайлик, қайси биримиз бориб намоз ўқиймиз? Дастанхоннинг бошида омин қиласыз, холос. Лекин бу дастанхонда ароқ ҳам бор, чүчқа гүшт ҳам. Демек, омин қилишимизнинг динга алоқаси йўқ, ота-боболаримиздан қолган урф-одат. Хуллас, тўртта бовайнинг кўнглига қараймиз деб давлатнинг топширигини қойиллатолмасак бўлмас.

Нихоят, Авлиё отанинг чоғроққина эски бофини текислаб, маданият иншоотига пойдевор қўйишга келишиб олибдилар. Ўша кезлари Авлиё отанинг ҳовлиси қишлоқ аҳли учун зиёратгоҳ каби бир масканга айланса бошлаган экан. Бундан ташқари Ҳайит айёмлари, йилгўжа маросими ўтказилар, рамазон кунлари кам сонли намозхонлар томонидан таровеҳ намози ҳам ўша ерда ўқилар экан.

— Авлиё отанинг ўрнига «қлуп» қуриш катта хато, — дебди қишлоқ мулласи.— «Калхўз»га маданият керак экан, Авлиё отанинг уйини бузиб маданият қурадими? Авлиё отанинг жойининг ўзи бир маданият-ку!

— Кинотеатр дегани келажакда ҳаммани маданиятли қилиб қўярмиш, — унинг гапини маъқуллабди бошқа бир қария.— Масжидинг бўлмаса маданиятни қаёқдан ушлаб турасан?! Кинонинг ҳам фойдаси бор, масжиднинг ҳам. Биттасининг ўрнига бошқасини курссанг элни бузганинг қолади. Буларнинг айтгани битта оёқ бўлса, бизнинг айтганимиз иккинчи оёқ. Масжидни бузиб, ҳамма одамни чўлоқ қилишми мақсад?

Шундай қилиб, қишлоқдаги сўнгги боққа танклар каби бешта қизил бульдозер ўкириб ҳужум қилибди. Бир кунда уюм-уюм кесак бўлакларию шох-шабба ва

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

тұнkalарга айланған бөг жарлик томон суриб ташла-  
нибди. Текисланған жойға шағал түқилиб, қурувчилар  
ишға тушиб кетибдилар.

Бұльдозерчилар ростдан-да бөг четидаги кичкина  
мозорға тегмабдилар. Аниқроғи, қабрни бузишиңа ҳеч  
кимнинг ҳадди сиғмабди. Режа бүйіча клуб биноси-  
нинг пойдевори Авлиё отанинг қизининг қабри ёни-  
дан қад ростлайдиган бұлибди. Шу тариқа қабр кино-  
театрнинг орқасыда қолиб кетиши керак экан.

Пойдеворға бетон қуйиладиган күн қурилиш ишбо-  
шисы раисга:

- Нотүғри иш қиляпмиз-да, — дебди.
- Сен ҳам афюнга ишонасанми? — ўқрайибди раис.
- «Дин халқ учун афюндир» деб пешонанға ёзіб  
құяйми?

— Йүқ, аксинча, — ялтоқланибди ишбоши. — Ки-  
нотеатр орқасыда мозор борлигини билишса, барибир  
күчиртириб юборишиади. Агар қурилишни бошламасдан  
аввал қабрни йүқтөсак эди, пойдеворни яна бир оз  
силжитардик. Натижада кинотеатрнинг олд тарафи ва  
күча үртасыда каттароқ жой қоларди. Шунда рисола-  
дагидек чиройли чиқарди, раис бова. Кинотеатрнинг  
олди бундоқ кенгроқ бұлиши керак-да. Келажакда  
фаввора қуриш ҳам мумкин бұлар. Балки ҳайкал ҳам  
ұрнатылар.

— Менгаям ёқмаяпты шу мозор, — Меймор Таравов  
ишбошининг елкасига қоқибди. — Нима қил дейсан?  
Күчиртирайми?

— Битта қабр экан-ку, давлат шаҳарда бутун бошли  
гүристонларни буздириб ташлаяпти. Ўзи қизни нега бу  
ерга дағн этишган? Авлиё отанинг мозори анави тепа-  
ликда бұлса. Отаси ётган қабристонға күмиш керак-да.

— Ким билсін, — құл силкибди Меймор Таравов

нари кетаркан.— Сенлар буз дейсанлар, бошқалар бузма дейди. Нима қилишга ҳам ҳайронман.

Үша куни туман каттаси хұжалик марказидан үтиб қолибди. Йүл-йүлакай кинотеатр қурилишини күрмокчи булибди.

— Ишни тезлатинглар, — дебди у қурилиш оралаётіб. — Байрамгача топширилсін!.. Ие, анави нима, Тарасов? Қабрми?

Меъмор Тарасов ҳаммасини сұзлаб берібди.

— Агар сизга кинотеатр эмас, мавзолей қуришни буюрганимда қуармидингиз? — сұрабди туман каттаси.

— Энди-и... — чайналибди раис. — ...жавоби аник. Топшириқ берилса, қуардим, албатта.

— Хүш, мен мақбара қуришни буюрдимми?

— Йўқ.

— Эртага ёнингизга тұрт-беш ишчингизни олиб, мен айтган жойға — шаҳарға борасиз. Сизбоп ҳашар бор. Ҳозир үша ёқдан келяпман, қурилиш мұхандиси курсдошим бұлади. У йүл қуряпти. Катта йүл! Тұғри пойтахтга әлтүвчи магистрал. Бир кун ҳашарда қатнашиб, иш ўрганасиз.

Меъмор Тарасов әргасига бир машина ишчиси билан вилоят марказига йүл олибди. У ерда ғаройиб манзарани қўрибди. Эски қабристон бузилаётган эмиш. Ҳашарчи талабалар ва ишчилар юқ машинасига одам сүякларини ортаётганмиш.

— Қабристоннинг муддати үтган, — дебди шаҳарлик мұхандис.— Янги тушаётган йўлнинг равонлигини таъминлашимиз керак. Битта-иккита мархумларнинг чеваралари топилди, қабрларини қўчиритириб кетишли. Қолган қабрлар эса әгасиз. Умуман олганда, бу сүякларга энди қаерда ётишнинг нима фарқи бор.

Меъмор Тарасов қишлоққа қайтгач, Авлиё отанинг қизининг кичкина қабрини ҳеч иккиланмасдан буз-

дириб, сүякларни тепаликка кўмдирибди. Ҳашаматли кинотеатр биноси қад кўтарибди. Қурилиш пайтида қабристоннинг шимол томонидаги жарлик текисланиб кетган эди. Колхоз маъмуриятининг саъй-ҳаракати билан бирйўла у ерда хўжалик учун янги омборхона қурилибди. Қишлоқ кўркига кўрк кўшилгандек, ободончилик авж олгандек, кўчалар замонавийлашгандек туйилибди.

Авлиё отанинг кўхна ҳовлиси бузилишидан қаријлар аввал-бошдан норози эканлар. Мозор очилиб, сүякларни тепаликка элтиб, нари-бери дафн этиш уларни қаттиқ ранжитибди.

— Авлиё отанинг ҳовлиси ўрнига «қлуп» қуришларига чидаш мумкин эди, — дейишибди улар, — аммо мозорни бузиб бекор қилишди, буниси ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Мозорнинг устига қурилган бино қачон хосият келтирган! Касофати бошқаларга ҳам урмаса эди!

— Арвоҳлар борми ўзи, бова? — сўрабди бир шира-кайф тракторчи.— Нега энди мозорни бузиш керакмас дейишади? Сүяклар хафа бўлишига ҳеч ишонгим келмайди-да. Менимча, хафа бўлиш учун сүякнинг жони бўлиши керак.

— Арвоҳ борми, йўқми, муҳокама сенинг чекингга тушмаган! — койиб берибди чол.— Менимча, унақа бўлиши керак, менимча бунақа бўлиши керак, деб у дунёни муҳокама қилишларингга умуман ҳақларинг йўқ! Тушунчанг бўйича, маданият деган нарса борми, бор! Қайси маданиятли одам гўрни бузади? Жа ҳеч нарсага ишонмас экансан, ёдгорликка ишонасанми? Гўр ҳам бир ёдгорлик-да, аҳмок! Отангнинг сугидан коса ясад, ароқ ич деса, ичасанми?

— Маданиятга қарши экансиз, — илжайибди тракторчи. — И, маданиятни тушунмас ҳам экансиз. Қлуп

ҳаммага керак. Кейин... ҳамманинг ҳам суягини хўрлаб бўлмайди, бова.

— Баракалла! «Ҳамманинг ҳам» эмас, ҳеч кимнинг суюгини хўрлаб бўлмайди. Яна бир нарсани унумга! Ўша «қлуп»ингга ит ҳам қарши эмас! Гап унинг қандай жойга айланишига бориб тақаляпти. Шундай жойни маймунхона қилиб қўймасаларинг отими ни бошқа қўяман! Қлуп ҳаммага керак эмиш! Нима, масжид фақат менга керакми? Ўзи сен масжид нималигини билганингда эди, оғзингга ароқ олмасдинг. Аттанг, эҳ, аттанг...

— Арвоҳ уради буларни, — дебди бошқа қария.

Раҳбарлар қарияларнинг бундай гап-сўзларини ирим-сиримга, хурофотга йўйибдилар.

Кинотеатрнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтибди. Очилиш маросимига вилоятдан санъаткорлар келибди. Концертдан сўнг қишлоқ аҳлига оқ матоли экранда чет эл фильмни намойиш этилибди. Фильм шунчалик қизиқ эканки, одамлар дунёни унугибдилар, ўша фильмнинг хаёли билан яшабдилар. Эрлар ўйига бориб, кечаси хотинига кинодаги ишқий муоммалани қилибди, ўсмирлар рақиблари билан кинодагидек муштлашибди, қизлар ўша фильм қаҳрамонларининг расмларини йиғибдилар, ўзларини маъшуқа, гап отган йигитларнинг энг сараларини эса ошиқ деб ҳисоблабдилар.

Шу-шу кун-кун ора турли фильmlар намойиш этила бошлабди. Концертлар ҳам бўлиб тураркан. Йиллар ўтиб, аниқроғи, йигирма йилча ўтиб, норози қариялар бирин-кетин оламдан кўз юмибдилар. Бу вақтда Меъмор Таравос кексайиб, аллақачон нафақага чиққан, оғир хасталикка чалинган экан. У раислик даврида кўплаб иншоотларнинг қурилишига бошчилик қилган бўлиб, ҳар бирининг тарихини алоҳида эслаёл-

мас, сўзлаб беролмас экан. Янги авлоднинг назаридаги кинотеатр азалдан бор эди. Унга ҳеч ким ҳайрон бўлиб қарамайди, ўтмишини ёдга олмайди. Концерт ёки кино келса, кечқурун кинотеатр олдини ёш-яланглар, қизлару келинлар, маст-аластлар, бола-чақалар босиб кетади. Кимдир писта чақсан, кимдир сигарет чеккан, сўкинган, ҳуштаквозлик қилган. Бирортаси «биз ҳам ўткинчимиз, қун келиб, шу кинотеатр тагида дафн этилган қиздек ҳаётдан ўтиб кетамиз» деб ўйламабди. Ўйлаш тугул, хаёлларига ҳам келтиришмабди. Гўёки умр абадий давом этадигандек, ота-она ҳам ўлмайдигандек, ёшлик сўнмайдигандек, ҳеч кимнинг бошига фарзанд доги тушмайдигандек, инфаркт, инсульт, пес, мохов, қандли диабет, қон босими каби касалликлар ёпишмайдигандек экан. Ҳатто, одамлар «кинотеатр — маданият маскани» деган фикрдан ҳам йироқ бўлиб, «қлупга қизиқ кино кепти, бориб кўриш керак», «орқадан жой олсан, севгилим билан гаплашиб ўтираман, қўлидан ушлайман, ўпаман», «шанба куни дискотека бўларкан, жўралар билан бир йигилишиб борамиз», «ойликни олсан, ошхонада икки сих кабоб билан икки юз граммни уриб, қлупда маза қилиб кино кўраман» деган гапларнигина хаёлидан ўтказишаркан. Болалар у ерга деразадан ошиб тушиш ёки кимнингдир панасида чиптачининг кўзини шамғалат қилиб ичкарига кириб олиш пайида бўларкан.

Яна йигирма йилча вақт ўтибди. Меъмор Тарасов, «Управлайиш», ферма мудири, бош ҳисобчи, қурилиш ишбоиси, ҳатто кинотеатр пойдеворига бетон қориган ишчи йигитлар — бари тақдир тақозасига қўра ошини ошаб, ёшини яшаб, бирин-кетин дунёдан ўтибдилар. Фақат бойлардан ва подшолардан мерос қолади, деб ўйлаганлар янгилишган эканлар. Кинотеатр туман каттасидан, Меъмор Тарасовдан, қурилиш

ишбошисию оддий бетон қорувчидан, хуллас, күплас одамлардан қолган моддий мерос экан.

Авлиё ота ва унинг кўхна ҳовлисигаги қиз қабри ҳақида биладиганлар анча камайибди. Кунларнинг бирида Меъмор Тарасовнинг ўн саккиз ёшли невараси — ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган Замонали деган йигит кинотеатр тарихи ҳақида бир кампирдан эшитиб қолибди.

— Менинг бобом қурдирганини биламан, лекин унинг жойида илгари Авлиё ота деган одамнинг ҳовлиси бўлганини ҳеч ким айтмаган, — дебди Замонали писта пўчоини туфлаб. — Ростдан ҳам авлиё бўлганми ўша Авлиё ота?

— Одамлар «Авлиё ота» деб бекорга ном қўймаган. Бечора кўп яхши ишлар қилган, йўл очган, кўприк курган, етим-есирлардан ёрдамини аямаган, ҳажга пиёда бориб келган, куш тугул, қумурсақага ҳам озор бермаган.

— Шунақалар авлиё дейиладими?

— Шошмасанг-чи, болам. Бундай ёқимсиз оҳангда гапириб ўрганмагин. Ҳаёт кино эмас, ўзингни ҳаётдагидай тут... Нима деяётгандим?

— Қумурсқани ҳам босмаган эканлар.

— Гўри нурга тўлгур Авлиё отанинг фарзанди бўлмаган, чол-кампир ёлғиз яшаган. Умрлари яримлаб қолганида, бир қизчани асраб олган. Одамларнинг айтишларича, Авлиё ота қизчани ярим кечаси ташландиқ зиндан олдидан топиб олган эмиш. Яна ким билади дейсан, ярим кечаси, ташландиқ зиндан олдида ҳеч кими йўқ шўрлик қизча нима қиласди.

Қиз бечора жуда ҳам фамгин экан. Бир-икки йил ўтибди. У на кулармиш, на ортиқча гапирамиши. Лекин меҳнатдан қочмас экан. Саҳардан қора кечгача ишласа ҳам чарчадим, деб нолимабди. Уй ишларини

тиндириб, сұнгра түшагига кириб, мулойим бўлиб ухларкан. Авлиё отадан олдинроқ туриб, таҳоратга сув тайёрларкан. Бир кам дунё дейдилар, қизчаси тушимагурнинг ғалати бир одати бор экан. У қуёшга чиқмас, одамларга қўшилмас, ота-онасидан бошқа ҳеч ким билан суҳбатлашмас экан. Авлиё отага ҳам, кампирига ҳам нега хилватни ёқтиришини то ўлими яқинлашгунча айтмабди.

Чол-кампир қизга бутунлай суюниб қолишган экан. Қиз нафақат дастёр, худди ўзлари дунёга келтирган фарзанддек экан. Шўрликлар фарзандли бўлдик, деб ишонишган, уйимизнинг чироғини ёқиб ўтиради, дея умид қилиб яшашган. Афсуски, қиз номаълум хасталикка чалиниб, тўшакдан туролмай қолибди. Бечора эшик ва деразаларга парда тутиб, қоронги қилишларини сўрабди.

Орадан ойлар ўтиб қиз вафот этибди. Ўлишидан олдин «Мени ташқарига чиқарманлар» дебди. Шунда Авлиё ота кўкайи куйиб: «Нима учун қуёшдан, одамлардан бекиниб яшадинг, қизим?» деб сўрабди. Қиз шундай деб жавоб берибди: «Отажон, мендан хафа бўлманг, бу дунё чанг-фуборга ботган. Кўнглимни қанчалик асрамай, агар қулогим ёмон сўзларни эшитса, тилим ёмон сўзларни гапириб қўйса, кўзим ёмонларни кўрса ёки осийларнинг кўзи менга тушса, ҳаммаси бекор... ҳаммаси бекор... Мени қабристонга олиб борманг... Шу ерга... ётган жойимга кўминг... Қиёмат куни мен шу ердан тирилиб чиқиши истайман...»

Авлиё ота васиятни бажариб, қизни ётган жойига дағи этибди. Кейин уйни бузиб, ҳовлисининг бошқа томонига кўчирибди. Уйнинг ичилда мозор сақлаб бўладими. Гапларимга эътибор беряпсанми, болам, қабрни эмас, уйни бузган. Бу қлуп эса тескариси бўлди.

Қиз қандай касалликдан нобуд бўлганини ҳеч ким

билмайди. Ишонмасанг, менга үхшаб тирик юрган қариялардан сұра. Авлиё отанинг қизи ҳақиқатан ҳам бир дунё сир, бир дунё жумбоқ. Үйлаб қарасанг, бу жуда тушунарлы воқеа. Аслида Авлиё ота эмас, қизи бир валламат бўлган. Бироннинг машхур бўлишига бошқа бирорларнинг тақдириям хизмат қилади, болам. Ҳеч ким атрофидаги одамларсиз ёлғиз ўзи тарихда қолмайди.

У замонлар қишлоқда қабристон йўқ эди, ўликни узокдаги Қорасой мозоротига олиб боришарди. Қиз қазо қилиб, Авлиё ота уни ўз уйига кўмгач, одамлар қишлоққа мозор керак деб, хув анави тепаликни гуристон қилганлар. Авлиё отанинг ўзи ҳам Темур бова тепалигига ётибди.

— Ўликни уйига кўмган бўлса, авлиё эмас, лўли экан-да, — дебди Замонали масхараомуз оҳангда. — Эшитганман, лўлилар ўликларини уйларига кўмишади.

— Бу гапинг лўлиларнинг қулоғига етиб борса, қаттиқ ўксийди, болам, — кампир йигитга ачиниб қарабди. — Гапни етти ўлчаб, бир кесиб гапириш керак. Авлиё ота қизини ўз уйига кўмганини эшитса, биз ҳақимизда ҳам шундай гап тарқатишлари мумкин-ку. Ёки шу қлуп ҳақида-чи? Чет элликлар эшитса, улар шундай халқи, аждодларининг қабрларида устида театр томоша қилади, калласи йўқ экан, демайдиларми?

— Зал тўла бошсиз одамлар... Калласи йўқ мурдалар... Ҳе-ҳе-ҳе-е... Эртак эшитдим шекилли, — кулибди Замонали. — Авлиё ота ёш болалар ишонадиган афсона экан, момо.

— У ҳолда сен ёш бола эмас, қари бола экансан, кўриниши сўлақмондай, лекин феъли бола, бола бўлганда ҳам,чувалчангдай бола, — дебди кампир. — Маслаҳатим, улғай, тезроқ улғай. Бандаси борки, тупроққа душман эмас. Ҳамма гап тупроқдан нима бунёд бўлишида. У қабрми, зиндонми, қлупми, ўйлаб кўравер.

— Нимасини ўйлайман?

— Нимасини ўйлайман дейсанми? Қлуп одамларни майшаттаға ўргатмади, унинг жони йўқ, у бор-йўғи бир тупроқ, лекин кимни кўрсанг, шу қлупни майшат макони қилиб олган-да. Шундан тушуниб олавер. Одамларга нима кераклигини одамларнинг ичидаги юрган одам билади. Қишлоққа қлуп қуришдан олдин бошқа нарсалар ҳам қуриш кераклигини раҳбарлар тушунишмади. Тушунишмагани учун ҳам қлупга тайёр бўлмаган одамларга қлуп бериб, расвои жаҳон қилди. Жонсиз нарса одамни йўлдан урмайди, аммо охир-оқибат йўлдан урган бўлиб чиқади. Ҳамма гап...

— Кампир худди ўқитувчилардек чаккасига нуқибди. — ...ҳамма гап мияда нима борлигига. Тағин «бу момом кинога қарши экан» деб гапириб юрмагин. Мен кинони эмас, уни одамий қилиб ишлашни билмаганларни, одамга ўҳшаб томоша қилолмаганларни ёмон кўраман. Сен ўйлайсанки, кампирлар ҳеч нарсани билмайди. Унутма, кампирлар, чоллар кўп гапиришни ёқтирумайди, холос. Рўзгордан, тўй-маъракадан, қариндош-уруғдан бошқасини гапирмайдиган момоларинг, боваларинг бошқа гапларни билмайди, деб ўйласанг, катта хато қиласан.

Замоналига буларнинг ярми китобий гаплар, ярми чўпчак бўлиб туйилибди. Кампир бошқа томонга, Замонали бошқа томонга кетибди. Кейин иккиси ҳам бир-бирини қайтиб кўрмабди.

Кинотеатр қурилиб-битказилганидан сўнг атрофи девор билан ўраб олиниб, четларига дараҳтлар экилиб обод қилинган экан. Кинотеатр ҳам, омборхона ҳам гуллаб-яшнаб келаётганди. Замоналининг ўлимигача бу ерда баҳтсиз воқеа юз бермаган дейишади. Йигит ўша кампир билан гаплашганидан кейин одатдагидек шанба куни кинога борибди. Чекқадаги ўриндиқлар-

дан бирига (әхтимол, қизчанинг қабри ўрнига) жойлашиб олибди-да, оёқларини чалиштириб, писта чаққанча оқ сурпдан тайёрланган экранга тикилибди. Кино бир бетайин аёлнинг бузуқчилиги унинг теграсидаги эркакларнинг аёлдан ҳам баттар айнигандиги ҳақида экан. Фильм йигитга ҳузур бахш этибди. Янада күпроқ ҳузурланиш учун клуб биносига киришдан аввал бир пиёла эмас, икки пиёла ароқ ичмаганига афсусланибди. Писта ҳам, ароқ ҳам камлик қилибди. Агар писта тугаса, нос отиб олиб, ўриндиқ тагига паналатиб туфлайди. Замонали бундан бошқа эрмакни билмас экан-да.

Фильм яримлаганда, ёмғир шаррос күйиб, чироқ ўчибди. Одамлар зулматда қолишганидан эмас, бузуқчилик томошасидан узиб қўйишганидан роса ҳуштаквозлик қилишибди.

- Чироқ! Чироқ! — қичқиришибди улар.
- «Сапожник!» — деб киномеханикни ҳам сўкибидар.
- «Электросет» тўнка!
- Механик пиёниста!..

Томошабинлар бақир-чақир қилиб, бир оз кутишибдию «электросет»нинг бошлиғидан бошлаб киномеханиккача — ҳаммани сўка-сўка уй-уйларига тарқалибдилар. Киномеханик ҳақиқатан ҳам отиб олган экан. Залга қараб: «Ҳеч ким қолмадими?.. Ўв-в!..» деб хириллоқ овозда бақирибди. Одам зоти жавоб бермабди. Чироқ ўчган палла Замонали қаттиқ уйқуга кетган экан, бир ширакайфнинг овози иккинчи ширакайфни уйғотолмабди. Киномеханик эски эшикни тарақлатиб ёпиб, эски қулфни илибди-да, шарақ-шурук қулфлаб, уйига жўнабди.

Тун яримлабди. Ҳувиллаб қолган кинотеатрнинг ҳайҳотдек зали сирли бир сукунатга чўмибди. Замоналидан бошқа яна кимдир бордек экан. Кўп ўтмай ёмғир

## *Азамат КОРЖОВОВ*

челаклаб қуя бошлабди. Зал ичига момақалдириқнинг гулдирашию тарниовдан тўкилаётган сувнинг шариллаши эшитилибди. Ҳақиқатан кинотеатрда Замоналидан бошқа ҳеч ким қолмаган экан. Бироқ...

...бироқ чақмоқ ялт-юлт этган пайт зал бурчагида оп-поқ кийинган қизча кўринибди. У пол тагидан чиқдими, девор орасиданми, англаш мушкул экан. Яна бир чақмоқ чаққанда, шарпа фойиб бўлгандек зал бўм-бўш экан. Учинчи марта чақмоқ нурлари зални ёритганда, оқ кийинган қизча Замоналига яқин жойда намоён бўлибди. Унинг юзи кафандек оқ, кўзлари шишадек совуқ, лаблари қондек қизил экан. Қизча ўриндиқлар оралаб Замонали томон майин сузиб келибди.

— Ака-а!.. — деб шивирлабди қизча. — Ҳой ака-а!.. Бу сенинг жойинг эмас...

Замонали ток ургандек сесканиб, кўзларини очибди. Қоронфиликдан бошқа ҳеч нимани кўрмабди. У уйқусирамаганини тушунибди. Кимдир гапирди, қоронфилик қўйнида бирор бор.

— Ким у? — дебди ўриндиққа қапишиб, атрофга аланг-жалаң боқаркан.

Ҳеч ким жавоб бермабди.

— Қаердаман ўзи? — ғудранибди Замонали. — Уҳ-ҳ... бошим...

Ичган ароғининг таъми оғзидан келиб, кўнгли бехузур бўлибди. Ичиди, эҳтимол, юрагидадир, эҳтимол, анатомия ва биология каби фанлар ҳеч қачон тузилишини кўрсата олмайдиган қалбидадир, кучли афсусланиш, чидаб бўлмас талваса тўлғанибди. Жиноят билан қўлга тушган кимсанинг муқаррар қатл олдиндан пушаймонлигига ўхшаш туйғу экан. «Нега ичдим? Қайси калла билан шу ишни қилдим? Ман этилганини билардим-ку! Энди нима бўлади? Дўзахга тушаман-

ми? Вой онажон, вой отажон... Вақт орқага қайтса...  
вақт орқага қайтса...»

Яна чақмоқ чаққан экан, ҳайхотдек кимсасиз зал бир зум ёришиб, Замонали ўзининг қаердалигини эслабди. Зал яна зулмат қўйнида қолгач, олисда, қабристон томонда шамол эсишига ўхшаш увиллаган овоз эшитилибди. Гўё қиёмат қойим бошлангандек эмиш. Қишлоқ қабристонидаги мурдалар лаҳадлардан чиқиб, маҳшаргоҳга эмас, тириклигида ўзлари яшаган қишлоққа, хусусан, айримлари ёшлигига гуноҳ қилган жойларига – кинотеатрга қараб келаётгандекмиш. Замоналининг тилига на илоҳий калима, на тавба келибди.

– Ас...ас...ас... – ияги қалтирабди унинг.

Замонали бир амаллаб ўрнидан туриб, кетишга чоғланган пайтда нафақат кинотеатрга, балки бутун қишлоққа даҳшатли сукунат чўкибди. Қишлоқ аҳли ухлаганга эмас, ўлиб қолганга ўхшабди. Замонали бу дунё қаҷонлардир эмас, яқин орада тугашини юрак-юракдан ҳис этибди. Бу ердан тирик чиқиб, уйига соғсаломат етиши даргумон экан. Тамом, ҳаммаси тамом.

Оёқ-қўлидан мадор кетиб, ўриндиққа ўтириб қолибди. Кейин ён суюнчиқларга таяниб, ўрнидан турмоқчи экан, гавдасини кўтаролмабди.

– Ҳидинг бунча ёмон, aka! – деган овоз эшитилибди аллақаердан.

Замонали бошини хиёл буриб, ўнг тарафда, бир неча ўриндиқ нарида совуқдан титраб-қақшаб турган оппоқ кийимли қизчага кўзи тушиб, ўтирган жойига ғужанак бўлиб олибди. Қизчанинг қип-қизил лаблари четига анорнинг қуюқ сувидек қорамтирилган сизиб чиқибди.

Замоналининг тили зўрға айланибди:

– С... с... с-е-е-н... ким... кимса-а-а-н?..

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

— Бунчалар ёмон ҳид, — дебди қизча қаҳр билан.— Қонинг уюшиб, тилинг шишиб, гапиролмай қолмасингдан аввал тилдан қолдингми, ака?

Қизча хоҳламаса-да, Замонали томон бир қадам ташлабди. Оппоқ юзи азобдан буришиб, чўғдек кўзлари қонталаш туsgа кирибди. Замонали жон ҳолатда ўриндиқлар оралаб эшик сари қочибди. Қизча соя каби эргашибди. Замонали ва қизчани инсон зоти тушунмайдиган қандайдир ип боғлаб турган экан.

— Тўхтанг, ака, — дебди қиз Замоналининг қочиб кетаётганидан фазабланиб, вишиллаган овозда. — У ёққа бир қаранг!.. Пол тагига... У ёққа тушинг... У ёққа... у ёққа...

Замонали клубнинг эски ёғоч эшигига гурсиллаб урилган экан, қулф банди синиб, эшик тарақлаб очилиб кетибди. Ёмғирдан ҳалқобларга тўлган зим-зиё кўчадан уйига қараб сувни шалоплатиб, гандираклаб, қора терга ботиб югурибди, югураверибди. Аллақаёқда кимдир секин, аммо алланечук сирли ва қўрқинчли ҳуштак чалибди. Ҳуштак ўлимдан кўкарган лабларнинг чўччайиб, ўргимчак тўри қоплаган заҳ чуқурлик ҳавосидан ўпкасини тўлдириб олиб пуфлаганидан ҳосил бўлганга ўшаркан. Ҳуштак овози то уйигача таъқиб қилиб борибди.

Замонали дарвозага қандай етиб келгани-ю ҳовлисига кирганини ҳам, хонама-хона ўтиб, тўшагини топганини ҳам билмабди. Унинг алаҳлаб ётганига шоҳид бўлган оиласидагилар шифокор чақиришибди. Адойи тамом бўлганини Замоналининг ўзи кинотеатрдаёқ англаб етган экан. У кинотеатрнинг мудҳиш сирини пицирлаб-пицирлаб, зўрға-зўрға айтибди:

— Арвоҳ... арвоҳ кўрдим... Қлупда... Оқ қийимли қиз... Мени чақирди... пол тагига... Мени қувди... мени... мени...

Иккинчи куни Замонали вафот этибди. Тез орада атроф-жавонибга у ҳақда «қаттиқ қўрқувдан ўлибди» деган миш-миш тарқалибди. Албатта, миш-мишга кинотеатр биноси ҳам қўшилибди: «Замонали ичиб, қлупда ухлаб қолибди. Ярим кечаси уйғониб, оппоқ кийинган қизчани кўрибди. Бечора Замонали уйигача югуриб келиб, икки кун ётиб, ўлиб қолибди».

— Қлупнинг олдидан кечаси ёлғиз ўтманглар, — дейишибди оналар фарзандларига.

— Кечаси ўтсаларинг, калима қайтаринглар, — ўргатишибди момолар.

— Э, бунча ваҳима қиласанлар! Ҳаммаси қуруқ гап! Арвоҳ-парвоҳ йўқ! Замонали кўп ичарди, спиртлар борган сайин сифатсизлашиб кетяпти, юрак кўтаролмаган! — деб ваъз ўқишибди оталар.

Халқни аввалгидек Меъмор Таравовга ўхшаганлар далага ҳайдамас, бирор ҳайит ёки таровеҳ намозларига қарши чиқмас, ҳар ким ўзича умргузаронлик қиларкан. Одамлар кинотеатрга кино қелишини энди интиқ бўлиб кутишмас ҳам экан. Тўй бор, байрам бор, бир ёқда чақалоқ туғилиши, яна бир ёқда суннат қилдириш, қиз узатиш, эллик, олтмиш йиллик юбилейлар — бари худди кинотеатрда қандай ҳузур-ҳаловат қилинган бўлса, шундай давом этаркан. Энди кинотеатр ёлғиз эмас экан-да.

— Биз яшашни ўргандик, бурунгиларга жуда қийин бўлган-да, — дейишибди кишилар тўй-байрамларда.

— У замонларда ҳаёт оғир эди, — маъқуллашибди қадаҳ кўтарган бошқалар.

Иккинчи воқеа июль кечаларининг бирида рўй берибди. Аслида бунгача қишлоқда турли йилларда ўндан зиёд жиноят содир этилган экан. Масалан, кинотеатр ёнидаги омборхонада юз берган ўғирлик, тўйдаги қонли жанжаллар, бир ошкора қотиллик, бўй етган

қызниң номусига тегиб қўйиш, маст ҳолатдаги авто-  
ҳалокатга учрашлар... Лекин бу воқеаларни ҳеч кимга  
кинотеатр биносига алоқадор деб ҳисобламабди.

Алалхусус, ўша июль кечасида тўйдан ширақайф  
қайтаётган бир киши кинотеатр ёнига етгач, заҳар  
тант қилиб қолибди. У қорин қўйган, юзи тўқлиқ-  
дан қизарган қирқ-қирқ беш ёшлардаги шахс экан.  
Қоронғиликда бемалол юаркан ва гўдаклигидан бери  
қоронғиликдан қўрқмаганини табиий деб тушунса  
бўларкан. Кинотеатрнинг қоронғи томонига ўтиб,  
дераза тагини булғаб, эндиғина кетишга ҳозирланган  
ҳам эканки, қулоғига мушук миёвлаши эшлилиб-  
ди. Шунда у кинотеатрнинг синган ойнаси ортидан,  
аниқроғи, бўм-бўш ва қоронғи зал ичкарисидан ким-  
дир боядан бери тикилиб турганини сезибди. Мушук  
ҳам биринчи марта миёвламаганини англабди. Икки-  
уч марта миёвлари шекилли. Миёвлаш ҳам мушук-  
ларга хос эмас эди, нимасидир одам овозига ўхшаб  
кетаркан. Гўё томоғи оғриган кимса мушукка тақ-  
лид қилиб, бир қўлини карнай қилиб, бўғиқ овоз-  
да, чўзиб-чўзиб «миё-ё-ё-в-миё-ё-ё-в-в-в...» деган-  
дек. Деганда ҳам чақчайган кўзларини кинотеатрни  
булғаётган кимсанинг синиқ ойнадан кўриниб тур-  
ган жундор бошидан узмай миёвлагандек.

Мастнинг миясига тўқмоқ урилгандек бўлибди. Тў-  
сатдан кўп нарса ёдига тушибди. Ахир, бу ерда Замо-  
нали арвоҳ қизни кўрган-ку! Бир вақтлар кинотеатр  
ўрнида Авлиё ота деган одамнинг уйи, нафақат уйи,  
ҳатто қизининг қабри бўлганини бобоси сўзлаб бер-  
ганку! Бобоси ўшанда жамоа хўжалигида ферма муди-  
ри экан. Меъмор Тараков қабрни буздириб, кинотеатр  
қураман, қишлоққа маданият олиб келаман, деганида,  
бобоси: «Авлиё отанинг ҳовлиси зиёратгоҳга айланган,  
бузиб ташласак эл хафа бўлади, ҳовлида мозор борли-

гини ҳам ҳаммамиз биламиз», деб йўлдан қайтаришга уринган. Раис кўнмаган ва ўз билганидан қолмай, Авлиё отанинг ҳовлисига қизил бульдозерларни юборган. Бобоси умрининг охирида «Молларнинг мудири эмас, одамларнинг мудири бўлиш пешонамга ёзилмаганидан афсусдаман», деб жон берган.

— Маданият... — ғулдирабди ферма мудирининг авлоди.— ...мен маданиятни булғадимми?

Шу пайт бир жуфт чақноқ кўз зим-зиё зал ўртасидан синиқ ойнага яқинлашибди. Даҳшатдан тарашадек қотган маст худди сеҳрлангандек на қичқирибди, на қочибди.

— Уҳ-ҳ-ҳ... — деб шарпа шундай оғир уҳ тортибдики, мастнинг юзига совуқ ва зах ҳаво урилибди.

«Бу мушукми ёки оқ қиз шарпасими?» деган хаёл ўтибди мастнинг кўнглидан ва ғайрихтиёрий қизиқиш ила тикилибди. Шарпа синиқ ойнага янада яқин келибди, юз-кўзига қишлоқ чироқларининг шуъласи тушибди. Ё алҳазар, у кўп йиллар аввал ўлиб кетган бобоси эмиш. Уша ферма мудири! Фақат аввалгидек фарангি кўйлак, бўйинбог, шляпада эмас, оқ сурпга ўралиб олганмиш.

— С...си... сиз-з-з... — дея олибди авлод.

— Бу ер мозор деб минг марта айтганман, менга кулоқ солишмади, — дебди бобо.— Сен энди энг бадбўй ўликсан... Бўккунингча единг, ичдинг, булғадинг... Менга қара!.. Менга яхшилаб қара...

Шарпа синиқ ойна кўзига юзини тутган экан, авлод унда ўзини кўрибди. Ҳа, бобосининг турқ-таровати бир эврилиб, мастнинг айнан ўзига айланиб қолибди. Кўзлари ўлимтик эканини, ранглари аллақачон синиқиб, лунжлари бодраб-бодраб яра-чақага тўлганини шу онгача билмаган экан.

— Пишт... — дебди маст ўз нусхасига.

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

Қиёфадоши жон аччиғида ёввойи мушукдек миёв-лаб, пол тагига – дўзахга қулаб тушибди. Эсхонаси чиққан маст ҳам худди Замонали каби уйига қочиб бориб, касал бўлиб қолибди. Ўлимидан олдин тили зўрға айланибди:

– Қлупда... қлупда қора шарпани кўрдим... Мушук эди... Қора мушук... Одамга ўхшарди... Менга ўхшарди...

Мастнинг кинотеатрдаги мушук шарпасидан қўрқиб касал бўлиб қолиши ва ўлиши қишлоқдаги эски мишмишларнинг қозонига ўт қалабди. Хосиятсиз маконда арвоҳми, жинми ёки одамлар тушунмайдиган бошқа бир ёвуз кучми, нимадир борлигига энди кўпчилик, жумладан, ҳеч қандай инс-жинсларга ишонмайдиганлар ҳам амин бўлишибди. Каттароқ одамлар ҳам кечаси кинотеатр ёнидан ёлғиз ўтса, иложи борича ўзини чалғитишга, бўм-бўш, қоронғи залдан эшитилиши мумкин бўлган овозларга қулоқ солмасликка, шуълалар ўйнаётган синиқ ойналарга қарамасликка уринаркан. Диндан бехабарлар, ҳеч бўлмаса, «Астағфируллоҳ... астағфируллоҳ» деб пичирлар, ўзларини энг қучли дуони ўқиётгандек ҳис этар, аммо «Мабодо бу дуолар таъсир қилмаса, шарпалар қлупдан чиқиб, мени қувласа нима қиласман?!» деб кинотеатрдан сал ўтгач, қадамини янада тезлаторкан. «Чақалоқ йифлаганини эшийтдим», «яrim кечаси учта шарпани кўрдим, адашмасам, бири қиз бола эди», «менинг эса қулогимга мушук миёвлагани чалинганди, ўтакам ёрилиб кетди, орқамга қарамай уйгача чопиб борибман» дегувчилар тез-тез учраб турарди.

Қишлоқдан файз кетди. Кинотеатр боги қуриб, да-рахтлар орасида моллар ва эшаклар қўним топишди. Ойнанинг синган кўзларидан залга кирган майналар, чумчуқлар кундуз шовқин солишар, ёввойи каптар-

лар ва мусичалар ғу-ғулаб, ку-кулашарди. Санъаткорлар ҳам энди қишлоқнинг хароб кинотеатрига эмас, яхшигина пул тўланадиган тўй-ҳашамларга борадиган бўлишди. Тошентдан келадиганлари ҳам шундай эди, албатта. Тасмали кинолар билан бирга каттакон киноаппарат ҳам йўқ бўлиб кетди. Одамлар дастлаб вагонларда намойиш этиладиган «видео» деб аталадиган киноларга бориб юришган бўлса, секин-аста бу «видео»лар ойнаи жаҳонга ҳам кўчди. Эндиликда бутун ўлкада кинотеатр муҳити ҳукм суриши айни ҳақиқатдек эди, аммо...

...аммо мамлакатда кунларнинг бирида қуёш ҳар доимидан чараклаб чиқди. «Истиқлол», «мустақиллик», «хурлик» деган овозалар ёшу қарини шод этди. Майин шамол харобазорга айланган кинотеатрга ҳам етиб келди.

— Ўтилинг, — деди терговчи қўлга олинган жиноятчи эркакка стулни кўрсатиб.

Жиноятчи ўтирди.

— Ҳуррият қишлоғидан экансиз-да... — деб терговчи папкадаги қофозларга кўз ташлади.

— Менми? Марксданман, — палағда овозда ўшшайиб жавоб берди эркак.

— Собиқ «Маркс» совхози маркази, — тузатиш кириди терговчи.

— Мен янги номини билмайман.

— Чет элда қочиб юрган кимса бу ёқларда нималар бўлаётганини билмаслиги мумкин. Майли, нима ҳам дердим. Нега Ҳуррият қишлоғидан эканлигинизни сўраганимни дарров тушунгандирсиз?

— Қўлингиздаги «дело»да ҳаммаси ёзилган, шунга қараб гапирияпсиз-да.

— Афсус, мен сиздан бошқа гап кутгандим. Тожиқурова Зарина деган қизни танирмидингиз?

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

— Бүйнимга олганман, танийман. Уни мен ўлдирмаганман. Ҳаммасига Санжар айбдор. Санжар қотилэди. Мана, ўлиб кетиб, унинг ишларига ҳам мен жавоб беряпман.

— Ҳуррият қишлоғи марказидаги кинотеатрга қа-чондан бери уя қуриб олгандинглар?

— Мактабда ўқиб юрган пайтларимиздан бери. Саксонинчи йиллар эди ўшанда.

— Кинотеатр ертүласида жиноий бошпана қуриш фикри кимдан чиққан?

— Санжардан. Бир куни дўкон олдида сигарет қолдиқларини ахтариб юрганимда, Санжар чақирди. Қоқ туш пайти эди. Мени қлупнинг...

— Кинотеатрнинг демоқчимисиз?

— ...ҳа, кинотеатрнинг орқасига бошлаб борди. У ерда ҳеч ким йўқ экан. Эшик тепасидаги кўзи синган дераздан ичкарига ошиб тушдик. Кейин Санжар саҳнага бошлаб борди. Саҳнанинг олд томонидаги тахталардан иккитаси олинар экан. Биз саҳна тагига кирдик. Санжар ҳар эҳтимолга қарши деб тахталарни жойига ўрнатиб қўйди. «Саҳна тагида ҳам ҳаёт бор экан-да?» — дедим мен Санжар қўл чироғини ёққанида. «Сен аввал бу ерни кўр», дея у мени сал наридаги ҳандаққа эргаштириб тушди. Ҳандаққа тушиб, худди окопга ўхтайдиган йўлдан юриб кенг, мўл ертўлага ўтдик. Ер остидаги бу хонага эски кўрпачалар, стол-стуллар, ҳатто йифма каравот ҳам келтириб қўйилганди. Чекдик, ичдик, нон ва консерва едик. Санжар менга у ерни сотмаслик учун қасам ичирди. Кинотеатр ертўласида маҳфий хонамиз борлигини ҳеч кимга айтмасликка онт ичдим. Сизлар изимиздан тушиб... аниқроғи, қлуп қаровсиз қолиб, ўйинқароқ болалар саҳна тагидаги яширин йўлни кўриб қолмагунларича билмадиларинг.

— Тасодифан аниқлашди деб ўйласангиз, янгли-

шасиз. Дүкөндеги ўғирлик ҳам изларингни фош этди. Орган ҳам ишләяпти.

— Дүкон ўрни эски замонларда жарлик бүлган экан. Кинотеатр қурилганида, жарлик күмилиб, текисланыб, совхоз омборхонаси қурилган. Биз кинотеатр тағидан макон қуриб олганимиздан сүнг лаҳм қазиб, омборхонага осонгина йўл топганмиз. Плитани жойидан силжитиб, омборда пайдо бўлардик. Сигарет, ароқ, вино, кийим-кечак, ашқол-дашқоллар — ҳаммасидан инсофи билан ўғирлардик. Сүнг плитани жойига кўйиб, изсиз йўқолардик. У замонлар ўғирлик замони эди, ака. Омбор мудирининг ўзи энг катта ўфри эмасми, бизнинг олганларимиздан кўз юмиб юборарди.

— Зарина давраларингга қандай қўшилиб қолган?

— Уни ҳам Санжар топган. Зарина туман марказида яшайдиган бетайин хотиннинг мустақил ҳаётга қадам кўйган ўн етти ёшли сатанг қизи эди. Биз егулик, ичгуликни ғамлаб, кечаси кинотеатрга кирардик. Махфий ертўламиизда икки қунлаб қолиб кетардик.

— Сизнинг жуфтингиз йўқ эди шекилли?

— Биз жуфт эмас, тоқ эдик. Бошқача айтганда, Заря менга ҳам маъшуқалик қиласарди. Замон, муҳит шунаقا эди-да. Тепада виждон, ҳаллоллик, коммунизм ҳақида гапириларди, пастда эса биз... ҳеч қанақа гуноҳдан қўрқмасдик. Наша ҳам чекардик. У пайтларда наша арzon эди, кўкнори-ку томорқаларга ҳам экиларди. Тиқилинч сариқ автобусларда киссанурлик қилишдан афсонавий жиноятчи даражасига қўтарилишни хоҳларди Санжар.

— Қиз қандай ўлдирилди?

— У Санжарни сотмоқчи бўлди. Туғишидан аввал ертўлада бир ҳафта ётди. Онаси уни ўйнаши билан дам олгани кетди, пул ишлаб келади, деб ахтармади ҳам. Бечора роса қийналди. Бир куни кинотеатр залида

йиғилиш бўлган. Йиғилишда бир кекса одам ҳаётнинг ўткинчилиги, инсон ҳамма гуноҳлари учун жавоб бериши ҳақида гапирган. Заря ертўлада гужанак бўлиб ётиб, ҳаммасини эшитган. Ўша кеча Зари тўполон кўтариб, Санжарни сотишга қарор қиласди. Санжар уни бўғиб ўлдириб қўйиб, саҳна тагига кўмиб ташлаган.

- Қақалоқ қаерга дафн этилган?
- Мен уни тепаликдаги қабристонга кўмиб келганиман.
- Қотиллик содир этилганда қаерда эдингиз?
- Тепаликда... Авлиё ота қабристонида... У ерни Темур тепалиги ҳам дейишарди...
- Нима учун жиноятни яширдингиз?
- Нима учун сотишим керак эди?
- Тўғри, шунинг учун ҳам умрингизнинг қолган қисми қамоқда ўтади... Хўш, сиз кинотеатр Авлиё отанинг ҳовлиси ўрнида қурилганини, у ерда Авлиё отанинг қизининг мозори бўлганини билармидингиз?
- Марксданман-ку. Нега билмас эканман!
- Кечаси кинотеатр ертўласида ароқ ичиб, зино қилибсиз, арвоҳдан қўрқмадингизми? Қишлоғингиз одамлари оппоқ кийимли қизнинг арвоҳини кўрган. Одамлар юрак касал бўлиб ўлган.
- Мен ишонмайман.
- Арвоҳга ишонмайсизми?
- Йўқ.
- Худогами?
- Йўқ.
- Одамларгами?
- Йўқ.
- У ҳолда нимани назарда тутяпсиз?
- Ҳеч нарсани. Мен сизнинг ҳамма саволингизга жавоб бериб бўлдим.

Терговчи жиноятчига қаттиқ тикилди. Жиноятчи шундай деди:

— «Сүнгги тилагинг нима?» деб сұрашса, «Бундай замон қайтиб келмасин» деган бұлардим.

— Агар кинотеатр үрнида бошқа бино, масалан, масжид бұлғанида сиз яхши инсон бұлиб вояга ети-шингизга ишонасизми?

Жиноятчи кулди. Кейин унинг күзидан бир томчи ёш думалаб тушди...

Янги давлат Авлиё отанинг ҳовлиси үрнида масжид қурдириб, зиёрратгоҳни тиклади. Шунингдек, қишлоқ марказида янгича кинотеатр ҳам қад ростлади. Кинотеатр ёнидаги бино эса халқ кутубхонасига берилди. Кутубхонага бадиий ва илмий асарлар билан бирга одоб-ахлоқ, ҳадис, тафсир, истиқбол ҳақидаги китоблар ҳам келтирилди.

Ўша йили қирқ йилдан бери илк бор түй дастурхонига ароқ қўйилмади. Одамлар маданийлаша бошлади...

## **«ШОМ» ЮЛДУЗИННИНГ ҚИСМАТИ**

Бир иш билан шаҳар чеккасидаги маҳаллага бордим. Кун қайтган бұлса-да, асфальтдан тандир ҳовури кўтарилади. Қўчаларда қимирлаган сурат йўқ. Уйларнинг биқинидан очилган дўконлар ҳам кимсасиз. Бундайроқ одамлар қурган икки қаватли уйлардан фарқли ўлароқ, нақ беш қаватли бинога кўзим тушиб, даставвал эътибор бермадим. Кутган кишимнинг қораси кўринавермагач, кўча бошидаги дараҳт тагида туриб, беихтиёр ўша бинога тикилдим. Атрофидаги уйлар қашшоқларнинг кулбасидек пойида қолиб кетган, ҳақиқатан виқорли иморат. Бир вақтлар қизилга бўялганини мен турган жойдан ҳам пайқаш мумкин. Йиллар ўтган саинин ёмғирлар савалаган, шамол туртиб ўтган, қўёш

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

олов тутган, алалоқибат қизил бүёклар түкилиб тушган эди. Юқори қаватнинг ойнасиз деразаларидан бир гала каптар учиб чиқди. Сирти таъмирланмаган десам, ичи ҳам қаровсиз шекилли. Қизиқ, кўпинча жонсиз нарсаларнинг ботини ва зоҳири бир хил бўлади.

Шу он телефоним жиринглади.

— Сизни ҳам овора қилдим, — деди мен кутаётган одам.

— Кўча бошидаги дараҳт соясида йўлингизга интизорман, ака. Қанча вақтда келасиз?

— Узр, ушланиб қоламан. Камида бир соат.

Соатимга қараб уф тортдим.

— Кутаман, ака. Эртага қолдирсак бўлмайди, тушунинг, ахир.

— Эртага қолмайди, фақат бир соат кутиш керак.

— Кўчада тик оёқда турганимни инобатга олиб тезроқ келишнинг иложини қилинг, илтимос.

Гапимни у бошқа маънода тушунди чоғи, деди:

— Беш қаватли бинони кўряпсизми?

— Ҳа, каптархонами?

— Қанақа каптархона? Ҳозир тўғри ўша ёқقا кетинг. Ошхоначига мен юборганимни айтинг. Телефон қилиб қўяман.

Қисқа дудуллаш эшитилди. «Майли, сиз айтганча бўла қолсин», дедим. Беш қаватли бинога тезроқ етиб олиш учун маҳалла оралаб жўнадим. Кўп ўтмай кенгроқ йўлга чиқдим ва беш қаватли бинонинг тутун чиқаётган кириш эшигини узоқдан кўрдим. Биринчи қаватдан кичикроқ ошхона очилган эди.

Ким юборганини кабоб елпиётган кишига айтдим.

— Марҳамат, ичкарида ҳам, ташқарида ҳам жой бор, — деди у.

Бўш экан деб ташқаридаги бир столни эгаллагандимки, аллақаёқдан хўппасемиз, олтмиш ёшлардаги

турқи совуқ кимса пайдо бўлиб қаршимга ўтириди. «Бу ер банд» демоқчи эдим, менда гапи борлигини сезиб, индамадим. Ошхоначи унга қўли кўксиса енгил таъзим қилиб қўйгани ҳам шаштимни қайтарди.

— Биринчи келишингми? — сўради кимса дабдурустдан.

— Бу ергами? Кўп келганман, — ёлғонладим мен. Лекин орқасидан рост гапирдим: — Шу шаҳарда ишлайман. Маҳаллада ишим бор эди.

— Бу ит маҳалла, — деди ғазаб билан. — Одам яшамайди.

Гапи малол келиб:

— Кечирасиз, — дедим, — одамларни итга тенглаштириш яхши эмас. Ўзингиз ким бўласиз?

— «Қайси итсан?» демоқчимисан? Бе, қўйсанг-чи, мен Олқор Шерлиман. — Стул суюнчиғига бамайлихотир суюниб, менга осмондан қараётган тирик бочка жигимга тегмоқда эди.

— Олқор Шерли деб эшитгандайман.

— Ўша менман. Қўриб турганингдек тирикман.

Танимаган-бilmagанингдан бундай гапни эшитиш кишининг кулгисини қистатарди. Бироқ унинг навбатдаги гапи қизиқиш уйғотди:

— Меҳмонхонамга «Шом» деб ном қўйиб хато қилган эканман. Тез орада бизнесимни зулмат қоплади. Машҳур «Шом» меҳмонхонасининг бугунги аҳволига қара, ука.

— «Шом»? Бу «Шом»ми? — дедим бешинчи қаватгача қайтадан кўз югуртирас эканман.

Хаёлимдан Ҳабиба ўтди. «Синфдошим шу ерда ўлган экан-да, — дедим ичимда. — Бояқишининг фожиасидан кейин меҳмонхона ростдан ҳам ёпилиб, дабдаласи чиқибди».

## *Азamat ҚОРЖОВОВ*

— «Шом»ни ҳамма биларди, — деди Олқор Шерли, — бутун шаҳар, бутун вилоят. Мен шунақа шароит қилиб қўйғандимки, шунақа томошалар уюштиргандимки, бундайи юртда ҳали бўлмаган, бўлмайди ҳам. Европа ҳам ҳайратдан ёқа ушлаганди.

Кўз олдимда марҳума синфдошимнинг маҳзун қиёфаси жонланди. (Лекин Ҳабибани ҳаётлик чофида маҳзун ҳолда кўрганимни эслайлмайман.) Шу тобда унинг руҳи бехосият бинонинг аллақайси хароб бурчагида йиғлаб ўтиргандек эди.

Эндиғина талаба бўлган кезларим шоҳбекатда учратганимда тузуккина кийиниб олганини кўриб кўзларимга ишонмагандим.

«Ҳабиба, сенмисан? — деб ёнига бордим.— Ўқишга ўтдингми?»

«Ишлайпман», — жавоб берди истамайгина.

«Отаси билан уришиб қолган» деган ўй ўтди кўнглимдан. Улар қўл учиди кун кечиришар, отаси ҳар куни ичар, болалари, шахсан, Ҳабибанинг мудом отасидану оиласдаги аҳволдан норози юришини билардим. Мактабни тамомладик, мана, ўқишга ўтдим. Ҳабиба эса, назаримда, иш баҳона ота уйини тарқ этган эди. Отаси шаҳарга ёлғиз кетишига кўнмаган бўлса, жанжаллашган ҳам.

«Қаерда ишлайпсан?» — сўрадим ачинганнамо.

«Ҳозирча сир, — деди у.— Яқиндагина бошладим...»

Кейинчалик ҳамқишлоқ дўстларимдан эшишиб қолдим. Ҳабиба шаҳарнинг аллақайси пучмоғида жойлашган «Шом» ресторанида официанткалик қилаётганимиш. Бошқа бирорлардан эшишишимча, «Шом» ресторан эмас, тунги клуб, шубҳали шахслар меҳмонхонаси ва яна турли балои баттарлар жойлашган шайтоний салтанат эмиш. Нима бўлганда ҳам бурунлари қишлоқдан

чиқмаган қизнинг шаҳарда ёлғиз яшаб, кечалари фа-ла-ғовур маст-аластлар уясида официанткалик қилиши менда яхши фикр уйғотмади. Қолаверса, синфдош қизларни яқындан танийман. Хусусан, Ҳабиба байрам кечаларида биринчи булиб даврага тушишдан, «вальс»дан тортинасади. Мактаб саҳнасида куйлаганида ҳамма унга Юлдуз деб лақаб қўйиб олганди.

Ким билади дейсиз, ҳаёт иўлларида қабиҳ кимсалар учрамаганида у ростдан машҳур хонанда бўлармиди? Афсус, гуллаган ёшлик фаслида хазонга айланди. Мехмонхонадаги лифт шахтасидан абжаги чиққан мурдаси топилгани ҳақида эшитганимда бошимга гурзи билан ургандек гангиб қолгандим. «Бунча тез? Нега ахир?..» дердим нуқул. Гўё Ҳабиба ҳали яшаши керакдегу кейинчалик бахтсизликка учраши лозимдек эди.

— Сезишимча, вақтида катта одам бўлгансиз, — дедим Олқор Шерлига.

— Ҳозир ҳам катта одамман, — кеккайди у.

— Ёшингизни назарда тутганим йўқ. Мавқени айтяпман. Мехмонхонангиз кичик бир ошхонага айланибди. Бу ютуқлардан далолат бермайди.

— Нимадан далолат беришини менга уқтирма. Ким аввалгидек жавлон урмаса, куч-қувватдан қолди дегани эмас. Шунчаки пайт пойляпман, холос. Ҳа, мен кутяпман. Шундай кутяпманки, худди ер тагидаги аждаҳодай.

Шу пайт ошхоначи ярим коса шўрва билан чой-нон келтирди-да, Олқор Шерлига сездирмасдан кўз қисиб қўйди. Бу ишорани «Бобойнинг лақиллашига чиданг энди, ака» мазмунида тушундим.

— Сизга нима келтирай, Олқор ака? — сўради у.

Шерли унга қарамасдан аччиқ кўк чой буюрди.

— Ишлашимга қўйишмади, — бир четга туфлади

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

у. — Кечқурун одамнинг дам олгиси келади, ичсам, ўйнасам дейди, жононлар даврасини кўнгли тусайди. Бундай туйғу ҳар бир одамда бор, шахсан бизнинг ўзбек йигитларида ҳам. Мен ёшларни сендан яхши биламан. Дунёдаги минглаб шаҳарларда бекордан-бекор кўнгилоchar жойлар ишлаб турармиди! Ҳе, булар эса... аҳмоқлар!

— Маҳаллани сўкаётганингизга қараганда, устин-гиздан ёзганга ўхшайди, — дедим.

— Буларми? Булар қораялоқ-ку! Қулларидан пашшанинг иши ҳам келмайди. Лекин тўғри топдинг, устимдан ёзишди. Бир марта эмас, юз марта. Нима бўлди-ю катталар билан келишолмай қолдим. Юмалоқ хатлар бир баҳона бўлди. Ўлиб-тирилиб обод қилган жойимнинг аҳволини кўряпсан. Ишлагани ҳам қўйишмайди ичиқоралар.

— Одамларга тинчлик керак, — дедим овқатга қошиқ ботириб. — «Шом» меҳмонхонаси ресторанида базму жамшидлар бўлади деб эшитардик. Кўча машиналарга тўлиб кетаркан. Ярим кечаси, ҳатто тонгда ҳам мастиларнинг бақир-чақири, машиналарнинг сигналлари тинмас экан. Одам улган деб ҳам эшитганман.

— Мабодо исковуч эмасмисан? — бир қоши кўтарилидди Олқор Шерлининг.

Жаҳлим чиқиб, тўнғизнусха башарага тикилдим.

— Ака, сиздан гап сўраётганим йўқ, ўзингиз келдингиз. Менимча, масалангиз аллақачон ҳал бўлган, изингизга жосус қўйишнинг ҳожати ҳам қолмаган.

— Асабинг чатоқми дейман? Неча ёшдасан?

— Ўттизда.

— Ўттизда мен польшалик мафиозларни Ялтада тиз чўктирганман. Қаерда ишлайсан?

— Кўчмас мулк билан шуғулланувчи фирмада.

— Пичингми бу? Мөхмөнхонамни сүраб хузуримга тез-тез келадилар.

— Бепул берсангиз ҳам олмайман.

— Ололмайсан ҳам!

Ошхоначи чой келтирди. Чой қайтариш асносида Олқор Шерли менга ўқрайиб қараб қўйди, сўнг ҳам-суҳбатдан ажралиб қолишдан чўчигандек қизиқтиришга уринди:

— Бир режам бор. Агар амалга ошса, сен ҳам мижоз бўласан. Эски танишлигимиз ҳурмати ярим нархда ўтириб кетасан.

— Қизлар ҳам ишлармиди? — дедим ўсмоқчилаб.

— Қаерда? «Шом»дами? Қизиқ экансан. Қизларсиз дискотека бўлармиди? Кунимиз ўтмасди уларсиз.

— Биттасини танирдим. Адашмасам, у «Шом»да ишлайман дерди.

— Э, кўп одам ишларди.

— Лекин уни танисангиз керак.

— Ким экан? Исмини айт-чи.

— Ҳабиба.

Олқор Шерли пиёлани оҳиста қўйди. Менга ниҳоятда синчковлик билан тикилиб қолди.

— Ҳабиба... ҳм... Ҳабиба дегин. У танишингмиди?

— Ҳа. Лифтдан йиқилиб ўлганидан ҳам хабарим бор.

— Бинога яна кўз югуртирдим. — Лифт бузуқ бўлганми?

— Лифт зўр эди. Оддий лифтлардан эмас.

— Одамларни нариги дунёга жўнатадиган машинами?

— Ў-ӯ, қармоқни яхши ташладинг. Ҳабибанинг тақдирини назарда тутяпсанми? У маст эди. Лифт ишламаслигини катта-катта ҳарфларда ёзиб қўйгандик. Билмадим, эшиги қандай очилиб кетган. Бу ҳам бир фалокат-да. Шувиллаб... — Олқор Шерли қўли-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

ни баланд күтариб-туширди. -- ...шувиллаб ертұладығи лифт устига тушган. Навниҳол қиз бұлса ҳам, палахмөннинг тоши экан. Лифтнинг томини ўйиб, усталарнинг асбоб-ускуналари солинган ёғоч қутини синдириб юборган. Жасади ҳам таниб бўлмас ҳолатда эди. Кимга қийин? Менга қийин бўлди. Органлар босди, бизнесим дарз кетди.

— Официанткаларнинг ҳам душманлари кўп бўлади. Кимдир итариб юбормаганмикан?

— Официанткада душман нима қиласди? Қолаверса, Ҳабибага официанткаларнинг нима алоқаси бор?

— У официантка эмасмиди?

— Э, қўйсанг-чи, касбини мен биламанми, сенми? Йиллар ўтди. Ростини гапирсам ҳам бўлади. Ҳабиба «Шом» юлдузи эди. Меҳмонхонамга келган казо-казо меҳмонлар уни яхши танирди. Нима демоқчи эканини тушунгандирсан?

— Марҳума ҳақида бундай гапириш яхшимас, ака.

— Үзини сенга оппоқ официантка қилиб кўрсатган бўлса, менда нима айб? Ҳабиба шундоқ кўз ўнгимда турибди. Тўғри, ёш эди, увол кетди, лекин ёмонни ёмон, яхшини яхши дейман. Ҳабиба йўлдан адашган оҳу эканини сендан яширолмайман. У меҳмонхонамнинг хув аваби еридаги ресторон саҳнасида қўшиқ айтарди. Саҳнага чиқишининг, юлдуз бўлишнинг ўша пайтларда нобоп шартлари бор эди. Ҳеч ким мажбуrlамайди, муҳитнинг ўзи секин-аста шартлар сари суриб боради. Ким чекинса, тамом, ҳашамдор залнинг муҳташам саҳнасига қайтиб чиқмайди. Тушундингми? У пайтларда хусусий меҳмонхоналар, ресторанлар, сауналар энди-энди шакланаётганди. Ички муҳити тартибга тушгунча битта Ҳабиба ўлмаган. Ҳа, мен фақат ўзимнинг ҳордиқ чиқариш ўчғимни айтмаяпман. Бар-

ча тунги клублару саunalарни, меҳмонхоналару кечки ресторонларни назарда тутяпман. Ҳозир битта ишкал чиқмасидан қавушингни тұғрилаб қўйишади. Биз ишлаган кезлар эркин эдик.

— Тушунгандай бўляпман. Саҳнадан эркак орқали тушириб юборилар экан, демак, лифтдан ҳам... Шундайми?

— Сурбет экансан-ку, — бит кўзларини қадади Олқор Шерли.— Мени қотилга чиқармоқчимисан?

— Шунчаки икки оғиз ҳангомалашяпмиз, холос. Мавзуни ўзингиз бошладингиз, мен давом эттиредим. Учрашувимиз қандай тасодиф бўлса, Ҳабибани танишимиз ҳам шундай тасодиф. Фақат бир нарсага тушунмаяпман. Ҳабиба қишлоқ қизи эди, бирор билан севишмаган. Нари борса ўтиришларда вальс тушган. Бирдан меҳмонхонага ишга ўтиб, отаси қатори эркаклар унинг атрофида айланиши қандайдир ишонарсиз. Отасини пиёниста дейишарди, балки қизини қиморда ютқазгандир?

Олқор Шерли кўнглимни айнитар даражада томоқ қириб, тамшаниб қўйди-да, шошилмасдан сўзлади:

— Ҳабибанинг ҳаёти бунаقا йўлларга бурилишида отасининг айби бор-йўқлигини билмайман. Қизнинг сен айтган тарзда бахтсиз бўлиши кино-пинода учрайди, ҳаётда эмас. Ҳабибанинг отасини танир экансан, бундан чиқди, улар сенга ҳамқишлоқ ёки узоқ таниш. Қизнинг ёмон йўлга кириб кетишини ҳазм қилолмаётган экансан, эшит, Ҳабиба ўз йўлини ўзи танлаган. Аввало, у ота-онасидан йироқда, ҳеч ким танимайдиган шаҳарда ёлғиз яшашни, халққа кутимагандан юлдуз бўлиб танилишни орзу қилган. Эсимда, бир енгилтак қиз билан танишиб қолган, ижара уйида яшаган. Қиз менинг меҳмонхонам атрофида кўп ўралашарди. У Ҳа-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

бабани фаррошлилкка таклиф қилғанди. Биринчи куни ҳожатхона тозалаб юрган чиройли қызни күриб юқори қаватларга ишга ўтказдирдим, маошини күтардим. Жарангдор овози, истеъоди борлигидан тез орада хабар топдик. «Шом» меҳмонхонасининг ресторанига шундай қиз керак эди.

— Бечорани сиз йўлдан урган экансиз-да?

— Буни Гурам оқбошдан сўра, каллаварам. Мен ўз қўл остидаги ходимларга чалкашиб юрадиганлардан эмасман. Ҳабибанинг фожиаси Гурам оқбошдек шайтонга дуч келганида. Иккисининг муносабати ҳақида эшитганимда қулоқларимга ишонмаганман. Одам ҳам шунчалик тез ўзгарадими? Одми кийингган қиз ялтирюлтурларга бурканди. Гурам оқбош унга уй ҳам олиб бермоқчи эди, яширинча тўй ҳам қилмоқчи эди. Афсуски, хотини хабар топиб, катта уруш бошлади. Уруш Гурам оқбошнинг мағлубияти билан тугади. Оқбош шу-шу меҳмонхонамга қадам ҳам босмай кетди. Ҳабиба ҳеч нима бўлмагандек ишлаб юраверди. Унинг бошқа ошиқлари чиқиб қолди. Ресторанга ҳар доим келадиган ўзига тўқ йигитлар кўп эди. Шулардан бири... Хуллас, менга юлдуз керак эди, юриш-туришига индамасдим. Қолаверса, шахсий ҳаёти билан нима ишим бор? Европалик танишим айтганидек, «у энди ёш бола эмас, ўз йўлини танлашга ҳаққи бор».

— Ҳе йўқ, ёшлиқда бебош бўлганингиз очиқ кўриниб турибди. Ҳарҳолда, меҳмонхонангизнинг муҳити ҳалигидақа бўлган экан, наҳотки, ўз мулкингизда жим юрган бўлсангиз?

— У менинг ходимим эди, дедим-ку. Мен ўз қўл остимдаги...

— Кечирасизу, Ҳабиба фаррошлилк қилиб юргани-

да, шундай нигоҳ ташлагансиз. У меҳмонхона юлдузига айлангач, сиз...

— Бұлди, тушундим. Айбимни тан оламан. Ҳабибани далаховлимга таклиф этганды.

— Борғанми?

— Ҳе-е, мен меҳмонхона хұжайини әдим.

— Борғанми? — саволимни алам билан тақрорладым.

— Гапнинг маъносини тушунмайсанми? Ҳафтафаҳм гестапомисан?

— Йўқ, шунчаки сўрадим, — дея бўшашдим.

— Шуни унутма, ука, унақа қизларнинг қисмати азалдан бир хил. Ҳабибани бешинчи қаватга чиқариб қўйган лифт қайтиб туширмади. Бунда катта мантиқ бор. Шоиртабиатга ўхшайсан, мендан тузукроқ тушунасан бунақа фалсафани.

Олқор Шерлидан бир неча сония кўз узмай сукут сақлаб ўтиридим. Нима дейишни билмасдим. Синфодшим ҳақида қалаштириб ташлаган мудҳиш маълумотлар юрагимга наштар бўлиб санчилганди.

— Гурам оқбошни қаердан топсам бўлади? — сўрадим ундан.

— Ҳабибанинг кимисан?

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин.

— Майли, айтмай қўя қол. Ўлимидада менинг бир грамм ҳам айбим йўқлигини унутма!

Олқор Шерли ўрнидан инқиллаб туроётганди, билагига чанг солдим.

— Ўв, одам қиёфасидаги чўчқа! — дедим ғазаб билан. — Шукр қил, бу ерга Ҳабиба учун қасос олишiga келмаганман. Акс ҳолда ҳолингга маймунлар йиғларди. Ҳаммасини Ҳабибага ағдаряпсан. Бир нарсани унутиб қўйяпсан! Нега у ўн саккиз йил биз билан битта маҳаллада яшади-ю қўлимизни ҳам теккизма-

## *Азамат ҚОРЖОВОВ*

---

дик, сенлар эса ўн саккиз кунда оч ҳайвон каби күз олайтирдинглар? Нега уни мен йўлдан урмадиму бу қабиҳлик сенларнинг чекингга тушди? Демак, ҳамма гап чиркин ниятли кимсаларнинг муҳитида. Меҳмонхонангни ёпиш у ёқда турсин, Ер юзидан супуриб юбориш керак эди...

Ёввойи мушук ҳуркитиб юборди чоғи, бешинчи қаватдан кантарлар гурра учди. Олқор Шерлиниңг пешонасини кантар гўнги безаб қўйди.

— Бойлик қўнди, — деди у гапларимни эшиитмагандек.

Ейилмаган овқатнинг пулини столга ташлаб, «Шом»дан узоқлашдим.

Дарвоқе, бошни қуш гўнги бежаса бойлик келади, дейишади. Кўп ўтмай Олқор Шерлини ўз невараси — гиёҳванд ўғривачча пичоқлаб ўлдирганини эшиитдим. «Шом»да ўзгача бир ҳақиқатни тушундим: гўё қуш қиёфасидаги ўлим даракчилари навбатдаги қурбонига белги қўйган эди. Олқор Шерлиниңг ўрнида, яъни бир қадам орқада бўлганимда белги менга қўйиларди. Дўзах бир қадам, эҳтиёт бўл, дегани эмасмикан бу?

Ўша куни танишимни учратолмай шаҳар чеккасидан қуруқ қўл билан келдим, аммо юрагим бўш қайтмади. Армону изтиробларга тўлиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Ҳабибанинг руҳи ўз баҳтига зомин бўлган хароба меҳмонхонага қўнолмай, юрагимда бир кеча меҳмон бўлган эди.

## МУНДАРИЖА

Хиёнат остонасида .....	3
Бой берилмаган баҳт .....	25
Жарликдаги түй ёхуд өңдөнүү үқилган никоҳ .....	35
Хосиятсиз хазина .....	54
«Биз бир дараҳт эдик...» .....	62
Чапдаги узанги .....	68
«Мен сени севардим...» .....	75
Алвидо, баҳт .....	96
Үфрилар .....	105
Құшни үйдаги құшиқ .....	115
Шифтдан тушган илон .....	120
Қасос истаги .....	130
Сұнгги кечә .....	134
Сталкер .....	145
Гумроҳлар .....	156
Бир куни .....	177
Тұхмат.....	185
Тақдир эшиги .....	196
«Унутмайман сени ҳеч қачон» .....	206
Шоввозлар .....	218
Ишқ ва виждон .....	223
Кинотеатрдаги арвоҳ .....	233
«Шом» юлдузининг қисмати .....	259

*Адабий-бадиий нашр*

**Азамат ҚОРЖОВОВ**

# **ЖАРЛИКДАГИ ТҮЙ**

*Хикоялар*

Мұхаррір: *O.Қанаев*

Дизайнер: *P.Ташматов*

Мусаҳых: *M.Холиқова*

Сағифаловчы: *G.Курбанбаева*

Нашриёт лицензияси: АI №270

Босишига 24.01.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtec Times UZ” гарнитурасыда оғсет усулда босилди.

Нашр босма табоги 17,0 Адади 5000 Буюртма №7

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрға тайёрланды.  
«Dizayn-Print» МЧЖ ҮИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

*Email: dizayn-print@mail.ru*

*www.Ijodpress.uz*